

**Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси
мустақиллигининг 22 йиллигига бағишиланади**

КИФТИОБ ГУЛДАСТАСИ

Тошкент
«Мухаррир» нашриёти
2013

УЎК 821.512.133(082)

КБК 84(5Ў)7 - үзб. оғоз.

Кифтиоб гулдастаси: / тўплаб, нашрга тайёрловчилар Л.Ўрокова,
С.Исомиддинов. – Т.: “Мұхаррир” нашриёти, 2013. – 320 б.

ISBN-978-9943-25-364-3

Мазқур китоб Қашқадарё вилоятининг Китоб туманида түгшлган ва яшаётган ижодкорлар қаламига мансубдири. Тўпламдан ўзбек мұчитоз адабиётининг таниқти вакили Мулла Қурбон Ҳиромий, Жўнайдилло Ислом Шайх ўғли Ҳозик ва таниқти халқ баҳиси Абдулла Шоир Нурали ўғли, Мұхаммаджон Раҳмоннинг асарларидан тортиб бугунги кунда республикамиздаги олмавий ахборот воситалари ва бошқа турли соҳаларда меҳнат қилаётган ижодкорлар, шунингдек, олий ўқув юртлари, касб-хунар колледжлари, лицей ва мактабларда таҳсил олаётган ижодкор ёшлиарнинг асарлари ўрин олган.

УЎК 821.512.133(082)
КБК 84(5Ў)7

Тўплаб нашрга тайёрловчилар:

Лола ЎРОҚОВА


Салоҳиддин ИСОМИДДИНОВ

1042073
291

Такризчи:

Юсуф ҲАМДАМОВ,

филология фанлари номзоди, доцент



ISBN-978-9943-25-364-3

© “Мұхаррир” нашриёти,
Тошкент, 2013 й.

АДАБИЁТГА ЭЪТИБОР – МАЊИАВИЯТГА ЭЪТИБОР

Китоб тумани Қашқадарё вилоятида ўз тарихи, маданияти ва анъаналарига эга бўлган, фан, адабиёт ва санъат ривож топган гўшалардан биридир. Биз туманда яшаб ўтган аллома ва авлиёларимиз, шоир ва саѓъаткорларимиз билан ҳақли равишда фаҳрланамиз.

Ўзбек мумтоз адабиётининг таникли намосидаси Мулла Қурбон Хиромийнинг 30 минг мисрага якин адабий мероси – “Чор дарвеш”, “Тўтинома”, “Раъно ва Зебо”, “Махфилоро”, “Юсуф ва Зулайҳо” каби достонлари, Навоий ва бошка шоирлар ғазалларига битган мухаммаслари, Ҳирот шаҳрида туғилган бўлса-да, Китобдан паноҳ топган ва биз қабрини “Қабри Охун” деб зиёрат қилаётган Жунайдулла Ислом шайх ўғли Ҳозирийнинг ғазаллари, Республикаизда биринчи бўлиб хизмат кўрсатган ҳалқ баҳиси унвонига сазовор бўлган Абдулла Шоир Нурали ўғлиниң терма ва достонлари, шоир, олим ва шайх бўлган замондошимиз Исмоилхон Фақирийнинг дилбар ғазаллари, Мулла Абдуғафур ота Шукуровининг эртаклари, Кухий тахаллуси остида шеърлар ёзган Пўлод Қурбоновнинг Ватан туйғуси жўш уриб турган шеърлари Китоб адабий мухитининг ўчмас тимсоллариdir.

Ўзбек шеъриятига ўзининг хассос шеърлари билан кириб келган Муҳаммад Раҳмон ижодининг ўзи бир олам. Биз бугунги кунда азим Тошкент шаҳрида ва республикамизнинг катор вилоятлари ва туманиларида самарали ижод қилаётган Мурод Ҳидир, Махмуд Сатторов, Норқобил Жалил, Файрат Мажид, Рустам Мусурмон, Юнус Узоков, Зебо Мирзо, Эргаш Иброҳимов, Мусаллам Умирова, Июбат Нормуродова, Ҳидоят Жўраева, Дилфуз Зарипова, Гулбаҳор Мусаева, Максуд Ҳамроев, Абдулла Йўлдошев ва бошка ўнлаб ижодкор фарзандларимиз билан ҳақли равишда фаҳрланамиз.

Ижод жой ва вақт танламайди. Буни биз бугунги кунда туманимизда яшаб ижод қилаётган ва кўплаб китоблар чиқараётган Ином Ғуломов, Аҳад Бердиев, Лола Ўроқова, Салоҳиддин Исимиддинов, Жамшид Ҳақберди ва бошка кўплаб ижодкорлар мисолида айтиши-

миз мумкин. Эндиликда уларнинг сафига Бахтиёр Насриддинов, Наргиза Муродова, Гулбахор Лукмонова, Флора Илҳом кизи, Мадина Нуруллаева, Ўғилой Нематова, Ўлмас Нурматов, Зилола Жалолова, Олима Тошматова каби иқтидорли ёшлар келиб қўшилмоқда. Бундай истеъододли ёшларни кашф этишда туманда нашр этилаётган “Китоб тонги” ҳамда “Янги газета” газеталари ижодкорларининг хизматлари катта бўлмоқда.

Президентимиз айттаниларидай, адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор, адабиёт масаласи – бу маънавият масаласидир. Шунинг учун ҳам туманда ижод аҳлини қўллаб-қувватлашга катта эътибор берилмоқда. Шу мақсадда “Никол” адабий уюшмаси ташкил этилган. Шоир ва ёзувчиларнинг асарлари тақдимот маросимлари, таникли ижодкорлар билан учрашувлар ва бошқа маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиш тобора анъанага айланаб бормоқда.

Айни пайтда ижодкорлар Лола Ўроқова ҳамда Салоҳиддин Исомиддиновлар томонидан “Кифтиоб гулдастаси” тўпламигининг чоп этилиши ҳам Китоб адабий мухитидаги муҳим воқеадир. Адабиётнинг барча жанрлари камраб олинган мазкур тўплам юзга яқин китоблик ижодкорлар, уларнинг ижоди ҳақида муайян тасаввур ўйғотади. Айниқса, баёзда умидли ёш қаламкашларга ҳам кенг ўрин берилганлиги айни муддаодир. Негаки истиклол йилларида юртбoshимиз томонидан ёшларга катта эътибор қаратилди. Зулфия помидаги республика давлат мукофотининг таъсис этилиши, “Келажак овози”, “Янги авлод” танловларининг ўтказилиши ёш ижодкорлар истеъододларини юзага чиқаришда муҳим аҳамият касб этди.

Адабиёт табаррук бир даргоҳдир. Бу даргоҳга қадам қўйган ва қўяётган китоблик ижодкорлар ҳам ўз асарлари билан мустақил Ўзбекистонимиз ва унинг меҳнаткапи инсонларини улуғлайдилар, Ватанимиз тараққиёти, юртимиз равнақи, элимиз фаровонлигига ўз хиссаларини қўшадилар.

**Узоқ ХУДОЙҚУЛОВ,
Китоб тумани ҳокими**

HAZM



Мулла Қурбон ХИРОМИЙ



*Мулла Қурбон ХИРОМИЙ ўзбек мумтоз адабиётининг таниқи
намоёндаларидан биридир. У 1796 йилда Китобнинг Чармгар
маҳалласида туғилган. Дастребки маълумотни Корапойча гу-
заридаги масжидда олган. Сунг Бухородаги Мирараб мадраса-
сида таҳсил кўрган. Бухородан қайтгач чармгарлик, табиблик,
ҳаттотлик билан шугулланган.*

*Унинг “Чор дарвеш”, “Тўтинома”, “Маҳфил оро”, “Раъно
ва Зебо”, “Юсуф ва Зулайҳо” достонлари бор. Шоирнинг газал ва
муҳаммаслари ҳам машҳур бўлиб, адабий мероси салкам 30 минг
мисрани ташкил этади.*

Хиромий 1885 йилда вафот этган.

ЧОР ДАРВЕШ (Достондан парча)

**ОЗОДБАХТ ЯРИМ КЕЧА ЗИЁРАТГА ЧИҚИБ ШОҲСУФА
УСТИФА ТЎРТ ДАРВЕШНИ КЎРГОНИ ВА АЛАР ҲОЛИНИ БИ-
ЛУРГА КАМИН ҚИЛГОНИ БИЛОХИР АЛАР ҲОЛЛАРИН БИЛИБ
ТАҲҚИҚ ЭТГОНИ**

Бу сафҳа саводига ёзғон ракам,
Мунингдек сурар қоғоз узра қалам:

Шахе бор эди оти Озодбаҳт,
Ки Кустантания анга пойтаҳт,

Ажаб шоҳи ҳашмат паноҳ эрди ул,
Раият уза подшоҳ эрди ул.

Ҳазойину молига ҳад йўқ эди,
Дафойинига ҳам адад йўқ эди.

Неча қаряу кишвару ҳам билод,
Бўлур эрди ҳукмиға уқда кушод.

Ҳама важҳдин гарчи дилжам эди,
Ва лекин шабистони бешам эди.

Туну кун эди қўнгли ғамдин малум,
Нединким анга йўқ эди бир ўғил.

Ким олдида хизмат қилиб юргудек,
Агар ўлса ўрниға ўлтурғудек.

Кишидан агар колмаса бир халаф,
Нетонгким, бўлур молу мулки талаф.

Ки фарзанд учун шоҳи Озодбаҳт,
Кўзига кўринмас эди тоҷу тахт.

Неча муфлис аҳлиға эҳсон бериб,
Ялангочга тўйн, очга нон бериб.

Улус шаҳ тилогини айлаб тилак,
Дуога кўторур эдилар билак.

Мақар айлабон ҳар мозоротни.
Килур эрди тинмай зиёротни.

Бари муддаодин баруманд эди,
Ва лекин таманноси фарзанд эди.

Бир оқшом ўшал шоҳи неку нафас,
Бу ишни ўзига қилиб мултамас,

Деди: “Неча ҳайлу сипоҳим била,
Зиёрат этай буйла жоҳим била.

Улус кўнглини пур малол айлайин,
Неча қабрни поймол айлайин.

Хуш улким бу тун бесарупо чиқай,
Асасдек ўзим эмди танҳо чиқай”.

Дебон ўз либосин бадал айлади,
Зиёрат йўлиға жадал айлади.

Бу йўл катъида гах юриб, гах туруб,
Мазоротқа етди маркаб суруб.

Тушиб отидин ул шаҳи некном,
Мазорот устида қилди хиром.

Борур эрди бу сайру жавлон аро,
Етиши буюк токи айвон аро.

Борубон назар қилди кўнгли синук,
Кўзига кўринди бир ойдек ёруқ.

Дедиким: “Яқинрок бориб англайин,
Бу сирни ниҳоётини тинглайин”.

Назар қилди ул шоҳ кўнглида доғ,
Ёнур суффа устида ёруғ чароғ...

Жўнайдулла Исломшайх ўғли ҲОЗИҚ



Жўнайдулло Исломшайх ўғли ҲОЗИҚ 1778 йилда Ҳиротда тугилган. Бухоро мадрасасида таҳсил кўрган. Ўзбек ва форс-тожик тилларида шеърлар ёзган. Навоий, Фузулий, Бедил, Зебунисо шеърларига муҳаммаслар боғлаган. Тарихий-биографик руҳдаги “Воқеоти Исломий”, “Авлодлар шажараси” рисолаларини ёзган. “Юсуф ва Зулайҳо” “Равзат-ус-сафо” асарининг биринчи жилдини таржима қилган. Бухоро амири Насруллоҳон зулмидан қочиб Китоб туманида яшаган. Амир табонидан ёлланган қотиллар уни 1843 йилда Китобда ўлдириб кетишган. Қабри Али Кушчи маҳалласидаги Мусалламхон қабристонида, “Қабри Охун” деб номланади.

* * *

Димоғим иллатин, бағримни доғин май илож этмаз,
Кавокиб гардишидиндур, бу ғам вазъин мизож этмаз.

Дема тожи эзур шаҳни, ғам ўди бошина чихмиш,
Бу маъни жонига ким равшан ўлса, тахту тож этмаз.

Намозу рўзадин бағрин ўлан ошиқлари сўрма,
Нечукким, подшоҳ вайрон ўлан ерни хирож этмаз.

Фано аҳлиға ҳанфи ворму шайтон бирла тангридин,
Ки ўғри муфлиси торож қилмас, шоҳ бож этмаз.

Кел, эй Ҳозик, бу дунёни талок эт, кимса эр ўлса,
Эр ўлуб бу талиқа-ла бисоти издивож этмаз.

* * *

Мұхаббат мәһнатип билған киши роҳат писанд этмас,
Ачиқ май истаган маҳмур табын майли қанд этмас.

Бу шайдо күнглими чун боғлади зүннори зулфи-ла,
Киши девонани занжир ила бу нағъ банд этмас.

Асос нотавон күнглумға берди қоматинг шавқи,
Бу янглиғ нола журъат йўқса мандек дардманд этмас.

Сену кавсар зилолию, мену онинг лабин завқи:
Нетай, эй зоҳид, андин ўзга сув күнглум писанд этмас.

Кел, эй носих, эшит лапдим ўзиңг, десвона бўлмишмсан,
Нечукким билмадинг десвоналарға суд панд этмас.

Табассум тар лабидин кўз тутарсен, йиғлағил, Ҳозик:
Булат оқузмагунча ёшини гул нўшханд этмас.

Абдулла Шоир НУРАЛИ ўғли



Абдулла Шоир НУРАЛИ ўғли 1878 йилда таваллуд топган. 7 ёшида ота-онасидан етим қолиб, бойлар эшигидә катта бўлган. Чироқчилик Ражаб баҳшига шогирд бўлиб, 18 ёшидан мустақил достонлар, термалар айта бошлигар. У “Сайдинхон”, “Алномиши”, “Нурали”, “Ҳаламонбой”, “Аваз”, Кунтугмиш” каби достонларни маҳорат билан ижро этган.

1991 йилда Ҷўлпон нашириётида Чори Ҳамро ҳамда Шарофжон Орифий томонидан Абдулла Шоир термалари тўпланиб, “Назарингга тушсин назарим” номи остида чоп этилган. У 1936 йилда Тошкентда бўлиб ўтган баҳши-шоирлар кўригида, 1937 йилда Москвада бўлиб ўтган Ўзбекистон адабиёти ва санъати декадасида иштирок этди. Ҳамид Олимжон унга багишлаб ўзининг машҳур “Дўмбирам” шеърини ёзган.

Абдулла Шоир 1957 йил 18 февралда 79 ёшида вафот этди.

ҚАЙНАРБУЛОҚ

Кишиликда кимим йўлар,
Кўнглим, бўшалар, тупар,
Кўзим йўлларда бўлар
Қайнарни кўрмагунча.
Бўзлаб колган бўтаман,
Довон ошиб ўтаман,
На бор ором, ётаман
Қайнарни кўрмагунча.
Кишиликда азизларим,

Уйку күрмас күэларим,
Олов сочар сүзларим
Қайнарни күрмагунча
Қайнар булок – чашма булок,
Чашма булок–тошма булок,
Ойдин булок, қайна булок,
Келинларга ойна булок.
Тоғдан чиқкан дарин булок,
Чашмаларинг улок-улок.
Қор қоядан чиқкан булок,
Умрайин оққан булок.
Қайнарбулогим чашмаси,
Юрагимнинг сирлашмаси.
Менга наво, соз ёқмас,
Кулги ёқмас, ноз ёқмас
Қайнарни күрмагунча.

УНУТМАГИН

Унутмагин бир йигинга борганда,
Зинхор-зинхор аччик тилда сүзлама.
Ҳар жойда гапирма, ҳар жойда дема,
Үлтириш-туришни бил-да, сүзлама.
Шоир бўлса, жазман этиб сайрасин,
Уни тинглаганлар қониб яйрасин,
Ё севдирсин ёки кайрасин
Ошириб-тошириб элда сүзлама.
Сўзинг бўлсин маънолардан йиққанинг,
Билсанг, ҳар маъно сўз ўзингни шонинг.
Яхипи келмас орамиздан чиққанинг сүзлама.
Кўтарсалар ҳам тез-тезда сүзлама.
Шоир бўлсанг, етгин сўзнинг сирига,
Кўнгил боғла шоирларнинг пирига,
Ярапмас ўчакишмоқ бир-бирига,
Қадр билмасдан кесилса-да сүзлама,
Нобоп гапни айтиб, сўнгра музлама.

Исмоилхон ФАҚИРИЙ



Исмоилхон Иброҳимхон ўғли ФАҚИРИЙ 1910 йилда Шаҳрисабз шаҳрида зиёли оиласда таваллуд топган ва Китоб туманининг Сариосиё қишлоғида яшаб, ижод этган. У XX аср узбек маърифий шеърияти, девон адабиётининг таниқли вакили, аллома, шайх ва шоирдир.

Фақирийнинг “Девон”, “Баёз”, “Ашъори мутафарриқот”, “Баёзи Фақирий” каби шеърий тўпламлари, “Рисолаи тариқи зикр”, “Рисолаи тариқат”, “Тариқаи сулук” ва бошқа бир қатор рисолалари, таржималари мавжуд. У араб ва рус тилини пухта билган, узбек ва форс-тожик тилларида ижод этган зултисонайн шоирдир.

Фақирий 1980 йил 4 январда Сариосиё қишлоғида вафот этган.

* * *

Илоҳий, қудратинг бирла бўлуб икки жаҳон пайдо,
Яна икки жаҳон ичра гуруҳи инсу жон пайдо.

Бу янглиғ ўн сакиз минг олам ижод этмақа амринг,
Ики ҳарфийла этти дафтари кавну макон пайдо.

Ажаб Парвардигори комил ул-кудрат эрурсанким,
Биҳори санъатинг ичра эмас ҳаргиз карон пайдо.

Сани лутфунгни хони мӯмину коғирга яксондур,
Қилолмас ҳеч мунъим бўйла лутфи бирла хон пайдо.

Сани сунъунг қуёшидин булар бир зарраидурким,
Бўлибдур олам ичра бу замину осмон пайдо.

Эмас бехуда ошиқликни лофин урса ҳар ошиқ,
Ки Сандандур аларға неча дарду сўзи жон пайдо.

Агар мужрим зрур ҳар банда, они айблўши Сан
Эмас мумкин Санидек бўлмағи бир меҳрибон пайдо.

Факирий гарчи осийдур, умиди кўп зрур Сандин,
Қиёмат куни қил анга раҳматингдин соябон пайдо.

* * *

Юзларинг жаннат, қошинг ул “жим” и жаннот узрадур,
Оғзинг элни мот этар, чун ”мим” ким мот узрадур.

Оразинг Мусҳаф диям, аммо таажжуబдур бу ким,
Қопларинг “Бисмиллоҳ” каби оёти Таврот узрадур.

Сен сабабдурсанки ўзин ҳалқ аро расво қилур,
Ишқ эли, йўқса нечук жазб ила ҳолот узрадур.

Хонақоҳда қоматинг кўрмиш магар ким зуҳд эли,
Аксари бехушдур, баъзи хаёлот узрадур.

Кўксума чиқсанг, таажжуబ йўқ, агар от ўйнатиб,
Вах, на зебо муҳралар дерман бу шахмат узрадур.

Ошиқин қонин тўқмишдур магар ул шаҳсувор,
Ким, қизил камзур, қизил шим ҳам қизил от узрадур.

Йўқ ҳама Кавсар суйи бирла зулоли Хизр аро,
Шаҳди лаъле, эй Фақирий, мунча лаззот узрадур.

Нажмиддинхон ҲАМИДОВ



Нажмиддинхон ҲАМИДОВ 1917 йил Сариосиё қишлоғида туғилған. Иккинчи жағон уруши қатнашчиси. Урушдан сүнг сталинча қатагон азобини тортғанлардан. Жезқазғон жазо лагеридә 8 йил тұтынушыларда бұлған. Айбиз деб топылған, қамоқдан озод етпелганидан сүнг 1955 йилда она қишлоғига қайтған. Уруш шылдары ва қалоқ пайтида “Асирий” таҳаллуси билан, озодликта чиққанидан сүнг “Нажотий” таҳаллуси билан ижод қылған. 1978 йилда вафот етған.

* * *

Айла тараҳхұм девоналарга, ҳұснинг ўтиға парвоналарга,
Бошдан оғи бирёналарга, жоним тасаддук жононаларга.

Күрсат жамолинг Лайли баногох, дер эрди, барча “эй ҳұсн аро шох”
Надур гуноҳим мандан қочарсан, сүнгил қадаҳни мастаналарга.

На эди аввал аҳди амонлар, ўйнаб кулубон неча замонлар,
Топсин жазосин бўлса ёмонлар, килма назора бегоналарга.

Мунда Асирий меҳринг гадоси, ишқ дардининг ҳам борму давоси,
Ғайраз висоли йўқ муддаоси, харгиз ишонмам баҳоналарга.

* * *

Сендин ўзга эй Худоё мөхрибоним қолмади,
Элтгали бошимни бир ерга паноҳим қолмади.

Кимга дерман арзи ҳолим сүргали йўқтур кимим
Бекасу, бемуттақоман соябоним қолмади.

Неча йил бўлди мусофирикда юрдим хору зор,
Бир гадодурман маним тайъин маконим қолмади.

Ҳажр дардидан юзим бўлди мисоли қаҳрабо,
Суратан одам, валескин танда жоним қолмади.

Бул уқубатларга ёраб қолмади ҳеч тоқатим,
Розиман олсанг омонат эмди ҳолим қолмади.

Фарқ этмас ҳеч киши бунда гадоу шоҳни,
Айтгулик рози дилимни ҳеч забоним қолмади.

Ажрамас тандан ироданг бўлмаса бир тола мўй,
Бир асир маъюс қулингдурман мажолим қолмади.

Ўксима ғамгин юрак, ўлканг гулистон ўлғуси,
Очилиб ҳарён чечаклар, мисли бўстон ўлғуси.

Шонли куч, эркин ҳаёт бирлик шиоринг яркираб,
Миллий байроғинг буюкликда намоён ўлғуси.

Шаҳр-у қишлоқ, кент аросида очиб дорулфунун,
Илм ўқиб анда қари-ёшлар билимдан ўлғуси.

Ўсгуси кундан-кунга санъат ила корхоналар,
Бошқа давлатлар таҳайурдан дили қон ўлғуси.

Ҳак насиб этса ривож олгай дини Исломимиз,
Ҳам шаҳидлар рухига кўп Хатми Куръон ўлғуси.

Бул ҳама бошдин кечирган қулфату ранжу алам,
Ёзилур зарҳал билан тарихда достон ўлғуси.

Тангри ёр ўлса кўрармиз, комил иймоним менинг,
Эй Асирий, душманинг ер бирла яксон ўлғуси.

Аббосхон ҲАМИДОВ



Аббосхон ҲАМИДОВ 1930 йилда Сариосиё қишлоғида таваллуд топган. Тошкент Молия институтини битирған. Күп йиллар туман агросаноат бирлашмасида ташкилий назорат бўлими бошлиги, ширкат хўжалиги ва “Кимё” ташкилотида бош ҳисобчи вазифаларида ишлаган.

Шеърлари “Авлодлар баёзи” тўпламида эълон қилингандан.

МУБОРАК НАВБАҲОР

Сахро-адирлар лолазор, келди муборак навбаҳор,
Бўлди кўнгуплар бегубор наврўзи олам гулбаҳор.

Дарё тўла оби ҳаёт, равшан, мусаффо коинот,
Мехнаткаш элга илтифот, осмонда хуршид ошкор.

Шаънига гар ёэса китоб, шарҳи бўлар бир неча боб,
Шўх ялла-ю тору рубоб вақти томошо-ю шикор.

Ҳут ўтди, бошланди ҳамал, мавсумидир ғоят гўзал,
Ширинлиги гўё асал, сувдек эриб оқмоқда кор.

Ваъдасига етмоқ вафо, дехқон дилица муддао
Тупрокни қилмоқ кимё, фикри эруз

Лайиғи 2010/11/20 A 12050	Alisher Navoiy nomidagi C'zbekiston MK
---------------------------------	--

Меңнатда доим интизом, турмуш фаровондир мудом,
Барча улусга субхи шом тинч-у тотувликдир шиор.

Атроф сари этса назар, хурсанд бүлар ахли башар,
Таърифда Аббос тили лол, тунда мохи тобони бор.

* * *

Хүштамаллук бир пари рухсорни соғинмишам,
Лаблари лаълу шакар гуфтторни соғинмишам.

Ўйласам ҳижрон тунида кўзга уйқу келмагай,
Чунки мен ул кўзлари хуморни соғинмишам.

Жисми жонимни фидо арзиди килсан нега ким,
Сўзи ширин турфа беозорни соғинмишам.

Айланиб боқсам жаҳонни йўқ анингдек дилрабо,
Қадди шамшоду юзи гулнорни соғинмишам.

Етмагай оҳим сенга, етгай валекин кўклара,
Оҳим кўқдин узоқ дилдорни соғинмишам.

Вола-ю шайдо бўлиб, эрдим сенга кўрган замон,
Зехни ва фахми расо хушёрни соғинмишам.

Айладим изҳор ҳолим мен бу Аббос орсиз,
Найлайин булбул каби гулзорни соғинмишам.

Муҳаммад РАҲМОН



Муҳаммад Раҳмон 1949 йил Китоб тұманида туғилған. Тошкент дәвлат университеті (хозирги ЎзМУ)нинг журналистика факультетінде тақсия олған. Сурхондарё вилояты газетасыда, Ўзбекистон телерадиокомпаниясында, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агенттегида, нашириётларда муҳаррир, бўлими мудири лавозимларида ишлаган.

Муҳаммад Раҳмоннинг "Мувозанат", "Яшил дарё", "Юрагим-нинг дастхати", "Ижобат", "Асрараним, авайлаганим", "Абадий нидо", "Сайлланма", болалар учун "Момоқаймоқ", "Ерга тушган камалак", "Қанотли түшлар" китоблари чоп этилған. Муҳаммад Раҳмон жаҳон адабиётидан кўпгина дурдоналарни ўзбек тилига ўйирған. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими унвонига сазовор бўлған

У 2010 йилда вафот этган.

БОЙЧЕЧАК

Бойчечак кор босиб келар бековуш,
Ғофил соҳилларни ўйғотар шовуш.
Дўниб илиқликка рутубат, совуш,
Кўклам булутларни сокқан куни бор.

Бу тоглар тог эмас, салтанат бори,
Девлар хобгохидир қоронги гори.
Тошлиарга урилиб, тинмасдан зори,
Жилғанинг денгиззга оқкан куни бор.

Минг бир қабоҳатга, макрга қодир,
Зулмат гумаштаси шум қора ботир,
Юз йил окса ҳамки дарёда Тохир
Сандикдан соғ-омон чикқан куни бор.

Дейсан: “Соясинда сарғайди юзим,
Ўзимдан ўтганин биламан ўзим”.
Майса, илдизингга тилайман тўзим
Довул, зўр чинорни йиққан куни бор.

Яшамоқ, яшнамоқ сўлмаганники,
Эртадан ноумид бўлмаганники.
Бу дунё кимники, ўлмаганники,
Худонинг бизга ҳам боққан куни бор.

ТОПИЛАР

Дунё кўзимга, муnisим, мунглим,
Гоҳида мангур тор, вайрон топилар.
Йлло азал-аввал накл бор, кўнглим:
Ҳар яхшига битта ёмон топилар.
Аммо ҳар учраган нокас, паст эмас,
Топган, топингани – иймон, нафс эмас.
Бўйлаким, куллу боғ хору ҳас эмас,
Боғ ичра ғунчайи хандон топилар.
Мўминдир, ҳалимдир одам боласи,
Лекин билиб бўлмас – ичда оласи,
Тоғ-тошга дариса қашқир галаси,
Анинг кушандаси – арслон топилар.
Йўлсизлик ёмондир, йўлсизлик ёмон,
Бўлсин юрак довлаб йўл тортган омон.
Жадди-жадал истар магарким, карвон,
Шаҳдига муносиб сарбон топилар.
Ҳар қайдан топарсан бир бурда нонни,
Қайда бор бундай юрт, садқа қил жонни.
Бағрингга маҳкам бос Ўзбекистонни,
Ватан топилмайди! – мақон топилар.

Пўлод ҚУРБОНОВ



Пўлод ҚУРБОНОВ (*Күхий*) 1904 йилда Китоб туманидаги Варганза қишилогида туғилган 1929 йилда Қаршидаги муаллимлар тайёрлаш курсини тамомлаб, ўз қишилоги мактабида ўқитувчи бўлиб ишлаган.

1941-1945 йилларда иккинчи жаҳон урушида иштирок этиб, урушидан сўнг яна ўқитувчилик фаолиятини давом эттирган. Шеърлари матбуотда чоп этилган. “Варганза боғларида баҳор” шеърий тўплами муаллифи.

1996 йил 92 ёшида вафот этган.

ВАРГАНЗА

Бир диёрки, кўрган кўз ҳам кувонади,
Бахор бунда бирам дилбар уйғонади,
Узоқ кетсам соғинчида дил ёнади,
Азиз гўшам, сўлим қишлоқ, жон Варганзам.

Анорларинг ҳар донаси қирмизи, бол,
Қизларининг юzlари ҳам анордай ол.
Ўзбек, тожик бир оила, кулган иқбол,
Азиз гўшам, сўлим қишлоқ, жон Варганзам.

Мадҳинг айтиб, меҳринг куйлаб дил яйрайди,
Сўлим боғсан, булбулларинг шўх сайрайди,
Жаннатимсан, Эрамимсан менга лайли,
Азиз гўшам, сўлим қишлоқ, жон Варганзам.

Юрагимнинг бир парчаси Ватанимсан,
Томиримда оқиб турган жон, қонимсан.
Дилбар диёр, кўркам макон аталибсан,
Азиз гўпам, сўлим қишилек, жон Варгандам.

НАВБАҲОР

Тоғли ўлкам қирларида бугун файз ўзга,
Илҳом тошар, завқу шаюқ сиғмагай сўзга.
Бойчечакнинг бандларини суртаман кўзга,
Хуш келибсан, ўлкамизга навбаҳор фасли.

Мехнат, ижод, ризқ ундирап паллада энди,
Бободехкон кўлда кетмон, далада энди,
Кўнгил кўшиқ, алёру ракс яллада энди,
Хуш келибсан, ўлкамизга навбаҳор фасли.

Кўчат скар, ҳашар чиқиб ҳам ёшу кари,
Анор-у ток очар соҳибкор боғбонлари,
Олтин бўлиб қайтар тўккан пешона тери,
Хуш келибсан, ўлкамизга навбаҳор фасли.

Лиммо-лимдир эл-у, юртга юракдаги ишқ,
Чал куйингни, далаларда янграсин кўшиқ.
Кўхий айтар баҳорий бир суурурдан жўшиб,
Хуш келибсан, ўлкамизга навбаҳор фасли.

Иброҳим АЗИЗОВ



Иброҳим АЗИЗОВ Китоб туманида тугиған. Териз Давлат педагогика институтида таҳсил кўрган. Меҳнат фаолиятини 1968 йилда Сурхондарё вилояти газетасида адабий ходимликдан бошлаган. 1969 йилдан Китоб туман “Китоб тонги” газетасида ма-даният ва турмуш бўлими мудири, масъул котиб, туман радиоси муҳаррири вазифаларида фаолият олиб борган.

Иброҳим Азизовнинг ижод намуналари туман, вилоят ҳамда республика матбуотида босилган.

КИТОБ ОҚШОМЛАРИ

Бунда кунлар сермазмун, завқли,
Күёш шомда ботади аста.
Сўнг оҳиста тун тўшалади,
Боғлар узра бўлиб пайваста.
Бунда кунлар сермазмун, завқли.

Оқшомлар-чи илиқ ва салқин,
Ором олур ҳориган танлар.
Ажиб ҳислар қўзғалур ногоҳ,
Ёдга тушар бахтиёр дамлар,
Оқшомлар-чи илиқ ва салқин.

Тароватли, гўзалдир тунлар,
Сайрларга чорлар у мани.
Йўлакларда одамлар тирбанд,

Кайфияти баланд ҳаммани,
Тароватли, гўзалдир тунлар.

Бехиранг ой сузади кўкда,
Боғларда ел ўйнайди майин.
Жамолингга бокиб маҳлиё,
Бу кеч сенга бир шеър битайин,
Бехиранг ой сузади кўкда.

Ошиқлар роз айтар хилватда,
Ишқдан улар сармаст бу окшом.
Йигит қиздан олар илк бўса,
Бир умрга баҳт этиб инъом,
Ошиқлар роз айтар хилватда.

Мен ҳам шодон кезаман шомлар,
Қалбда жўшар илҳом, эҳтирос,
Чунки кечча бир баркамол қиз,
Нозли бокди, сермаъно ҳам соз.
Мен ҳам шодон кезаман шомлар.

Эҳ, бу тунлар бунчалар сўлим,
Завқинг тошар бокқан маҳали.
Сирлар қўпидир унинг бағрида,
Оқ қоғозга тушмаган ҳали.
Эҳ, бу тунлар бунчалар сўлим.

ГЎДАК ЙИҒЛАР

Гўдак йиглар, йиглайди гўдак,
Бу албатта бизга муаммо.
Гудак йиглар, йиглайди гўдак,
Овунади у тезда аммо.
Мен ўйлайман, бу дам ер шари,
Бомбалардан кўрмасин завол.
Қандай даҳшат ахир ёш-кари,
Бирданига йигласа, алҳол.

Тоҳир БОБОЕВ



Тоҳир БОБОЕВ 1948 йилда Сариосиё қишилогида туғилган. 1966 йилда Нодира номли ўрта мактабни, 1971 йилда Тошкент Ҳалқ ҳўжасалиги институтини туғатган.

1973-1995 йилларда тумандаги қурилиш, саноат корхоналарида ҳисобчи, бош ҳисобчи, сўнг Китоб, Қамаши туманлари давлат солиқ инспекциялари бошлиги вазифаларида шилаган.

Шеърлари матбуотда эълон қилинган.

КИТОБИМ

Шаҳарлар кўп олам аро,
Бир-биридан гўзалроқ.
Лекин ҳамма шаҳарлардан,
Китобим, сен афзалроқ.

Атрофингни ўраб туарар,
Баланд, қорли тоғларинг.
Жаннатдан ҳеч колишмайди,
Соя, салқин боғларинг.

Ширин-шакар меваларинг,
Минг хил дардларга дори.
Ўзбекистон ичра машхур,
Варгандзанинг аори.

Парилар-ла тенглашади
Қизларининг жамоли.
Кундан-кунга ортаверсин,
Китобимнинг камоли.

Йигитларинг олим, шоир,
Сўздан қайтмас, мард бўлар,
Сенинг учун фидо бўлиб,
Бир бор эмас, юз ўлар.

Далаларда дехқонларинг,
Етиширап минг бойлик.
Қашқадарё воҳасида,
Қора холсан чиройлик.

Китоб, сенда туғилдим мен,
Қалбим тўла ифтихор.
Сенга фарзанд бўлганим-чун,
Эрурман кўп бахтиёр.

Қаҳҳор РАСУЛОВ



Қаҳҳор РАСУЛОВ 1956 йилда Китобнинг Чечак қишилогидага туғилган. Ўрта маълумотни тумандаги 23-мактабда олгач, Ниҳозмий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг тарих факултетида таҳсил қўрган. Мактабда ўқитувчи, тарбиявий ишлар ташкилотчisi, ўқув-тарбиявий ишлар бўйича директор ўринbosари, Китоб туман халқ таълими бўлшинида методист ва зиғфатарида ишлаган. 2007 йилдан Қарши муҳандислик иқтисадиёт институти қошидаги З-сонли Академик лицейда маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринbosари бўлиб фаолият кўрсатган.

Матбуотда шеър ва мақолалари билан мунтазам қатнашиб турган. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси. 2012 йилда вафот этган.

ИЛТИЖО

Бу дунёда ҳуркак оху битта жоним,
Орзуйим шул иймоним пок бўлсин маним.
Бу дунёning ишларига тушунмадим,
Во ажабо?! Бугунги дўст эрта ғаним.

Баъзан ҳушбахт, гоҳо маҳзун оҳлар урдим,
Армонлардан уркач-уркач тоғлар курдим,
Дўсти содик излай-излай ўтар умрим
Душман эмас, дўст билгандан доғлар кўрдим.

Үттиз йилки, ўлсам тинар кўзда нам бор,
Ишқдан қолган дилда чандик-нишонам бор,
Карбалонинг сахросидай шўрхок-шўрхок
Ҳамма сиғиб, “ул” сиғмаган пешонам бор.

Доим бир кам, тўлиқмадим-тўлолмадим,
Душманга ҳам ҳеч ғайирлик қилолмадим,
Қўл силтадим чор тарафи кемтик дунё
Ишларингга тушунмадим, билолмадим.

Бир куни шод, бир кун чекар афгон умрим,
Хаста дилга изла даво-имкон умрим.
Яrim кўнглим иззат эмас, савоб талаб
Биттаси кам дунёйингга меҳмон умрим.

Дадил очиб назм саройин эшигини,
Тебратгандим шеър аҳкомин бешигини,
Муҳаммадни пешонангга сиғдирмадинг
Айтганди-я дунёйингнинг кўшигини.

Ҳар дам сездим дилга солган ифорингни,
Даво билдим, муруватинг, озорингни.
Иймон бергин, нур ёғилсин вужудимдан,
Рози кетсин десанг магар Қаҳхорингни.

Акрам АМИНОВ



Акрам АМИНОВ Китоб шаҳрида тугилган. Тошкент Давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг журналистика факултетини битирган. У иш фаолиятини "Китоб тоғи" газетасида бўлим мудирлигидан бошлаган. "Қашқадарё" газетасида адабий ходим, маъсул котиб вазифаларида фаолият кўрсатган. Кейинчалик "Ўзбекистон", "Меҳнат", "Наврӯз" нашириётларида муҳаррир, боши муҳаррир вазифаларида ишлаган.

1981 йилда Акрам Аминовнинг "Қанотли туйгулар", 1990 йилда "Ҳисорнинг қирқ мўъжизаси" китоблари босилиб чиқкан.

Акрам Аминов Абдулла Аблоний номидаги мукофот совриндори, Узбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси.

КУЗ ХАЁЛЛАРИ

Мени қийнар қузнинг шамоли
Үйкудаги қиздай у сулув.
Боғотларда сайд этсанг холи,
Дилда қўзгар ҳаяжон, ғулу.
Ариқларнинг бўйлари гулзор,
Улар маҳзун, кутишади зор:
Нега келмас ошик булбуллар?
Дараларга туманлик чўккан
Эриб битмиш чўққиларда қор,
Нечун тоғлар кўркини тўккан,
Уфкларда музлаган виқор?
Сўйла, Қашқадарёйи азим

Күшигингда не дард, не ақвол?
“Йўқ, сувларим тиниди бир зум
Оқишлиарим олдинда алҳол.
Алҳол, ҳали куйлармиз сен-ла,
Сулув кузга бу уйлар тортиқ
Чаманларга сингамиз бирга
Биз яшаймиз баҳорга содик!

КАМОЛГА

Бахт нима?
Саволинг кўп кизик.
Бизнинг ёшимизда
Бундай содда саволлар ярашмайди...
Менимча, бахт –
Виждонни зарра қийнамай,
Бор эхтирос билан
Яшамок,
Курашмок,
Севмок!..

* * *

Гўзаллар мехрли,
Гўзаллар муnis...
Нима керак
Вафодан
Қизлардан нолиш,
Нима керак.
Садоқат ҳақида қасамлар битиб
Ишонч булогини лойқалатиш
Нима керак.
Күёши йўқ осмондек–севгисиз кун?!
...Мен шундай ўйладим
Сен билан учрашиб
Кайтган тун.

Зебо МИРЗАЕВА



Зебо МИРЗАЕВА 1964 йил Бештерак қишилогида туғилган. 1981 йилда Солижон Диёров номли мактабни, 1987 йилда Тошкент Давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг филология факултетини битирган. Ҳозирда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясида ишлайди.

Зебо Мирзаеванинг "Тун маликаси", "Ажр", "Нур кукунлари" шеърий тўпламлари босилиб чиқсан. Ҳалқаро Чўлпон мукофоти соҳибаси.

САВОЛ

Мен – Биби Ойиша эмасман,
Ҳазрати Ҳадича ҳам эмас,
аммо
Юрагимга битта Одам бор,
Расулдай сувимли,
Худодай танҳо!
Худоё, мен Ойиша эмасман, нега?
Нечун юрагимда севги бу қадар?
Кимнинг қайғуси бу –
Бир ишқ беэга,
Қоронги умримга солади хатар?
Танламадим, бир олий шараф,
Ёки маҳрами хос буюк зот учун,
Аммо суюгимни ўтларга қалаб,
Жашнатий бир севги ёнади нечун?

Ойдин тушларимда олма тишладим,
Бошларим айланар севги исидан!
Худойим, Худойим,
жисмимни қадим
Яратдинг, айт, кимнинг қобирғасидан?
Шу қадар маҳрумман, ки етмас кучим,
Нур истаб рухимнинг исёни тинмас,
Гунохларин Расул сўраб бергувчи
Мен, ахир Ҳазроти Ойиша эмас!
Қалбни барбод этган ишқ билан нега,
Аршиннга гуноҳкор кўяман қадам?
Бу олов умримга бўлгани эта,
Наҳот топилмади бир ёруғ Одам?!
Ойдин тушларимда олма тишладим,
Бошларим айланар севги исидан!
Худойим, Худойим, жисмимни қадим
Яратдинг, айт.
Кимнинг қобирғасидан?!

* * *

Сизни жондан севган эди у,
Севган эди ҳаддан ташқари.
Боқмадингиз бирор марта ҳам,
Қолиб кетди баҳтлардан нари...
Қолиб кетди Тангри қўлида,
Ва ҳеч кимга бермади қайтиб.
Зулматларнинг олис йўлида
Ўтди ойдин қўшиқлар айтиб.
Ёлғизликнинг маъюс қаърида
Аталганди у сизга ахир...
Ўша Турна Аёл бағрида
Очиларди дунё кутган сир.
Бермадингиз унга бир имкон,
Ё бир назар, ё сокин суур.
Форатларнинг комида бежон
Мангуликка сўнди ўша Нур...

Норқобил ЖАЛИЛ



Норқобил ЖАЛИЛ 1961 йилда Китоб түманининг Минжисир қишлоғида тавалгуд топган. Ўрта мактабни 1979 йили битириб, 1982-1983 йилларда харбий хизматни ўтаган.

У 1991 йилда Тошкент Давлат университети (ҳозирги ЎзМУ) нинг ўзбек филологияси факултетини тугатди. Ўзбекистон радиосида муҳаррир, "Туркистон", "Ўзбекистон овози" газеталарида бўлим мудири, "Халқ сўзи" газетасида масъул котиб вазифаларида шилаган. Республика телевидениесининг "Маънавият" таҳририятида фаолият кўрсатган. Ҳозирда "Оила ва жамият" газетаси бош муҳаррири.

Норқобил Жалилининг "Согинчнинг ранги", "Қашқадарёни согиниб" китоблари чоп этилган.

ОНАМНИ ЭСЛАБ

Яна келдим бағрингга қишлоқ,
Армонларим сенга кўмилган.
Эски тандир, ўт босган ўчоқ,
Уйимиз ҳам текис сурилган.

Кўзларимда милтирайди ёш –
Хотиралар ерга тўкилар.
Зор қалбимда тутайди бардош,
Менинг йигит қаддим букилар.

Кетиб борар йўлларим ҳам чанг,
Тўзионлари урар кўкракка.
Эҳ, чанглардек қолмай ортимдан,
Фам чўқади етим юракка...

* * *

Тушимга кирасиз, онажон,
Кулласиз етмайди кулгулар.
Кўксимни тўлдирап ҳаяжон,
Энг ширин бир туйғу туғилар—
Тушимга кирасиз онажон!

Тушимга кирасиз онажон,
Йиглайман етмайди кўз ёшим.
Софинчлар қийнайди бир армон,
Юракка кўмилган куёшим —
Тушимга кирасиз онажон!

* * *

Кўксимни тўлдирап ҳаволар.
Кўкламнинг нафаси келаялти.
Жаранглар бир ширин наволар
Юрагим кўшиққа тўляялти.

Кўшиқлар тинглайман отажон,
Наволар умримни тўлдирсин.
Билмайсиз, розиман майли-я,
Ўлдирса бир кўшиқ ўлдирсин...

Рустам МУСУРМОН



Рустам МУСУРМОН 1963 йилда Яккатут қишлоғида туғилған. 1980 йилда Н-умумитағым мактабини, 1989 йилда Тошкент Дағлат университеті (хозирғы ЎЗМУ)нинг филология факультетини битирған, аспирантурада тағсил олған. Ўзбекистон Їзувчигар уюшмаси айзоси.

Рустам Мусурмоннинг "Камалак" нацириётида "Рұхнинг товуши", "Ёзувчи" нацириётида "Хиргойи" шеърий түпнамалари чоп этилған.

ТИЛСИМ

Менга меҳру вафо айларсан афзун,
Кулфи дилим очиб кирмоқ чун мавзун,
Кўксимга бош қўйиб ўкурсан афсун:
— Сим-сим-о-чил-сим-сим-о-чил-гин-о-чил...
— Чил-чил-чил-чил...

Кўл солсанг конатар бармоқларингни,
Чирансанг кўчирап тирноқларингни,
Йўл олсанг оғритар оёкларингни,
Товонингни тешар, кафтингни кесар —
Шарр-шарр-шарр-шарр...

Кулфи дилим очиб кирсанг гар мавзун.
Ишқ аро риёзат чекурсан афзун —

Факат тиғ устида юурсан махзун.
Темир ковуш кийиб ҳам пўлат қўлқоп –
Зил-зил-зил-зил...

– Сим-сим-о-чил-сим-сим-о-чил-гин-о-чил...

БОЗБАРАК

Ҳеч ким Ер шарини кўтаролмасмиш,
Таянч нуктасини топмасмиш, бироқ
Менинг бир кўлимда замин чирпирак,
Бармоғим учида айланар фалак.
Бозбарак, бозбарак, бозбарак.

Тугма қадаб бўлмас эмиш шамолига,
Тутқич бермас эмиш ҳеч кимга, бироқ
Мен эса шамолнинг икки бетига
Тортуб юборганман икки шапалок.
Бозбарак, бозбарак, бозбарак.

Ҳеч ким учолмасмиш оёғи билан,
Парвоз қдолмасмиш осмонга, бироқ.
Менинг осғимда толмас қанот бор,
Менинг оёғимга жойланган юрак.
Бозбарак, бозбарак, бозбарак.

Умр дарёсидан кечди болалик,
Шул дарё гирдидан колган чархпалак.
Қамишдай бўйимга кўнган ниначи,
Гулдай ҳаётимдан учтаги капалак.
Бозбарак, бозбарак, бозбарак.

Ғайрат МАЖИДОВ



Ғайрат МАЖИДОВ 1976 йылда Севаз қишилөк фуқаролар йигинига қарашылы Хұжасалықони қишилогида туғилған. Тошкент давлат университеті (хөзирги ҮзМУ) нинг журналистика факультетинде туғатған. Айни вакытта Үзбекистон радиосының «Ёшлар» радиоканалида хизмат қылмасқыда. «Хеч кимга үхшамайсан», «Ишқа борар йўл», «Боболарим юрти» номли шеърлар тўплами босилиб чиққан. «Шуҳрат» медали соҳиби.

ВАТАНДИР

Она, сен дилим сезган,
Мехр жадвалин тузган,
Хозир тандирдан узган
Кулчаларинг Ватандир.

Синглим, дунё губорли,
Озор тўла бозорли,
Чаккандаги ифорли
Гулчаларинг Ватандир.

Ўғлим, чулдирашинг ҳам,
Той-той, пилдирашинг ҳам,
Ҳам юзимни силаган
Кўлчаларинг Ватандир.

Қизим, юракни тўксак,
Кўшик бўлади бешак,
Кўзингда кўқдан юксак
Дилчаларинг Ватандир.

КУРСДОШЛАРИМГА

Дил бокади, кўзларингиз дарчалари,
Ўйларингиз мангу яшил арчалари,
Нигоҳимдан аёнмасму барчалари,
Битта-битта сўйгим келди ҳаммангизни.

Қандай гўзал, муҳаббатга ошно дамлар,
Дил тубида ғамли, ғамсиз бино дамлар,
Хотир-руҳим қўлларида хино дамлар
Битта-битта сўйгим келди ҳаммангизни.

Адирдаги болани сиз билмайсизми,
Оҳ. Бу йиллар ... шароб этиб сунмайсизми,
Кабутардек кафтларимга қўнмайсизми
Битта-битта сўйгим келди ҳаммангизни.

Хайр этарлар ёки буткул ҳайр этарлар,
Ажралгиси келмай турган кабутарлар,
Ҳаммалари юрагимда сайр этарлар,
Битта-битта сўйгим келди ҳаммангизни.

* * *

Куёш ётогидан аста термулиб,
Мен кезган кирларга томон қарайди.
Дарахтлар шивирлаб, чулдираб қушлар,
Тупроқли йўллардан мени сўрайди.

Менингсиз мунғайиб кадим минорлар,
Толларнинг сочини сойлар тарайди.
Ўғлим Топ шахардан келдимикан деб,
Онам тиқ этганда эшик карайди.

Менсиз кўниколмай майин саболар,
Гулларнинг бағрига сингиб кетибди.
Катта ўзгариш бор Хўжа Илм Конда,
Ўша қи-из эрга тегиб кетибди.

Имом ҒУЛОМОВ



Имом ҒУЛОМОВ 1949 йили Китоб шаҳрида туғилган. 1971 йили Карши Давлат педагогика институтининг чет тиллар факультетини тамомлаган.

Кўп йиллар туман мактабларида ёшлигарга инглиз тилидан сабоқ берди. Китоб давлат геологик қўриқхонасида илмий ходим, туман халқ таълими бўйимида методист бўлиб ишлаган.

“Илоҳий боғлар” шеърлар тўплами муаллифи.

ЧАНҚОВУЗ ЁХУД САНАМ – КАТТА ЭНАМ ҲАҚИДА ДОСТОН Дебоча

Энагинам,
Катта Энам,
Оксув куйлаган
Минг қўшиқдан биттасини
Менга айтиб бер!
Тўлқин-тўлқин соғинчларим
Жўшиб бўйлаган
Сирли қўшиқ осмонида
Парвоз этсин шеър.
Ўйғонди-я
Катта Энам
чертган чанқовуз,
Аёлғудек жонбахш наво

окар кўнгилга...
Оксув каби йироклашар,
Токат бер дилга...

* * *

Карсиллатиб-карсиллатиб
довучча тишлаб,
зардолининг баланд шохида
отаётган Оппоқ Тонг.
Тизза бўйи билқ-билқ тупрок
Йўл
чопқиллаб-чопқиллаб,
йиқилиб-турволиб,

кириб кетар
мужазгина қишлоқ – Санамга –
ортидан күтариilar чанг.
Пешвөз чикар чапаклар чалиб
олмазор, узумзор, анорзор –
боғлар хурсанд.
Кишиаб юборар
ўзанига сиғмаган анхор, –
юзиб чикар соҳилга
бедов–Кўк шойи.
Ўйноқлар анхор –
ўйноқлар тулпор,
Сипо тортар
кумушланиб жийдазор.
Кулочларин ёзар
эски Дарвоза,
солинади супа–дастурхон.
Кўқдан энар
нимпиёла қаймоқ – Ой.
Узатар қип–қизил кулчасин
тандир.
Ўйин ўтирибди
кутиб–зорикиб,
чорлар нур ўйнаб
саргайган Сарик Тепа...
Качон эди бу?
Қачон?!
Тишлатса
шеър кулчасин тишлатган,
оғритса ишқ билан оғритган
фасл...

* * *

Болалигим тонгларида
Бир қишлоқча бор эди,
Алла айтар унда бетин,

Кўшикчи анхор эди.
Кўпчиб ётган тупрок йўлин
Софинар товонларим.
Тушларимга кирап ўхтин
Бостирма-айвонларим.
Лойсувок том лабидаги
Пиёладай қизғалдок
Чап кўксимга кўнар учиб,
Ловуллар ҳануз ўйғок.
Хотирам ойнасига
Ўрик гули тўкилар,
Кадим боғда болакайлар
Довучча излаб юрар.
Анхор бўйи...
Бир қизчанинг
Номин ёзаман кумга...
“Кум сарой”им кетар кулаб,
Йиқиламан бугунга...
Болалигим тонгларида
Бир қишлоқча бор эди,
Нурдай порлок ҳам бокира,
Ишқдай бетакрор эди.

* * *

Чанковузнинг ширин–ширин
Учиб кетар садоси...
Энагинам,
Катта Энам –
Момоларинг момоси.
Сенинг ёдинг асррагайман
Мудом қалбим тўрида.
Чанковузинг нидо берар
Олов қалбим кўрида.

* * *

Жуда қадим замонда,
Улуг будун –Туронда,
Үта донишманд Хоқон
Чиқармиш шундан фармон: –
Тўртала сарҳаддан то
Ўрдага қадар кутлуг,
Саф чексин турнақатор
Ўйғоқ тепалар-ўтлуг.
Ҳар тепага бир сокчи
Қатъий тайин этилсин.
Вазифаси–пойлокчи
Дебон ёрлик битилсин.
Кечаси, хоҳ кун дузи
Ёғса ҳам ёмғир ё кор,
Қоровул тела “кўзи”
Бедор турмоғи даркор.
Ёғий қадами етмай
Ёқилсин катта гулхан
Ва навбатдаги тела
Ўт ёқсин ундан улкан.
Олов шаклида хабар
Етиб келса чақмоқдай,
Эл-у юрт ҳамда лашкар
Шай бўлсинлар тўқмоқдай.
Фармон, хоқон ройини
–Илғаб паст-у тепалар,
Топиб жойи-мойини
–Кўтарилди тепалар.
Улуг улар хизмати –
Элни сақлашда омон.
Ҳар тепанинг қисмати
Бўлгуси тугал достон.

* * *

Оксувнинг чап соҳили,
Кифтиоб қўлтиғида
Қоравул тепаларнинг
Бирига жой танланди.
Оғир заҳмат хосили, –
Офтобнинг тик тигида
Эл-улус қўли билан, –
Тик тепага айланди.
Кўкракдор, баланд тела
Қад рослади, ҳай дариг,
Унда гиёҳ битмади,
Шунданми, ранги сарик.
Аташди Сарик Тела
Сўнгра-сўнгра эл-улус.
Устида кичик супа –
Осмон билан юзма-юз.
Тайин этилди сокчи,
Лочин кўз, сергак, чаққон,
Ёши бироз ўтган-у
Лек жангларда чиниккан.
Белгиланди маош ва
Уй курмоққа ҳам рухсат
Берилди...
Битди кулба
Ўтмасдан андак фурсат.
Тенада хизматини
Ўтай бошлади сокчи.
Ойдан ой, йиллар ўтиб,
Тутай бошлади сокчи.
Ёлғизлик қийнар экан–
Жанг-у жадал кўрган-у.
Остида бедов тупчоқ,
Тиним билмай юрган-у
Не-не баҳодирларнинг
Белини даст буқолган.

Ватан учун жангларда
Жонин тикиб, жон олган...
Қоровул тепаларнинг
Узоқ экан ораси.
Элас-элас кўринар
Бир-бирига кораси.
Бизнинг қоровулимиз
Зерикар бўлиб хуноб,
Сўз демокка одам йўк –
Ёлғизлик – оғир азоб.

* * *

Бир кун сахар ул ботир
Уст-бошига қарабди.
Бедови Кўк шойининг
Ёлларни тарабди.
Урибди эгар, жабдуқ,
Эгар қошида камон,
Белида кескир қилич
Йўл олмисп Китоб томон.
Оқсувнинг тинч маромин
Кўк шойи бузиб ўтди.
Аждаҳодай пишқириб
Дарёдан сузиб ўтди.
Кирди катта чорбокка
Чорбок-ки, Эрамда йўқ
Таърифин айтар шоир
Араб-у Ажамда йўқ.
Богнинг хусни бир томон,
Куш базми ер-у осмон,
Чашмалар қирғоғида
Товус айлар хиромон.
Қоровул–собик жангчи
Хайратдан ақли шошиби.
Ранг ва нур талошида
Юрап йўлдан адашиби.

Чорбоғ ортида Оксув,
Оқиб ётар шаркираб.
Соҳилда қундуз, оху
Кезар бехадик яйраб.
Кирғовул, кумри, каклик,
Кочмас одам сасидан.
Юрак кетар орзиқиб,
Булбуллар “чаҳ-чаҳ”идан.
Ногаҳон оҳудек қиз
Югуриб чиқди йўлга.
Кўзлари чакноқ юлдуз
Олов ёқар муз дилга.
Такқа тўхтар Кўк шойи,
Ох, суворий–шайх Санъон, –
Унутди бор дунёни,
Куйиб кул бўлди жаҳон.
Гулрў бокар ғамзали
Девкомат, алп йигитга .
Қомати оху каби
Кўринар сор бургутга .
Қисматида шу дилдор
Бор бўлса, не чора бор?!
Кечирсин Парвардигор,
Чух-хей, қўшиқанот тулпор!
Бургутдек чанг солди, хей,
Қучогига олди алп.
Не содир бўлди, билмай,
Потирлади икки қалб.
Кўкшойи яшин янглиғ
Учиб кетди шувиллаб.
Ортидан бир гала қиз
Қолаверди чувиллаб.
Бекликка кетди хабар: –
Ўғирланди ой Санам.
Ўғри–суворий навкар,
Оти учқур елдан ҳам.

Таралди шум овоза: –
Китоб бегининг қизин
Олиб кочди, бир шоввоз,
Қолдирмай ҳатто изин.
Ҳай-ҳайлади ҳалойик,
Бай-байлади ҳалойик
Қизни излашга ўзин
Сўнг шайлади ҳалойик .
Қўпди “чоп-олатасир”, –
Тинтиб чиқилди чорбог,
Ўтказилди бирма-бир
Назоратдан қир-у төғ.
Дарёвот-у чангалзор
Қилинди роса тафтиш.
Ҳатто мозор кўрилди
Кундан кун ортиб ташвиш.
Бу орада коровул
Йўқ экани билинди.
Қиз ўғриси дебон ул
Соқчи гумон килинди.
Чидолмасдан дилхун бек
Тепага қўйди олов.
Бек-ку бек, бори ўзбек
Исноддан ёнар лов-лов.
Тепанинг супасида
Олов ёнди гуриллаб, –
Оқибати ҳакида
Ҳеч ким кўрмади ўйлаб.
Коровул тепаларнинг
Бошига олов рўмол
Бирин-кетин илинди, –
Ҳилпитар дайди шамол.
Жазавада бек, навкар
Чоп-чопдин тинишмади
Хоқон-у катта лашкар
Келганин сезишмади.

Не илож қиласар банда,
Зўрдағ чиқиб турса зўр, –
Хоқон, ахир Хоқонда.,
Бирдан босилди ховур...
Ҳай, Энама-а, Энама-а,
Келар Чанқовуз саси...
Достонинг куйламоқка
Етармикан нафасим.
Оқ сув оқар ўйноклаб,
Борар мендан йироклаб.
Оймомо қиз ва ботир
Қисматини сўроқлаб.
Ҳай, Энам-а, Энама-а,
Чалиб турсанг чанқовуз! –
Мен Оқсувда оқурман
Мозий билан юзма-юз.

* * *

Бекни тутар сўроққа.
Хоқон ғазаби қайнаб: –
Ақлинг кетди қаёкка,
Қолдими миянг айниб?!
Гар қизинг кўримасанг,
Юргинг кўрийсан қандоқ?
Нечун ёв даримаси
Тепани ёқдинг, ахмоқ?!

Бек эдинг-ку шавкатли,
Сирин шоҳлар билмаган.
Бирор бир ғаним ҳали
Сени мағлуб қилмаган.
Тур ўрнингдан, тез кўзғал,
Тўйга чорла ҳаммани!
Чойини ичдинг ҳалол,
Тупурмайсан шаммани!
Хукмим шу: Энди Тепа
Увол-савоби–сенга!

Оловли тезкор хабар
Савол-жавоби—сенга!
Хушингни йиф! Тўйингни
Тўйдай килиб ўтказгин.
Икки ёшни мурод-у
Мақсадига етказгин.
Ҳа! Қоровул нобакор,
Қизинг бормиш хузримга!..
Билсанг, икта сабаб бор,
Алар учун узримга.
Энг аввало, беадад
Хизмат қилган ул ботир,
Ҳарб-у зарбда ўзини
Кўрсатган чин баҳодир.
Иккинчиси—Мұхабbat!
Уни тан олмок даркор.
Ишқ пайдо бўлган дилга
Ҳар қандай тўсик бекор.
Бурч ва Ишқ келиб қамти
Бир-бирин этса инкор,—
Ташлаб узун аргамчи,..
Зукколик керак бисёр.
Аммо билки, юрт шаъни,
Эрур мендан ҳам баланд!
Гар унга дахл этсалар,—
Эмаслар бизга фарзанд.
Яна бир бор хизматдан
Кочар бўлса куёвинг,
Юрт шаънини тупрокка
Сочар бўлса куёвинг,
Дарҳол ясоққа етказ! —
Хуни менинг бўйнимда .
Субутсиз-у худбинни
Сакламайман кўйнимда.
Қонин кечдим бу сафар,
Хукмимни бажар, тамом.

Эл-у юртга бер хабар.
Тўйни бошла вассалом.
Тўй бошланди: — Вах-ваҳа,
Ўйин, кулги қаҳқаҳа
Тоши—Оқсувдай тошиди,
Ошди—Хисордан ошди.
Карнай—сурнай зарбидан
Дув тўклидди юлдузлар
Ё заминга тушдими
Фаришта, малак кизлар.
Келаберди меҳмонлар,
Баҳодирлар, полвонлар—
Тоғлар келди тиркашиб.
Викор, хайбат эргашиб
Бек, амир, шоҳлар келди—
Турон Замин йиғилди.
Хоқон эди тўйбоши ,
Тўйбошимас күёши.
Меҳмонларга нон-у туз
Тортиди подшохона,—
Кифтиоб тарихида
Бу тўй бўлди ягона .
Бир томонда кўлқари, —
Булут кўчгандай бўлди.
Пиёда-ю сувори
Кўкка учгандай бўлди.
Бир томон кураш майдон,—
Чиқавер, бўлсанг полвон!
Ғолибнинг боши осмон,
Мағлуб бўш халта бўлди.
Бир ёнда дор-у дарбоз,
Илон ўйнатар морбоз.
Чўп оёкли бир шоввоз
Масқара – калла бўлди.
Оқинлар куйлар оқиб,—
Терма, достон куш ёқиб,

Думбира қулогига
Қүш күнар палла бўлди.
Куёв бошида Ҳумой,
Келин мисли тўлин Ой,
Тўйчига қирқ тун-у кун
Таралло-ялло бўлди.

* * *

Тўй тугаб тарқади эл,
Ҳоқон қайтди Ўрдага.
Қайтиш килди тошқин сел—
Тугади тўй зартаги.
Келинни қанча каниз
Сокчи-ю навкар билан,
Ҳамда тилло чапқовуз,
Сеп-сарпо, ёр-ёр билан,
Кузатдилар куёвнинг
Сароймас, кулбасига.
Ич-ичдан лаънат ўқиб,
Сарғайган тепасига.
Орланиб Китоб беги
Хукм этмиш кўп бадтарин:-
Элнинг катта-кичиги
Гар бўлса жони ширин,
Бугундан зътиборан
Куёвнинг номин тилга
Олмоқни этаман маън! —
Етказинг дархол элга!
Борди-келдиси —таъзиқ,
Олди-бердиси— таъзиқ...
Унутилди во ажаб,
Исми, белгиси—таъзиқ...
Алҳол, мен ҳам достонда
Исмини кўп ўйладим.
Билганлар—унутганлар,
Начора, исм кўймадим.

Бўлмаса ўша таъзиқ..
Қишлоқнинг номи Санам
Бўлармиди, бўлмасди
Фикрланг, бир оз сиз ҳам...
Хуллас, номи Коровул,
Гоҳ Соқчи , гоҳ Навкардир
Дов талашса у-Довул
Ҳақ, талашса Аждардир.
Ой Санам ва ул шердил
Парво қилмай таъзиққа.
Турмуш куришди ахил
Сигиниб факат Ишқка.
Яшадилар бадастур, —
Кенг Аллоҳнинг даргохи .
Факат унинг наздида
Тенг гадо, шаҳаншоҳи.
Бандасини турли куй-
ҳолатларга олар У.
Сувдан олиб гоҳ ўтга,
Ўтдан сувга солар У.

* * *

Хизматида бенуксон
Ишлай бошлади Соқчи.
Оиланинг кўмочин
Тишлай бошлади сокчи.
Ийимагач чергиси
Оқсуудан тортди ариқ, —
Сарик тепа теграси
Гул очди, яшнаб кўрик.
Йилдан-йил ўтиб, анҳол,
Боғлар юксалди кўркам.
Қизлар ўси ойжамол,
Ийгитлар—ёвкур, ўқтам.
Хизмат, рўзғор ташвиши
Билан бўлиб Коровул

Сезмабди унинг кўши
Бўлганин катта овул.
Депара–атроф уни
Атабдилар Санам деб.
Санам момони ёшлар
Улуғлашар Энам деб.
Санам момо одатин
Қилмас экан ҳеч кандা–
Кўлга олар Чанковуз
Тошлилар эрир чертганда...
(Ўша тилло Чанковуз, –
Жаранглаб келар саси...
Достонинг тугатмоққа
Етармикан нафасим...)
Балки у ёшлик чоғин
Йилларин соғинчими?
Ота-она қучоги,
Кўлларин соғинчими?
Балки бадқаҳр отанинг
Илиқ нигоҳидир у?
Мунис онанинг тортган
Дил тўла охидир у?...
Агар меҳри тушмаса
Кетмас эди ияриб,-
Чоли тушмагур қанча
Бўлганда ҳам хузариб.
Ўша тилло Чанковуз
Тураг чорлаб Китобни ,
Зими斯顿дан сўнг Замин
Соғингандек офтобни ...
Йиллар, ўтди замонлар,
Китоб ийрилиб келди, –
Қизини куттган Она
Кўксси сийрилиб келди.
Она-бала дийдорин
Айтгум бугун барадла: –

Кифтиоб оғушида
Яйрар Санам – маҳалла.

ХОТИМА

Энажоним, энг катта Энам–
Мўъжазгина қишлоқча Санам.
Корадарахт – боғ, ҳовли, боғот,
Тўлкин ураг қувноқ, шўх хаёт.
Йигитлари – Алпомиш, Рустам,
Хар ҳунарда баркамол, уста.
Ўсар-сарайдек қизлари дуркун,
Моҳтоблари маҳалла, юртин.
Момолари маталчи роса,
Маталда ҳам сайқалчи роса,
Қиз-жуонлар тикканда қашта.
Куй-у кўшик бўлар сарбаста .
Боболари дуогуй, доно,
Хар сўзида минг битта маъно.
Чақалоклар “инга-инга”си
Истиқболнинг тилло тангаси...
Бир замонлар Санам бор эди.
Имон каби дилга ёр эди.
У кўксимда яшайди ҳануз,
Чалиб тураг сирли Чанковуз.
Ўша эди энг катта Энам–
Мўъжазгина қишлоқча Санам.

Жамшид ҲАҚБЕРДИ



Жамшид ҲАҚБЕРДИ 1976 йылда тумандаги Ҳужаилмкони қишлоғида таваллуд топған. Үрта мактабни тағомлаб, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетінде таҳсил олған. “Сочларингга сочилған согинч”, “Сиз ҳам мени согинасизми?” номдеги китоблари нашар этилған. Айны пайтда тумандаги 44-үрта мактаб ўқувчиларига таҳсил беради.

ВАТАН

Кўзга суртай, ўпай қониб тупроғингни,
Тангрим ўзи кўрсатмасин фироғингни,
Босолмагай бу тан юрак титроғини,
Ватан, сени бир фарзанддек севолмасам.

Тонгларингнинг юзларидан ўпид яшай,
Кафтларингга соғинчларим тўкиб яшай,
Майли ғамнинг чохларида чўкиб яшай,
Ватан, сени бир фарзанддек севолмасам.

Капалакли гулга тўлсин кучоқларинг,
Маним кўнглим шеърга соглан бу чоқларинг,
Юрагимга ботсин майли пичоқларинг,
Ватан, сени бир фарзанддек севолмасам.

Үхшамасам бургутларинг-сорларингга,
Бўлмасам қалқон номус-орларингта,
Азиз билма, бошимни торт дорларингта,
Ватан, сени бир фарзанддек севолмасам.

Бўйнингдаги ой-юлдузинг дурлар бўлсин,
Остонангда юртим, мудом хурлар бўлсин,
Йўқса менинг икки кўзим кўрлар бўлсин,
Ватан, сени бир фарзанддек севолмасам.

СОГИНЧ ТОНГИ

Соғинч тонгларига ярашмас андух,
Кўли кир изтироб айланар кўча.
Сен менинг кўзимда яшайсан, гулруҳ,
Сукунат бўғзига осилган кеча.

Хавотир изиллаб изғийди дилтанг,
Ёмғирга айланиб эрийди қароқ.
Ай, менинг кўнглимни оғритар билсанг,
Сенинг соchlарингга урилган тарок.

Ёлғизлик мудрайди кўзлари очик,
Юрак ичга ютар бардошларини.
О, қани муҳаббат кўксингни очиб,
Кўнглингга жойласа күёшларини.

Сен ҳам англаб етсанг, осуда тонгнинг,
Кўзлари қизариб ётганлигини.
Менинг ҳасратларим ичидан аранг,
Кипригин кўтариб отганлигини.

Зебо РАҲИМОВА



Зебо РАҲИМОВА 1956 йылда Рус қишилогида таваллуд топиб, 1973 йилда Ойбек номидаги ўрта мактабни, 1981 йилда Тошкент Дағлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг журналистика факултетини битирганд.

У ижодий фаолиятини “Китоб тонги” газетасида адабий ҳодимикодан бошлади, радиоташкилотчи бўлди. Шоиранинг шеърлари 1973 йилдан буён матбуотда эълон қилиб келинади. 1991 йилда “Ёлқин” тўпламида шеърлари чоп этилган.

* * *

Бунча қийин бўлди келмоғинг,
Донишманд қиши, қўлингини узат.
Ошиб кетди бутуи салмоғинг,
Йиглаяпти зериккан кузак.

Куз, йўлингни адокларидан
Сочи сариқ бир қиз келади.
Унинг ҳорғин ҳовучларида
Армонми, ишқ...
Ким билади...

Сокингина ғам чекар яна
У куз деган номга муносиб.
Ва зериккан боғлар жон берар
Хотирани кўксига босиб.

* * *

Сизга хато айтмади йўллар,
Энди сира қайтмаслигимни.
Сизга айтган сўзни бир бора
Ҳеч кимсага айтмаслигимни.

Бу йўллардан кетдим мен йиллаб.
“Хайр”, деди севги хазони.
Энди Сиз-да топмайсиз излаб
Мендек жинни, мендек расони...

Сизга хато айтмади йўллар.

* * *

Сизни жондан ортиқ суйган бу аёл
Сизни деб минг йиллар конлар ютади.
Ҳокидан кўкарап кадимий гуллар
Минг йиллар бир хаёл сизни кутади.

Қабрлар бошида юзини ювиб
Ҳар аzon йиғлайди ўлик сочлари.
Қабристон пойида сирдек сочишган
Суяклар—танимнинг оқ оғочлари.

Подалар изидан минг йиллик хуфтон,
Ғамбода, топталған, дайди арвоҳим.
Тоштусли лабимда қота бошлар кон
Уфққа интилиб кетади оҳим.

Минг йилки ўламан, кўкарған куним
Кўзларим Сиз ҳақда хотира.
Мен кутган бу севги шундайин сўлим
Мен кутган бу севги шундай бокира...

МУСАЛЛАМБОНУ



Мусаллам УМИРОВА (Мусалламбону) 1972 йилда Дўрмон қишилогидага туғилган. Ўрта мактабни тугатиб, Шаҳрисабз тиббиёт бигим юртида таҳсил кўрган ва Китоб туман марказий касалхонасида ҳамишира бўлиб ишлаган. Кейинчалик Ўзбекистон Миллий университети журналистика факултетида таҳсил кўрган.

У "Мулкдор", "Марказий Осиё маданияти", "Моҳият" газеталарида муҳбир, маstryўл котиб, бош муҳаррир ўринбосари вазифаларида ишлади. ФМДП марказий кенгаши матбуот хизмати раҳбари бўлган. Айни пайтда "Media+" иқтисодий-ижтимоий газетаси бош муҳаррири. "Тафовут", "Тинглаётган одам" номли китоблар муаллифи. Шеърлари инглиз, тоҷик, рус, немис, ҳинд тилиларига таржима қилинган.

* * *

Мен ўзига сиғмаган одам,
Бўронларни кесар овозим.
Довулларни қолдириб доғда,
Ишқ шахрига етар парвозим.
Қайтгин!—дейди,
дайди шамоллар,
Иzlаримда йиглайди зор-зор.
Мен сиғмаган ғариб юракда—
Қизғалдоқлар гуллайди беор,
Қизғалдоқлар гуллайди беор!

* * *

Очунлар бошласа сенинг қошингга,
Лоларанг ишким ичиб бораман.
Лал бўлиб, ол бўлиб юрак измидан
Оловли йўлларни кечиб бораман.

Номозшомгул каби олиб хаёлинг,
Армон сукунатин бузиб бораман.
Зангори боғингда мангур қолгани,
Азим дарёлардан узиб бораман!
Рўйи заминингда гулламоғим бор!

* * *

Ўттиз йил мунгайиб қолар ортимдан,
Дунёни яқинроқ укийман бирок.
Умримнинг энг тоза япроқларида,
Ҳайкириб ётади минг битта сўрок.

Ўттиз йил соғиниб қолар ортимдан,
Ўттиз бир нигоҳда оқарап тонглар.
Кун сайин кичрайиб боради жуссам,
Кўксимда очилиб боради ранглар.

* * *

Мен – дарёман, булатлар энган,
Бешигимда ухлар Оймомо.
Мен – тупрокман, гиёхлар унган,
Минг бир жуссам титроқларидан.

Мен – оппоқ тоиг, киприкларимдан,
Сирғалиб, сирғалиб тўкилар шабнам.
Мен – кўнгилман, дарчаларимдан
Само узра учар оккушлар!

Инобат НОРМУРОДОВА (Ойдин)



Инобат НОРМУРОДОВА 1961 йилда Китоб шахрида туғилган. 1968-1978 йилларда Алишер Навоий номли ўрта мактабда ўқиб, 1984 йилда Тошкент Давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг журналистика факультетини битирганд. Республика Ёзувчилар ва Журналистлар уюшмалари аъзоси.

У 1984-1991 йилларда "Шарқ юлдوزи" журналида фаолият кўрсатди. Айни пайтда Ўзбекистон телевидениесида катта муҳаррир вазифасида ишлайди. Унинг "Соғинч соҳили" "Кўнгил қушилари" китоблари босилиб чиққан.

* * *

Қанча сафар қариdi йўлда,
Қанча тўлқин келиб кетар жим.
Ҳали-ҳамон осмонга бокиб,
Мен ҳакимда ўйлар мунажжим.

Нигоҳимда саволлар ракси,
Фол кўргандай шивирлар тинчим.
Қанча йўллар юрибман эҳ-хе,
Ҳамон мени ўйлар мунажжим.

Кўринмайди йўлларда адок,
Турнақатор тизилар йўлчим.
Ой нурини ипга йуғуриб,
Яна мени ўйлар мунажжим.

Дөвлар келар бир күн бостириб,
Ва эртакка айланар ойим.
Сүнгра олиб кетар сўрамай,
Ўзи қарзга берган худойим.

Эшикка чопар кўзим,
Софинч ерга йиқилар.
Қамчи теккандай сўзим,
Томоғимга тикилар.

Узилади судралиб,
Ердан ноҳуш нигоҳим.
Қачон келар эшиқдан,
Менинг падар-паноҳим?

Ханжарига айланар,
Тун – кечанинг сўроғи.
Остонамга бойланар,
Якин йўлнинг йироги.

Йироқдан келгин, сабр,
Келиб бўйимга бўйлан.
Изимга қарай-қарай,
Икки кўзимга айлан.

Сабр косам, тўлмагин,
Тўлдирмагин бу дамни.
Паноҳингда асрагин,
Мен соғинган одамни.

Бобоқул НОРҚОБИЛ



Бобоқул НОРҚОБИЛ (Тошев) 1963 йилда Жайрахона қишилогида тавалттуд топган. 1980 йилда Абдулла Қодирий номли ўрта мактабни битирганд. 1984-1989 йилларда Тошкент Давлат университети (ҳозирги ЎзМУ) нинг ҳуқуқшунослик факултетидага таҳсил қўрган. Китоб тумани ижроия қўмитасида, ички шилар бўйимида ишлаган.

Бобоқул Тошев 1993-1996 йилларда республика Муаллифлик Ҳукуқини ҳимоя қилиши Давлат вакиллиги раиси ўринбосари, сунг Республика Президенти девони масъул ходими вазифаларида ишлаган, юридик фанлари доктори илмий даражасини олган. Ҳозирда Жаҳон Иқтисодиёти ва дипломатия университетидага кафедра мудири.

1997 йил унинг "Тонг юлдози" номли шеърлар тўплами чоп этилган.

ДУНЁМ БОР

Кимдир ёлғонлардан тузди дунёсин,
Ўрашдилар унга кимлар риёсин,
Кимдир лойқалади тоза дарёсин
Менинг маломатли олис дунём бор.

Кимлар эртак айтар фоний дунёда,
Кимнинг тухматлари ҳаддан зиёда,
Кимлар яшайдилар иймон, ҳаёда
Менинг ҳаё билан яшар дунём бор.

Гулзорларни кимлар килади пайхон,
Ҳақиқат күзига қадайди пайкон,
Яна кимнинг уйи қилинур вайрон
Менинг вайронадан олис дунём бор.

Барibir дунёмда ёлғиз юрмайман,
Биламан, унда мен абад турмайман,
Турфа бозорларни унда кўрмайман
Менинг иймонлардан битган дунём бор.

УЧ СЎЗ

Мен шоир эмасман, лек бағрим доғлаб,
Оқшомни тонггача улайман бедор.
Кўпларим кўксимга оҳиста боғлаб,
Тун бўйи уч сўзни қилурман такрор.

Бирламчи “ҳак” турур соҳиби карам,
Заррадан яратган “буюқ” одамни.
Унинг амри или инсон муҳтарам
Зиёга буркамиш ҳатто шу дамни.

“Олам” деб ҳайқирсан коинот ичра,
Неъматга лиқ тўла, баркаш намоён.
Оҳиста чарх урар ҳафт иқлим ичра
Сувлари туганмас, бағри бепоён.

“Мен” дейман иймана, шукrona айтиб
Яратган ҳаққа-ю, боқсан заминга.
Англадим, бир келдим, келмассан қайтиб
Ким ҳам тик турарди ажал, дамингга.

Маматқиём САЛОМОВ



Маматқиём САЛОМОВ 1951 йилда Офтобрўя қишлоғида туғилган. 1974 йилда Тошкент Давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг журналистика факультетини битирган.

Меҳнат фаолиятини Китоб тумани газетасидан бошлаган. Узоқ йиллар бошқарув органдаридаги ишлабган.

Ижод намуналари вилоят, республика матбуотида, алманияларда чоп этилган.

ОТАЛАР

Насиҳат беришган, сабок беришган:
—Камтар бўл, босиқ бўл ўзни йигиштир.
Инсондек, бир умр инсондек яша,
Бу ҳаёт кўз очиб юмгулик тушдир—
Ортда ғурур билан бокиб ўғилларининг
Одам бўлишини кутган оталар.

Йиллар ўтаверар, улғаяпмиз биз,
Замоннинг чархида чархланиб.
Бугун оқил йигит, доно одаммиз,
Ҳумо қуши қўнган бошга айланиб.
Во дариг, ўтдилар бир дунё армон билан
Бу кунни кўролмай кетган оталар.

БАҲОР

Қалдирғочнинг қанотларида
Учиб келган, эй жажжи баҳор.
Шоирларнинг баётларида
Ўз умрингни бошладинг илк бор.

Куйчи хофиз— ирмоқ бўлдинг сўнг,
Дараларда янгарар акс-садо.
Шу замин деб, эркам, мунисим,
Ўзлигингни айладинг фидо.

Атлас ёйдинг алвон кирларга,
Атлас бўлиб товланди жаҳон.
Сурур бўлиб сингди дилларга
Онажоним – хур Ўзбекистон!

ЎЗЛИК

Гоҳ сиғмай кетасан ўзингга,
Бу олам кўзингга тор туюлади.
Дардингни ёрмоқни билмайсан кимга,
Дилингдан сархуш куй – шеър куюлади.
Бундай пайтда сени
Тинглайдиган одам керак,
Англайдиган одам керак!

Жаҳон-ку кенг эзур аслида—
Юзингни эшикка уриб оласан!
Ногоҳ уйгонасан баҳор фаслида
Митти одамлигинг сезиб қоласан.
Бундай пайт ҳам сени
Тинглайдиган одам керак.,
Англайдиган одам керак!

Махфират ХАЛИЛОВА



Махфират ХАЛИЛОВА 1961 йилда Китоб шаҳрида туғилган. 1980 йил тумандаги 27-ҳунар-техника билим юртини тугатиб, иш-ийигириув ҳиссадорлик жамиятида ишлаган.

Шеъргари туман, вилоят газеталарида эълон қилинган.

БОЛАЛИК ЎЙ

Сукунат шарпаси сузар хонада,
Болишга ёнбошлаб ухлаб қолган чол.
Кўсак чувиёттан кампирни эса,
Олисларга элтар минг турли хаёл.

Келинчак бешикка кўксини тутиб,
Фарзанди ҳакида ширин ўй сурар.
Дўмбогин юзига юзини кўйиб,
Ажиб туйғуларга вужудин кўмар.

Гўдак жилмаяди сўнг ўз тилида,
Алланималарни айтиб қийқирап.
Гўдак овозидан чўчиб сукунат,
Ховлиқиб ўзини эшикка урап.

Чолнинг кўзларидан сурилар уйку,
Кампир хаёллардан тортади ўзин.

Хона бўйлаб шовкин суза бошлайди
Тилида тақорлаб “тирикман” сўзин.

Шовкин шарпасига қулоғин тутиб,
Болишга ёнбошлаб хаёл сурар чол.
Кўсак чуваётган кампирни эса,
Олисларга элтар ширин бир хаёл.

* * *

Яна куз умрини яшай бошлади,
Дараҳтлар бошида яна оғир ғам.
Яна хувиллади боғлар кучоги,
Яна кўчаларнинг чехралари нам.

Яна табиатда содир бўлмиш куз,
Содир бўлмиш бунда аёзлар қайта.
Совукда дилдираб ҳаста япроқлар,
Овозсиз пичирлар: ”Иссиқлар қайда?”

...Яна куз умрини яшай бошлади,
Яна кўчаларнинг чехралари нам...

ТОҒДА

Бу ерда ўзимни эркин сезаман,
Ичаман ҳавони мириқиб.
Бу ерда кўзларим тортинмас,
Ўтирмас эриниб, зериқиб.
Оёғим бу ерда қанотдек,
Олислга учирар кўзимни.
Шабаданинг уриб турган кўксига
Энтиқиб босаман юзимни.

Саъдулла АСРОР



Саъдулло АСРОР 1938 йилда Хонақо қишилогида туғилган. Ўрта мактабни битиргач, Самарқанд Давлат университети филология факултетида таҳсил олган. Қирқ йилга яқин туман мактаблари ўқувчиларига ўзбек тили ва адабиёти фанидан дарс берган. Назм билан бирга насрда ҳам ижод қиласади. Андалиб тахаллуси билан ўзбек мумтоз адабиёти вакиллари шеърларига мухаммаслар боғлаган, назиралар битган. Шеърлари матбуотда чоп этилган.

ТУШДИ ЎТ Увайсий газалига мухаммас

Неажабким ҳой ҳавасли дар девора тушди ўт,
Доғда колдириб ҳамиша пинхона тушди ўт,
Қалб сози, дил ҳаваси-чин баҳора тушди ўт,
Интизоринг охидин бу хонимона тушди ўт,
Хонумон недур бу кеча жисм-у жона тушди ўт.

Чин вафо бўлса азалдан дўсти содик ёд этар,
Ғам сели забт этса юртни ким шаҳар обод этар,
Ҳақ ўзи берса мадад мушкулинг күшод этар,
Ишқ ўти ҳар кимда бўлса нола-ю фарёд этар,
Булбули бинолаям оҳу-фигона тушди ўт.

Кетса элдан эзгуликлар ҳар бир он оху фиғон,
Юрт излаб элни күргин жони-жаҳон оху фиғон,
Истаган ҳак ва ҳақиқат бағри қон оху фиғон,
Таҳсин эрмас хону-мону жисем жон оху фиғон,
Онча маҳрумманки, мағзи устихона тушди ўт.

Хилват ичра фикри беҳбудим сен ўлдинг, эй ҳабиб,
Не илож сўзони бедудим сен ўлдинг, эй ҳабиб,
Кишвари дил забти тождорим сен ўлдинг, эй ҳабиб,
Деб эдинг матлуби мақсудим сен ўлдинг, эй ҳабиб,
Фаҳм қилгин энди мақсуди жаҳона тушди ўт.

Хуршиди таб тегмаган сўлинқи бир гул айладинг,
Барг ҳазондек зардли юз-дарди мушкул айладинг,
Қадр-киммат истадим мени нархи бепул айладинг,
Неча сўз бирла мени тоҳ үнг-у тоҳ сўл айладинг,
Шукри иллоҳки, дилим бул имтиҳона тушди ўт.

Роҳи ҳак кўзловчиларга йўл очгин барқарор,
Ҳеч оқил бўлмасин мендек фалокатга дучор,
Ўз қулингни ё илоҳи йиглатма унда зор-зор,
Қай куни ишқинг ҳавоси топди қўнгилда карор,
Ул сабабдур кимки, аҳли марғилона тушди ўт.

Шоҳ ва дарвеш ўз йўлида бошга божин истама,
Элда оқил бўлмаса мардум ривожин истама,
Андалибдек кўйиниб, божи хироҗин истама,
Вайсий сўйдинг ишқ кўймаслиғ иложин истама,
Аввало колубалода ошикона тушди ўт.

Азамат СҮЮНОВ



Азамат СҮЮНОВ Китоб туманининг Қорабулоқ қишилогидага түгилган. Чорак асрдан буён республикамиз матбуотида публицистик мақолалари, шеърлари билан қатнашиб туради. Айни пайтда “Мұхофаза+” журнали “Вазият” газетасы бирлашган таҳририятыда бош мұхаррир үринбосари лавозимида хизмат қылади.

“Юртим құшиғи “номли шеърлар тұплами чоп этилған

БИЛИМДОН

– Қани укам, Соливой
Билимдонсан, ҳойнахой.
Топ, ишлатиб мияни
Картадан Англияни.

“Хүп бўлади, ака”, деб,
Картага карап ҳадеб.
Терга ботган Соливой,
Тополмасдан холивой.

Роса қидириб қайтди,
Сўнгра фикрини айтди:
Картани чизган одам
Уни чиқарган ёддан.

ҲИСОБЛАЙМАН ЁШИНИ

Бир куни қир-адирдан
Тошбақа топди Омон.
Роса суюнганидан
Югурди уйи томон.

— Дада, томоша қилинг,
Мен топган тошбақани.
Эслатади бобомдан,
Қолган сопол косани.

Омон сўзлар ҳайрат-ла,
Кимирлатиб бошини.
— Уч аср яшармикан,
Ҳисоблейман ёшини.

ТУЛКИННИГ ҲИЙЛАСИ

Ўлжани кўргач, този
Чопди ўша томонга.
Айёр тулки кочарди,
Жон қолсин, деб омонга.

Дарахтга етмай тулки
Бирдан ёнга бурилди.
Ўзин эплолмай този
Кўш дарахтга урилди.

БОЛАНИНГ ҲАСРАТИ

Кокилиб юрсам-чи ҳар доим,
Кўзингга қара, дер оим.
Иккала кўзим юзимда
Қандай карайин кўзимга?!

Муниса ҲАМИДОВА



Муниса ҲАМИДОВА 1956 йилда Сариосиё қишлоғида тавал-луд топган. 1973 йилда ўрта мактабни тугатган. Ҳозирда ўй бекаси, беш нафар фарзанднинг онаси.

Шеъриятга ёшлиқданоқ ошно бўлган, ижодида она Ватан, шиқ, вафо, ёр мавзулари етакчи ўрин тутади. Арузда ҳам яхшигина ижод қиласди. Навоий газалларига мухаммаслар ёзган. Шеърлари матбуотда чоп этилган ва “Авлодлар баёзи” китобидан ўрин олган.

КИМДА БОР? *Навоий газалига мухаммас*

Дахри дундин кўп ситамким, менда бордур, кимда бор?
Жабр кўрмоқ дамбадамким, менда бордур, кимда бор?
Бул сабабдин кўзда намким, менда бордур, кимда бор?
Дилбаро, сендин аламким, менда бордур, кимда бор?
Фурқатингдин ушбу ғамким, менда бордур, кимда бор?

Рохи умрим пур уқубат сен каби ҳамроҳдин,
Кетди кўлдан билмадим мурғи хумо ногоҳдин,
Эй, надомат айласам, кулманг мени гумроҳдин,
Мазраи айшим кўкармайдур самуми оҳдин,
Йўқса бошдин мунча ғамким, менда бордур, кимда бор ?

Сен гумона ботма бундок рост сўз ҳеч кимда йўқ,
Онглагил, қалбимдаги мундок рамуз ҳеч кимда йўқ,
Топмағайсен, изла минг бор, изла юз, ҳеч кимда йўқ,
Қўйма миннатким, юзумдек пок юз ҳеч кимда йўқ,
Бўйла ишқи пок, ҳамким менда бордур, кимда бор?

Орзуий васлин этиб, чиксам агар хиргоҳдин,
Йўл топарманму у янглиғ сарбаланд даргоҳдин,
Нури ҳуснига осилсам, қўрқамен ул моҳдин ,
Бахт ул ой қасрига қўймас, йўқса дуди оҳдин,
Бу каманди ҳам-баҳамким, менда бордур кимда бор?

Сенки оҳинг дуди-ла , байъ этма васлин, эй кўнгул,
Хар зиёну суд ила байъ этма васлин, эй кўнгул,
Чашми хун олуд ила байъ этма васлин, эй кўнгул,
Қалби рўйандуд ила байъ этма васлин, эй кўнгул,
Доғдин мунча дирамким, менда бордур, кимда бор?

Кўйида мастона жон, тандинки чиқса, эй рафик,
Нетсин инсоф мўхтасибига йўлукса, эй рафик,
Шавк ўти афзун бўлуб, ҳар лаҳза ёқса, эй рафик,
Бор экан вобастаи тавфик, йўқса, эй рафик,
Бу кадар шавқи ҳарамким, менда бордур, кимда бор?

Бул ҳаваслик, Муниса айбинг турур йўқса бу навъ,
Ким сенинг густоҳлигинг ҳаддин ошур йўқса бу навъ,
Мир Алишер шеър элиға пийрдир, йўқса бу навъ,
Эй Навоий, гарчи журмим кўп эрур йўқса бу навъ,
Хисрави соҳиб қарамким, менда бордур, кимда бор?

ТЎРТЛИК

Дунё – бозор, ҳар хил мато тўлиб ётар:
Кибру ҳаво расталари қатор- қатор.
Дўсти азиз, қани айтинг меҳр қайда,
Қадр-қиммат, оқибатни қайда сотар?

Абдуқаҳҳор ФАНИЕВ



Абдуқаҳҳор ФАНИЕВ 1953 йыл Китоб шаҳрида таваллуд топган. 1969-1974 йилларда Тошкент Давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг физика факультетини тамомлаган. 1979-1982 йиллар М.В.Ломоносов номидаги Москва Давлат университетида аспирантурада таҳсил олган. Физика математика фанлари номзоди, доцент.

Айни пайтда Шаҳрисабздаги академик лицей директори вазифасида ишилайди. “Тулоримга штижсо” номли шеърлар түплами чоп этилган.

ОРЗУЛАР

Кунлар бетинч, тун беуйку,
неларнидир излайман,
Гоҳо дил шод, гоҳо қайғу,
орзуладардан сўзлайман.
Олис-олис чўққиларга
кадалгандир бу кўзлар,
Тиним билмай талпинаман
тутғен уриб қалб бўзлар.

Ёр васлида оҳлар уриб,
гоҳ севгимни куйлайман
Гоҳо узок хаёл суриб

келажакни ўлайман.
Гоҳ негадир эришаман,
ором истаб ҳойна-хой,
Лек орзулар туғилади,
туғилади пойма-пой.

Юрак бетинч түлгөнади,
дилда яна бир армон,
Орзуларнинг чеки йўқдир,
йиллар ўтар беомон.
Тугамангиз умрим қадар,
ширин орзу тилагим,
Лаҳза сизсиз қолсам агар,
сўнар шу он юрагим.

ПАРВОНА

Зулматинг чок-чок этиб бир шам хира ёнадир,
Атрофидга ёғдуга зор айланган парвонадир.
Ул бечора нурга ташна ўзни ўтга уради,
Тани-жонин куйдиради, минг ўртаниб туради.

Ишқ дарди, туғён уриб тополмайди ҳеч ором,
Билса ҳамки ёнмоқлигин юрагида интиқом
Ва яна шу ташналики бағишлайди унга жон.
Нурга зорки, ўзни ўтга ураг яна шу замон.

—Тун шам узра айланувчи бечора парвонадир,
Ёғдуга зор тап тортмайин доим ўтда ёнадир.
Интизорлик унга қайта рух-у жон бағишлайди,
О, севгилим, ул парвона билсанг менга ўхшайди.

Эркин НИЁЗАЛИ



Эркин НИЁЗАЛИ 1948 йил туманинг Ваткана қишилогида туғилган. Китоб туман матлубот жамиятида ишлаган. “Мехр”, “Вафо”, “Кўнгил ибтидоси” каби шеърий тўпламлари чоп этилган.

ТЎРТЛИКЛАР

Булутлар ёпирилди, булат бўлдим, хей,
Шамоллар тўзғиди, унут бўлдим хей.
Булутлар қайтишди, ёмғирлар куйди,
Сабзалар кўкарди, умид бўлдим хей.

* * *

Ғунчадир, чечакдир, япроқдир латиф,
Ғунчалар дудогин ўпмоқдир латиф.
Бу боғдир, бу гулшан–бунёдимиздир,
Шу замон, шу Ватан– тупроқдир латиф.

* * *

Тупрокни тавоф эт – тупрок онадир,
У бизга абадий, муҳим хонадир.
Севмасанг тупрокни, Ватанини, жигар,
Келмаг-у кетмакдан мақсадинг надир?

* * *

Оғзингдаги ошингни ютарсан ё йўқ,
Топилмас анқони тутарсан ё йўқ,

Дунёнинг молига хирс қўйма асло,
Бозор бу, молингни сотарсан ё йўқ!

* * *

Не чоғли ҳасратдир изинг қолмаса,
Дилга наф бўлгали сўзинг қолмаса,
Рухинг ҳам безовта, оройиш билмас
Ортингда ўғил-у, қизинг қолмаса.

* * *

Сайкал топиб қадри ошгай тиллани,
Илми пучлир, такрор этмас муулани,
Минг урилиб пишмагайсан ҳомкалла,
Не нафи бор ошқовокқа саллани.

* * *

Умрим ўтгай, дайри дуннинг даштида,
Жунунман-эй, дил азобнинг гаштида,
Зорланмагил, сен ёнимга туш, ҳазон,
Бир бора ок, қарогимнинг ашкида.

* * *

Огоҳ бўл дўст, умринг сени ўтмоқдадир,
Фурсат баттол, бағринг шошмай, ситмоқдадир.
Энди қайтмас, завқли дамлар, ёшлик, бахор
Ўйчан нигоҳ, ҳазин кузак кутмоқдадир.

* * *

Бевафога дил бердим, энди менинг дилим, йўқ,
Ҳижронида куярман, илло менинг кулим йўқ,
Азобда жон ўртанур, ҳасрат дўлида колдим,
Кўя-кўя ўтарман, нетай, ўзга йўлим йўқ.

Нормурод АЛИҚУЛОВ



Нормурод АЛИҚУЛОВ 1953 йылда Аёқчи қишилогида туғилган. Тошкентдеги ўрта милиция мактабини тугатиб, күп ийлар туман ички ишилар бўлимида ишлаган. Туман, вилоят, республика матбуотида шеърлари эълон қилинган.

1995 йилда унинг "Сийрат" номли шеърлар тўплами чоп этилди. Ижодида тўртликлар алоҳида ўрин тутади. Уларда иймонэътиқод, эрк, ҳалоллик, дўстлик, ислам-у маърифат ва донишмандликни улуглайди.

ТЎРТЛИКЛАР

Бетараф бўлиш ҳам ёмондин яхши.
Ақлли ёв дўсти нодондин яхши,
Нафс йўлинда бўлса барча ҳаракат,
Имконсизлик гоҳо имкондин яхши.

* * *

Дунёда меҳмонсан, йўл ҳали узок,
Манзилга етгунча минг жойда тузоқ.
Оlamдин кўз юмид кетар чоғингда
Оғирлик қиласин, юкни ол озрок.

* * *

Ғунча умри тугар то очилгунча,
Тириклик ҳам асли мавхум тушунча.
Бордан йўқ бўлишнинг ораси бир он,
Тунка дам олади болта тушгунча.

* * *

Билингиз даврада доим түр бўлар,
Такалтуфсиз турга ўтган кўр бўлар.
Сухбат вақти доно пойгакда қолса,
Тўр пойгак бўлади, пойгак тўр бўлар.

* * *

Осмон булат бўлса зинхор ой чиқмас,
Хасис авлодидан хотамтой чиқмас.
Суюнма хасисдан сахий чиқди деб,
Чумчук семирса ҳам ботмон мой чиқмас.

* * *

Авлиё кўрсатиб эл аро ўзни,
Иймондин очарди мудом ул сўзни,
Ногоҳ кўзим тушди бозорда ул зот,
Шойи деб сотарди униқкан бўзни.

* * *

Рухнинг камопоти менда бўлмади,
Нафсим голиб чиқди, рухим кулмади.
Нафс йўлига кириб қантча йигсан ҳам
Яна кам кўринди, кўнглим тўлмади.

* * *

Дунё излаб елдим, фойда бўлар деб,
Югурдим, ахтардим кайда бўлар деб.
Ҳакнинг берганин еб, шукронга қилмай,
Билмадим ҳакиқат лойда бўлар деб.

* * *

Бу дунёда бизлар бугун меҳмонмиз,
Ҳоҳ подшо, ҳоҳ гадо, ҳоҳ дехконмиз.
Эсингда тут, унутмагин, биродар,
Энг аввало биз инсонмиз, инсонмиз.

Ҳикмат САМАДОВ



Ҳикмат САМАДОВ 1950 йилда Китоб шаҳрида туғилган. Тошкент Дағлат университети (ҳозирги ЎЗМУ)нинг филология факултетини тугатган. "Китоб тонги" газетасида бўлим мудири, мактабда ўқитувчи бўлиб шилаган. "Етти қиз" ва "Ишқ аро армон" достонлари "Наутака" тўпламига киритилган. Шеърлари "Янги газета", "Туркистон", "Маърифот" ва бошқа наширларда чоп этилган. Айни пайтда нафақада.

СҮРУР

Яшиллик оламин дўстим, куч
Симиргин баҳорнинг сурурин.
Ҳаётнинг тонгдаги пок шеърин –
Майсалар шабнамин қониб ич.

Баҳорнинг бағрида шеърият,
Балқийди латофат шунчалар.
Барқ ураг қалбида соғ ният,
Қарагин, жилмаяр гунчалар.

Осмон, эх, тип-тиник, зангори,
Ё кўм-кўк баҳорнинг кўзгуси.
Ҳадемай уфқдан кўриниб
Турналар аргимчок тизгуси...

Булутми осмоннинг сийнаси?
Оқ пардек учади хаволаб...
Япроқлар юзига қуйиб лаб,
Майлига шамоллар ўйнасин.

Яшиллик оламин дўстим, куч,
Симиргин баҳорнинг сурурин.
Ҳаётнинг тонгдаги пок шеърин—
Майсалар шабнамин қониб ич...

ТОҒДА

Салқин шамол эпкинлари дилни ёкар,
Улкан тоғнинг кулранг тоши сўқир бокар.

Кушларнинг шод сайраши ҳам қолар тиниб,
Шиша каби заррин осмон кетар синиб...

Куёш нури ўрмалайди адир бўйлаб,
Илон каби ялтираган сойлар куйлар.

Турфа гиёҳ ифорлари димоқ ёрап,
Бунда хаво мусаффодир, ўпка яйрап.

Шодон кўшиқ айтгинг келар жуда-жуда,
Табиатнинг ноёб куйи энг авжида.

Сукунатнинг садосидек атроф сокин,
Тебратади терак баргин шамол-ҳоким.

Сув бетида оймомоннинг мавжи ўйнар,
Дил ҳаприкар, тикилганча кўзлар куйлар...

Хосият ЖАББОРОВА



Хосият ЖАББОРОВА 1946 йилда Сурхондарёнинг Денов туманинда туғилди. Ўрта мактабни туғатиб, Низомий намидаги Тошкент Давлат педагогика институтида таҳсил кўрди. Китоб туманидаги мактабларда ўқитувчи, директор ўринбосари, туман маданият бўлими мудири, туман хотин-қизлар кенгаши раиси, туман ҳалқ таълими бўлими услугубчиси вазифаларида ишлаган. “Адолат” СДП туман кенгашини бошикарган.

Унинг “Диёнат ҳайкали”, “Истиқлол мадҳи”, “Қалбим баҳори” шеърий тўпламчари чоп этилган.

ВАТАН

Сарҳадларни кўриклайди ўғлонларинг,
Курашларда енгигб чиқар полвонларинг.
Дарак берар ўтмишингдан достонларинг,
Кундан-кунга яшнамоқда бўстонларинг.
Ҳеч нарсага алмашмайман, Ватан сени,
Юрагимни забт этгансан ўзинг мени.

Осмонингда ой сузади кеча-кундуз,
Қайда бўлмай ҳамроҳ бўлар зухро юлдуз,
Ўзбек деган табаррук ном отар илдиз,
Жаҳон ичра Ўзбекистон бўлди азиз.
Ҳеч нарсага алмашмайман, Ватан сени,
Юрагимни забт этгансан ўзинг мени.

Дунё сенга ҳавас билан боқиб турар,
Келажакнииг мевасини сенда кўтар,
Юрт хотиржам, халқ қувониб даврон сурар,
Яйловингда кўй-кўзилар ўтлаб юратар,
Ҳеч нарсага алмашмайман, Ватан сени,
Юрагимни забт этгансан ўзинг мени.

Дунё кезиб тополмадим сендай макон,
Осмонўлар тоғларингдир бойликка кон,
Сергакдирман, душманингга бермайман ён,
Тайёрдурман сенинг учун бермоққа жон.
Ўлгунимча кўриқлайман, Ватан сени,
Юрагимни забт этгансан ўзинг мени.

Ўзбекистон номин ёди Руслан, Рустам,
Алпомишдек алп коматли Абдулла ҳам,
Уч ўғлонинг, уч чавандоз бўлганда жам,
Ўзбек энди ўзига бек, бўлмайди кам.
Посбонингман кўриқлайман, Ватан сени,
Юрагимни забт этгансан ўзинг мени.

ТЎРТЛИКЛАР

Яхши инсон ҳеч қачон оёғидан тоймайди,
Ёмонларни тарк этиб, яхшилардан қолмайди.
Айбини айтганингда юрагига олмайди,
Номардларни лол қилиб, айтган сўздан тонмайди.

* * *

Бу дунёда товланиб, турғанларни кўп кўрдим,
Ёлгон-яшиқ гапириб юрганларни кўп кўрдим,
Инсоф-у диёнатни йигишигириб бир ёнга,
Бирорларнинг ҳақидан урганларни кўп кўрдим.

Марям АХМЕДОВА



Марям АХМЕДОВА 1959 йилда Китобнинг Бешқозоқ қишилогида туғилган. 1966 йилда Улугбек номли ўрта мактабни битириб, 1980-1982 йилларда Шаҳрисабз тиббиёт билим юртида таҳсил кўрган. Бир неча йил Китоб туманидаги сил касалликлари шифохонасида ҳамишира, кейинчалик Тошкентда “Ҳамишира” журналида адабий ходим бўлиб ишлаган. 2002 йилдан бўён “Қадрият” газетасида ишлаб келмоқда.

БАХТИМСАН, ВАТАН,

Дунё берди бизга тан, фарзандлар қучмоқда шон,
Тараққиёт палласи, билимларга кенг имкон.
Соғлом фарзандлар фахру ёрут келажак, сурур,
Ўзбекистон сен биз чун ойдин манзил ва ғуур.
Осмонимда куёшим, иссик бағр, бардошим,
Мехри бебаҳо гўшам, қалбга суянч, сирдошим.
Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан,
Фарзандларга юраги пайваста, имдод Ватан.

Хоразмий, Бухорий, Ибн Сино, Термизий,
Тамал тошинг бакувват, кўллагай ўлмас мозий.
Қаддини тиклаб довруғ таратган юрт, Ватансан,
Фарзандларни бағрингда инсон килган Отасан
Осмонимда куёшим, иссик бағр, бардошим,
Мехри бебаҳо гўшам, қалбга суянч, сирдошим.

Тақдиримсан, баҳтимсан, эркин ва обод Ватан,
Фарзандларга юраги пайваста, имдод Ватан.

Гулла-яшна жаҳоним, сенга баҳшида жоним,
Шону шуҳратга буркан, номи элга достоним.
Мадхингни куйлай токи, титрасин ер-осмоним,
Билки, баҳшида қалби, баҳодир ҳар ўғлонинг.
Осмонимда куёшим, иссиқ бағр, бардошим,
Мехри бебаҳо гўшам, қалбга суюнч, сирдошим.
Тақдиримсан, баҳтимсан, эркин ва обод Ватан,
Фарзандларга юраги пайваста имдод, Ватан.

СЕВИБ ҚОЛДИМ МЕН

Майсаларинг қалбимга таскин,
Япроқларинг борликка таҳсин,
Гардинг бўлса, ўзимга кўнсин
Ватан, сени севиб қолдим мен.
Тупроғингда унгайдир олтин,
Дарёларинг қалбимга ёлқин,
Тоғларингдай юракда тўлқин,
Ватан, сени севиб қолдим мен.
Қишлоқларинг шахардек кўркам,
Қадамларим солланар юрсам,
Яшлайвергин, жопажон ўлкам,
Ватан, сени севиб қолдим мен.
Кучоғингда танидим ўзни,
Кўрдим ерни, осмон, юлдузни,
Сендан топиб гавҳарим – сўзни,
Ватан, сени севиб қолдим мен.
Фарзандим деб, бериб меҳрингни,
Доим очиб меҳринг, баҳрингни,
Вужудимга соглаҳ сеҳрингни,
Ватан, сени севиб қолдим мен.
Гўзал юртим, юксалдинг, юксал,
Ҳар нарсадан ўзинг буюксан,
Юракдаги сўзимни тўксам –
Ватан, сени севиб қолдим мен.

Азамат НАМОЗОВ



Азамат НАМОЗОВ 1947 йили Хўжасенпароз қишлоғида таваллуд тонган. 1966 йилда ўрта мактабни битириб, ҳарбий хизматни ўтаган. 1970-1975 йиллар Андижон пахтачилик институтидаги, 1989-1992 йилларда Тошкент Давлат маданият институтидаги таҳсил кўрди.

Дастлаб Шаҳрисабз қишилоқ хўжалигини механизациялантишимида ўқитувчилик қилиди. Бир неча йил Китоб туман маданият бўйлими мудири вазифасида шилади. У республика маданият аълочиси, "Марҳабо талантлар", "Даврамизга марҳабо" телетанловлари голиби. "Юртимизнинг узуг алломалари", "Оқсув оҳанглари", "Ватан шиқидаги диг тароналари" китоблари муаллифи.

КИБРЛИ ОДАМ

Билганим бор устомон одам,
Савлат тўкар элнинг кўзига.
Пинагини бузмас ҳеч качон,
Бепарводир айттан сўзига.

Писанд қилмас одамларни у,
Кўришади қўлин учидা.
Нигоҳлари илонникидек,
Каттамсираб турар ичида.

Камтарликни билмайди сира,
Байрам ёки азаларда хам.

Яхшиларни курса ҳасратдан,
Ич-ичини кемиради ғам.

Яшар кимнинг соясида у,
Билимдоңдек тутар ўзини.
Кўплар уни кўкка кўтарар,
Куллук қилиб олар сўзини.

Кўчалардан гердайиб ўтар,
Кимлигини билар халойик,
Жон кўйдирмас ҳеч ким учун у,
Фикри ботил, у шунга лойик.

Билмайди у дунё ўткинчи,
Қолиб кетар мол-дунё бари.
Камтар бўлинг эл орасида,
Бош осмонга етгани сари.

СЎЗИДА БОЛИ БЎЛСА

Йигитлар баҳтиёрдир ёри вафоли бўлса,
Ҳам иболи, сабрли, шарму ҳаёли бўлса,
Ҳар ишга бўлгай қодир, дилда қарори бўлса.
Омад қулиб боқса, қалбидаги ори бўлса.

Армонда ўтмагайлар, чекмайдилар хижолат,
Чин дилдан севган ёри иффат, иболи бўлса.
Кошонангни ёритар шамсу қамар мисоли,
Ҳам одобли, ақлли, фикри зиёли бўлса.

Фарзандлар ҳам саломат, лаззатли эрса турмуш,
Қалби покизаларнинг сўзида боли бўлса.
Азамат ҳожи, кўнгай бошингта тожу давлат,
Ҳар кимсанинг менингдек баланд иқболи бўлса.

Яшин ТҮРАЕВ



Яшин ТҮРАЕВ 1972 йилда Севаз қишилөгидә түгилган. Қарши давлат университетида таҳсил олған. Шеърлари "Наутака" түпнамига кириштілған, матбуютда мунтазам чоп этилади.. У "Бу ишқ" номли китоб мұаллифи.

* * *

Ёр юзи мисли күёш,
Боқсанг күзинг тұла ёш,
Аммо бу күңгил – авбош,
Боқаман, деб кистайди.

Ёрнинг ишки – сел дарё,
Оқизар түшсант, аё,
Күңгил саркаш бир дунё,
Окаман, деб кистайди.

Ёрнинг күнгли – нозик гул,
Бу дил истар! – Гулни юл!
Гулни манглайта күңгил
Тақаман, деб кистайди.

Ёрнинг бағри бир ўчоқ,
Үт этмоққа дил муштоқ,
Майли, ёнсин ҳамма ёқ,
Ёқаман, деб қистайди.

Ёрнинг радди мисли мор,
Бу –халокат бешумор.
Жонимга ташна, хумор,
Чақаман, деб кистайди.

Ёрнинг васфи–бир олам,
Оlam ичра шеър – нолам,
Жонни жонга бу қалам,
Суқаман, деб кистайди.

ТҮРТЛИКЛАР

Осмонга чекилган оловли оҳман,
Ўзимдан бехабар, ўздан огоҳман,
Устимда бу дунё русмида ридо,
Кўнглимда Навоий истаган шоҳман!

* * *

Ағёр, дўстдан топганим жабр–менинг ҳамроҳим,
Чашмимдан ашқ сел–сероб, абр–менинг ҳамроҳим.
Ҳар бир сайъи кор ичра бир синоат, панд қўрдим,
Сабр берса умримга, сабр–менинг ҳамроҳим.

* * *

Кўзлар нам дунёнинг кўрликларидан,
Пешона кўргани, шўрликларидан.
Хурсандлик кўшиғин пардасин тутиб,
Ҳайронман андухнинг жўрликларидан.

* * *

Ҳасаддан қайғуга ботишинг мумкин,
Маломат тошини отишинг мумкин,
Сотиб оломайсан тоза одамни,
Аммо минг афсуски, сотишинг мумкин.

Ҳасан ҚҰРБОНОВ



Ҳасан ҚҰРБОНОВ 1960 йылда Китоб шаҳрида туғылған. Тұмандаги Алишер Навоий номлы мактабда таҳсил күргач, Абдулла Қодирий номидаги маданият институтини битирған. Күп түллар Китоб туман маданиятында спорт шилари бўлимида турли вазифаларда ишлабган. Ҳозирги кунда тұмандаги ижтимоий иқтиисодиёт касб-хунар колледжидә ўқитувчи.

Шеърлари матбуотда чоп этилған, "Күнгил ифори" номли шеърий түпнама муаллифи.

ЭВРИЛИШ

Тун. Деразам чертади ёмғир,
Уйқу бермас безовта ўйлар.
Ха, у сенсан машшок ё шоир –
Бедор тұнлар дардини сүйлар.

Вахимадан халос эт мени,
Эй сен дайди! Тарк эт хонани.
Ишқ шу күйга солибди сени,
Хамроҳ этма мен девонани.

Гулни бўяб Қайснинг конига,
Рух дардига жиссим бермас дош.
Ишқ қасд дема Шириң жонига,
Тошдан эмас мендаги бардош.

Нарвонингни кўк тоқидан ол,
Имлама, кўрқаман кенгликтан.
Шеър ёзай деб шунчаки, хиёл,
Умид килган эдим жимликдан.

Хувиллаган ишқ саҳросида,
Ёлғизликдан қўрқиб келдингми?
Тохир тутган ишқ Зухросига,
Тирик етмай бағринг тилдингми?

Вомик, Узро, Фарҳод-у Ширин,
Мангаликда топдими висол?
Не синоат, билмайин сирин,
Мендан илҳақ сўрдингми савол.

Майли, айтай. Англаганим шу—
Идрокимга сиқсан ҳақиқат.
Бу дунёда чин ишқ йўқ. Ёху!
Ишқ элига абас фароғат.

Чунки уни тинглагувчи йўқ,
Девона дер уни оломон.
Муҳаббатдан эгни бут, нафс тўқ,
Факат уни топмоғи гумон.

Шу илинжда тентирайди у,
Излагандек мағзи анқони.
Ишқ касрига келиб рупарў,
Мукофот деб билар БАҚОни.

Баҳодир ҲАЛИМОВ



Баҳодир ҲАЛИМОВ 1990 йилда Паландара қишлоқ фуқаролар йигини Офтоборўя қишилогида тұғылған. Шеърлари республика матбуютида чоп этилған. 2008 йилги “Зомин” семинари шитирокчиси. ЎзМУнинг журналистика факультетини битирған.

“Энг судув армон” ёш изжодкорниңг илк түпламидир.

ВАТАН

Эрка ташвишларин бағрига босиб,
Дунё айланади теграмда маним.
Етти миллиард инсон, етти миллиард ғам,
Ҳасратдан яралган асли жон-таним.
Ўйлайман, ўйловнинг чегараси йўқ,
Булутман, ёмғирдай тўкилолмайман.
Чинорлар бағрида чинордай ўсдим,
Мажнунтоллар каби эгилолмайман.
Тош отиб ўтади, ўтган ҳар нокас,
Тошларни бағримда йиғолмайман ҳеч.
Онамни армонлар банди айласа
Кўнглим буш, армонни бўғолмайман ҳеч.
Эрка ташвишларин бағрига босиб,
Дунё айланади теграмда маним.
Ўғлингман, ғамларни ўзимга олиб,
Шодликни қалбингга экай Ватаним!
Камолингни кўйлаб ўтай мен, токи

Орзу синглим бўлсин, орзу ҳам оғам.
Онам баҳтим дея сенга талпинсин,
Покиза дуога айлансин отам.
Сени боламдайин ардоқлай Ватан!

БОЙЧЕЧАК

Ёмғир хужумини бошлаб бир пасда,
Дарёлар хайкириб тошади “шов-шув”.
Мудраган тупрокни уйғотар аста,
Янги зритилган кўрғошиндай сув.

Тўшакка михланган хасталар каби,
Васият қиласи феврал-жонсарак.
Тушунгандай фоний дунё матлабин,
Ёмғирда покланиб олган бойчечак.

* * *

Булут парча-парча тўкилди,
Оқ майсалар кўкарди бирдан.
Сон минг юлдуз учар малаклар,
Кўйлакларин қолдирди ерда.

Ой осмонни кечиб боради,
Ёғдуларин заминга тўшаб.
Булутларга багрин беради,
Маъшуқага бирмунчча ўхшиаб.

Тарновларда узун сумалак,
Баҳайбат фил йўғон хартуми.
Кўчаларда ҳоким яхмалак,
Кўзгуларнинг янги русуми.

Адирларда бўри увлайди,
Чор атрофда кезар тулкилар.
Сукунатни чавақлаб айни,
Бошим узра учар уккилар.

Матлуба МУҚИМОВА



Матлуба МУҚИМОВА 1961 йилда Китоб шаҳрида туғилган. Низомий намидаги Тошкент давлат педагогика институтини битирган. 30 йилдан бўён 3-умумтаълим мактабида ўқувчиларга ўзбек тили ва адабиёти фанидан дарс беради. "Шуҳрат" медали соҳибаси. Шеър ва мақоллари матбуотда чоп этилган.

КЕЛАҚОЛ, БАҲОР

Зардобранг туйгулар истар яшиллик,
Мудрок хаёллардан зерикди кўнгил.
Куёш тиккан қувонч куйлагин кийиб
Навбаҳор, бағрингга отилгим келди.

Үйқусиз тунлардан зада юрагим,
Музлаган ғамларим сув бўлиб оқсин.
Кўзимга севинчнинг рангин қайтариб
Баҳор, гўзаллигинг дилга ўт ёксин.

Булут тўккан ёшлар киприкка иниб,
Тутиб колсин қалбим томчиларини.
Камалак рангидан оловланиб дил
Сезмасин рақибнинг қамчиларини.

Беғубор болалик бағрига қайтиб
Шодон қүшикларни күйласам такрор.
Бугун бахт эшигин қоқиб турибман,
Дуо қил, бекам қиз бўлайин Баҳор!

ОНАЖОН

Дил тўла дардимни тўқдим, ичдингиз,
Кўз ёшим сингиди томирингизга.
Оҳ, мен дея оромдан кечдингиз.

Тоғдай ҳасратларим илиндим Сизга
Юпанч либосини кийдирдингиз-а,
Мехр куёши бор сертаскин кўзда.

Сирларим сандиги – дардкапим Онам
Дийдорингиз дунё кувончи экан.
Кемтик юрагимга сабр дарвоза.

Согинсам, тушларим чорлагай Сизни,
Нигоҳлар таскини аллалар вужуд,
Бағрингизга босинг, гўр қизингизни...

ДИЙДОР

Согинчим пойингга тутдай тўқилди,
Висол эшигини тарк этди ҳижрон.
Уйқусиз тунларга ҳукм ўқилди.

Сўлғин нигоҳларга лаб босди севинч,
Тинди кўз ёшларнинг аччик булоги.
Қарокда порлади ёруг нур – илинж.

Туйгулар сиғмади дил қолипига,
Дунё шундай сирли, мафтункорми, айт,
Айландим бир зумда бахт соҳибига.

Дилдора ШОДИЕВА



Дилдора ШОДИЕВА 1970 йилда Жайрахона қишлоғида туғылған. Тумандаги 49-мактабда, Тошкент Давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) филология факултетида таҳсил кўрган. 1-умумтаълим мактабида ўқувчиларга ўзбек тили ва адабиётидан дарс беради.

* * *

Ёмғирдан сўнг эзилган,
Ташларга бериб титроқ.
Ҳаволарда янграган
Чакмоқ, момоқалдириқ.

Занг босган кўнгилларни,
Тўлдир баҳорий ҳисга.
Чучмомани авайлаб,
Юзидан ўпиб, иска.

Қалдирогинг ёқади,
Қалбимга бериб сурур.
Момо ерни ўйғотиб,
Дунёни гулга тўлдир.

* * *

Тушларида офтобни кўриб.
Гултувакда ухлайди бир гул.
Не ажабки минг нола айлаб,
Шохласига қўнганмиш булбул.

Зах бир хона, йўгалар кув-кув
Куёш доим ўтар тескари.
Насибаси бир пиёла сув,
Яшамоқда наридан бери.

Аммо тушлар беради таскин,
Орзулардан поёндоз тўшаб.
Рангпаргина гўзал чечагим,
Бунча менга кетасан ўхшаб.

ҚИШЛОҚ БОЛАСИГА

Шафақнинг ошуфта нурига чўмиб,
Хаёлий эртакдек ботди-ку окшом.
Подалар қайтиши шошқин, тўполон,
Болалик кезларин эслатар бу дам.

Маъсум кунларимни эслаб, кувониб,
Қишлоқ кўчасидан юриб ҳораман.
Бизнинг ўйинларни ўйнамай кўйган
Қишлоқ боласига ҳайрон қоламан.

Кўзлари бокиши кўнглим катини,
Куйдиринб ёйсада, тилкалаб алам.
Шивирлаб айтольдим биттагина сўз:
Ўйининг йўқотма, серташвиш болам.

Гулнора ЙҮЛДОШЕВА



Гулнора ЙҮЛДОШЕВА 1981 йилда Жарқұрғон қиынлогида туғилған. 1998 йилда Собир Раҳимов номлы 7-умумий ўрта таълими мактабини, 2002 йилда Низомий номлы ТДРУнинг ўзбек тили ва адабиёти факултетини битирған. Тумандаги иқтисодиёт ва хизмат курсатыш касб-жұнар колледжида шилдайды.

* * *

Хуш қол энди, болалик,
Қизинг сени тарқ этар,
Энди күйи нолалик
Софинч дилни гаш этар.

Сен укам, акам эдинг,
Билсанг хеч бекам эдинг,
Қайтиб келмас хурлигим
Қай саройдан кам эдинг?

Тупроқ чангитиб чопган,
Оёкларим толарми?
Күғирчоқ кучган бағрим
Бешик күчиб қоларми?

Ота уйим энди тор,
Кетмасам қўймайди ор.
Ғарид ховли қоларми,
Йўлга бокиб интизор.

Кетмай туриб соғиндим,
Кенг ҳовли ва отамни.
Акам, укам хам синглим,
Мехрибоним онамни.

Боқиб сира түймайман
Мехрибонларимга ҳеч.
Келажагим ўйлайман,
Дуо қилинг эрта-кеч.

Хуш қол энди, болалиқ,
Қизинг сени тарқ этар,
Энди күйи нолалиқ
Соғинч дилни ғаш этар.

* * *

Қунлар тезрок ўтсайди,
Ўтсайди тезрок ойлар.
Айрилиқ ҳам битсайди,
Кўзим йўлингиз пойлар.

Кундузим тун кабидир,
Тунимда йўқдир ором.
Қалбим сизга асиридир,
Ҳижрон сиз берган инъом.

Нечун сизни соғинсам,
Ёш тўкилар кўзимдан.
Нигохингиз эсласам,
Оҳлар чиқар сўзимдан.

Сабрим косаси синик ,
Тўлай деса тўлмайди.
Ишк оғуси кўп тиник,
Ичтан ўлиб ўлмайди.

Нажмиддин ИСОМИДДИНОВ



Нажмиддин ИСОМИДДИНОВ 1970 йилда Хўжасалмкони қишилогида тугилган. 1996 йилда Тошкент Давлат университети (ҳозирги ЎзМУ) нинг филология факултетини битирган.

Шеърлари маҳаллий ва республика матбуотида, "Наутака" жамоа тўпламида чоп этилган. Айни пайтда у З-сонли Академик лицеининг олий тоифали ўқитувчиси, Ўзбекистон халқ таълими аълочиси.

МЕН АНГЛАГАН ФАЛСАФА

Билганимдан кўпроқ экан билмаганим,
Сароб экан кеча-кундуз ўйлаганим,
Оллоҳимнинг қудратига шак-шубҳа йўқ,
Содик экан суйганимдан суймаганим,
Юрагимдан заррача жой бермаганим.

Минг-минг сулув ичларидан бўйлаганим,
Қалб тахтига сulton қилиб сайлаганим,
Бор йўғимни лутфан инъом айлаганим,
Сендан минг бор афзал экан суймаганим ,
Юрагимдан заррача жой бермаганим.

Билмагандим, ишвасига учганимни,
Оғушимда ёрмас илон қучганимни,
Ишқ саҳросида минг бор кечганимни,
Энди билдим, минг бор қуллук, суймаганим,
Юрагимдан заррача жой бермаганим.

ЖОВУЗ БАҲОРИ

Эрта тонг. Шарқираб оқмоқда дарё,
Кулокка чалинар булбул овози.
Бу қандай матьводир, айт қандай наво
Үлчамоқ мумкинми, борми тарози?

Булбулнинг шўх саси тўхтамай туриб,
Бижир-бижирларга тўлади дунё.
Дафъатан тааажжуб ёқантни тутиб,
Ўйлайсан, жаннатми ва ёки рўё?

Зум ўтмай тоғлардан бошин кутариб,
Күёш ҳам беғараз меҳрин сочади.
Янги кун жилмайиб, кафтини очиб,
Умид чирокларин бир-бир ёқади.

Бу маскан беҳиштмас Жовуз десалар,
Ишонгинг келмайди, қилиб тасаввур.
Шуни ёдингда тут, унутма, дўстим,
Буларнинг барига оллоҳ мусаввир.

ТУЮҚЛАР

Ишониб сўзингта кутдим кеча мен,
Келмадинг, лек қандоқ сендан кечамен.
Ё раб, висолингга эришмок учун,
Хижрон денгизини минг бор кечамен.

* * *

Ё Раб, минг азобда ўтди бу тун,
Қалбим пора бўлди, жисмим бутун.
“Келаман”, деб ваъда берган ёри жоним,
Ваъдасини унугланми билмам бутун.

Чучук УМАРОВА



Чучук УМАРОВА 1959 йылда Севаз қишигүү фуқаролар йигини Нуралы қишилогида туғилган. Низомий номидагы Тошкент педагогика институты педагогика-психология факультетини тугатган. Күн ишлардан бүён Севаз қишилогида жойлашган 25- мактабгача таълим муассасасида мудира вазифасида шилаб келяпти.
«Шұдрат» медали соғыбаси.

* * *

Үғлім, соғлом үсіб, улғай,
Хәёт аччик-чучук бұлгай,
Мекнен кілсанғ боялар ўнгай
Насиҳатим шундоқ, болам.
Яхшилик қыл, ёмондан қоң,
Савоб ишга доим құл оч,
Олтин олма, дуо олгин
Макол мағзини чак, болам.
Катталарни ҳурмат қылғин,
Ватанингта хизмат килғин,
Она юртнинг кадрин билғин
Йўлингда бўлғин ҳақ, болам.
Хәёт асли паст-у баланд,
Кимга ташвиш, кимга омад,
Бўлғин яхшиликка пайванд
Сўзимга сол қулоқ, болам.

Ватан дегин, элим дегин,
Лукма нонинг ҳалол егин,
Техинхўрлик малол билгии,
Ишни қилма илҳақ, болам.
Устозингга таъзим қилгин,
Хизматига жазм қилгин,
Дўстинг кимлигин билгин,
Козондан юр узок, болам.
Ёмонларга ёндошма ҳеч,
Ҳақ йўлидан адашма ҳеч,
Ҳавоий орзулардан кеч
Кўнглинг бўлсин оппок, болам.

* * *

Жажжигина қизалоқ,
Сўзларимга сол қулоқ.
Ўқиб ўрган, билим ол,
Оlam сирин билиб ол.

Уйқудан кеч турмагин,
Сира бекор юрмагин,
Онангга бўл ёрдамчи,
Ҳеч бўлмагин ёлғончи.

Ҳар эрта отганда тонг,
Соат урап тур, деб бонг.
Дарҳол юзинг, қўлинг юв,
Кўзингдан уйқуни кув.

Дарс қолмасин қизалоқ.
Нонуштани қил тезроқ.
Мактабга кеч қолмагин,
Икки баҳо олмагин.

Гулсара САМАДОВА



Гулсара САМАДОВА 1963 йылда Бектемир қишилөк фуқаролар иигини Гулбог қишилогида түгшілган. Каршии давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетини түгатған. Бодомзор қишилогидаги 57-мактабда ўқитувчи бўлиб ишилайди.
Шеърлари матбуотда чоп этилган.

ГЎЗАЛЛИК

Баҳор келди қўриқдан,
Сувлар оқди ариқдан,
Санам юзин ювганда
Кун бокади уфқдан.

Сабо силар юзларим,
Қамашади кўзларим,
Гўзалликка маҳлиё,
Лол колади сўзларим.

Ҳар ён яшил, гул палла,
Юракдан тошиб ялла,
Кўйлагим келар тинмай
Бу фаслда баралла.

Сәхрлайди бир имо,
Бу қандайин тилсимо,
Бодомзорнинг баҳори
Ана шундай доимо.

ПОЙГА

Кўқдан учган лайлак кор,
Қоплади кенг далани.
Болажонлар қувнашиб
Йўлга солди чанани.

Тепаликдан кўринар,
Азим дарё тўлқини.
Пойга учун танланди,
Ушбу соҳил яқини.

Эпчил, чаққон Элдорбек,
Пойгада ўзиб кетди.
Унинг учқур чанаси,
Зумда соҳилга етди.

Шошиб қолган пойгачи,
Йўлни дарёга солди...
Усти-боши жикқа ҳўл,
Чанани қўлга олди.

Қор ёғарди, лайлак кор,
Бир ён дарё, тоғ эди.
Ҳўл бўлса ҳам кийими
Элдор дили чоғ эди.

Замира ЖАВЛИЕВА



Замира ЖАВЛИЕВА 1982 йилда Китоб туманида туғилган. Ўзбекистон Миллӣ университетининг журналистика факултетида таҳсил олган. 2004 йилдан бўён Китоб туманидаги З-умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларига она тили ва адабиёт фанидан дарс берib келмоқда.

Замира Жавлиева “Озодлик ўлқаси” радиотанлови, “Тўгарак раҳбари” республика, “Ижодкор ўқитувчи – 2004” вилоят танловлари голиби.

* * *

Сен билан кечган ўтган кунларим,
Умримга сара дур этиб ўтқаздим.
Сен билан орттирган ўша тонгларим,
Йиғлатиб тунларга билмай ютқаздим.

Лаҳзаларга қолди баҳтим кулгичи,
Юрагим ғижимлар синик хаёллар.
Билолмам, бу кисмат хукми ё учи,
Сўрокка тутади турфа саволлар.

Баҳтимни бой бердим тутдим ўзгага,
Қалбимнинг энг ёруғ нурларини жим.
Энди кўз ёшлиларим элттин тунларга
Сен-ла баҳтли бўлсин баҳтли рақибим.

* * *

Карвон кетар, кўз ёшимга парво қилмай,
Нортугяга ёлвораман ортга юр, деб.
Тақдир сени жудо қисса мен не қилай,
Минг уриндим ёзугларим сен ўчир, деб.
Туяларнинг пойларига чўкма ёrim,
Афсус, бари кечдир, ёшим тўкма ёrim.

Сен-ла баҳтли юрганларим энди ўтмиш,
Тоғ ортидан мени кутар додлаб карнай.
Пешонамга қисмат ўзга ёрни битмиш,
Пешонам шўр эканини қайдан билай.
Туяларнинг пойларига чўкма, ёrim,
Афсус, бари кечдир, ёшим тўкма ёrim.

Йиглагандим, дунё безор бўлдимикан,
Юрагимни эзар ёр-ёр наволари.
Қиз севгиси карвон йўлда қолдимикан,
Пешонада янги орзу-армонлари.
Туяларнинг пойларига чўкма, ёrim,
Афсус, бари кечдир, ёшим тўкма ёrim.

Хотиралар ёшларим-ла окиб кетар,
Карвон қўнар манзилга жим бўйсунаман.
Ортда қолган ишқим додлаб-додлаб кутар,
Сенсиз баҳтли бўлолмасам не қиласман.
Туяларнинг пойларига чўкма, ёrim,
Афсус, бари кечдир, ёшим тўкма, ёrim.

Жасурбек УСМОНОВ (Абу ДИЁР)



Жасурбек УСМОНОВ (Абу ДИЁР) 1983 йилда Тўпчоқча қишилогида туғилган. 1989-2000 йилларда 51-мактабда, 2001-2006 йилларда Ўзбекистон Миллий университети ўзбек филологияси факультетида таҳсил олган. 2007-2009 йилларда шу факультетнинг магистратура босқичини адабиётшунослик ўйналиши бўйича тамомлаган. Ижод намуналари қатор газета ва журналларда босилган.

Меҳнат фаолиятини 2002 йилда Китоб туманидаги 51-мактабда она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси сифатида бошлаган. Ҳозирда тумандаги 2-Давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернатида фаолият кўрсатади.

КЎЗЛАРИНГ

Дунёлар кўраман боқишлирингда,
Қалбимни титратар ўтли нигоҳинг.
Юрак ёниб кетар ёкишларингда,
“Сизни севаман”, - деб, сен айтган чоғинг.

Кўзларинг, кўзларинг...
Бунчалар гўзал!
Бу кўзлар дилимдан соғинч аритмас.
Барини ўқийман бокқанинг маҳал –
“Сизни севаман”, деб айтишинг шартмас.

* * *

Осмондаги ярим ой
Юрагимга ўхшайди.
Ойга боқсам қалбимни
Хотиралар куршайди.
Юракнинг ярми қолди,
Жуда узок-узокда
Эсласам... эслолмайман –
Хаёлларим тузоқда.
Гарчи ярим бўлса ҳам,
Осмонда ой чиройлик.
Менинг юрагим ярим,
Яримлиги гаройиб...

СОНЕТ

Мени ҳамма суйгандек сўйма,
Шивирлама, айтмагин эртак.
Менга ширин азобинг керак,
Фирокингда ўртагин, қўйма.

Майли наштар санчгин қалбимга,
Унинг тиги оғули бўлсин.
Майли, дилим оғриққа тўлсин,
Ўшанда ҳам келма олдимга.

Сени шундай азобинг учун,
Мен сурман, шунинг ўзи бас.
Ўзга бир ишқ менга керакмас.

Интиласан мен томон, нечун,
Узоклашгин сен ҳар йилгидан.
Қасос олгум шунда севгидан!

Наргиза МУРОДОВА



Наргиза МУРОДОВА 1983 йилда Китоб туманининг Алакўйлиқ қышилогида туғилган. Шеърлари матбуотда чоп этилган. “Ёнаётган юрак” китоби муаллифи. Айни пайтда “Воқиф” газетасида ишилайди.

* * *

Бу кўксимга юрак сиғмайди,
Сатрларга сочилар қоним.
Қизим, кел, деб онам йиглайди,
Қилт этмайди беун виждоним.

Мен қиласман ўзимга маҳтал,
Маъюсгина боккан нигохин.
Муаммолар бўлсии дея ҳал,
Кулоғим кар, эшитмам охин.

Тинчинг билмай нега ўстирдинг,
Совуқ чехра, юраги тошни.
Қадринг кўрмай бир сатрга тенг,
Мағрур тутиб юрибман бошни.

Асли сенсиз ҳеч ким эмасман,
Она, чорла ёнингта қайтай.
Энди шухрат, дунё демасман,
Қизинг учун кулча ёп атай.

* * *

Бор, атрофни чулгайди сукут,
Сүнгги баргдан айрилар дарахт.
Осмон узра санчийди булат,
Йўқотишдан... табиат караҳт.

Тупроқ қучар сўнгти япроқ ҳам,
Айтилгандай тугаб бардошлар.
Булат ёшин кўради баҳам,
Борлиқ оқка ўрала бошлар.

Доим кулиб боқмагай ҳаёт,
Порлаб турмас кўкда қуёши.
Хаваслар ҳам гоҳ бўлар барбод,
Ўйлардан оқ тоғларнинг боши.

* * *

Мен кўркмайман ёлғиз яшашдан,
Ширин бўлса тинч, сокин туним.
Ҳаётимни бошлайнин бошдан,
Энди сенга қолмасин қуним.

Майли дейман энди кетавер.
Ортингга ҳеч боқма қайрилиб.
Манзилингга менсиз етавер,
Армон ўтмас бағримни тилиб.

Ҳар бир дардга топилади кор,
Мен қаддимни тутмоғим тайин.
Чиранма кўп, киёфанг, эй ёр,
Хира тортар вакт ўтган сайин.

Ахрорхон ҲАМИДОВ



Ахрорхон ҲАМИДОВ 1959 йилда Сариосиё қишилогида та-
валлуд топган. 1976 йилда ўрта мактабни битиргач, Тош-
кент Ҳалқ хўжалиги институтида таҳсил кўрган. Ширкат
хўжалигига бош ҳисобчи, раис вазифаларида шилаган. Ҳозир
фермер хўжалиги раҳбари.

Ахрорхон ҲАМИДОВнинг ижод намуналари “Авлодлар баёзи”
китобига киритилган.

* * *

Кўзимга тушди...

Кўзларинг

Муҳрланиб колди кўзларимда.

Аммо, билмам

Орзуларим, туйғуларим,

Қалб ҳисларим, дил сўзларим

Изхор эта олдимикин кўзларим...

Умидим шу:

Зора бир бора

Акс этса улар кўзларингда,

Севгим шўъла сочса кўзларингдан...

ГУЛНИГОРГА

Азизим, дилбандим, кизим Гулнигор,
Дўстларим бахтидан ёлғиз нишона.
Лаҳза шодлигингга бўлсин жон нисор,
Сенга иқбол берсин, ёруғ пепиона!
Тингла, нола қилас қўксимда юрак—
Отанг куёв бўлди, онанг—келинчак!..

Тутилган уйингта бегона бўлдинг,
Ортингдан талпиниб қолди беланчак.
Мурғаклик чоғингдан айрилиқ кўрдинг,
Не эди гунохинг, маъсума гўдак!..
Қалбимда қон йиғлар энг эзгу тилак,
Отанг куёв бўлди, онанг—келинчак!..

Ҳижрон кучоғига олиб шу замон
Ўради соғинчнинг йўргакларига.
Маъюс йўл бошлади ранги затъфарон
Ўқсик болаликнинг йўлакларига.
Наҳот бахтсизликка туташ бу йўлак—
Отанг куёв бўлди, онанг—келинчак!..

Кибрга айланган ғурур дастидан,
Илтижолар қилиб толди муҳаббат.
Гиналар, нафратлар юки остида
Юраклар қаърида қолди муҳаббат.
Муҳаббат нуридан яралган чечак—
Отанг куёв бўлди, онанг—келинчак!..

...Кўшиклар кўйланди: Сени соғиндим.
Олкишлар сўйланди: Сени соғиндим.
Отанг ҳам уйланди!!! Сени соғиндим,
...Кўзда ёш айланди. Сени соғиндим.
Чорасиз қолдим мен билмоғинг керак—
Отанг куёв бўлди, онанг—келинчак!..

Неъмат БАРАТОВ



Неъмат БАРАТОВ 1945 йил Қайнар қишлоғида туғилған. 1965-1968 йылдар армия сағларидә хизмат қылған. Күп йылдар ширкәт хұжалигыда шылған. Шеңберләри тұман әле әлемнің газеталарыда әзіл қылған.

ВАТАН

Ватан ишк, Ватаннинг номи,
Хар юракка қүйилған қондир.
Бўлмаса ҳам бир парча нони,
Ўз ютида яшамоқ шондир.

Ватан азиз, Ватан саждағоҳ,
Уни севмоқ асли иймондан,
Ким бўлса ҳам шоҳми у, гадо,
Айирмасин Ватандан – жондан.

ТҮРТЛИК

Азиз одамларни инсофга чорланғ,
Үткинчи умрида барча бўлсин тўк.
Ҳақиқат йўлида нур бўлиб порланғ,
Сахийлик бор жойда оғат, бало йўқ.

ИККИЛИКЛАР

Бу ҳаёт шириндир, тилни ёради,
Огоҳ бўл, адашсанг лойга қоради.

* * *

Ҳаромдан ҳазар кил, ҳаромдан юз бур,
Ҳалол меҳнат қилиб давру даврон сур.

* * *

Ҳаёт – бу тириклик, олмоқлик нафас,
Яшашга интил деб бергандир ҳавас.

* * *

Чин инсоннинг иши оламда мардлик,
Нокаснинг қилмиши ҳар дилга дардлик.

* * *

Ҳаёлан ўйласанг якин олис йўл,
Дунёда донодан аклсизлар мўл.

* * *

Дили бошка, тили бошка одам кўп,
Дили, сўзи бир хилини кўрсанг ўп.

* * *

Ўзингни кўп урма нафсга – оташга,
Қоларсан маломат аталмиш тошга.

* * *

Болангга вақтида бергин насиҳат,
Келтирмасдан туриб бирор қасофат.

* * *

Яхши бўлсанг эл ҳам килар ифтихор,
Ёмон бўлсанг ҳатто онанг ҳам безор.

Бердимурод ОЧИЛОВ



Бердимурод ОЧИЛОВ 1952 йилда Китобнинг Офтобрўя қишилогида туғилган. 62-мактабда таҳсил кўрган. Самарқанд қишилоқ хўжалиги институтини битириб, кўп йиллар “Паландара” ширкат хўжалигига зоотехник бўлиб ишлаган. Айни пайтда фермер хўжалигига ишлайди. Шеърлари матбуотда чоп этилган.

ИЛХОМ ПАРИСИ

Тушларимга кириб, сўз отиб,
Олдинг мени алдаб уйғотиб,
Бошланди-ку шеър, ғазал дарси
Яна сенми, илҳом париси?

Берк эди-ку, эшигим қулф,
Кириб келдинг ёнимга кулиб,
Кутулмайман, мен сендан ўлиб
Яна сенми, илҳом париси?

Сўз бошладинг яна ўшандан,
Биринчи бор олган бўсамдан,
Кўй, ўтмайлик кўнгил қўчамдан
Яна сенми, илҳом париси?

Ўз-ўзимга келар сўзлагим,
Учса юлдуз келар йиғлагим,
Бемаҳалда бағрим тифлаган,
Яна сенми илҳом париси?

Күй, чорлама мени самога,
Юлдузгами ё оймомога.
Күнгил маҳтал битта имога
Яна сенми, илҳом париси?

Ишқим шеърга қўшиб ёзман,
Юрагимдан жўшиб ёзман,
Мен ақлдан бир кун озаман
Яна сенми, илҳом париси?

БОЙ ҚИЗИ

Яшнаб, яшнаб гул юзи,
Қоши камон ёй бўлиб.
Бозор кезар бой қизи,
Осмондаги ой бўлиб.

Бозор чиқкан бой қизин
Кўрмаганим яхшийди.
Кўрганим-ку, бир алам,
Севмаганим яхшийди.

Тенги-тўшим демади,
Бой қизини бермади.
Шундан кўра дунёга
Келмаганим яхшийди.

Сокин оқиом, тун ярим,
Осмондаги ой ярим,
Бунча каминг кўп дунё
Менинг ҳам кўнглим ярим.

Бозор чиқкан бой қизин
Кўрмаганим яхшийди.
Кўрганим-ку бир алам,
Севмаганим яхшийди.

Хуршида ҲАМИДОВА



*Хуршида ҲАМИДОВА 1964 йил Сарыосиё қишлоғида туғилған.
Дилбар, нағис шеърлар ёзади. Айни пайтда Санам маҳалласида
яшайды. Шеърлари матбуотта чөп этилған.*

БОЛАЛИК

Биз гүдак чоғлар бу олам бир ажиб ҳалво эди,
Бу жаҳон лаззатлари ҳалво ичиңде жо эди.

Ҳам ҳазон билмас баҳор яшнаб очарди гул, чечак,
Күзимизга худди олам гул эди, раъно эди.

Бегубор йиллар ўтиб тортдик тириклик ташвишин,
Кетди қайтмас ортига умр ичра ул танҳо эди.

Ой-у йиллар қайтар-у, қайтмас гүдаклик чоғларим,
Дил қувониб эслагайман менга ул дунё эди.

Сизга тизган бу сатрлар күз ёшим–мунчоқларим,
Чунки ёшликтинг севинчи жон қадар аъло эди.

ШАББОДА

Ушбу дам руҳимдир бемажол,
Еллигич тутмоқ ҳам кўп малол.
На сухбат қизийди, на хаёл,
Қайдасан, қилт этган шаббода?

Бошимга күёшнинг найзаси,
Тингандай күшларнинг лаҳжаси,
Бир қадам у дунё ораси,
Қайдасан, килт этган шаббода?

* * *

Дунёда вафонинг борига,
Ишониб ўткардим умримни.
Гул очмай ўтмишдир баҳорим,
Мен пинҳон сақладим кумримни.

Ёлғончи умидга дил – сийлов,
Келар деб яшадим интилиб.
Уқубат санглари беаёв,
Кетмишдир суягим ун қилиб.

* * *

Бу тинч, сокин бокқан кўзларнинг,
Тубларида не-не маъно бор.
Бирин англай олмайсиз, лекин,
Сизда на ғам, на-да парво бор.

Осоишта ушбу нигоҳнинг,
Ортида бир нотинч дарё бор.
Сабр-бардош аталган шоҳнинг,
Салтанати – дардли дунё бор.

Ражаб ЖАББОРОВ



Ражаб ЖАББОРОВ 1951 йил 21 августда Ҳайробод қишлоғида туғилган. Узоқ жылар туман статистика бўйими, ҳалик банкида меҳнат қилган. Шеърлари газеталарда чоп этилган. Айни пайтда пенсияда.

ВАТАН

Эй Ватан, фарзандингман, муқаддас диёrimсан,
Чамандай чирой очган номус бирла оrimсан.
Яшнаган кўклам каби фасли гулбаҳоримсан,
Дилимга илҳом берган ҳеч туганмас достоним,
Кўз тегмасин хуснингта юртим, Ўзбекистоним.

Темур бобом руҳи шод, пойдевори қадимсан,
Ибн Сино, Навоий, Беруний, Бобуримсан,
Улуғбек, Али Қушчи – самога одимимсан,
Илм-фани гуллаган, даҳо тўла бўstonим,
Кўз тегмасин хуснингга юртим, Ўзбекистоним.

Юрт обод-у, эл хуррам, ҳар бир киши шод бугун,
Қош-қовокқа қараган кунлар сенга ёт бугун.
Кўролмаган ғанимлар, қайда бўлса, мот бугун,
Истиклолнинг шуъласидан нурлар сочган маконим,
Кўз тегмасин хуснингга юртим, Ўзбекистоним.

Тикланди қадамжолар Мустақиллик туфайли,
Қайта дунёга келди ҳайит-у, Наврӯз сайли,
Сен учун жоним фидо бўлса ҳам юртим майли.
Бошинг тошдан бўлсин-у, гуллаб-яшна ошёним,
Кўз тегмасин ҳуснингга юртим, Ўзбекистоним.

Дунё кезар ёшларинг илм-у донишда якто,
Тўмарисдай қизларинг, ўғлонларинг мард ўқтам,
Бутун бир ўлқадирсан, обод, озод ва кўркам,
Қанча кўйласам камдир келди энди давроним,
Кўз тегмасин ҳуснингга юртим, Ўзбекистоним.

Шукур қилинг азизлар, бундай хаёт қайда бор,
Икки энлик мато-ю, бурда нонга кимлар зор,
Инсон қадри-киммати, қайлардадир ҳамон хор,
Қуёш кўқдан нур сочар беғубордир осмоним,
Кўз тегмасин ҳуснингга юртим, Ўзбекистоним.

Чегарада ўғлонлар, осойишта юртимиз,
Бизни кўллаган қанча, кўпаймокда дўстимиз,
Фаровонлик ошмоқда, бут, башангдир устимиз,
Менга ҳар недан азиз, ҳаётим, жон-жаҳоним,
Кўз тегмасин ҳуснингга юртим, Ўзбекистоним.

Тугилдинг Ражаб Али доруломон замонда,
Гўзаллиги бекиёс, жаннатмонанд маконда,
Юртбошимдек меҳрибон, борми айтинг жаҳонда,
Ойдин йўлдан юрмоқда, катта-катта карвоним,
Кўз тегмасин ҳуснингга юртим, Ўзбекистоним.

Нигора МАҲМУДОВА



Нигора МАҲМУДОВА 1975 йилда Макрид қишлоғида туғилган. Фурқат номли 19-ўрта мактабда таҳсил кўрган. Шаҳрисабз педагогика билим юртини битирган. Тумандаги 74-умумий ўрта таълим мактабида шилайди. “Баҳоримга тиллақош қуёши” номли шеърий тўплами чиққан.

ШУКРОНА

Онажон, юрагим уриб турибди,
Кўзларим кўради, нақадар баҳт бу!
Ўғил-қизларим ҳам ўйнаб юрибди,
Эркалаб суюман, Сулаймон таҳт бу!

Тонг отди, самода қуёш чараклаб,
Беминнат нурларин тухфа этади.
Қўрсам чехрангизда бу нурдан зарра,
Қалбим кувончлардан яйраб кетади.

Тунда кўк бағрида ой сузар шодон,
Қаранг, юлдузларга тўла бу фалак.
Сиз ҳам кулинг, яйранг азиз онажон,
Уриб турибди-ку ахир бу юрак!

* * *

Кўзларим гар кўрмай колса ҳам,
Юрагимни босса ҳамки ғам,
Бошгинамни килсаларда ҳам,
Мен барибир шеърлар ёзаман.

Руҳиятим синдиринг, ғашланг,
Майли, қийнанг, кўзларим ёшлиянг,
Қўлларимни оловга ташланг –
Мен барибир шеърлар ёзаман.

Титраса ҳам юрагим гоҳ-гоҳ,
Тугаса ҳам бу ранг, бу сиёҳ,
Иродамдан топиб куч, паноҳ –
Мен барибир шеърлар ёзаман.

ВАТАН

Серкуёш кенг осмонингни уммонларга киёс қилсан,
Окиб турган тиниҳ сувинг обихаёт, болдири билсан,
Шу табаррук тупрогингни арзир минг бор кўзга сурссан,
Ватан, сенинг кучоғингга бошгинамни қўйиб яшай,
Қайноққина меҳринг билан, мен ҳаётни суйиб яшай.

Кўксинг узра сочилган нур, ҳаётимнинг чироғидур,
Ҳар тарихнинг зарварағи, маърифатнинг ўчоғидур,
Қарич еринг муқаддас-у, мангуликнинг тупроғидур,
Ватан, сенинг кучоғингга бошгинамни қўйиб яшай,
Қайноққина меҳринг билан мен ҳаётни суйиб яшай.

Бобогинам кечган қонлар, байробимда нишонадур,
Ўтган кунлар, жангут-жадал энди менга афсонадур,
Остонаси тилло юртим меҳри дарё бир онадур,
Ватан, сенинг кучоғингга бошгинамни қўйиб яшай,
Қайноққина меҳринг билан мен ҳаётни суйиб яшай!

Баҳодир НОСИРОВ



Баҳодир НОСИРОВ 1992 йылда Қайчылық қишлоғында таваллуд топған. 1999-2006 шиглар ўрта мектебде, 2006-2010 шигларда мактаб-интернатда таҳсил олған. Ҳозирда Ангрен педагогика институты 3-босқыч талабаси.

ОНА

Кечир, тингламабман онажон бир бор,
Хеч кимга айтолмас юрак сўзларинг.
Кечир, англоімабман дардингни асло,
Фамгин бокканида маъюс кўзларинг.

Келтирибман фақат мен сенга ташвиш,
Нима ҳам килолдим фарзандинг бўлиб.
Ақалли ўзимни етаклолмасдан,
Ҳали ҳам юрибман арзанданг бўлиб.

Айт, қандай аритай ташвишларингни,
Айттин не қилсан бу юзларинг кулар.
Буюр, адо этай юмушларингни,
Сени асло қийнаб қўймасин улар.

Шунда тақрорлайсан яна шу сўзни:
«Ўғлим, қийнайверма хадеб ўзингни.

Менга керакмасдир ортиқча иззат,
Эшитсам етади ширин сўзингни».

Онажоним энг пок туйғуларимни,
Юрган йўлларингта гулдек экаман.
Бошимни эгмайман ҳеч бир инсонга,
Лек сенинг пойингта сўзсиз чўкаман.

ЎТКИНЧИ

Тўсатдан келса баҳт кўп ҳам севинма,
Гоҳо ғам кўрсанг ҳам ортиқ қуюнма.
Ундан бузулмасин юрагинг тинчи,
Чунки бу ҳаётда бари ўткинчи.

Ўткинчидир ҳатто барно, санамлар,
Улардан юракда қолган аламлар.
Мансабинг давлатинг ўткинчи бари,
Буни кеч англайсан ёш ўтган сари.

Бу фоний оламнинг фоний чиройи,
Мафтун қилас ҳатто кўқдаги ойи.
Дунё моли- дея югуриб бирок,
Барчанинг топгани бир уюм тупроқ!

Гулбахор ЛУҚМОНОВА



Гулбаҳор ЛУҚМОНОВА Бештегак қишилогида туғилган. 16-умумитаълим мактабини туғатиб, айни пайтда Ўзбекистон миллий университети иқтисодиёт факультетида таҳсил олажати.

У Қашқадарё телевидениесининг "Болалар соати" кўрсатувига муаллифлик қўлган. Шеърлардан иборат "Ой фариштаси", "Ойдин оқиом" номли, жаражжи ҳикоялардан иборат "Хурмо" номли китоблари чон этилган. Шеърлари "Қашқадарё баёзи"дан ҳам ўрин олган.

* * *

Эшитдингми, гуллар шивирин,
Улар эртак сўйлаяптилар.
Юлдузларнинг хаёли ширин,
Сирли қўшиқ куйлаяптилар.

Шаббодалар, содиқ навқарлар,
Келтиради жаннатий маъво.
Орзу—гўзал, пари-пайкарлар,
Уларники энди кенг само.

Кўкнинг олтин балдоғи—хилол,
Тилакларнинг ижобатидек.
Булат майин сузади хушхол,
Ойнинг оппок мухаббатидек.

Куйланг, куйланг азиз юлдузлар,
Раксга түшсин сулув малаклар.
Эшитсинлар, хазонли кузлар
Эшитсинлар осмон фалаклар.

* * *

Сим-сим ёмғир... Томчилайди ишқ шароби
Күзларимнинг остидаги уммонларим.
Сим-сим ёмғир... Ҳастимнинг шамчироғи
Үтли дарё, тұлатиб бер шамдонларим.

Гулхан ичра сайр этарман маъюс гулдек,
Чүт тушади самолардан гулзор аро.
Хәёлларим худди қадим, олис йўлдек,
Ишқ ёмғири, ёғдуйингиз улар каро.

Олов майдан оловлансин олов қалбим,
Ёнгин ичра ўртамоқлик фарогатдир.
Соқий тутган оловдан ол бўлсин лабим
Мухаббатда ёнмоқ баҳти саодатдир.

* * *

Ўйларимнинг чексиз осмони,
Хәёлларим судралар хаста.
Оётимда барглар сомони,
Тўкилмоқда куз секин-аста.

Гунохларни ерга тўкиб жим,
Нигохларин қадайди карахт.
Нима тўтри, хато айтар ким?
Билолмайди бечора дараҳт.

Юргандайман гўё маъносиз,
Неча-неча кузлардан ўтиб.
Нима учун яшаяпман-у,
Яшаяпман нимани кутиб?

Флора ИЛХОМ қизи



Флора ИЛХОМ қизи 1991 йилда Китоб туманиндағы Жарқұргон қышлогидан туғылған. 2- ахтисослашған мактаб интернатта таҳсил күрган. Айни пайтда жағон тиғлары институтты тағабаси. "Тонгги тилак" номлы шеңрлар түшілдемі нашар этилған.

ЮРАК

Тұғилдінг-у, құшиқларга беландинг,
Нағас олдинг құшиқлардан, күйлардан.
Бешіккамас, құшиқларга беландинг,
Оташ олдинг құшиқлардан, куйлардан.
Сингди куйлар томирингга қон бўлиб,
Шу қон билан сен борлиқни англадинг.
Құшиқ излаб, жигарпора, хун бўлиб
Юраккинам, құшиқларга бойландинг...
Дил дардларин құшиқларга солдинг-у,
Сўнг ўзинг ҳам бир құшиққа айландинг...

БАХОР ИЛХОМЛАРИ

Оташ солди қалбимга бахор,
Эртак сўйлар шивирлаб еллар.
Илҳом күшки гўё лолазор,
Орзу сари чорлайди йўллар.
Майса аро тилла ранг қўнғиз
Шуъла сочар –ул ер қўёши.

Само узра булут – пари киз,
Йиглар эди, ёмғир – күз ёши.
Пари кизнинг ашки жопбахшин
Ювди мудрок парда чангларни.
Сочди офтоб сўнг ерга нақшин–
Камалакдек турфа рангларни.
Ранглар ичра яралди оҳанг,
Келганида жилвакор баҳор.
Баҳор бирла бўлиб ҳамоҳанг,
Дилда янграп улуғ бир ашъор.
Шунда кўнгил осойишта, тинч.
Пари киздай оппок ўйларим.
Шунда бўлмас армону ўкинч,
Баҳор билан равон йўлларим!..

МУҲАББАТГА

Кимсасиз бир орол эди юрагим,
Сен уни кашф этдинг биринчи бўлиб.
Ва унга солдинг баҳор дарагин,
Майса хисларимнинг илинжи бўлиб.
Қуёш бўлиб ўзинг бердинг ҳарорат,
Гўзаллик уруғин қададинг аста.
Нағмангдан тарапди майин тароват,
Бағримга нур каби бўлдинг пайваста.
Хаёл ва ҳисларнинг олий чўққиси–
Илҳомни қалбимга айладинг тақдим.
Гулчечак мисоли жилмайиб бокдинг,
Орол, юрагимга соҳибсан энди.
У сенинг номинг-ла аталгай абад:
Ҳиссу тилагимга ҳокимсан энди,
Мен сенга бош эгдим, буюк муҳаббат!

Бахтиёр НАСРИДДИНОВ



Бахтиёр НАСРИДДИНОВ 1994 йил 7 октябрда Китоб тумандаги Хўжасаилмкони қишлоғида туғилган. Тумандаги 37-мактабда таҳсил кўрган. Унинг “Баҳорим келди”, “Дийдор”, “Сўнгсиз шиқ” шеърий тўпламлари нашр этилган.

ЎзМУнинг журналистика факультети талабаси.

* * *

Энди менинг йўқ ишим,
Армон нима, лард нима?
Юрагимга буюрдим:
Ҳасратларни танима.

Баҳорлар ин қуради,
Энди менинг ўйимда.
Ифор сочиб гуллар ҳам,
Балогардон йўлимда.

Сарғаяди ҳазондек,
Кузда колган, дардларим.
Мен кўкламда яшайман,
Кордан оппоқ гардларим.

Ғамлар ёғмас бошимдан,
Отам-онам соябон.
Опаларим кўз тумор,
Ўзинг аспа Художон.

Юлдузлардек дўстларим,
Дил самоси чароғон.
Қуёш менинг бобомдир,
Ой момомдир меҳрибон.

Осмонлардан юксакдир,
Орзуларим чўккиси.
Лекин дилда юртимнинг,
Тошлари, тупроқ иси.

Мұхаббатдан мавжланган,
Дилда ажиб туйғуда.
Умрим менинг кўшиқдир,
Бахтлар куйнинг авжидা.

Пок иймонни дилга сол,
Инсоғ бўлсин ҳамроҳим.
Ҳақ йўллардан бошлий йўл,
Ўзинг қўлла, Оллоҳим!

БУЮК АСРОР

Бир ҳисдан гуриллаб бормокда таним,
Бир ҳисдан кўксимда порлайди қуёш.
Жилмайиб бағримни ёқасан жоним,
Ўчирмок бўлибми сепасан кўз ёш.

Юр гулим юракка қиласиз сафар,
Юракнинг сўзлари энг гўзал изҳор.
Оҳ. сенинг йиғлашинг нимадан хабар?
Оҳ. сенинг кулишинг энг буюк асрор.

Үлмас НУРМАТОВ



Үлмас НУРМАТОВ (*Үлмас Нур*) 1994 йилда Китоб туманининг Олакўйлиқ қишлоғида туғилган. “Кўнглим” деб номланган шеърий тўплами чоп этилган. Тумандаги Агросаноат касб-ҳунар коллежида таҳсил олган.

МАККОРА ҚИЗ

Сени кўриб бехосдан,
Ишқдан бошим айланди,
Юрагимнинг бир чети.
Юрагингта бойланди.

Вужудим олов олиб,
Акли хушимдан тондим.
Юракда ишқ туйгуси.
Ўт олиб ёмон ёнди.

Маккора қиз маккора,
Севилиши зўр қилдинг.
Мұҳаббатдан Үлмас Нур,
Кўзларини кўр қилдинг.

ЮРАК

Юрак, сендан бошқа дүстим йўқ,
Дардларимни айтаман сенга.
Сени тешиб кетган ўша ўқ—
Ёр киприги қадрли менга.

Юрак, сени бошингдаги тош,
Ёрдан менга эсдалик қолган.
Юрак, сенинг кўзингдаги ёш,
Аламлардан из бўлиб қолган.

АЛАМЛАР ҚОЛДИ

Эй гўзал қиз, санамлар шоҳи,
Юрагим гавхари, қалбимнинг моҳи.
Нима айб, нимадир қалбим гунохи,
Сендан фақат менга аламлар қолди.

Ўша биз учрашган боғларимиздан,
Сайр этган қир-адир, тоғларимиздан,
Гулим, ўша хушдам чоғларимиздан.
Сендан фақат менга аламлар қолди.

Мени асир этган яноқларингдан,
Хижолатда куйган қарокларингдан,
Саволинг, рапшинг, сўрокларингдан
Сендан фақат менга аламлар қолди.

ҮГИЛОЙ НЕЬМАТОВА



Үгилой НЕЬМАТОВА 1998 йылда Китоб туманининг Иттифоқ қишилогида туғилган. Тумандаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг 8-синфида таҳсил олади.

Унинг “Куртакларда уйғонган баҳор”, “Сирли қутича”, “Янги авлод орзуси” номли китоблари нашрдан чиққан.

ЮРАГИМНИ АСИР АЙЛАГИН

Лиммо-лим орзулар очади қучок,
Қалбимни амрига бўйсунгум ҳар чоқ,
Қаламим, қўлимдан кетмасдан йирок
Шеърим, юрагимни асир айлагин.

Мудом завққа тўлса бу ёруғ олам,
Дилларни тарк этса буткул дард, алам,
Майли, нима бўлса бўлар ўша дам,
Шеърим, юрагимни асир айлагин.

Кимдир қўлларимга солса гар кишан,
Зинданбанд этса ҳам майли розиман,
Фақат бир ўтинчни сендан сўрайман,
Шеърим, юрагимни асир айлагин.

Ҳаёт кувонч-ғамдан бўлса иборат,
Сабру матонатдан тиклаб иморат,

Қалбимни илҳомга тўлдириб факат,
Шеърим, юрагимни асир айлагин.

ОНА

Қалбда ижод майли, ҳукмрон бўлсин,
Майлига бир умр айласин қарам.
Ёнимда дардкашим, тоғдек суюнчим,
Шеър ёёсам қувончдан йиғлайди, онам.

Она, кўзингизга кўрмайин кўз ёш,
Мана шу шеъримми сизни йиғлатган.
Ҳа, билдим, бу экан севинч элчиси.
Ижодимнинг бари сизга аталган.

Она, хаёлимни банд этган ўша,
Ижоднинг ҳеч сўлмас хушбўй гуллари.
Сизнинг хаёлингиз доим банд этган.
Ҳар бир болангизнинг баҳти, йўллари.

Яшай оламанми билмам шеърсиз ҳам,
Лекин сизсиз бир зум яшай олмайман.
Сиз борсиз, ижодим юксалаверар,
Шунинг чун ҳеч качон ортда қолмайман.

Қалбда ижод майли, ҳукмрон бўлсин,
Майлига бир умр айласин қарам.
Ёнимда дардкашим, тоғдек суюнчим,
Шеър ёёсам қувончдан йиғлайди, онам.

Зилола ЖАЛОЛОВА



Зилола ЖАЛОЛОВА 1997 йилда Китобнинг Гулбоз қишилогидага түгшілган. 45-умумтағы мактабининг 9-синфини битириб, Севаздаги қишилөк хұжалиги касб-хұнар колледжисінде таңсил олмоқда.

Шеърлари матбуотда чоп этилған.

БОРЛИГИНГГА ШУКУР ВАТАН

Шұх ва шодон гүдак әдим,
Сени аввал бешик дедим,
Аъло ўқиб, тузинг едим,
Борлигинға шукур, Ватан.

Истиқололинг баҳтга белар,
Майин-майин сабо елар,
Күравериб завқим келар
Борлигинға шукур, Ватан.

Сенда Темур изи қолған,
Душманлардан қасос олған,
Давлатингга асос солған
Борлигинға шукур, Ватан.

Юртбошимиз омон бўлсин,
Доим кучга, баҳтга тўлсин,

Сени юзинг бизда кулсин
Борлигингга шукур, Ватан.

Топган луқмам доим ҳалол,
Хизмат қилип келмас малол,
Бошқа юртлар қоляпти лол
Борлигингга шукур, Ватан.

ДҮСТИМ

Менга бечора бўлиб,
Мен йиғлаб, ўзинг кулиб,
Юрагим тўлиб-тўлиб
Йиглатдинг мени, дўстим.

Сенга зор бўлган куним,
Борсам тор бўлди йўлим.
Сенсиз хор бўлган туним
Йиглатдинг мени, дўстим.

Айро тушди йўлимиз,
Етмас энди қўлимиз,
Айрилган шу кунимиз
Йиглатдинг мени, дўстим.

Энди фойда бермас ёш,
Энди нур сочмас қуёш,
Эй бевафо, бағри тош
Йиглатдинг мени, дўстим.

Йиглади зор юрагим,
Сенга йўқдир керагим,
Бахти бўл, шу тилагим
Йиглатдинг мени, дўстим.

Олима ТОШМАТОВА



Олима ТОШМАТОВА Китоб шаҳрида туғилган. Тумандаги 5-сонли умумий ўрта таълим мактабида таҳсил олган. Айни пайтда Иқтисодиёт ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежисида ўқиёди. Шеърлари газеталарда чоп этилган.

БАҲОР

Эрта тонг.
Кўзларимни мен очган онда,
Булбуллар сайрарди чаманда.
Соатим жиринглаб жовонда—
Урар бонг.
Очиқ деразадан кирап шаббода,
Хона бурчакларин айланар бир-бир.
Қандайдир мўъжиза рўй бермиш боғда,
Насим дўстим лейди: “Тезрок юр”.
Эргашаман аста унинг ортидан,
Сўлим боғ томонга ташлайман назар.
Майса бош кўтарган ернинг остидан,
Бахор сулув қиздай боғларни кезар.
Ана, ана, қара гуллабди бодом,
Келинлик либосин кийиб олибди.
Мен сезмай қолибман ховлимдати том,
Бошига чучмома расмин солибди.
Мен томон эсади шаббода яна,

Гулларнинг ифорин келтирас шу он.
Шамоллар шивирлар, дейдилар ана,
Ажиб гўзалликка буркапди ҳар ён.
Бахор!

Далаларга сен киритдинг жон,
Майин сабо бўлиб, шаббода бўлиб.
Бизларга улашиб қувонч, ҳаяжон,
Остонамда турибсан қулиб –
Бахор!

ДЎСТИМГА

Дунёдан дунёни излама дўстим,
Уммонда сузиб кидиргандай сув.
Сенга дунё сирин очаман ўзим,
Барча ғамларингни юрагингдан қув.

Қани бўла қолгин, қўлларинг узат,
Бахтга, муҳаббатга осудаликка.
Эртага умид қил, бутунни кузат,
Вактингни кетказма беҳудаликка.

Кўзларинг очгин-у, атрофга қара,
Бу ҳаёт нақадар гўзал ва нафис.
Кўм-кўк яшнаётган майсага боққин,
Чўлғаб олар сени ажиб туйғу, хис.

Дўстгинам дунёда доим бўлгин шод,
Ёлгон-у ҳасадни кўнгилдан йўқот.
Эзгуликка ошино бўлгин умрбол,
Яхшилик қолади доим барҳаёт.

Заҳро САЙФИЕВА



Заҳро САЙФИЕВА 1994 йилда Китоб шаҳрида туғилган. 4-умумитаълим мактабида таҳсил кўргач. Самарқанд Давлат университети қошидаги академик лицейда ўқиган. Шеърлари матбуотда чоп этилган.

ЎЗБЕК ҚИЗИ

Ойдан талашган ҳусн,
Нур таратар юзлари.
Дуппли ярашган малак,
Ўзбегимнинг қизлари.

Атлас кўйлак кийса у,
Камалакдай чиройи.
Маҳлиё бўлар ҳатто
Осмоннинг қуёш, ойи.

Гул унади изидан,
Кулгиси, сўзи ширин.
Юзидаги, кўзидаги
Ҳаё, ибо яширин.

ОТАЖОН

Софинчнинг қамрови бесарҳад,
Йўллар эса ундан ҳам олис.

Кутмок деган бир сўзга кўниб
Яшаяпман, отажон сизсиз.

Осмонларга алишмам сизни,
Мехрингиздан тафт олар қуёш.
Бизни ўйлаб бу кун узокда,
Софинчларга берасиз бардош.

Ўз-ўзимга сабрлар тилаб,
Ўтар куним, ўтар ойларим.
Оллоҳимдан умрлар тилаб,
Йўлингизни ота, пойладим.

ВАТАН

Қалам ожиз, түғёнлар ожиз,
Таърифлапга йўқ менда имкон.
Ташбеҳинг гар сўзга кўчмаса,
Юрагимга ёзилар достон.

Бир достонки, сиғмайди камров
Олис мозий ҳасратларидан.
Оғриқларинг жонимни олар,
Кувонтирас ҳайратларидан.

Тилимдан у юракка кўчар,
Суратингни чизар эрк деган.
Жонимга-жон, қонимга консан,
Юрагимда яшайсан, Ватан.

Турсуной ВАҲОБОВА



Турсуной ВАҲОБОВА 1981 йилда туғилган. Шаҳрисабз педагогика коллежини тугатиб, тумандаги 2-мактабгача таълим муассасасида ишлаган. Үнинг "Тонги шаббода" номли шеърий тўплами чоп этилган.

* * *

Ақлим олдинг, ишқ бобида
Танҳо, биттасан.
Ҳамон менга боқмай, айтгил,
Кимни кутасан?

Кўзларим зор, сени излаб,
Йўлингда бўзлар.
Оташ ишқинг олов сенинг,
Хаёлим излар.

Юрагимга нақш мисоли
Суратинг чизай.
Оқ қоғозга "Севаман", деб,
Дил сўзим ёзай.

ОҲ, КЎНГЛИМ

Нола қилдим, о, нолам
Осмонларга етди-ку.
Бир оҳимким оламни
Парча-парча этди-ку.

Дардларимга құшилиб,
Дарди қилча бүлмади.
Балки шунинг учунми,
У бевафо билмади.

Жонимга беріб озор,
Дилозорим кетдингму?
Күнглимни килиб бозор,
Ёғийларга сотдингму?

Эй дил, аразинг ташлаб,
Үзга гулзорда ўнгил.
Ох күнглима, ох күнглим,
Энди борига күнгин.

ЮЗИ ГУЛДЕК ҚИЗГИНА

Гулу райқон хиди анқир бўйингдан,
Булбуллар ҳам маст эмишлар куйингдан.
Ўзим мезбон бўлай кўнгил уйингда
Юзи гулдек яшнаб турган қизгина.

Ишва-ю минг нозлар билан боқасан,
Жилва қилиб дилимга ўт ёқасан,
Кўнгил туморингни кимга тақасан
Юзи гулдек яшнаб турган қизгина.

Қош чимириб кулишларинг ўзгача,
Хиром айлаб юришларинг ўзгача,
Тўй қилайлик қиши келмасдан кузгача
Юзи гулдек яшнаб турган қизгина.

Мафтунабону НУРМАТОВА



Мафтунабону НУРМАТОВА 1995 йыл Китоб шаҳрида туғилган. Ҳозирги кунда Тошкентдаги Глиэр номидаги маҳсус ихтиосослашган мусиқа академик лицейи таҳабаси.

Ёши қаламкашнинг “Қалбим қүёши”, “Яхшиямки сиз бор, она-жон”, “Мен ҳаётни севдим” номли китоблари чоп этилган.

ҚАЕРДАСИЗ, ДҮСТЛАРИМ?

Қалбим бутун негадир ёлғиз
Негадир намланди кўзларим.
Бегонадек бўляпмана сизсиз,
Айтинг, қаердасиз, дўстларим.

Ёлғиз кезяпман боғларни,
Тўлиб кетди дилда сўзларим.
Аlamларим тўкиб солайин,
Қаердасиз, айтинг, дўстларим.

Кумсаятти сизларни юрак,
Кулмай кўйди ҳатто юзларим.
Англаб етдим менга сиз керак
Айтинг, қаердасиз, дўстларим.

Қалбим бугун негадир ёлғиз,
Узокларда сизсиз бўзладим.
Ёнингизда тилларим ожиз,
Келсангиз-чи энди дўстларим.

ХАЙР, МАКТАБИМ

Хайр мактаб, бегубор чөгим,
Сени эслаб шеңлар битаман,
Күзимда ёш, қалбимда армон
Болалигим, сендан кетаман.

Жаранглади сүнгти күнғирок,
Юрагимда бошланди титрок,
Қалбим ўртаб ҳаяжон, фирок
Болалигим, сендан кетаман.

Хайр мактаб, хайр мактабим,
Энди мени кслажак кутар.
Кетгим келмас бағриңгдан асло,
Аммо хаёт қўлимдан тортар.

Хайр мактаб, сүнгти күнғирок,
Хайр устоз, хайр синфоди.
Энди менга ҳар дам, ҳар қадам,
Бир умрга меҳрингиз йўлдош.

Собира ҲУМО



Собира ГУЛОМОВА (Собира Ҳумо) 1994 йылда Санам маҳалласида таваллуд топган. 2000-2009 йиларда тумандаги 5-умумий ўрта маълим мактабида, 2000-2012 йилларда тумандаги 3-сонли Академик лицеида ўқиган.

ОТАМДАН АЗИЗРОҚ ДҮСТИМ ЙҮҚ

Бугун орзуларим бўйлар осмонга,
Шукур Тантрим, кам-у кустим йўқ менинг.
Мағрутланиб боксам арзир жаҳонга,
Отамдан азизрок дўстим йўқ менинг.
Ҳар бир кадамлари сирлар сўйлаган,
Ўзин четта суриб бизни ўйлаган,
Бугун орзулари кўкка бўйлаган,
Отамдан азизрок дўстим йўқ менинг.
Бардоши тоғларга андоз чизилган,
Пинҳона меҳри ҳам кўздан сезилган,
Юракнинг қаърида номи ёзилган,
Отамдан азизроқ дўстим йўқ менинг.
Йиқилсан тоғ бўлиб сувб тургувчи,
Қалбимда умидлар улаб тургувчи,
Аллоҳдан икболим тилаб тургувчи,
Отамдан азизроқ дўстим йўқ менинг.
Дилимни очганда бўлолган дилдош,
Тинчимас, заҳматкаш, энг юксак бардош,
Онажоним учун меҳрибон, сирдош,
Отамдан азизроқ дўстим йўқ менинг.

Ҳоки пойи жаннат, ҳикматли инсон,
Барчага баробар, иззатли инсон,
Менга суюклиг-у, қимматли инсон,
Отамдан азиэрок дўстим йўқ менинг.
Мехрини куйласам сиғмас навога,
Чехралари тўлган нурга, зиёга,
Дўстларим кўпдир-у, аммо дунёда,
Отамдан азиэрок дўстим йўқ менинг.

КАПАЛАККА АЙЛАНАМАН

Бир кун кўнгил наволардан узилади,
Орзуларим рўёсига боғланаман.
Юракда ғам, ҳасрат қасри тузилади,
Ўшанда мен капалакка айланаман.
Ўтаверар умр деган карвонларим,
Тўғри йўлни кўрсатмаса сарбонларим,
Тиконларга дош бермаса товонларим,
Ўшанда мен капалакка айланаман.
Сиғмай колсам шундай кенг бу жаҳонларга.
Юрагимни топширсам гар армонларга.
Учиб кетсам ҳеч кими йўқ осмонларга,
Ўшанда мен капалакка айланаман.
Маст бўлсам гар атиргулнинг ифоридан,
Аёзини қувиб солсам баҳоридан,
Сувлар ичсам мухаббатнинг анхоридан,
Ўшанда мен капалакка айланаман.
Жисмим тупрок, руҳим эса осмонларда,
Кетмоғим бор бир кун жаннат томонларга,
Дийдор истаб, кўниб нафис райхонларга,
Ўшанда мен капалакка айланаман.
Якинларим кўнглига йўл топмок учун,
Гуноҳ ишлар ботқоғидан тортмоқ учун,
Дунё фоний эканлигин айтмоқ учун,
Бир кун келиб капалакка айланаман...

Муштарий ПҮЛАТОВА



*Муштарий ПҮЛАТОВА 2002 ишлә Богбон қишигүй фуқаролар
ийгинига қарашили Очамайли қишилогидага түгүлгән. Тумандагы 11-уму-
мий ўрта таълим мактабининг 5-сinfида таҳсил күради. Унинг се-
вимли машгулоти шеър ёзши.*

ЎЗБЕГИМ

Ўзбекистон ҳур ўлкам,
Боғлари сўлим, кўркам,
Ўғлонлари мард, ўқтам
Жонажоним Ватаним.

Буғдойига барака,
Ҳар куни тўй-маърака,
Бахт улашар юракка
Боғ-бўстоним Ватаним.

Нурлар ёғилган диёр,
Унда дарёлар бисёр.
Бошида хумоси бор
Онажоним Ватаним.

Кексалари фаришта,
Ёшлари ўқиш, ишда,
Кирган ҳовли саришта
Таним, жоним Ватаним.

ЁЗ ФАСЛИ

Үлкамизга келиб ёз,
Олма пишиб түкилди.
Хосилин күттаролмай,
Шохлар ерга букилди.
Болалар роса хурсанд,
Ёзги таътил берилди.
Олма, олча, шафтоли
Саватларга терилди.
Богбонлар бирам мамнун,
Мехнат берди мевалар.
Бир ёқимли сайдайди,
Богда булбул, саъвалар.
Севган фаслим аслида,
Офтоб кучоклаган ёз.
Сувда сузиг яйрайман,
Кайфиятим аъло, соз.

ЁЗГИ ТАЪТИЛ

Аълочи бўлиб, ўқиб,
Қувончларга чўлғандик.
Ўкув йили тугади,
Биз бир ёшга улғайдик.

Қучорини кенг очиб,
Кутиб олди ёз, таътил.
Энди бизнинг шўхлигимиз
Бутун оламга татир.

Таътил завқин кандайлигин,
Биз ҳаммамиз биламиз.
Маза килиб оромгоҳда
Дам олиб, чўмиламиз.

Акбар КАМОЛОВ



Акбар КАМОЛОВ 1993 йылда Бектемир қишилоқ фуқаролар иигини Олақүйлиқ қишилогида туғилған. Жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультетида таҳсил күради. Илк китоби 2013 йылда “Сиз барибир ўзимни кисиз” номи остида “Наврӯз” нашириётида чоп этилди.

ДУНЁ

Кўзларим ўрганиб қолди рўёга,
Зулматга қоришман, зорман зиёга.
Дунёнинг ишларин отиб дунёга
Тиззангта бош кўйиб ухлайман, она.

Инсон киёфада шайтоний танлар,
Менга қизик эмас доғ тушган шаънлар,
Ортимдан келмоқда тўшов, кишинлар
Дардимни эркалаб йиглайман, она.

Бездим-у баридан ҳеч тонганим йўқ,
Кўз ёшим бор, лекин қувонганим йўқ,
Оллоҳимдан бўлак ишонганим йўқ
Дунё деб қалбимни тиглайман, она.

Оlam зари етмас бир конмоқ учун,
Гулхан ҳам топилмас бир ёнмоқ учун
Битта дўст тополмай суюнмоқ учун
Ёлғиз дунёларга сигмайман, она.

Хатто дард сўймайди гумрохларимни,
Садо қайтиб берар дард, оҳларимни,
Опичиб тоғдайин гуноҳларимни
Харсанг азобларга кулдайман, она.

Йиқилсам тиф тирав мингта қасдлар ҳам,
Шеъримга ўт кўяр шеърпарамалар ҳам,
Битта тепиб ўтар хатто пастлар ҳам
Бўронда эзилган гулдайман, она.

Ўзни олисларга рост отганим кўп,
Истакларим дея дард топганим кўп,
Топганимдан кўра йўқотганим кўп
Бугун орзуларга кулдайман, она.

Машхурлик жаннати айблабди кимни,
Кишлокнинг соғинчи сикар бўғзимни,
Чанг тўзони шоир килган кўксимни
Шаҳар мозорига кўммайман, она.

Кўзларим ўрганиб колди рўёга,
Зулматга қоришман, зорман зиёга,
Дунёнинг ишларин отиб дунёга,
Тиззангта бош кўйиб ухлайман, она.

Сүннатилла ТОШЕВ



Сүннатилла ТОШЕВ 1986 йыл Севаз қишилогида туғылған. Севаз қишилоқ хұжалығи касб-хұнар коллежини битирған. Айни пайтда фермер хұжалиғида ишлайди. Шеърий машқлари матбуотда чөп этиб келинмоқда.

ВАТАНПАРВАР

Күзга сургай ҳатто төғін лоласини,
Ситам күрса эшитмайсиз ноласини,
Болам дейди юртнинг ҳар бир боласини,
Шу тупрокни севса севар жонга қадар,
Шундай улуғ инсон бўлур ватанпарвар.

Бошдан асло учирмагай хумосини,
Тирнок билан кавласа ҳам тиллосини,
Юрагидан күчирмайди худосини,
Элу юртип бошларидан сочади зар,
Шундай улуғ инсон бўлур ватанпарвар.

Ватан учун керак унинг доно сўзи,
Минг йилда ҳам йўқолмайди босган изи,
Эли учун жонин берар ўғил-қизи,
Юртдошим деб ширин жонин фидо этар,
Шундай улуғ инсон бўлур ватанпарвар.

Яшаса ҳам тогу тошлар орасида,
Йүлатмайды ёвни Ватан қалъасига,
Еру фалак титрар унинг наърасига,
Ёшлар учун у мисоли ибрат, падар,
Шундай улуг инсон бўлур ватанпарвар.

Унумтмайди улуг, буюк бобосини,
Оёқ ости қилдирмас куй, навосини,
Эрамга ҳам алишмас юрт ҳавосини,
Юртни ташлаб кетмайди у ҳеч дарбадар,
Шундай улуг инсон бўлар ватанпарвар.

Халқи билан баҳам кўрар бурда нонин,
Элин сотмас, сотмас сира шараф-шонин,
Керак бўлса, қалқон қилас тани жонин,
Шундай ўғли бор Ватанини ким ҳам турттар,
Шундай улуг инсон бўлур ватанпарвар.

ТҮРТЛИК

Эр бўлсак гар эркак бўлайлик,
Шу юрт учун тиргак бўлайлик,
Ўтиб кетсан ҳамки дунёдан
Эл оғзида эртак бўлайлик.

Гулноза ҚУДРАТОВА



Гулноза ҚУДРАТОВА 1999 йилда Китоб түманида тавалдуд тонгган. 1-умумтаълим мактабига таҳсил кўради. “Орзулар оғушида” номли шеърлар китоби чоп этилган.

ЎЗБЕГИМ ОИЛАСИ

Қалбимиз покиза, мусаффо осмон,
Юракда яшайди эътиқод, иймон
Ота иродаси, она саботи
Ўзбек оиласи – баҳт кулган аркон.

Мустақил Ватаним фарзандинг азиз,
Ватан номин оқлаб, яшар ўғил-қиз,
Авлод орзу сари борар изма-из
Ўзбек оиласи – баҳт кулган аркон.

Ёруғ келажакка пойдевор ёшлар,
Нурли замон сари одимин ташлар,
Миллатни пок тутар элга йўлдошлар
Ўзбек оиласи–баҳт кулган аркон.

Юракда орзулар лиммо-лим, тошар,
Истиқолол кошингда нурланиб яшар,
Сенга ҳайрат ила ҳавас ярашар
Ўзбек оиласи – баҳт кулган аркон.

Аҳил оила бўл, мустаҳкам бўлгин,
Фарзандлар камолин, иқболин кўргин,
Истиқлол ҳамроҳинг, давронлар сургин,
Ўзбек оиласи-бахт кулган аркон.

КЕТМА, МУҲАББАТ!

Орзуларнинг макони йироқ,
Сенсан менга ҳам дўст, ҳам ўртоқ,
Кетганингда чекаман фироқ
Мен сенини бўлайин абад,
Юрагимдан кетма, муҳаббат.

Софинчлардан кўз ёшим бисёр,
Дардим куйга сололмайди тор,
Сўзларимни тинглагин бир бор
Олисларга бош олиб фақат,
Мени ташлаб кетма, муҳаббат.

Хижронларга беролмай бардом,
Кўзларимда қалқимасин ёш,
Дўстим сен-ку, энг яқин сирдош,
Хаёлимда бунёд бўлган баҳт,
Мени ёлғиз этма, муҳаббат.

ЗАМОН

Кечаги атласлар токчада қолди,
Рўмолли қизларни тушда кўрамиз.
Замон деб миллийлик, либос йўқолди,
Замонда оёқ йўқ, бизлар юрамиз.

Замонни айбламанг, этманг баҳона,
Ибо, ҳаё бари ўзбегимга мос.
Айбни замонга ағдариб буткул,
Сўзим ўзлигингиз унутманг, холос.

Мадина НУРУЛЛАЕВА



Мадина НУРУЛЛАЕВА 1996 ыилда Гулгүнпүш қишилогида туғылған. 29-мактабнинг 9-сinfини битирған. Ҳозирда 3-сонли Академик лицейда таҳсил олады. Шеърлари матбуотда чоп этилған.

ОРЗУЛАР ҚАНОТИДА

Камалак рангида кулади баҳор,
Бир зум армонларни дил унутади.
Куртакларга күнгән корларга караб,
Илҳом күлларимга қалам тутади.

Хаёл учкүр оттай етиб узокка
Чорлагандай бўлар ёруғ юлдузлар.
Менга омад тилаб ён атрофимдан,
Кузатиб турибди эҳ қанча кўзлар.

Мени дуо килиб фаришта бувим
“Болам, қоқилма”, – деб хўп ўқтиради.
Биламан, синоат тўла бу гардун
Ҳали кўп синовга йўлиқтиради.

Кўксимда оловдай ёнади юрак,
Ҳарорати балки отамдан ўттан.
Мендан ҳали ҳеч ким эмасдир воқиф
Балки мени даҳр минг ийилаб кутган.

Беғубор орзулар кўчаларига,
Куёш ҳам жилмайиб ташлайди нигоҳ.
Нурларнинг васлига тўйиниб олиб,
Илҳом ҳам шеър бўлиб туғилар ногоҳ.

Эзгу ниятларим рӯёби учун,
Йўлдошим бўлади сабру қаноат.
Орзу қанотидан маҳкам кучаман.
Бунда чароғбоним меснат, матонат.

Мақсад кенгликларин кезаман яёв,
Орзуларим қанот қоқсин илоҳим.
Мени кизим дея бағрига босган,
Она Ўзбекистон хур саждагоҳим.

ШЕЪРИМ

Тугён килса агар қалбнинг армонлари,
Чегарадан ошса дўстнинг ёлғонлари,
Бошга бало ёғдирганда осмонлари
Юрагимга малҳам бериб юргин, шеърим.

Йўқотсан гар ногоҳ жон-у жаҳонимни,
Кимдир сотар бўлса азиз иймонимни,
Бону бой берса гар сўнгги имконини.
Юрак каби ёнгинамда тургин, шеърим.

Бағрим оташ бўлиб, ёлғон ошганида,
Дунё ташвишлари қалдан тошганида,
Нафрат олов бўлиб ёвдай шошганида
Сен сабрдан бир иморат қургин, шеърим.

Виждоним саройида ўзинг ҳакам бўлгин,
Максадим-сен, илҳомни бер, малҳам бўлгин,
Мадад бериб, опагинам, акам бўлгин
Менинг билан давру даврон сургин, шеърим.

Сора ЮСУПОВА



Сора ЮСУПОВА 1968 йилда Деҳқонобод туманида тузиған. Тумандаги Ўзбекистон номли 70-умумтаълим мактабида таҳсил кўрган. Китоб туманида яшайди, ҳозирги кунда уй бекаси. Шеърлари газеталарда чоп этилган.

ҚИШЛОГИМГА

Кўрғонтошим, кўрғонда,
Отамдан колган излар.
Мактай десам тил ожиз,
Таърифингта йўқ сўзлар.

Осмонўпар тогингдан,
Бақирсан садо келар.
Кўрғонтошда тошлардан,
Аждоддан нидо келар.

Қариндошим, қондошим,
Сизларни кўргим келар.
Акам, укам, амаким,
Холингиз сўргим келар.

Ювар ёмғир юзимни,
Ол бағрингга қизингни.
Тушларимда кўраман,
Эчки, улок, қўзингни.

Күзим очсам қир-адир,
Қамаштирди күзимни.
Болалигимга қайтиб,
Унутаман ўзимни.

Соғиниб, довон ошиб,
Қучоғингга отилдим.
Кечир мени, қишлоғим
Мен шаҳар сотилдим.

Шаҳар катта, кенг, гўзал,
Таралар шўх наволар.
Соғинчимни бу ёрда,
Фақат меҳр даволар.

Қишлоғимда сеҳр кўп,
Ажид бир ҳис, меҳр кўп.
У Ватаним, ҳам онам,
Кел, Сора тупроғин ўп.

АКАЛАРИМ

Менинг бешта акажоним бор,
Улар менинг умрим парчаси.
Фахрланиб ёёсам арзир шеър,
Халкка хизмат қиласар барчаси.
Бир ота-онадан қондошим,
Сизлардир суюнган сирдошим.
Минг бора ташаккур, минг бора,
Сиз билан мағур ва тик бошим.
Соғинсам юрагим ғашланар,
Қалбимда туғёнлар бошланар,
Ҳар бири, ҳар бири кўзимга
Мисоли оловдай ташланар.
...Менинг бешта акажоним бор.

АФРҮЗА



Афрүза (ҚУЛМУРОДОВА) 1996 йылда Макриө қишиюқ фуқаролар итегини ҳудудидаги Янгиобод қишлоғида туғилған. Ҳозирги кунда Шаҳрисабз тиббиёт колледжидә таҳсил күради. Шеърлари “Бекажон”, “Янги газета” газеталарида чоп этилған.

АНГЛАНГАН ХИСЛАР

Дилда ҳижрон оралаб,
Күйдиряпти тобора.
Боғда гулни саралаб,
Мен бечора овора.

Кўксим куяр, оташлар,
Ёндиради бирма-бир.
Жонни олар қарашлар
Овора юрак қургур.

Куйган юрак ягона,
Армон дилда подшодир.
Мухаббат ҳам бир дона
Битта дилда танходир.

Бахт қурғурни қидириб,
Тополмайсиз гоҳида.
Сиз баргида юрсангиз,
У юради шохида.

Баъзан деймиз қўл силтаб,
Қолиб кетсин ордона,
Кун кслади барибир
Яркирайди пешона.

БОЛАЛИК

Кетмоқдаман сенга сиримни айтиб,
Қани келсам эди бағрингта қайтиб,
Юрадим бегубор қўшиғим айтиб
Энди қўлларимни қўйвор, болалик,
Кетяпман олисга, хуш қол, болалик.

Вақтида эркалаб суйганинг етар,
Мен ёнсам қўшилиб қўйганинг етар,
Менинг ҳисларимни туйганинг етар
Энди қўлларимни қўйвор болалик,
Кетяпман олисга, хуш қол, болалик.

Беармон ўйнадим сенинг бағришга,
Шўх-шодон яйрадим сенинг бағрингда,
Сўнгти сўз сўзладим сенинг ҳақингда
Энди қўлларимни қўйвор болалик,
Кетяпман олисга, хуш қол, болалик.

HACP



Мурод ХИДИР



Мурод ХИДИР 1939 йилда Олакўйлиқ қишилогида түгилган 1962 йилда Самарқанд Давлат университетининг ўзбек филологияси факултетини битириб, бир муддат ўрта мактабда ўқитувчи бўлиб, сўнг "Қашқадарё ҳақиқати", "Келајсак тонги" газеталари, "Гулистон", "Шарқ юлдузи", "Санъат" журналлари ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида турли лавозимларда ишлаган.

У "Сирли олам" журнали "Қалб кўзгуси", "Соҳибқирон юлдузи" газеталарининг бош муҳаррири бўлиб фаолият кўрсатган.

Мурод Хидирнинг "Қирғоқтар", "Аму соҳиллари бўйлаб", "Кузача ва бўтуча", "Тошқўл, кийикча ва бўйноқ", "Ҳарф ўйини" каби китоблари ўқувчилар қалбидан жой олган. У Ўзбекистон Ёзувчилар ҳамда Журналистлар уюшмаларининг аъзоси.

КУМУШ ҚЎНҒИРОҚЛАР *Инишолар*

Тестапоя гўдагингиз юз тубан йикилди.

Тўхтанг, уни ердан кўтариб олманг. Нозик ва мўрт билакларила ўзи турсин. Ана шундан кейинги қоқилишлари олдини олган бўласиз. Кўрмаяпсизми одам шаклланяпти!

Биламан. юрагингиз зиркираб кетди, биламан, бирингиз – ота, бирингиз – онасиз.

Ўғилчангиз сиз қанд қўйган жойга эмаклаб борди. Шошманг! Бунга асло қувонманг. Ширинлик таъмасида эмаклаган боланинг умурткаси эгилувчан бўлиб қолади. Бундай умуртка кейинчалик

панд беради. Болангиз амалдорлар қошида пешонаси ср ўпадиган бўлиб қолади. Биламан, юрагингиз ҳапқирди, биламан, бирингиз – ота, бирингиз – онасиз.

Болангиз бўй чўзиб қолди. Ана, у томда умбалоқ ошаяпти. Бўғотлардан сакраб-сакраб чопаяпти.

Ҳовликманг! Шаҳодат бармоғингиз билан яниб, пўписа килманг. Қаранг, у кўркув нималигини сира билмаяпти. Унинг тиззалари ҳам қалтираётганий йўқ!

Биламан, юрагингиз ҳапқирди, биламан, бирингиз – ота, бирингиз – онасиз.

Бугун болангиз минораи калондек тик теракнинг учигача чикди, кўлини қўёшга узатди.

Кўркманг! Уни койишдан ўзингизни тийин. Ахир, у илк марта ўзининг бўйидан ўн баравар юксакка кўтарилиди.

Биламан, юрагингиз қинидан чиқаёзди, биламан бирингиз – ота, бирингиз – онасиз.

Мана, ўғлингизнинг овози дўриллаб қолди, У ҳамманинг кўзида қўшини кизга бир дона лола тақдим килди.

Бас! Ўғлимиз бизни маломатга кўйди, деб ранжиманг. Бу журъат ҳамманинг ҳам кўлидан кславермайди.

Биламан, юрагингизда бир номус туйдингиз, биламан, бирингиз ота, бирингиз онасиз.

Мана, ўғлингиз кўпдан кўзлаган манзилга йўл олди. Тоғнинг энг баланд чўққисига чирманиб чикди. У ишғол қилган чўққи шундай баландки, тоғ этагида туриб, сизнинг бошингиз айланади: тоғ этагида туриб сизнинг кўзигиз тинади.

Етар, дод солиб уни чорламанг. Ана, упкар булутлар ундан куйида оғир судралади. Ана, қуёш ҳам унинг пойида уфқка чўкиб боради.

Биламан, юрагингиз увишиб кетди, биламан, бирингиз ота, бирингиз онасиз.

Акс ҳолда, бургут эмас, мусича тарбиялаган бўласиз.

Акс ҳолда, ўғлингизнинг юрагида бекиниб ётган кулваччага яна ҳавфсизроқ бошпана топиб берган бўласиз.

Мен бургут учун овоз бераман, қадаҳ кўтараман, кўшиқ айтаман!

* * *

Фаррош тонгни супургиси билан сийпалаб уйготди. (Биз эса ҳали уйқу салтанатидан қайтганимиз йўқ). У ернинг киндигини кесган доядай жуда қари, буқчайган. Гул гардини шудринг ювгандай, фаррош йўл, йўлка ва чорси хас-хашагини қуличкашлаб супуради.

Сув сепилган тупрокнинг ҳиди эса эндигина тандирдан узилган нон янглиғ хушбўй, ёқимли.

Ёш мусаввир тонгнинг тасвирини чизаяпти! (Биз эса уйқу салтанатидан қайтганимиз йўқ). Бўзариб туғилаётган тонгни у кўрғошибидек қотириб кўймокчи, мармартошга ўйгандек саклаб қолмокчи, ипак билан шохига нақшлагандек асрамоқчи.

Бугун, эрта, индин учун, қолаверса, мангулик учун, албатта. Агар гўзалликка ташналиқ сезсан мусаввир чизган бу тонг тасвирини биз олтин жомларда симириб-симириб ичамиз.

Майнин ҳайдалган қирга дехкон дон сочаяпти (Биз эса ҳали уйқу салтанатидан қайтганимиз йўқ). Дағал, саховатли қўллари серажин, томирлари жўяклардек қабариқ-қабариқ. Ажинлари настаълик хати каби жимжимадор, жумбокли.. Бу ёзувларнинг ҳануз алифбоси тузилмаган. Мактабларда ҳам ўқитилмайди. Лекин шуниси аёнки, дехкон қўлларидағи бу ажин ва қадокларнинг ўз теран фалсафаси бор.

Жанубий чегарада бир жангчи тонгни бедор каршилаяпти (Биз эса ҳали уйқу салтанатидан қайтганимиз йўқ). У калхат шарпасини илғай деб кўкка карайди, газанда корасини илғай деб, ерга карайди. Кўзлари пўлат қалконни тешгудек, нигохи ўткир. У толиқса, оғирини тоҳ ўнг оёғидан сўл оёғига, тоҳ сўл оёғидан ўнг оёғига ташлайди. Тонг чўчиб тушмасин, дейди. Ер бир томонга огиб кетмасин, дейди.

Энг шаффоф тўйгулар тонг билан бирга туғилади. Тонгдай оппоқ қоғоз узра энгашиб, ўйга толаман. Нозим Ҳикмат хам мана бу сатрларни осуда тонгда ўқиган:

Бу дунё ҳўқизнинг шохиди эмас,

Бу дунё қўлларимиз устида турибди.

Ривоятга кўра, ҳўқиз толиқиб, Ер куррасини у шохидан бу шохига олармиш.

Зилзилаларнинг бўлиши шундан эмиш. Лекин Ернинг инсон кафтида ҳандалақдек омонат тургани рост. Ер қўллар ўртасида талаш бўлса, энг мудҳиши зилзила ўшанда юз беради.

Ўшанда кўшикнинг қаноти қайрилади.

Ўшанда лабларда бўсалар музлаб қолади.

Ўшанда оналар алла айтмай қўяди.

Тонг – туннинг тўлғоқ азоби. Тонг – кундузниң маъсум болалиги.

Тонгта гард кўнмасин.

Тонг – бокира!

* * *

Болангиз ногаҳон: “Нега одам ҳакида топишмок тўқилмаган? Нима, одамнинг булат, шамол, балиқ ёки ошковоқчалик қадри йўқми? Мана, биргина чумоли ҳакида ўндан зиёд топишмок бор”, - деб қолса нима қиласиз? Албатта, менинг ҳолимга тушасиз.

Айникса, болангиз билагон бўлса, яна қийин экан.

Мана шундай пайтда биссотимдаги билимларни титкилаб, уни кўндиришга уринаман. Одамнинг болалиги, йигитлиги ва кексалиги ҳақида тўқилган топишмокларни эслайман.

“Эрта билан тўрт оёклаб юради.

Тушда икки оёклаб туради.

Кечкурун уч оёклаб юради”.

“Бу нима, топ? – дейман”.

У: “Одам”, – дейди. “Лекин, – дейди у, – бунда одамнинг одамлиги кўринмаяпти”.

Мен яна бошқасини айтаман.

“Тўртида тарикдай,

Ўттизда айиқдай,

Тўқсонида товуқдай”.

“Буни топ, нима?”, – дейман.

“Буни-чи, боғча болаларга айтиб беринг, адажон!” – дейди у бироз қизикиб.

Мен бирпас бош қашиб қоламан-да, жавоб излашга жиддий киришаман. Чунки хозирги болаларни хўрозқанд олиб бериб алдаш ёки матал айтиб юпатиш осон эмас.

Шундан сўнг, гоҳ Шумер асотирлари, гоҳ Миср афсоналари, гоҳ қадимий ҳинд ва Хитой фалсафасига суюнаман. Гоҳ Ўрта Осиёлик ва юнонистонлик алломалардан қўмак сўрайман. Гоҳ дохийларнинг инсон таърифига доир ҳикматларини бир-бир ишиш киласман.

“Иўқ! Бу фикрларни топишмоққа жойлаб бўлмайди”, - дейди у қатъий.

Мен энди ўзимнинг вазимни айта бошлайман.

“Инсон аввал:

Асотир,

Афсона,

Эртак бўлиб дунёга келган”, – дейман.

Кўнмайди.

“Инсон аввал:

Куй,

Кўшик,

Ўлан бўлиб дунёга келган”, – дейман.

Кўнмайди.

“Инсон аввал

Маъно,

Мантиқ,

Фалсафа бўлиб дунёга келган”, – дейман.

Кўнмайди.

“Инсон аввал:

Масал,

Чистон,

Жумбоқ бўлиб дунёга келган”, – дейман

Кўнади. Аммо...

“Бу бошқа гап, – дейди у. – Инсон – жумбок, инсон ҳақида топишмоқ тўкинг, жавобини мен топай”.

“Ҳамма гап шунда-да, – дейман мен. – Одам яралгандан бери ўзини қидиради, лекин ўзи ҳақида топишмоқ ўйлаб топмайди. Ахир, одам ўзини дарров топиб кўйса, кейин излашдан тўхтаб қолмайдими?.. Қолаверса, инсон – коинот, дейдилар. Шундай экан, инсонни биламан, дейиш коинотни тамом ўрганиб бўлдим, дейиш билан баробар-ку!”

Бу мұлоқазадан кейин у ўйлаб қолади. Рост-да. У ўзи ҳам билар-білмас инсониятнинг үрнини қидирмаяптыми? Ҳали инсон таърифига сұнғи нұкта қўйилмаган. Нұкта—ғов.

Нұкта – тафаккурнинг йўлини тўсган сўнгсиз уммон.

Нұкта – тафаккурнинг йўлини тўсган ҳудудсиз кум саҳроси.

Нұкта – тафаккурнинг йўлини тўсган поёнсиз чангалзор.

Уни болалик даҳоси қўллади, шекилли, шодон қарсак чалиб юборди.

“Туғилмаган топишмоқнинг топилмаган жавоби нима?” – дейди у қийкириб ва шошиб ўзи жавоб қиlldи:

“Одам! Одам! Одам!”

Мен ҳам топқирилгидан илҳомланиб:

“Топдим, топмадим. Бу нима?”, – дедим

У хеч ўйлаб ўтиrmай:

“Одам! Одам! Одам!”, – деди севиниб.

Биз ота-бала ўша куни хакиқатдан ҳам ўзимизни бир оз бўлсада, ўзимизча ҳам топдик, ҳам топмадик.

Абдуғафур ШУКУРОВ



Абдуғафур ШУКУРОВ 1918 йил Китоб шаҳрида таваллуд топган. Иккинчи жаҳон урушида иштирок этган. Абдуғафур отанинг фолклори ўнослар томонидан ёзib олинган эртаклари асосида “Қулса гул, йигласа дур” номли китоби чоп этилган.

ДУНЁДА ЙЎҚ ХУНАР

Эртак

Бор экан-да, йўқ экан, оч экан-да, тўқ экан, қадим замонда, бир мамлакатда бир подшо бор экан. У подшонинг чиройли қизи бор экан. Кўп мамлакатлардан совчилар келиб, кайтиб кетар экан. Қиз: “Кимки дунёда йўқ хунарни ўрганиб келса, ўшанинг никоҳига кираман”, деб шарт кўйган экан. Келган совчилар қизнинг бу шартининг уддасидан чиқа олмай, кайтиб кетар эканлар. Шундай қилиб, йиллар ўтиб бораверди. Қизнинг бу шарти бутун мамлакатга ёйилиб, ахири ҳеч жойдан совчи келмай қолди.

Шу мамлакатнинг бир ческасида бир кампир бор эди. У шаҳарнинг қоидаси шундай эди – камбағалроқ кишилар овқат қилишга насралари бўлмаса, болаларини сотиб кун кечирав эдилар.

Кунлардан бир куни кампир ичорликдан боласини етаклаб чиқиб, сотмоқчи бўлиб ўтирган эди, бола кал эди, мамлакатнинг бошқа томонидан келган бир жодугар бу кал болани сотиб олиб кетди ва хизматкорликка кўйди. Жодугар одамларни олиб келиб, семиртириб ер эди. Үнинг қизи ҳам бор эди. У қизнинг жодугарлиги отасининг илмидан ҳам зиёдроқ эди.

Бу жодугар болани емасдан, ҳар кандай хизматларга буюриб,

хизматкор қилиб олиб юраверди. Бола хизматини қилиб юрди. Жодугарнинг қизи унга отасига билдирмай сехргарликни ўргатди. Кал ҳам бу сирни билдирмасдан юраверди. Шундай қилиб калнинг илми аста-секин оппаверди.

Бир куни кал ўтириб йиглаб юборди. Қиз:

– Эй, калжон, нимага йиглайсан? – дегач, кал, бир неча йилдан буён онасини кўрмай мусофиричиликда юрганлигини қизга дарди ҳол қилди. Калнинг бу йигисига қизнинг раҳми келиб:

– Ҳой, калжон, бўлмасам яна бир-икки хил илмдан таълим бераман, шуни ўргангач, кетгин-у, шу илмларни то отам ўлмагунча ҳеч кимга билдирима. Агар билдириб қолсанг, отам сени ҳалокатга учратади. Отамдан бир сўраб кўрайчи, жавоб берса сени қўйиб юборамиз, – деди.

Қиз отасига бориб:

– Ота, кални биргина онаси бор экан. У бир қанча йиллар бизларга хизмат килди. Энди шунга жавоб берсангиз, кетса, – деб ёлворди.

Отаси қизининг сўзини қайтаролмасдан ноилож болага жавоб берди. Шундан кейин кал қиз билан хайрлашиб, ўз мамлакатига қайтди. Онаси билан топишиб, юраверди. Бир куни кал караса, ўйларида на овқатлик, на егулик, ҳеч вако қолмабди. Нима иш қилишни билмасдан, ночор онасига маслаҳат берибди:

– Эй она, бозор куни, эрта билан оғилхонада бениҳоя семиз ва хушсурат бир бўрдоки кўй бўлиб тураман. Сиз эрталаб мени бозорга олиб боринг. Яхши кўйлар баҳоси ўн тилла бўлса, мени икки баравар зиёда килиб сотасиз. Лекин шуни кулоғингиз билан эшишиб армонда колмангки, агар ўзим йигирма тилла бўлсам, нухтам юз тилла бўлсин, сотганда нухтамни олиб қолинг. Агар адашиб, пул яхши кўриниб, нухтамни сотсангиз, абадул-абад мендан айриласиз.

Кампир эса: “Ўғлим жинни бўлдими ё калласи қалқидими, бу калига нима бало бўлди, сўзлари айниб, бундай бемаъни гапларни айтади”, деб кўнглидан ўтказди.

Эрталаб ўрнидан туриб караса, дарҳақиқат, оғилхонада дунёда йўқ бир кўй турибди. Кампир кўйни етаклаб, бозорга подшо саройи олдидан ўтиб бораётган эди, подшо хизматкорлари чикиб, кампирга:

– Эй кампир, бу қўйни сотасанми, сотсанг баҳосини айт? – деди.

Кампир қўйни нархи бозорда бир ҳисса бўлса, икки ҳисса зиёда айтди. Подшо хизматкорлари кампирдан қўйни сотиб олдилар. Подшоликка олиб кириб қарадиларки, дунёда ҳеч бундай қўй бўлмайди. Хизматкорлар пичоқларини чархлаб, сўймоқчи бўлганларида, қўй ранг-баранг товланиб кетаверди. Подшо кишилари афсус қилиб: “Шундай аркони давлатда, шундай ажойиб қўйни бир томонда асрар қўйса ҳам яхши бўлади”, деб қўйни сўймай қолдирдилар.

Бугун ўтди, эртанги куни қўйхонани қарасалар, қўйдан асар йўқ. Аркони давлат талотуп бўлиб ахтаришиб, суриштириб қўйни топа олмадилар.

Кал бўлса онаси билан ҳалиги пулларни майшат қилиб еб юраверди. Бу пуллар ҳам тамом бўлиб, яна аввалги кунларига қолдилар. Кал нима қилишини билмасдан яна ўйлаб-ўйлаб, охири онасига:

– Эй она, эртага бозор. Эрта билан отхонада бир ғишт устида ўйнайдиган от бўламан. Мени бозорга олиб чиқиб, отлар каторида олиб ўтиришт. Отбоқарлар келиб мени олмокчи бўлсалар, баҳомни бошқа отларга караганда зиёдроқ айтинг ва киммат сотинг. Лекин нухтамни зинхор-зинхор сотманг. Агар пулга қизиқиб сотиб юборсангиз, мендек болангиздан ажралиб қоласиз, – деди.

Эрта билан кампир отни етаклаб, бозорга олиб чиқиб, бир чеккада ўтириб эди, бир қанча отбоқарлар келиб, харидор бўлиб кетавердилар. Охири подшоликдан кишилар бориб қарадиларки, ниҳоят чиройли ва ақлдан ташқари хушсурат бир от турибди. Подшо одамлари отни олиб кетдилар. Кампир эса пулни олиб, ўйига қараб бадар кетди. Подшо одамлари отни олиб бориб, сайисларга топширдилар. Эрта билан туриб қарасаларки, сайисхонада от у ёқда турсин, тезаги ҳам йўқ. Подшолик саросимага тушиб, ҳар томонларини ахтариб, отдан асар топмадилар.

Бир қанча вакт ўтгач, ҳалиги кампирнинг пуллари тугаб, яна танг ахволда қолди. Кал яна шу хунарни кильмокчи бўлиб, кўнглидан ўтказди. Лескин мамлакатга калнинг иши маълум бўлиб қолди: “Бир кампир бор эмиш, шу кампир гоҳо қўй, гоҳо мол, гоҳо от – ҳар хил нарсаларни бозорга олиб чиқиб сотар эмиш,” деган гап тарқалтанди.

Бу гап ҳалиги одамхўрнинг кулогига ҳам етди. Ўйлади-ки: “Бу мамлакатда мендан бошқа жодугар йўқ. Ким бу ишни қилар экан”? деб охири шу кал эсига тушди. “Шу кал менинг хизматимда юрган вактда озрок ўрганиб қолган бўлса керак”, деб, кўнглидан кечирди. Лекин калга жодугарликни ўзининг қизи ўргатганлигини билмас эди. Шундай қилиб ҳалиги жодугар бу ишни пойлаб, бозор куни бозорга келиб: “Қачон шунаقا яхши от, яхши кўй, яхши мол ёки тиян каби жондор келаркин, агар ниҳоят семиз ва хушсурат жондор бўлса, шуни топаман”, деб кўнглидан ўтказиб, пойлаб юрди. Бир куни кал пуллари қолмай, нима қилишини билмасдан, ишлай деса, ишга бўйни ёр бермасдан, ночор онасига қараб:

– Эй она, эртага бозор, мен ниҳоят зўр катта тиян бўламан, сиз мени бозорга олиб чиқинг. Баҳомни кўп зиёда айтинг. Сотинг-у. лекин пулинни ҳар қанча зиёд берса ҳам нухтами сотманг, – деб тайинлади.

Эртаси куни кампир карадики, дарҳакиқат, ақлдан ташқари бир тиян пайдо бўлибди. Кампир уни бозорга етаклаб бориб, тиян бозорида тўхтади. Туячилар келиб харидор бўлибди. Ҳалиги жодугар ҳам келиб савдо қилди, кампирдан сўради:

– Туянг неча пул?

Кампир:

– Юз тилло, – деб жавоб берди.

Ҳалиги жодугар савдолашиб, охири айтганига олди-да, кампирнинг қўлидан нухтани ушлаб эди, кампир нухтани бермасдан қаршилик қилди.

Жодугар:

– Хайр бўлмаса, бошқа ип олиб келай, деб жодугарлик билан кампирнинг қўлига бошқа ип тутқазиб, кампирдан нухтани олиб кетди. Кампир уйига келиб қараса, бу бошқа нухта. Шундай қилиб, кампир афсусланиб йиғлаганча қолаверди. Жодугар эса тияни етаклаб уйига олиб кайтди. Туяни маҳкам бир уй ичитга бойлаб кўйиб, қизини чакирди ва:

– Ана, қизим, кўрдингми? Бунга сенинг раҳминг келиб, восита бўлиб, жавоб берган эдик. Бу бизнинг жодугарлик илмимиздан фойдаланиб, шаҳарда бир қанча ишлар қилиб юрган экан. Ахир мен уни қилган наъмларини эшитиб, бугун бориб кўлга туширдим. Уни аввал емасам, энди ейман. Бориб пичоқ билан тавар

келтиргин. Буни сўйиб, гўштини еб, жоним ҳаловат топсин,—деб қизига буюрди.

Киз бориб тавар билан пичоқни бошқа томонга яшириб, тополмаган киши бўлиб келди. Жодугар қарадики, қизини қўлида ҳеч нарса қўринмайди.

— Қани пичок билан тавар? — деб сўради. Киз:

— Эй ота, шунча ахтардим, топа олмадим, — деди.

Шундан кейин жодугар қизига:

— Эй кал, сенга айтмаганимидим, шундай бўлмағур ишларни отам ўлгунча қилмагин деб. Энди ўзингдан кўр. Шундай бўлса ҳам мен сенга бир яхшилик қиласман, —деб туюнинг ипини бўшатиб юборди. Туя югуриб чиқиб, бир юмалаб капитар бўлиб ҳавога учиб кетди. Жодугар келиб қизидан:

— Туя қани? —деб сўради. Киз айтди:

— Эй ота, туя ечилиб чиқиб, бир юмалаб капитар бўлиб ҳавога учиб кетди. Ана, ишонмасангиз, қўринг, —деб капитар учиб кетган томонни кўрсатди.

Жодугар қарадики, капитар ғира-шира қўриниб, учиб кетиб бораляпти. Жодугар ҳам бир юмалаб қарчигай бўлиб, капитарни кетидан куваверди. Булар бир-бирлари билан кувлашиб учавердилар. Қарчигай етай-етай деганда, олдиларидан бир подшо чорвоги чиқиб колди. Капитар бирданига подшонинг чорвогига тушиб, бир неча гул бўлиб очилиб турди. Подшо вазирлари билан майшатбозлик қилиб ўтириб эди, шу гулни қўриб колди Гул очилиб алвон-алвон товланиб турибди. Подшо буюрди:

— Шу гулдан узиб беринглар!

Хизматкорлар гулни узиб подшога тутдилар. Шу пайтда гулнинг устига халиги жодугар қўниб, бир булбул бўлиб шундай хонишга келдики, ҳеч аклдан ташқари. Подшо хизматкорлари билан булбулни ушламоқчи бўлиб, ҳар томондан ёпирилишиб келиб, булбулни тутиб эдилар, булбул бир одам бўлиб, булар билан гаплаша кетди:

— Эй дўстлар. Келинглар сизларга бир сухбат килиб берай, —деб жодугар қўлига созни олиб, бир ашула айтишга тушди. Подшо хизматкорлари билан маст бўлиб қолдилар. Бир фурсатдан сўнг ашула тамом бўлди. Подшо ўрнидан туриб ашулачига:

– Эй ҳофиз, дунёда нима муродинг бўлса, мендан сўрагин, бераман – деди. Ҳофиз ўринидан туриб:

– Эй тақсири олам, менга сизнинг ҳеч нарсангиз керак эмас. Шу қўлингиздаги бир даста гулни берсангиз бўлди, –дегач, подшо ҳалиги гулни бир исказ бermokchi bouldi.

Подшо гулни бир исказани ҳамона алвон-алвон ислар тарагиб, гул ранг-баранг тусларда товланиб, янада яхши кўринди. Подшо: “Эй машшоқ, сен дунёда бир нарса сўрагинки, у нарсадан бир киши баҳра топадиган бўлсин”, деб гулни беришга кўнгли бўлмади.

Жодугар яна:

– Шу гулни беришингизни сўрайман, – деди.

Подшо берай деб эди, гул жилвага келиб, ҳар хил ҳидларни ўзидан сочди. Подшо бу ишга ҳайратда қолиб, охири жодугарга караб отиб юборди. Қарадики, гулдан асар йўқ. Бир қанча тариқ ҳар томонга сочилиб кетди. Шундан сўнг ҳалиги ҳофиз бир юмалади-ю, товук суратига кириб, тариқларни териб ея бошлади. Тезда у тариқни бир дона ҳам қўймасдан еди. Шунда бир дона тариқ бир жойда яшириниб қолтан эди. Шу бир дона тариқ юмалаб келиб бир шақал бўлди-ю, бирданига товукни ушлаб еб қўйди. Бу ишни кўрган подшо ва акобирлари ҳайратда қолдилар. Ҳалиги шақал бир юмалаб, ҳалиги кампирнинг ўғли кал бола бўлиб, аркони давлатнинг олдига келди:

– Ассалому алайкум, эй аркони давлат, аъёни салтанат, – қўл қовуштириб, бир жойга ўтирди. Кейин кал подшога караб:

– Эй подшоҳим, мен шу мамлакатнинг фарзанди бўламан. Менинг онам сотиб юборган эди, бир неча йиллар юриб дунёда йўқ хунарларни ўргандим ва сизнинг мамлакатингиздаги одамхўр жодугарни дулиёдал йўқотдим, –деди.

Подшо акобирлари подшога қараб:

– Эй тақсири олам, сизнинг кўнглигиздаги ва қизингизнинг кўнглидаги талабларни бажарадиган, дунёда йўқ хунарни биладиган, одамхўрни ўлдирган киши шудир, –дегач, подшо калнинг номига тўйни бошлаб, бир қанча қунлар тўй томошалар бериб, кални эса табибу жарроҳларга каратиб, аслига келтириб, қизини бериб, мурод-максадларига етдилар.

Маърифат АЛИЕВА



Маърифат АЛИЕВА 1960 йилда Бештерак қишлоқ фуқаролар йигини Оқшиқ қишлоғида дүнёга келген. 1977 йили 16-умумтағы мектебини, 1983 йили Тошкент Тиббиёт институтини битирди. Шундан бери тумандаги тиббиёт мұассасаларида акушер-гинеколог вазифасыда шилаб келмоқда.

Маърифат Алиеваниң “Нигора”, “Ертүладан эшитшілган фарёд”, «Бугунги қыз — әртанғы она» номли китоблары чоп этилған.

ИБН СИНО

(Романдан парча)

Алломанинг туғилиши

Ситорабону боғдаги хилма-хил гулларга маҳдиә бўлиб енгил хурсинди. Урайхонларни бармоқлари орасига авайлаб силади. Тўйиб-тўйиб хидлади. Ёзинг жазира маисиши шилдираб оқаётган анхор бўйидаги бу гулзорни унтиб қолдиргандек гўё. Оллоҳнинг мусаввирлиги олдида лол бўлиб деди:

— Бергувчи ҳам, олгувчи ҳам ўзингсан. Эй парвардигор, биз учун шундай боғ-роғлар ато этдинг. Мен учун одобли, инсофли турмуш ўртоғи бердинг, ўзингга шукур. Энди фарзанд ҳам ато этиш сенинг қўлингда.

У ёлғиз боғ айланишни яхши кўради. Бугун ҳам ёлғиз, хаёл суриб айланиб юрибди. Буюк ипак йўли деб аталувчи карвон йўлидан ҳар куни ёки кун ора карвон ўтади. Уларни кучоққа

сиғмас қовун-тарвузларини, хүшбүй ҳандалагу, бодрингларини, олма-ю ўрикларини бозорга олиб бориш шарт эмас. Карвончилар шу ернинг ўзидан сотиб оладилар ва мўмайгина даромад қиладилар.

Боғ уларнинг асосий ҳовлисидан беш-олти чақирим узокда бўлгани учун боғ четида тўрт хонали уй қурилган. Ёзда гоҳо икки-уч кун шу ерда яшаб ҳам қолишади. Бошқа пайтлари қундузи дам олгани келишади. Боғда Ҳўжакул исмли ёши элликларда бўлган хизматкор сидқидилдан хизмат қиласди.

– Ҳорманг Ситорабону, нима қиляпсиз?

Абдуллоҳни шундокқина орқасидан келиб берган саволидан Ситорабону чўчиб тушди.

– Вой кўркитиб юбордингиз. Ассалому алайкум, келинг!

– Жоним, нега кўркасиз, одам ўз эридан ҳам кўрқадими?

Ситорабону лабини тишлаб ерга қаради. Юзлари қизариб кетди. Абдуллоҳбек хотинининг ҳаяжонини сезиб чўккалади. Атиргулга юзини босиб тўйиб ҳидлади ва кулиб деди:

– Қизиқ, нега уяласиз?

– Бирор эшитиб қолади ҳам демайсиз-а, жоним, эрингизман, дейишингизни-чи, куппа кундузи.

Абдуллоҳбек қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди. Хотинини бағрига босиб эркалагиси келди. Ситорабонуни узун киприги ҳаёдан хижолат бўлган кўзларини беркитмоқчи бўлиб пирпирап, пешонасидан тер қўйилмоқда эди. У ўзининг хижолатлигини сездирмаслик учун райхонларни бирин-кетин силкита бошлади. Атрофга хушбуй ҳид тараалди. Узун енги остидаги кўзмунчок тақилган оппоқ билаги бир кўринди -ю, яна енглари орасига бекинди.

– Сизга факат одамнинг устидан кулиш бўлса. Ўзи мен бир нарса айтмоқчи эдим, энди айтмай қўя қолай. Яна баттар кулгу қиласиз.

Абдуллоҳбек қўллари билан оғзини бекитди.

– Бўлди, бўлди. Кулмаганим бўлсин, хоним. Қулоғим сизда.

– Бугун бир туш кўрибман.

– Хўш, хўш?

– Тушимда мана шу боғ ичидаги иккимиз кўкка термулиб турган эмишмиз.

– Кейин-чи?

– Кейин, – сўзини иккиланиб давом эттири Ситорабону. – Осмондан бир жажжи юлдуз узилиб этагимга тушди. У шундай ёқимли, шундай ёруғ эдики, хеч ким кўрмасин деб этагим билан бескитдим. У эса кўйлагимни тагидан ҳам ёруғ нур таратиб турар эди. Сиз югуриб келиб мени юлдуз билан бирга кўтариб олдингиз. Мен у митти юлдузни яна бир кўрай, деб этагимни очдим. Юлдуз катталашиб бораётганини кўрдим.

– Тўхтанг! Давомини мен айтаман.

Ситорабонунинг кўзлари катта-катта очилди.

– Менниг тушимни сиз қаңдай айтасиз? Айтгандим-а устимдан куласиз, деб.

– Юлдузча катталашаверди, катталашаверди, шундайми?

– Худди шундай, янада нурафшон бўлаверди. Бизнинг куличимизга сигмайдиган даражага стди.

– У катталашган сари коронги тунни ёритаётган ўн беш кунлик ойдек ёғду таратар ва осмонга кўтарилиб борар эди.

– Ҳа, – деди Ситорабону нафаси тиқилаётгандек энтикиб ва уялиш эсидан чиқиб эрининг пинжига тикилди.

Абдуллоҳбек давом эттири.

– Мен юлдуз узоклашиб кетмасин дея унга осилиб олмокчи бўлдим ва йиқилиб тушдим.

– Бўлди, қолганини айтманг. – Эрининг оғзига кўлини чўзди Ситорабону.

– Нега энди? Сиз менга парвона бўлиб қолдингиз. Мен эса уништ пурларидан маст эдим. У қандай нур эдики, мени бунчалар ҳаяжонга солган.

– Балки Аллоҳнинг нуридир, бсгим, – кўзларини жавдиратиб деди Ситорабону.

Абдуллоҳбек бир оз ўйланиб турди, шошиб ерга тиз чўқди, кўлини фотиҳага очиб деди.

– Эй Аллоҳим. Шу гўзал тушимиз ҳакки, мана шу тўрт чақиримлик боғни сени розилигинг учун садака қилдим. Бугундан эътиборан бу боғ ва полиз йўловчиларнинг ҳаки бўлсин. Уни ёнидаги уй эса мусофирихона бўлсин.

Хўжайнини ва бекасини узокдан кузатиб турган Хўжақул

Абдуллоҳни тиз чўкиб қўлларини кўкка чўзганини кўрган заҳоти зудлик билан етиб келган эди. Хўжайини айнан у хизмат қилаётган далани садақа килиб юборганидан у хомуш тортди. У “Энди сенга рухсаат”, дейишини кутиб Абдуллоҳбекнинг кетидан эргашди.

Абдуллоҳбек асли балхлик. У бадавлат савдогарнинг ўғли бўлиб, отаси билан Бухорога савдо қилгани келган эди. Отаси эски танишиникига келди ва тўсатдан ётиб колди. Улар бир ой Бухорода қолиб кетишиди. Ситорабонунинг отаси ўшандага уларга кўп ёрдам берди. Фалакнинг гардиши билан Абдуллоҳ Ситорабонунинг отасига ёкиб колди ва уни ўзига куёв қилишга қарор килди. Сино Абу Абдуллоҳ бунга қаршилик килмади. У ўғли Абдуллоҳни Бухорода қолдириб Балхга, оиласи олдига кайтди. Уни яна икки ўғли ва икки қизи бор эди.

Ситорабону отасинг кариндошлари қаршилигига жавобан шундай деди: – Тагли-тугли, яхши оила фарзанди экан. Мен шу қарорга келдим, вассалом.

Абдуллоҳбек Бухорода қолиб кетди. Ситорабонунинг отаси оламдан ўтгач, унинг бойлиги иккига бўлинди. Бир кисми Ситорабонута, иккинчи кисми ўғли Авазга тегди. Авазга ер кўп бўлиб, у ердан катта ариқ ўтар ва бутун афшоналиклар ана шу ариқдан экип суғорар эди. Аваз отасидан фарқ килар, инжик ва хасис эди. Хўжакул шунинг учун Авазни эмас Ситорабонунинг хизматида колди. Ситорабону гўдаклигидан кўз олдида катта бўлгани учун уни ўз қизидек яхши кўрар эди.

– Хўжакул, эртага ҳовлига ўтинг. Мусофирихона учун кўрпатўшак, идиш-товоқ, керакли жиҳозларни олиб келасиз. Сиз мусофирихонада яшай берасиз. Ўткинчиларга эҳтиёжига яраша қовун-тарвуз, мева-чева, кўнгиллари тусаганини берасиз. Ўзингиз энг катта ва яхши пишганидан беринг! Пул берсалар, олманг. Аллоҳга шукр килиб кета бериссин. Лекин увол қилишларига йўл қўйманг. Йўли узок бўлса мусофирихонада жойлаштиринг. Овқат ва чойидан боҳабар бўлинг.

Абдуллоҳ Ибн Сомонийлар сулоласида саройнинг юқори лавозимларда ишлаб келади. Қайнотасидан давр ўтгач, ўрнига уни ишга олишиди. Ёш бўлишига қарамай Сомонийлар сулоласи хиз-

матини сидкидилдан қилган беклардан бўлган қайнотаси туфайли уни беклар орасида обруси юқори. У сахий ва меҳрибонлиги туфайли камбағаллар орасидан ҳам дўст ва биродарлар орттиришга улгурди. Ўйлангани тўрт-беш йил бўлган бўлса-да, эр-хотин бир-бирига тунов куни тўйлари бўлгандек муомалада бўлишади. Бир-бирларини жуда авайлашади. Афсуски ҳозирча фарзандлари йўқ.

* * *

Хўжақул тонг сахар ўрнидан турди. Кор учқунлай бошлабди. Биринчи кор. У шошиб мусофирихонадан чиқди. Ташқаридан ғалати овоз эши билар эди. “Нима у? Мушукнинг миёвлашиминкин? Бу кенг далада шу совукда мушук нима килади?”. У шошиб уй оркасига, овоз келган томонга ўтди. Не кўз билан кўрсинки, бир аёл беҳуш ётибди. Шунчалик озгин, ранги шундай совуқки, ависига у ўлиб колганмикин, деся ўйлади. Яқинроқ борди. Йўқ, у тирик, беҳуш ётибди. Ё тавба, у тулғок билан мусофирихонагача ётиб келган, боласи эндиғина туғилган, чақалоқнинг овози жуда заиф эши билади. Шунинг учун ҳам чақалоқ йигисига ўхшамас эди. Хўжақул шошиб аёлга эгилди.

— Астахфуруллоҳ, — деся ўрнидан турди ва хўжайини уйи томон югурди. Йигирма-ўттиз қадам босиб тўхтади. Чақалоқ овози эши билмай қолди. У яна шошиб изига қайтди.

— Эй Худо, менинг бошимга бу яна қандай синов бўлди? Ахир хўжайиннинг уйларига бориб бирорта аёлни олиб келгунимча она-бала ўлиб қолади-ку.

У она ва болани хонага олиб кирди. Чақалоқни ўзи кийиб юрган тўнига ўради. Аёл ҳушига келди. Кўл-оёқлари қалт-қалт титраб, жағи так-так килиб бир-бирига урилар эди.

Хўжақул хўжайини ҳовлисига югурди. Хўжайини Абдуллоҳбек Бухорода амир саройида эканини билар эди. Ички ҳовлига рухсатсиз кириб борди. Хизматкорлардан фақат Хўжақулгина бундай ҳуқуқка эга эди.

— Бегойим, бегойимни чакиинглар! — ҳовлисиб деди Хўжақул.

Ситорабону Хўжақулнинг ахволидан ажабланиб деди:

— Ҳой Хўжақул, сизга нима бўлди, қўй бўғизладингизми, ҳамма жойингиз қон?

Хўжакул Ситорабонуга жуда яқин борди ва кулоқларига шивирлагандек қилиб нимадир деди. Ситорабону югуриб хонага кирди.

– Бекам, сиз овора бўлманг, сизга мумкин эмас, ўзимиз эплаймиз, – дея икки аёл Хўжакулнинг кетидан йўлга тушди.

Мусофирихонага етиб келган аёллар бири олов ёкиб сандалга чўғ солди. Бири аёлга ёрдам беришга киришди. Сабри чидамай орқадан етиб келган Ситорабону озғинлигидан юзининг ярмини оғиз эгаллаган чакалоқни олиб бағрига босди. Хизматкор аёлнинг бирини бир хафта муддат билан мусофирихонага қолдириб, иккинчи аёл билан изига қайтди.

– Бекам, ўзингизни ўринтириб нима килардингиз? Оғир оёқли бўлсангиз, зўрикиб бирор иш бўлиб колманг, келинг, кўлтиклаб оламан, – меҳрибонлик билан деди йўлда хизматкор аёл.

Ситорабону кўз қирини кўйлаги остидан сезилиб қолган корнига ташлади.

– Хавотирга ўрин йўқ, мен яхшиман.

Ҳар ўнта мусофирга хизмат қилса бир кумуш танга қўшимча ҳақ оладиган Хўжакул бу сафар янги тўн кийди. У ғалати ахволда эди. Кун бўйи йўловчилар хизматида бўлди. Овқат пиширди, Йўловчилар отларига ем берди, тоҳо киригача ювди. Тунда келган ўғрилар билан олишди. Барибир йўловчига аталганку, нега кўриқлайсан, деб устидан кулганлар ҳам кўп бўлди. У кўрикламаса тунда ўғирлаб кундузи бозорга олиб бориб сотишида, ундан ҳам алам қиласигани палакларни пайхон килишади. Дараҳт шохларини синдиришади.

– Ярим пулига сотакол, ҳаммасини олиб кетамиз! – дея келишди тўрт-бештаси.

Роса муштлашув бўлди. Ўшанда Хўжақулқулшинг қўли синди. Бу азоблар ҳолва экан. Энди чиллали аёлга карашни колувди. Мана бир ҳафта ўтди. У кетай демайди. Эри ёки бирор қариндоши ахтариб келмади ҳам. Аёл эса гунг-соковдек лом-мим демайди. Овқат киритиб берса, ейди, ўша пайтдагина: “Худодан қайтсин”, дея дуо қиласи.

Боласини бағрига босиб йиғлагани-йиғлаган. Олди қиши. Ёзда

бог катта йўл устидалиги учун Буюк ипак йўли бўйлаб ўтувчи ёки қайтувчи карвон Бухородан унча узоқда бўлмаган Афшона қишлоғида жойлашган, бу мусофирихонага албатта кўниб ўтишади. Мусофирихонага ҳақ олишмагани учун эмас, шириндандашакар ковун-тарвузлар учун, самимий хизматдаги Хўжақулнинг ширин таомлари ўзига тортгани учун ҳам шу ерга қўнишар, кетишида узундан узок дуо қилишар эди. Хўжакул улар дуога кўл очганида ўз яқин кишисига айланган Абдуллоҳбек ва Ситорабонуга фарзанд тилаб, худога ёлворар, узукка кўз қўйгандек муносиб бу жуфтлик фарзанд туфайли ажралиб кетмасин, дея Аллоҳдан сўрар эди.

* * *

Абдуллоҳбек ишдан хориб келди ва шохи кўрпага чўзилди. Унга таъзим ила кирган Ситорабонунинг юzlари тўлишгани, юришлари вазминлигини кўриб мийиғида кулди.

– Келинг, бекам, бизнинг юлдузимизни этагингиз орасида бекитиб юрибсизми?

Ситорабону кўрсаткич бармоғини лаблари устига кўйди.

- Бегим, тупни қайта-қайта айтманг, кўз тегишидан кўрқаман.
- Кўрқманг, кўйлагингиз остига яширилган-ку.

Ситорабонунинг юzlари қизарди. Шу пайт эшик тақиллади ва Хўжакул киришга изн сўради.

- Хўжайн бир хафтадан буён саройдан қайтишингизни кутаман.
- Ҳа, узоқ йўл, ҳар куни келиб кетишга имконим бўлмаётир.

Бухорога кўчиб кетсаммикан, нима дейсиз, Хўжакул?

Хўжакул бош эгиб сукут килди.

– Айтинг, бирон муаммо чиқдими? – сергак тортиб деди Абдуллоҳбек.

- Мени мусофирихона юмушларидан олиб, шу ердаги юмушлардан юкласангиз.
- Нега, киши совуғида қийналдингизми?
- Йўқ, бегим, ёздагидек келди-кетди ҳам йўқ, хонани иситгудек ўтин ҳам мўл.
- Ёлғиз яшаб зерикдингизми?
- Йўқ.

- Бўлмаса нима гап? – ажабланди Абдуллоҳбек.
- Мен сизнинг рухсатингизсиз бир иш қилиб қўйдим, гапга аралашди Ситорабону
- Абдуллоҳбек ажабланиб Ситорабонуга каради.
- Ситорабону Абдуллоҳбекнинг қулоғига нимадир деди.
- Мен аёл киши хизматида бўлиб ўрганмаганман, бегим, у аёлни кетиш нияти йўққа ўхшайди, – каловланиб деди Хўжақул.
- У аёлни хоразмлик бир савдогар хотинликка олган экан,
- гапга аралашди Ситорабону. – У якинда юртига қайтибди. Ке-тиш олдидан талоғини айтиб кетибди. Ҳовли жойини ҳам сотиб кеттган экан. Аёлнинг ойи-куни тўлганига қарамай кўчага қувиб чикаришибди. Уни борадиган жойи йўқ. Эрга тегишига отаси норози бўлган экан, қайтиб борса, уйига киритмабди.

Абдуллоҳбек узоқ ўйга толди.

– Ахмоқ савдогар, ҳомиладор аёлга талоқ айтгилмаслигини, аж-рашган тақдирда ҳам уни бокишига эр масъуллигини билмасми-кан? Нега муллоларимиз никоҳ ўқитунича эр ва хотин зиммаси-даги масъулиятни аниқ бўйнига қўйиб, кейин никоҳ ўқишимайди.

Хўжақул тўғри айтаяпти. Мусофирихонага аёл киши билан Хўжақул, яна болали аёл қолиб кетишиса гап-сўз қўпаяди. Бу эса Абдуллоҳбекнинг шаънига ҳам тўғри келмайди. Лекин киш энди бошланди. У аёлнинг турар жойи бўлмаса, қандай ҳайдаб чикаради? Хотини унинг фикрини ўқигандек деди:

– Бегим, ўтинаман, қиши чиққунича у аёлни қувиб юборманг, боласи шундай ширин, жажжигина. Ўлиб колса уволига қоламиз.

– Боласи нима, ўғилми-қизми?

– Ўғил. Исли Йўлчи. Истасангиз менга ажратган хизматкор аёлни ҳам мусофирихонага юборинг. Хўжақул кийналмайди. Мени алоҳида хизматкорга эҳтиёжим йўқ.

Абдуллоҳбек аёлни қиши чиққунигача қолишига рухсат берди. Хўжақулнинг иш ҳақи оширилди.

* * *

Камола эчкини олволи танасиiga боғлади. Қўлидаги косага унинг сутини соға бошлади. Шу пайт от дупури эшишилди. У рўмолининг орқа тугунини очиб, юзини ёпишга зўрға улгурди.

Омонатгина курилган дарича эшиги очилиб иккита отлик, иккита пиёда киши ичкарига кирдилар.

– Ҳой хотин, эринг қани?

– Темирчилар растасидалар, – бошини эгип деди аёл.

– Бугун солиқ пулини тайёрлаб кутиб туриши кераклигини айтмаганимидинг?

– Айтувдим, бек жаноблари, лекин қўлларида бир чака ҳам йўқ эди. Бир ҳафтадан ошди бир бурда нон емаганимизга, яrim коса атала ёки бир пиёла сут ичамиз, холос, яхшиям шу эчкининг сути бор.

– Ҳей лаънати, – бақирди Аббосхон, – иоп ейишииг билан пима ипшим бор?

– Тинтиб чикинглар! Кўлга илинадиган бирор нарса бўлса олиб чиқинг!

Иккала пиёда киши хужра ичидан жундан тўқилган жулхусни кўтариб чикиб от олдига ўнглашди. Кейин улар она-бона эчкининг оёғини боғлашга киришди. Камоланинг эси чикиб кетди. Гилам-ку онасидан қолган ёдгорлик. Битта хужрада шу гилам тўшалган. Қолганлари бўйра. Эчкиларини олиб кетишса эрига нима дейди? Эчкидан бошқа нимаси бор ўзи? У югуриб бориб Аббосхоннинг отини жило-видан ушлади.

– Бек жаноблари, раҳмингиз келсин. Бундай қилманг! Ахир очимииздан ўламиз-ку, айни баҳор. Шу эчкининг сутидан бошқа ҳеч вақомиз йўқ.

Аббосхон аёлни елкаси аралаш камчиси билан бир урди ва итариб юборди. Камоланинг боши ерда ётган тошга зарб билан урилди. Рўмоли бошидан ечилиб тупроққа беланди. Зулукдай қоп-қора соchlари белига ўралиб ётар, у ҳар қанча кўзини очишга ҳаракат қиласин оча олмади. Элас-элас англашича кимдир уни кўтариб уйга олиб кирди. Сочларини силагандай бўлди. Юзига сув сепди. Барака топгур, қайси кўшниси ёрдамга келди экан. Эчкиларни отга ўнглаётганларида девор оркасидан икки кўшниси кузатиб турганига кўзи тушган эди. У зўрга кўзини очди ва юраги ёрилгудек каттиқ-каттиқ ура бошлади. Унинг тепасида Аббосхон кўлида коса ушлаб турар эди.

— Яхшимисан, хушингга келдингми?

Камола шошиб күйлаги ёқасини бекитди. Бўйра устини пай-пастлаб рўмолини ахтарди, топа олмади. Шошиб ўрнидан турди. Қозикқа илингандар эрининг белбоғини бир силтаб ёйди ва бошига ёпди.

— Бизни жуда тошбагир, деб ўйлама. Бизга ҳам қийин. Амири-мизнинг фармони бу. Хоразм ҳонлиги бизга қарши жанг килмоқчи эмиш. Амир ҳазиналарини тўлдирмасак бўлмайди. Сени йиқилиб қолганингни кўриб қайтиб келдим. Ўзиям ўн беш кунлик ойдек хуснинг бор экан. Сен хафа бўлма, мен икки кун ичидагилам ва эчкиларинигни қайтариб олиб келаман, яхши қол.

Камоланинг кўрқув ва титроғи анчагача босилмади.

Мўтал ишдан жуда чарчаб келди. Кулокларига киздирилган темирни болға билан урилганда чикадиган овоз ўрнашиб қолган, боши лўқиллаб оғрир эди. У бир оз дам олмоқчи бўлиб ҳужрага кирди. Ҳужрада камишдан тўқилган бўйра бор. Уни устидан тўшалган биттаю-битта гилам эса йўқ. У шошиб эчкилар турадиган курага кирди. Кура шоҳ-шабба билан омонат ўралган, ағанайман-ағанайман деб турибди. Она-бала эчки эса йўқ.

— Хотин, — дея бақирди Мўтал.

Хотини кўзлари шишиб кўшниси дарчасидан кириб келди.

— Корним оч, бирор ниманг борми? — бақирди у.

— Нима ҳам бўларди. Ҳар куни ярим коса сут бор эди, энди у ҳам йўқ-деди Камола.

— Олиб кетишдими? Сен индамай қараб туравердингми?

— Менга кулоқ солишармиди, - овози титраб деди Камола.

У гапини тугатишга улгурмади. Эртадан-кесчгача бел-кетмон ясашга, оғир болға билан темир яссилашга ўрганган қўллар ўз маҳоратини кўрсатди. У бор аламини хотинидан олди. Зарбалар таъсиридан Камола яна хушидан кетди. Эри қайрилиб ҳам қарамади. Шу кеттанича эргасига ҳам, индинига ҳам уйига келмади.

Эргаси куни пешинда Камола судралиб кўшнисиникига чиқди.

Ҳамма жойи моматалоқ бўлиб кетган Камоланинг олдига кўшниси бир бурда нон, беш-олтита туршак кўйди. У қўллари титраб шоша-пиша еб олди. Бир оз тетиклашди. Кейинги кунни яна оч ўтказди. Тик этса кўчага қарайди. Эридан эса дарак йўқ.

Кун кеч бўлди. Қоп-коронғи тунда очлик унга уйку бермади. Шу пайт дарнича секин тақиллади. У югуриб бориб дарничани очди.

– Кимсиз?

– Мен, – Аббосхоннинг овози эшитилди. – Гиламингизни олиб келдим эрингизни чақиринг, олиб кирсин.

– Эрим йўқ эдилар.

– Ундан бўлса ўзим киритиб бера қолай. – Аббосхоннинг овоздан севиниб кетгани сезилди.

У хонадаги бўйра устига гиламни тўшади.

– Қани дастурхонни ёзчи!

Камола бўм-бўш дастурхонни гилам устига ёзди.

Аббосхон белбоғида бир тугун қилиб олиб келган ҳолва, қандолат, кора майиз ва тўрт дона нонни дастурхонга кўйди.

– Ол, сенга олиб келдим.

Камола бир оз иккиланиб турди. Кейин шоша-пиша ея бошлиди. Корни тўйгач, эчкисини сўради.

– Бу келишимда эчкиларингни ҳам олиб келаман, хозирча кучим етмади. Уч-тўрт кун ичиди келаман. У кетаётиб оstonага қоқилиб кетди-ю бир қалкиб Камолани белидан махкам ушлади. Кейин узр сўраб чиқиб кетди.

Яна бир ҳафта ўтди. Камоланинг эридан дарак бўлмади. У бир аҳволда кунларни санааб ўтказди. Эрини каргади. Очлигидан кўшнисиникига ўтди. Бирор егулик беринг, деб сўрай олмади. Зўрга қозони қайнаётгани кўшниси бу сафар ўзидан билиб унга бирор нима бермади.

Ўп кун ўтди. Очлигидан эндигина гулдан чиқсан олволини чайнади. Корни баттар оч колди. Тунда эшик оҳиста тақиллади. У югуриб борди.

– Ким у?

– Мен, Аббосхонман, оч эшикни.

Камола эшикни очмади. Шу алфозда уч-тўрт дақиқа турди. Дарича бошқа тақилламади. Кетиб қолдимикин, ўйлади Камола, иккиланиб даричани очди.

Аббосхон индамай ҳовлига кирди. Отини олволи танасига боғлади.

– Мени кутдингми, Камола?

Камола индамади. У ўзи билан ўзи курашар эди...

Камола ҳаётнинг шайтоний ўйинлари қурбонига айланди. Ямоқ кийимлари янгиланди. Ўзи тўлишиб қўшиллар олдида катта гапирадиган, катта-катта сидиган кибрли аёлга айланди. Кўшиллари у билан салом-аликдан нарига ўтмайдиган бўлишиди.

Аббосхон уни олдига тез-тез келиб туради. Тонг сахар жўнаб кетаётганида, албатта, қўшиллар кўрмай қолмайди. Камола кундан-кун катталашаётган корнини беркитолмай ҳовлидан ташқарига чикмай кўйди. У кечга яқин ҳовли супураётган эди, дарича қаттиқ тақиллади. У шошиб даричани очди. Рағги оқариб, чўккалаб қолди. Эри Мўтал саккиз ойдан буён дом-дараксиз кетиб, қайтиб келган эди. Мўтални хурсандлиги ичига сифмас, тинимсиз гапирап эди.

Ўша куни алам устига шаҳардан чиқиб кетганини, яхши одамларга рўпару бўлганлиги, энди солиқни тўлашга ҳам, қишдан чиқишига ҳам пули етишини айтар, Камоланинг хомушлигини уни огохлантирмай кетиб колганида, деб тушунди.

Мўтал йўл юриб шунчалик қаттиқ чарчаган эдики кечки овқатни еди-ю тўшакка чўзилди ва уйкуга кетди. У ярим тунда даричанинг секин тақиллашидан уйгониб кетди ва зим-зиё тунда пайпасланиб даричани очди.

– Камола, ана тутунларни ол, – деди бегона эркак овози.

Мўталнинг тиззалари қалтираб овози чиқмай қолди. Ўзини англаб-англамай тутунни олди, уни дарича олдида қолдираН экан белида доим осиб юрадиган, ўзи ясаган пичогини ётиш олдидан тоқчага кўйганини эслади. У пичокни қулига олар экан нафасини ичига ютиб Аббосхоннинг ҳужрага киришини кутди. Аббосхон бамайлихотир даричадан ҳовлига кирди.

– Камола, чирокни ёқмадингми? Ой ҳам йўқ, отни боғлаб бўлмаяпти. У пайпасланиб отини боғлади, ҳужрага кириб кора чирокни ёқди.

– Ие, Камола, ётиб олдингми?

Унинг овозидан Камола уйғониб кетди ва овозининг борича бакириб юборди.

Аббосхон аввал кўркув билан караб турган Камолага

қаради, кейин орқасига ўгирилди ва қўлида пичоқ ушлаб турган Мўтални кўрди.

Мўтал аламидан қалт-қалт титраб Аббосхонга ташланди. Аббосхон эпчиллик билан ўзини четга олди. Мўтал Камолани оёкларига туртиниб йиқилди. Аббосхон уни йиқилган жойида чап елкасига пичоқ санчди. Камола иккинчи бор дод солди. Аббосхон унинг оғзини беркитди.

– Овозингни ўчир, сени ҳам бир пичоқлик ҳолинг бор. Агар эринг билан қўшмазор бўлмай десанг айтгандаримни кил.

Камола гапирадиган ахволда эмас эди. У қалт-қалт титраб уй бурчагида турар эди. Аббосхон Мўталининг жасадини бўйрага ўради. Камолага овоз чиқармай тинч ўтиришни буюрди. Ўзи хужрадан чиқди ва тун қаърига сингиб кетди. Тонгга яқин бир қўлида ўн қадокча ёғ кўтариб қайтиб келди. У халтачадаги олтин танглардан бир ҳовуч олиб Камоланинг олдига ташлади.

– Бу пулларга сенинг манави исқирт кулбангдан ўнтасини беради. Агар менинг айтгандаримни килсанг сен бой хотинга айланасан, бажармасанг ўласан.

У ёғни бўйрага ўралган жасад устига, сўнг хужра ичидаги буюмларга сепиб, ўт қўйиб юборди...

Лола ЎРОҚОВА



Лола ЎРОҚОВА 1958 йилда Китоб шаҳрининг Ипак ўёли кўчасида туғилган. 1979 йилда Тошкент Давлат университети (хозирги ЎзМУ)нинг филология факультетини битирган.

Шаҳрисабз ва Китоб тумани газеталарида ишилган. Китоб туман ҳокими ўринбосари сифатида хотин-қизлар қўмитасини бошқарган. Айни пайтда туман ҳокимлиги ижтиёмоий соҳа мажмуасида ишилайди. Ўзбекистон журналистлар ижодий уюшмаси аъзоси.

“Онамнинг дунёси”, “Дунёning күёши аёл”, “Оқаётган дарё”, “Томчидаги ҳаёт”, “Ҳассага таянган бир кун”, “Бир шиода дур” китоблари муаллифи.

О Н А Ҳикоя

Сўфи айтган аzon товуши нахорги сукунатни тилиб юборди. Ҳожар ая уйғониб кетиб, бирпас аzon товушини эшлитиб ётди. Иссиққина кўрпадан чиккиси келмаса-да, намозим казо бўлмасин, деб ўрнидан турди, чоли аллақачон уйғонибди, жойида йўқ, хойнаҳой таҳорат олаётгандир, у бомдодни масжитга бориб ўқийди.

Ҳожар ая ҳам таҳорат олди-да, хаёлларини бир жойга жамлаб, намоз ўқишга киришди, аммо қанчалик фикри-зикрини намозга қаратишга уринмасин, чалғиб кетаверди.

“Аллоҳим, ўзинг кечир, – деди намоз ўқиб бўлгач. – Хаёлларим

чалғигани учун, тирикчилик ташвишларини сенинг күттүр каломла-
ринг билан аралаштириб юборганим учун кечир”.

Хожар ая ҳар гал хижил бўлиб, Аллоҳдан узр сўраса-да, барибир саждага бош кўйинши билан тох Россияяда ишлайтган ўғлини, тох тўй ташвишига қорилиб юрган қизини, тох бир-бирига истехゾ қилиб яшаётган келинларини эслаб кетади, баъзан бутун борлигини рўзгор ташвишлари эгаллаб олади. Шундай пайтлар бўладики, намознинг қайси ракаатини ўқигани ёдидан чиқиб, қайтадан ўқийди.

Бугун ҳам одатдагидай узр-маъзур қилгач, пешайвонга чиқди. Деворга илинганд ойнага қараб оқарган соchlарини рўмолининг тагига яширди. “Бир кўйлак эт эдим, –деди ўзига ўзи салқиган юzlарига қараб.–Суягим кўриниб қолибди, ажинларимни-ку айтмасам ҳам бўлади, юзим шудгор килинган далага ўхшайдими?”

У ойнага яқинрок борди, ўхшатишидан–кўнглига келган фикрдан хафа бўлди, сўнг яна ўзига ўзи тасалли берди: “Етмиш – кетмиш дейдилар, Ҳанифа дугонам, Сайёра дугонам етмишгаям етишмади, Роҳат дугонам ўтиrsa ўрнидан туролмайди токи бирор кўмаклашмагунча, Ойдин дугонам эса тўшакка михланиб қолган, ҳар замонда қон босимим чиқиб туришини айтмаса, худога шукур, мен соппа соғман”.

Хожар ая деразадан ташқарига қаради: ҳавонинг авзойи бузук, ковогини солган, ёмғир ёғадиганга ўхшайди. Унииг юраги сикилди, кўлига супургини олди-да, дарвозадан кўчага мўралади, ҳадсмай чоллар бирин-кетин масжитдан қайтишади, аммо ҳозир атроф сукунат измиди. Хожар ая кўчада ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, шоша-пиша супурди-да, ичкарига кирди. Нима қилсин, ҳар икки келини шундоккина уйининг атрофини супуриб кўяди, сал берироққа келса асакаси кетадигандай, кўчани-ку ҳеч бири хисобга олмайди, ўтган-қайтгандан уялганидан ўзи супуради, одамлар: “Келинлари бўла туриб, ҳали қўлидан супурги тушмабди”, деб гап қилишидан кочиб бу ишни тонг гира-ширасида бажаради.

Хожар ая пешайвонда ўтириб кеча бошлаб қўйган кўрпасини кавишга тушганди, чирок лип этиб ўчди. “Ёнармикин”, деб бир зум кутиб турди, ёнавермагач, “Кейин қавирман”, деб игна-ипини бир четга суриб, ҳали йигилмаган иссиқкина жойига чўзилди. Уйку каёқда, ўй-ташвишлари шу кадар кўпки, мияси уяси бузилган арилар

кириб олгандаи ғувиллайди. У ўзини чалғитмок учун набиралари-нинг қилиқларини эслаб мийигида кулиб кўйди, аммо яна бирпасда елкасини тогдай ташвишлар босиб келаверди, келаверди...

Мана, хозир ҳам хаёли қизига кетди. Зумрад ёз кириши билан ўғлининг суннат тўйини ўтказмоқчи, Ҳожар ая қизидан тортиб на-бирасигача, куёвидан тортиб кудаларигача бош-оёқ сарпо қилиши, бу ҳам етмаганидай тўртта кўрпа, тўртта кўрпача олиб бориши керак. Қизини узатганида берган кўрпачалари ҳали янгилигича турибди, тахмонга сифмаганидан Зумрад уларни бир чеккага йиғиб қўяди. Шунга қарамай бешик берганида ҳам бир сидра кўрпа-тўшак қилди, энди суннат тўйининг ирму-амаллари учун ҳам бу дахмазалар даркор. Ўзига қолса-ку, ортиқча чиқим қилиб ўтирасди-ю, Зумраднинг тили бир қарич қайнонаси бор, расм-русумини жойига кўймаса қизига кун бермайди.

Ҳаёт дегани қизик экан-да. Ҳожар ая баъзан ўйлаб ўйига етолмайди. Ичидан тушган боласига ҳам бегоналар хўжайн, уларнинг хизматини қиласди, овқатини пишириб, кирини ювади. Йўқса, Зумрадни оқ юваб оқ тараган, гард қўндирамай ўстирган Ҳожар ая бўлади. Гўдаклигига шунақа йиглок бўлдики, асти қўяверасиз, бешикдан олиб беланчакка солади, беланчакдан олиб қўлида кўтаради, киприк коқмай, боласини аллалаб ўтказган узун-узун тунларининг ҳисоби йўқ.

Баъзан турмуш ўртоғи Қаландар отанинг хотинига раҳми келиб гўдакни қўлига олар, овутолмай бирпасда яна қайтариб берарди. Зумраднинг овози ҳам ўткир эди, йиглаганини етти қўшни эшишиб, эртаси куни бири: “Болани ҳам, ўзингизни ҳам қийнаманг, духтирга кўрсатинг”, деса, бошқаси: “Муллага ўқитинг, дам сув ичиринг”, деб маслаҳат берарди. Ҳожар ая барини қилди: кўрсатмаган духтири, ўқитмаган мулласи қолмади, хеч биридан наф топмади, ёшига етганидан кейингиниа ўз-ўзидан аҳволи яхшиланга борди.

Зумрадни битта қизлигига қарамай эрка-тантиқ қилмади, рўзгорга солди, коллежда ўқиётган пайти парда тикувчига шогирдликка кўйди, қиска фурсатда шунақа чиройли пардалар тикишни ўргандики, Ҳожар аянинг ўзи ҳам қойил қолди, хуллас, у ҳали йигирмага кирмай бир уйни обод қилиш қўлидан келадиган бўлди. Тўғри, хозир ёш боласи бор, тикиш-чатиш қилмайди, лекин эрта бир кун

хунари иш беради-да, янгаларига ўхшаб дардисар бўлиб ўтирмайди.

Шу кизи энди бироннинг бандаси, ўшанда бошидан совчи ёғилгандаи ёғилди, ҳатто Ҳожар ая кимга берсам экан, деб гангид колди. Такдири ўқитувчи йигитга кўшилган экан, ўзи рой қилгани учун Ҳожар ая ҳам, Қаландар ота ҳам ҳеч нарса дейишмади. Тушган хонадон тинчку-я, кудасининг тутуми жуда каттиқ, Зумрад қайнонаси ва эрининг рухсатисиз бир ишга кўл урмайди, баъзан ойлаб онасидан хабар олмайди, ихтиёр ўзида бўлса кун ора учеб келади, уларнинг кўнглига қарайди, ичингдан тушган болангга ҳаддинг сиғмай, бир кўришга мушток бўлиб юриш адолатданми ахир?

У ўйлашга ўйлади-ю, сўнгра келинлари эсига тушади, ахир улар ҳам бироннинг боласи-ку. Дунё шундай яратилганидан кейин уни ким ҳам ўзгартира оларди, энг муҳими, кизми, ўғилми, ўз уйи, ўлан тўшагида тинч ва баҳтли яшаса бўлди-да.

Ҳожар аянинг боши оғриди, рўмолини пешонасидан қисиб боғлаб, ҳовлига чиқди. Тонг ёришган бўлса-да, келинлари одатдагидай ухлаб ётибди, кенжаси ишга борар куни сал вакътироқ уйғонмаса, бошқа вакт кун пешинга келгунича ахвол шу.

Уларни кўп койиб кўрди Ҳожар ая, аммо эпломади, ҳатто эртаки туришнинг хосияти бор, рўзгорга барака ёғилади, Хизир алайҳиссалом ҳар куни дарвозаларни итариб, очикларига ризқ-рўз улашиб, ёпикларини, бу ерда ўликлар ётаркан, деб ризқ бермай кетаркан, дейишгача борди, кор қилмади.

Ўғилларига айтса чакимчилик бўлади, аслида улар ҳам хотиннинг кули, гапиргани билан гапининг таъсири йўқ. Ҳарна тўнгичи Фолибни ўйламайди, уй-жойи бўлак, туманинг кок марказида катта савдо дўкони бор, кирган киши озиқ-овқат омбори, деб ўйлади, йўқ нарсанинг ўзи йўқ. Кишлόқда иккитанинг биттаси, иши зўр, яшаши ҳам, егани олди-да емагани ортида. Хотинининг тили бир карич, булбулдай сайрайди, эр чизган чизигидан чиқмаганидан кейин, боз устига ҳамма нарсани муҳайё этиб таплаганидан кейин тили узун бўлади-да, эрим сўйди, элим сўйди, деб бежизга айтишмаган.

Ҳожар ая Фолибни кўчирганидан сўнг унинг босаси Аминга ер участкаси олишга кўп уринди. “Участка олиб берсам бир амаллаб қуради-да”, деб ўйлаганди, аммо айтгани бўлмади, ўғлининг навбати келганида участкалар “Ким ошди” савдоси орқали сотила

бошланди. Амин савдода қатнашди-ю, баҳоси күтарилиб кетганидан ололмади. Ҳожар аянинг ҳафсаласи пир бўлди, илгари келинларидан бирортаси ғингшиб қолса, сабр килинг, ҳадемай бирингиз чиқиб, бирингиз коласиз, муносабатни бузсангиз, юзинтиз бир умр чурковли бўлади, деб койирди. Энди ҳеч нарса дея олмайди, Амини бор-йўғи сартарош, топгани рўзғоридан ортмайди, боз устига хотини Саодат ҳеч қаерда ишламайди. Аслида уни тикувчи, деб эшишиб келин қилган, эр-хотин муштни бир жойга урса, рўзғорлари бинойидай ўтади, деб ўйлаганди. Лекин Саодатнинг тушганига саккиз йил бўлди ҳамки бирор марта ипни игнадан ўтказиб, акалли чоловор тиккани йўқ. Ҳожар ая опасидан қолган қўл машинани ҳам бериб кўрди унга, бироқ тикмади ва ахирни бир кун, тикувчиликни ёқтирмайман, онам зўрлаганлари учун шогирдликка тургандим, деди, шундан кейин Ҳожар ая дамини ичига ютди.

Саодат уй-жой куриб чиқолмаслигига кўзи етгач, яна тўнини тескари кийиб олди, қовоғини осиб юргани юрган, Ҳожар ая баъзан чолига, мени шу келиннинг қовоғи еди, унга қарасам юрагим сикилиб кетади, тикувчи деб эшифтмаганимда бу ранги заъфаронни дархонамга йўлатмаган бўлардим, деб зорланади.

Амини бўлса, бурни пучук шу хотинига ҳам маҳлиё, аяси, деб дам у ёнидан ўтади, дам бу ёнидан. Баъзан уни кўриб Ҳожар аянинг энсаси қотади, ғашинкирайди, баъзан эса: “Иккиси ит-мушук бўлиб кунда жанжал қилса қайси деворга бош урадим, шунисига ҳам шукур”, деб кўяди. Келини кўнглидан чиқса-ку, улар билан нима иши бор, жаҳлини чиқараверганидан кейин қилиғи ёқмайди-да. Келин дегани ҳам шунақа бўладими, сал нарсага қовоғини осиб олади, бир гал Ҳожар ая ундан: “Нега хафасиз?”, деб сўради, аслида Саодат тумтайиб олганди, “Нега тумтаясиз?”, деса балога қолади, шунинг учун юмшокрок килиб сўради, келини тўнкиллаб уйига кириб кетди. Савол назари билал Аминига қараган эди, у: “Уйда гўшт йўқ эди, олиб келинни унубибман”, деди. Ҳожар ая ажабланди, ўғлидан ҳам жаҳли чиқди, “Шунга ота гўри козихонами, гўштсиз овкат пишириб бўлмасканми, тўппа қилсин, мошова қилсин, ловия солиб угра пиширсин, кун бўйи бекор ўтиради, қовок сомса, қовоқ манти қилсин, сени ҳам уриб кетган, арзимас нарсага тумшугини бир қарич қилиб олганига томоша қилиб ўтиравер, индама”, деди.

Үғли онасига бир нима демади, хотинига ҳам, чиқиб кетиб аллақаердан гүшт топпіб келди. Яна бир гал Нурматнинг боласини оркасига опичлаб құшниникидан келаётганди, Саодат қайноасини күрди-ю, афтини буриштириб уйига кириб кетди. Ҳожар ая хайрон бўлиб ортидан борса, ҳали она сути оғзидан кетмаган ўғилчасига бақириб ётиби: “Бувингга Нурматжоннинг боласи бўлса бўлди, ой чиқса ҳам уларга, кун чиқса ҳам уларга, Аминжонниги ўғай”. Ҳожар ая индамай ортига қайтди. Илгари у бунақа ҳолатлардан жуда сикиларди, кейинчалик келини тумтайиб юрса ҳам парво құлмайдиган бўлди, кай бир пайт ўзи очилиб, қайноасига гап кўшади.

Кеңжа келин Гулсум бир оз кўнгли очикроқ, гап келса аридай чақиб олгани билан кек сакламайди, гапириб кетаверади, дастлабки ойлар келинлигини рисоладагидай бажарганида, шунисидан ёлчидим, деб ўйлаганди. Ҳожар ая, ковун қовундан ранг оларкан, кўп ўтмай овсин-ларидан қолишмайдиган ўзбошимчага айланди-қолди. Лекин барига бир, кўнгли очик, қайнона-келин айтишиб қолсалар хиёл ўтмай гаплашиб кетаверади, кек сакламайди, Зумрад келадими, Голибми, иззатини жойига қўйиб жўнатади. Саодат эса ҳатто корасини кўрсатмайди, уйига қамалиб олади, зерикмагани уни, Зумраднинг ўзи: “Ҳа, янга”, деб кириб бормаса келдингми ҳам йўқ, кетдингми ҳам.

Икки овсин юзма-юз гап талашмаса-да, оркаворотдан бир-бирини ғажигани ғажиган, ҳар иккисининг иддаоси Ҳожар аянинг устига келиб тўклилади: Саодат одатдагидай ичимдагини топ, қилиб юраверса, Гулсум аксинча, ичига сифдиролмайди, қайноасига ёрилади, бир боплай дейман-у, акамни ўйлайман, бўлмаса авра-астарини чиқариб ташлардим, дейди, Ҳожар ая одатдагидай насиҳат қиласди: овсининг феълини биласиз-ку, булутнинг ўзи, булат бўлганда ҳам ёғмайдигани, чақмок ҳам, момақалдироқ ҳам эритолмайдигани.

Қайноасининг муқоясаси Гулсумга хуш ёкиб, “Мен-чи, мен нимаман?” деса, Ҳожар ая кулиб: “Сиз офтобсиз”, дейди. Гулсумнинг оғзи қулогига етади. Шунда Ҳожар ая унга: “Офтоб баъзан ҳаддан ортик кўйдиради, шунга караб иш килинг”, деб кўяди.

Ана шунақа гаплар. Ҳар ҳолда истехзо ичиди яшаш Ҳожар аяни зерикгириди, қанчалик уринмасин. тарозининг посангисини бир хил ушлаб туролмади, бирига сал қайишса, иккинчиси зарда қилавергач: “Эҳтимол мен яхши қайнона эмасдирман, уч келин би-

лан бир ҳовлида муроса килиб яшаб ғинги чиқмаётганлар кўп-ку”, деб айбни ўзидан қидирадиган бўлди.

Рўзгор ҳам ўзига яраша бўлиб колди: бир келин овқат пиширса, иккинчиси, албатта, идиш-товоқни ювиши керак, ювмаса ўша куни ё пашша босиб қолиб кетади, ё Ҳожар ая ювиб кўяди. Ҳар эрта қайси бири чой дамлаб, нонуштага чакираккин, деб уч-тўрт йилни ўтказди. Икки келин “Сен сол, мени сол” қилгани ёмои экан, яхшиям куч-куввати бор, уйини ўзи супуради, кирини ўзи ювади, эрта бир кун қариб, соғлигини йўқотса, акволи нима кечишини билмайди. “Ақлли киши бир ўғлини чикармай туриб, кейингисини уйлантирмасин, икки келин билан муроса килиш, келиндорлик оғир экан”, дейди gox ўзинга ўзи.

Келинларининг гиди-бидиси жонига тесканидан ўтган йили Ҳожар ая ўртанча ўғлининг рўзгорини ажратиб бериб, ўзи кенжаси билан колди. Мўъжазигина ҳовлида иккита қозон қайнашини у аввал тасаввурiga ҳам сифдирмаганди, қайтанга яхши бўлиб, кулоги бироз тинчиди.

Аксига олиб, кенжа ўгли Нурматнинг нони ярим чиқди: икки-уч жойда ишлаб, бири икки бўлмагач, қайниларига кўшилиб Россияга кетаманга тушиб қолди. Ҳожар ая уни қайтармоқчи бўлиб кўп ўринди, уддасидан чиколмади, эртага самолётга чипта оламан, деган куни авзойи бузилиб чолини қайраб кўрди.

“Болагинамни бегона, совуқ юртларга юборишга кандай кўзингиз қияди, айтинг, бормасин, касал-пасал орттирса нима қиласман?».

“Сени боланг бола-ю, бошқаларники баклажонми, – деб жавоб қайтарди Қаландар ота хотинига. – Бир-икки кўнглига кўл сукдим, қайтадиганга ўхшамайди, ўзинг биласан, дедим. Бегона эмас, қайнилари билан кетяпти-ку, бир сафар индама, борса бориб, узоқнинг донини ҳам сб келсин”.

“Узоқнинг донидан кўра ўзимизнинг сомон яхши, сиз боламни қайтарасиз, десам, рози бўлиб ўтирибсиз-ку”.

“Мен ҳам униг кетишини истамайман, хотин, –кўнглидагини айтди Қаландар ота. – Уни ҳар қанақасига олиб қолсан бўлади, бироқ ҳозир ичига шайтон кириб олган, майли борсин, нон топиш ҳамма ерда ҳам кийин эканини кўрсинг, кўзи очилсинг. Шунинг учун унга, борсанг боравер, дедим”.

“Аммо мен ундан демайман, у акаларига ўхшамайди, эрка ўстган, ақалли тужум қовуришини билмайди. Мусоғир юртларда боламнинг

иссик-совуғидан ким хабардор бўлади?”.

Каландар ота кўрдики, хотинига тап ўқтириб бўлмайди. “Қўлингдан келса, олиб қол”, – деб кўйди.

Ўша куни кечта яқин Ҳожар ая кўнгирок қилиб, катта ўғли Фолибни чакириб, заҳрини унга сочди, Нурмат ҳам уларнинг ёнига келиб ўтириди.

“Укангга насиҳат килиб кўймасант бўлмайди, неча кундан буён Россияга кетаман, деб юриби, эртага чипта олармиш, борма, десам ҳам кўнмаяпти”.

“Кайниларинг билан кетмоқчисан, деб эшиздим, уларнинг иши тайинми?” – сўради у укасидан.

“Тайин, кўп йилдан бўён қурилишда ишлашади, менга ҳам юринг, дейишияпти”.

“Айтишса айтишаверсин, бормайсан, – жигибийрони чиқди Ҳожар аянинг. – Сувоғи кўчган деворни суваш қўлингдан келмайди-ю қурилишда ишлоласанми? Ҳолва деган билан оғиз чучийвермайди, ҳамма иш узокдан осон туюлади, пушаймон ейсан, сени жўнатишга кўнглим йўқ, хоҳламаяпман”.

“Шунақа деманг она, юрагимни ғаш қиляпсиз, – Нурмат хафа бўлиб гапирди. – Ундан кўра ок фотиха беринг, бориб келай, кўриб турибсиз-ку, хеч ишим ўнгидан келмаяпти”.

“Дунё асталик билан, ҳали ишинг ўнгидан келади. акангнинг олдида ишлайсан, – Ҳожар ая Фолибга юзланди. – Бегоналарни ишлатгандан кўра укангни ёнингга ол, ишлат, акалик қил”.

“Аҳди қатъийга ўхшаяпти, индаманг, бораверсин, – деди Фолиб бамайлихотир. – Эркатойимиз армияга ҳам бормаган эди, шу баҳона дунёни кўриб келади, ҳаво алмаштиради”.

“Шундан шунга ҳаво алмаштиришга борадиган касалми бу? – жаҳли чиқиб кетди Ҳожар аянинг. – Сендан бир маънили фикр чиқадими, десам, айтган гапингни қара. Бу ёқда икки боласи, хотини бор, станг билан менинг пенсиям нима бўлади?”

“Хотини ишлайди-ку. Иккита боласи ҳали гўдак бўлса, нима оғирлиги тушади?”

“Хотини ҳафтада бир марта дежурга турари, олган маоши ўзидан ортмайди”.

“Бормасин унда”, – жаҳл килди Фолиб ҳам.

“Ёнингта ишга ол, десам гапни боишқа ёққа бурасан, тишлиб оладими сени?”

“Нурматингиз инжиқ, сал қаттиқ гапирсам тумтайб олиб, юракни сиқиб ташлайди, ундан кўра бегоналарни уриб-сўкиб ишлатганим яхши”.

“Кўркманг, онам айтгандари билан сизнинг дўконингизда ишламаймаң, бир марта ишлаб кўрганман”, –деди Нурмат.

“Ана, эшитяпсизми бунинг сўзларини? –Ғолибга баҳона топилди. – Янгасининг арзимас гапи ҳали эсидан чиққани йўқ, юрагига тугилган, сиркаси сув кўтартмайди бунингизни”.

“Келин ҳам ўшанда кўнглига теккан-да –Хожар ая Нурматнинг ёнини олди. – Мана, ўзининг укаси сени оркангдан одам бўлиб юрибди-ку”.

“Унинг феъли Нурматнидай эмас, айтилган ишни бажаради”.

“Сенга хотининг билан қариндошлари бўлса етади, ука керак эмас” –жадл килди Хожар ая.

Нурмат мактабни тутгатган йили онасининг кистови билан акасининг дўконига ишга кирди, мижоз кўплигидан шериклари билан қўли-қўлига тегмай ишлади. Акаси дўконни тўлдириш билан машғул, қайниси кассада ўтириб барча ҳисоб-китобни олиб боради. Поччаси йўқ пайтлар у ўзини дўконнинг хўжайинидай ҳис килади ва йигитларга тинмай иш буоради, ҳатто Нурматни ҳам писанд қилмайди, нари борса ундан бир ёш катта. Шунга қарамай Нурмат савдо ишини ўрганиб, қизиқиб бораётган бир пайтда барига қўл силкиб кетди. Ҳаммасига акасининг унга янги костюм-шим, оёғига туфли олиб бергани сабаб бўлди. Унинг башанг кийинганини кўрганинг ранги-кути учди:

“Эҳ-ҳе, муборак бўлсин, укажон, – деди кесатиб, – акангиз ишга кирганига ярим йил бўлмаган иниларини шайлаб юборибдилар-ку, бу ахволда бирлари икки бўлармикин?”

Бирор Нурматнинг устидан совук сув кўйиб юборгандай бўлди. Индамай уйга кетди-да, костюм-шимиини, туфлисини ўраб дўконга келтириб ташлади. Акаси эртаси куни воқеадан хабар топиб уни қайтариб олиб келмокчи бўлди, Нурмат унамади, бормайман, деб туриб олди ва шундан кейин янгасига салом ҳам бермай кўйди.

Хожар ая Ғолибни чақирганининг фойдаси йўқлигини биларди-ю,

чиқмаган жондан умид қабилида иш туттанды. Боламни кеткизмайман, деб унинг юраги ёниб ётибди-ю, Фолибнинг юрагида ақалли учкун йўқ. “Мол-дунё уни ўзгартирибди, кўзларини шира босибди,— алам билан ўйлади Ҳожар ая. —Қизиқ, инсон бир дунё орзу-ниятлар билан баумид фарзанд ўстиради, бир парча этни одам қилгунича султон суяги сув бўлиб, она сути оғзиға келади-ю, катта бўлганидан кейин ҳадди сиғмай, мурвати хотинининг қўлига ўтиб қоларкан. Тўғри, Нурматнинг сиркаси сув кўтармаслиги рост, лекин укасику, уқадан хавотир олмаслик, тақдирита пу қадар бефарқлик билан қарааш мумкини ахир?!”

“Мумкин экан, —деди яна ўзига ўзи у. —Мана, бигтасини кўриб турибман-ку. Ака барибир ака экан, она бўла олмас экан. Ҳатто ота ҳам она бўла олмайди”. Ҳожар ая ана шундай хуносага келди.

Нурмат ўз билганидан қолмади, барибир кетди. Бола гўдаклигига бола, улғайганида балойижон экан, ушлаб туриб бўлмаскан. Йўқса, ўғлини қолдириш учун худонинг зорини қилган онасига Нурматнинг раҳми келарди-да. У кетгач Ҳожар аянинг кўнгли баттар безовталашиб, юраги бир қиляда бўлиб юрди, хаёлида нимадир юз бераётгандай туюлаверди. Баъзан ўзига ўзи насиҳат килди: “Эҳтимол, кетиб тўғри қилгандир, хеч қаерда ёлчитиб ишлай олмаяпти, мундокроқ ишни назарига илмайди, ундоқроқ ишни ўқимаган, деб беришмайди, боз устига бирор билан муомала қилишни ҳам билмайди, каттани ака, кичикни ука, деб кетавермайди”.

У шу ерда пайти ҳам рўзғор юки чол-кампирнинг гарданида эди, кетганидан кейин ҳам яна ўша эски тос, эски ҳаммом, яхшиям пенсия бор, Қаландар ота пенсияни олиши билан бир ҳалта унми, ёғми, ширинликми келтиради, қўлига илинган нарсани кенжасининг боалаларига таипиди. Қовок-тумшуғи осилган Саодатга қараб: “Буларнинг отаси узоқда”, деб кўяди.

Шу йил Ҳожар ая учун анча ташвишли келди: олдида иккита тўйи бор, тўйга тайёрланаман, деб икки ойдан бўён пенсия олган захоти бозорга югуради. Кўрпаликлар-у пахталарни олгани билан ҳали сарпосини тайёрлагани йўқ, эрта-индин келадиган пенсиясини шунга мўлжаллаб турибди.

Ҳожар аянинг ҳануз боши оғрир, энди қулоги ҳам шангиллаётганди.

“Кон босимим кўтарилиганга ўхшайди”, деб ўйлади у.

– Ая, монуштага чиқинг.

Кенжә келинни Гулсумнинг овози унинг хаёлларини бўлиб юборди ва жойипи йигди-да, емакхонага йўл олди. Набираларидан бири ни тиззасига олиб бўтка сидирди, ўзи аввал дори ичди, сўнг бир бурда нонни ушатиб, мураббога ботирди-да, ковшана бошлиди.

– Дадам кўринмайдиларми, ая? – сўради Гулсум.

– Дадангиз масжидга кетганича қайтганлари йўқ. Нариги маҳаллада тўй бор, дегандилар, ўша ёкка ўтдилар, шекилли. Да-дангизни кўя туринг, шу кеча Нурмат тушимга кирибди, мабодо кўнгирок қилгани йўқми?

– Йўқ, шанба куни гаплашганим, бугун-эрта кўнгирок килармиканлар, деб кутиб турибман.

– Ишқилиб қаерда бўлса ҳам соғ-омон бўлсин, икки хаёлим Нурматда бўлиб қолди. Қаердан ҳам акаларингиз олиб кетаманга тушди, кўз ўнгимда юрганди.

Гулсумнинг авзойи бузилди, тиззасига суюниб ўтирган қизчасини силтаб ташлаб, зарда билан чойнакни нарирокка суриб қўйди.

– Акаларим у кишини кўтариб кетгани йўқ, ўзлари бораман, деб туриб олдилар.

– Кўтариб бўлмасаям олиб кетишди, улар айтмаса, бу кетмасди.

– Ўзим ўғлингизга, сиз кетяпсиз-у, балога мен қоламан, борманг дегандим, мана, айтганим тўғри чиқди. Мен ҳам эримни жўнатишини истамадим, аммо кўрдингиз-ку, киш бўйи уйда тухум босиб ётдилар, бир сўм пул топмай, сизларга дардисар бўлдик.

– Дардисар бўлса ҳам олдимда юргани яхши эди. Ҳали болаларингиз ёш, билмайсиз, опани яратмасин, келин, торагим алғовдалғов, аллақандай тушлар кўриб чиқдим, Нурматим узокда учун ундан хавотир оляпман.

Гулсум бир оз ховуридан тушди.

– Ишлари унчалик қийин эмас экан, хавотир олманг, бирор хафтадан кейин пул юбормоқчилар.

– Пулинни нима қиласай, ўзи соғ бўлсин. Бир ёқда Аминни ҳам ўйлайман, бу ахволда умрбод уй куролмайдиган кўринади. Нурмат яхши ишлаб келса, сизлар уй олиб чиқсанглар қандай бўларкин? Аминнинг икки ўғли бор, ҳар ҳолда сизларники қиз. Қиз бола бирорвинг хасми.

— Мен ҳали ўғил туғаман, — деди Гулсум. — Биз кенжамиз, уйдан улар чиқиши керак, пул ишлаб келсалар бошқа режаларимиз бор.

— Шунақа дөңг, унда ўзларинг биласизлар, келишсанглар ҳамма иш хамирдан кил суғургандай бўлади, келишмасанглар аравани ўрнидан қимирлатолмай икки томонга тортиб ётаверасизлар. Аминнинг хотини, тушиб келган уйим, чиқмайман, деб туриб олса, додингизни худога айтасиз, ҳовлида кенжаколсин, деган қонун ҳеч қаерда йўқ.

— Конун бўлиши шартми, таомил шунақа. Саодатой бошини деворга урса ҳам ҳояли бизники.

— Ҳовли сизники ҳам эмас, Саодатойники ҳам. Ҳовли қайнонатангизники, иккигизга ҳам бермайман деб туриб олса, ип эшолмай қоласиз. Қайнонам саводи йўқ, нима десам индамай кетаворади, деб ўйлајпизми, сиз ўқиган мактабда мен ҳам ўқиганман.

Ҳожар ая юзига фотиҳа тортиб ўрнидан қўзгалаётганди, келини сўз қотди:

— Бугун навбатчи эдим, ишга бораман.

— Ишга борадиган киши сал вактироқ турмайдими? Соат неча бўлди, кечикмайсизми?

— Йўқ, улгурман.

Гулсум болаларини боғчага бермокчи эди, Ҳожар ая унамади. “Олган маошингиз боғчадан ортмаса ишлаганингиздан нима наф, набираларимтга ўзим қарайман”, деди. Аслида болалар Қаландар отага ҳам эрмак, бўш қолди дегунча уларнинг ёнида ўтириб, ўзи ҳам болага айланади: ҳали елкасига мингаштиради, ҳали мушук бўлиб миёвlab беради, ҳали каттасининг кўлидан ушлаб кўчани айлантириб келади.

Нонуштадан сўнг Ҳожар ая пепайвонга ўтириб кўрпасини қавий бошлади. Гулсум болаларини қайнонасилининг ёнига қўйиб, олдила-рига кутидаги ўйинчокларни тўкиб ташлади.

— Ая, кетяпман, — деди у қайнонасига. — Уйда доғланган ёғ колмабди. Ҳа, айтмоқчи, ҳамир қилмоқчи эдим, ун жуда оз экан, дўйондан нон олиб турасизларми?

— Бир гап қиласиз, бораверинг.

Ҳожар аянинг назарида тунов куни бир халта ун олишгандай эди, дархол тугабди-да. Рўзгорни ғор деганлари шунинг учун бўлса керак, камини тўлдираман деб эси кетади кишини. Ҳудди тешик тоғорага

ўхшаб, солган сайин тушиб кетаверади, тўлай демайди, бирини олса, иккинчиси чиқиб туради, камчиликнинг охири кўринмайди, бошини ёпса оёги очилиб қолади. Нон сотиб олганга пул дош берарканми, демак, яна ун олиш керак.

Шу пайт икки опа-сингилнингчувур-чувури Ҳожар аянинг хаёлини бўлиб, набираларига каради. Бири уч, бири беш ёшли икки қизалок ажи-гужи қилиб ўйинчокларни титарди. “Дунёнинг ишлари қизик-да, – ўйлади Ҳожар ая. – Аминнинг иккита ўғли бор, Нурматиники иккаласи ҳам қиз. У келини қиз кўриш орзусида, буниси ўғил”.

– Ассалому алайкум, ая, ишга кетаётган эдим.

Ҳожар ая овоз келган томонга каради: остонаяда эшикни хиёл очганича Амин турардид.

– Чой ичдингми?

– Ичдим.

–UNDAY bўлса борақол.

Ҳожар аянинг хаёли энди Аминга кетди, кузда боласи мактабга боради учун у ҳам ўғлини суннат тўйни қўлмоқчи бўлиб юрибди. Амин ҳам боласи, қолаверса, қизига қилиб, келинини айириб кўйса урди худо, боши гапдан чиқмайди. Иккита тўйни олдинма кейин бўлаётгани ҳам Ҳожар аяни шоширяпти, кудаларига-ку гапи ўтмайди, лекин Аминни, тўйни кузда қиласан, деб кўндирган.

Қўли калта бўлмаса, ўглининг тўйига нималар қиласа арзиди-ю, битта пенсия билан мушук офтобга чиқардими? Яхшиямки чоли иккита жувонани боғлиқقا ташлаган, бирини Зумрадга, иккинчисини Аминга бермоқчи.

Ҳожар ая учун катта муаммо бўлиб туюлган нарсалар Фолиб учун ҳеч нарса эмас, пул унга тирноқнинг кири. Аммо Фолибдан нажот йўқ, айниқса, Россияга кетган укасининг йўлини тўсмагани учун ундан феъли қайтди.

Ҳожар аянинг кўз ўнгига Фолибнинг ҳовлиси намоён бўлди. Шунақа ҳашаматли уй-жой қурганки, кўрган кишининг оғзи очилиб қолади, лекин дарвозадан кириши билан Ҳожар аянинг юраги сикилади, тўрт томонни баланд иморат ўраб олганидан худди кафасга тушгандай хис этади ўзини. Сип-силлиқ мармар копланган йўллар ойнадай ялтирайди, ковуши ерни кир килаётгандай кўрқа-писа қадам босади Ҳожар ая, уйига кирса, игнанинг устида ўтиргандай

ўтиради. Назариди бу срда ҳамма нарса – келинининг муомаласидан тортиб деразага илинган пардагача ясамадай. Ҳожар ая уйида ёзда ҳам, қишида ҳам ташқаридан баҳра олай деб дераза пардаларини очиб қўяди. Буларнинг пардаси ўрнидан қимирламайди, уйининг бир томонини эгаллаб олган, қават-қават. Ошхонасига кирса қўрқа-писа қадам босади, қўлидан кошик тушиб кетса ҳам юраги шиғ этади. Рўзгорда ҳеч ками йўқ: уп ва гуруч халтаси билан, ёглар бидонни билан, музлатгичи ичида нарса кўплигидан зўрға ёпилади. Фолиб бир-икки отаси билан онасига, шу ерда туринглар, деб манзират қилди, аммо улар учма-уч яшаётган икки ўғли ва набираларини ташлаб қаерга боришарди, боз устига хотини ҳам тил учида мулозамат кўрсатади.

Ҳожар ая кўрпани қавиб бўлди-да, бир четга тахлаб қўяди. Шу пайт икки набираси қўғирчоқнинг устидан талашиб колишганди, ёнларига бориб овутди.

– Сен каттасан, синглингни ройига қарашинг керак. Пенсиямни олай, ўзи гапирадиган каттакон қўғирчоқ олиб бераман, хўпми?

– Хўп, бувижон.

Қизалоқ шундай деб қўғирчоқни синглисига тутқазди ва иккови яна ўйнаб кетди. Ҳожар ая деразадан ташқарига қаради, ёмғир томчилай бошлабди. У бошига қалин рўмол боғлади-да, ҳовлига чиқиб, катта бакни судраганича тарновнинг тагига келтириб қўяди. Ивиб қолмаслик учун шошиб уйга кирганида ёмғир кучайиб, жалага айланган, тарновдан шариллаб сув ока бошлаганди. Бак бир зумда тўлиб, тошган сув обдовдан кўчага чиқиб кетаверди.

Ҳожар ая куздан баҳоргача кирини факат ёмғир ва кор сувига ювади, тоғорадаги сув совун тегар тегмас кўпириб, кир тоза бўлади, ранги очилади. Келинларига бу ишлар кекса аёлнинг инжиклиги бўлиб туюлади, бакларни ўзи тўлдириб қўймаса парвойи фалак уларнинг.

У бошига кўрпани қавиши учун олиб яйратди, кўзойнак билан ипни итнадан ўтказди ва шу пайт нимадир ёдига тушгандай иргиб ўрнидан туриб ичкари уйга ўтди, тахмондаги кўрпаларни тушириб, сандикни очди, бисотини ковлаган эди, тўй-сурга борганида тушган матолар, рўмоллар анчагина экан, уларни тугунлади-да, пешайвоннинг бир четига кўйиб, ишини давом эттираверди.

Шу пайт Аминнинг ўғилчаси келиб қизалоклар билан ўйнай бошлади.

- Аяңг нима қиляпти, Даминжон? – сўради Ҳожар ая.
- Уй супуряптилар.
- Бор, чакириб кел. Бувимнинг ишлари бор экан, дегин.
- Ҳўп.

Бола ютуриб кетди, кўп ўтмай эшик очилиб Саодат кириб келди. У жигарранг халати устидан фартук боғлаб олган, сочини орқасига турмаклаб қўйганди.

- Ҳа, ая, сўратибсиз?
- Уй супураётган эдингизми?
- Ҳа.
- Рўмол боғласангиз бўлмайдими? Сочингиз чанг бўлади, тўкилади.

Саодат ҳеч нарса демади, аммо тундлашган юзида: “Шу гапни айтиш учун чақирганимидинг?”, деган ифода зохир эди.

– Мана шуни олиб қўйинг, – Ҳожар ая ёнидаги тутунга ишора килди. – Даминнинг тўйида ишлатасиз. Ичидан анчагина кийимликлар, рўмоллар бор, бир қисм аёлларнинг сарпосини узади, факат кичкина оссинингизга айтманг, билмасин, хўпми.

– Хўп, айтмайман. – деди юзидан хурсанд бўлгани сезилиб турган Саодат.

“Сенинг ҳам жилмаядиган кунинг бор экан-ку, – деб қўйди ичидан Ҳожар ая. – Шунча йилдан бери култичи борлигини пайқамаган эканман”.

– Шу сарпо деган нарсани ким ўйлаб топган бўлса, – Ҳожар ая норози оҳангда гапирди. – Кошки берган матоси дардимга яраса, сандикнинг еми бўлиб ётади. Бермаса яна бир дунё гап...

- Одатимиз-да, ая.
- Э, одатимиз курсин, смай-каймай, бироннинг кўнглини оламан деб ўзимизни унугтиб қўямиз, Зумрад билан сизнинг тўйингизни ўйласам, уйкум кочиб кетади.
- Ўйламанг, Худонинг ўзи тўғри килади.
- Ўйламай бўларканми, бу ёқда ошиб-тошиб ётган бўлса майли эди. Ҳожар ая келини кетаётганини қўриб сўзида давом этди.

– Дамин бўлаларини ўйнатиб ўтирсин, бобоси негадир келмаяптилар, шу ёмғирда қаерда юрган бўлсалар?

– Хавотирланманг, келиб коладилар, тўйга кетгандирлар?

– Тўй шунча давом этарканми, ҳеч бўлмаса пеккани ёқармидилар. Уй анча совук, болалар шамоллаб қолмасин дейман.

Ҳожар ая боядан бери совуқотган бўлса-да, пеккани ёкишга эринган, келин ёқиб берармикин, деган маънода илмоқли гал ташлаганди, лекин Саодат буни ўзига олмай чиқиб кетди.

“Келиндан ҳам худо солган-да, – хафа бўлди Ҳожар ая. – Овсини ишга кетганини билади, шу пеккани ёкиб берса қўли синиб қолармиди?».

У инқијлаб-синкиллаб ўрнидан турди-да, чоли арралаб қўйган ўтиналардан олиб келиб, пеккани ёқди ва устига чойнакда сув қўйди. Бир зумда пеккадан тараляётган ҳил уйни иситди.

“Бу бошқа гап, – деди танига иссик кира бошлаган Ҳожар ая. – Болалар ҳам яйраб ўтиради”.

Жала шамол аралаш қанчалик шиддат билан ёқкан бўлса, шунчалик тез тугади. Аммо шу киска вақт ичида ҳовлининг юзи кўлайиб, деворга урилган ёмғир оҳакларни кўчириб, ер билан битта қилди. “Эскини ямаб эсинг кетаркан, – ўзига ўзи гапирди Ҳожар ая деразадан деворга кўзи тушиб, – бирпаслик ёмғир бир дунё иш берганини кўринг”.

Осмоннинг бир туйнугидан қуёш ҳам мўралай бошлади. Орадан бирор соат ўтиб дарвоза такиллади, Ҳожар ая, келин қарар, деган хаёлда кўрпасини қавийверди, бир оздан кейин Саодат уни чақириб колди.

– Ая, қарант, светнинг пулига келишиби.

– Светнинг пулини тўлаган эдик-ку, – деди у ўрнидан туришга эриниб.

– Билмасам, ками бор эмим.

Ҳожар ая соchlарини тўғрилаган бўлиб ҳовлига чикқанида икки йигит дарвоза олдида турарди. Улардан бирини таниди, маҳаллада ишлайди.

– Келинглар, болаларим, келинглар.

– Хола, – маҳаллада ишлайдиган йигит сўз бошлади, – светнинг пулидан 170 минг сўм карзларингиз бор экан, шунга келдик.

Ҳожар аянинг хаёли қочиб кетди.

– Нималар деяпсан, ўғлим? Ўзи тузук свет бермайсан-да, шунча пул сўраб келишга уялмайсанми?

– Биз алдасак ҳам счётчик алдамайди, – деди унинг ёнидаги шериги. – Ҳаммаси тўғри хисобланган.

– Бобоси ҳар пенсиядан тўлаб борадилар, ўтмабдими?

– Келинингиз тўланган қоғозларни олиб чиқди, фарки шунча экан, ҳозир тўламасанги үзиб кетамиз, –деди у.

– Қизиқмисан, болам, бунча пулни бирданига қаердан топаман, уйнинг эркаклари келишсин, маслаҳатлашайлик. Кечда икки-уч соат свет берасан, шундан ҳам маҳрум қилмоқчимисан?

– Биз бажарувчилармиз, хола, тўламаганларнинг светини узинг, дейишган, ҳозир бир кишининг светини үзиб келаяпмиз.

– Холанинг светларини бугунчалик узмайлик, – деди маҳаллада ишлайдиган йигит. – Ўғилларига айтсинглар, икки-уч кундан кейин хабар оламиз, балки ўшангача тўлаб ҳам қўядилар.

– Барака топ, болам, шундай қилинглар, –Ҳожар ая енгил торти.

– Бобоси ҳамма нарсани унутсалар ҳам светиниг пулини тўлашини унутмасдилар, ўзим ҳам тушунмай қолдим.

Ҳожар аянинг юраги сиқилди. “Энди нима қиласман, – ўйга толди у. – Ўзи бу ёқдаги ишларнинг хисобини ололмай тургандим, Амин ярмини тўлаганда ҳам қолгани бир ёқни ўпириб кетади”.

Ҳожар ая кўрпа қавиялти-ю хаёлан минг кўчага кириб чиқди. Бир фикри Ғолидан пул сўрамокчи ҳам бўлди-ю, яна айниди. “Фазилат дугонам ўғилларининг топган-туттанига хўжайин, болалари ковоғига қараб иш кўради. Мен эса топарман-тутарман ўғлимдан юз минг сўрашга ҳам ийманиб тураман, феълим қуриб кетсин. Шунинг учун ич-этимни еганим еган”.

Шу пайт уст-боши шалаббо Қаландар ота кириб килди. Дамин, Севара, Севинч боболарига қараб югурдилар.

– Тўхтанглар, эгним ҳўл, –деди Қаландар ота тўнини счаркан оёғи остида ўралашаётган набираларига. –Кийимимни ечиб олай.

– Ҳавонинг авзойи бузук эди, вақтлироқ келавермайсизми? – Ҳожар ая чолини койиган бўлди.

– Масжиддан чикиб, маъракага бордик-да.

– Ёмғирдан панага ўтсангиз бўлмасдими?

– Катта йўлдан келаётгандим бирдан шиддат билан ёғди, пана-
га ўтишга ҳам улгуролмадим. Кейин чойхонанинг ёнида Бегимқул
гапга тутиб қолди. Ивиб кетганман, деганимга қарамай судраб чой-
хонага олиб кириб, аёлларга ўхшаб келинининг тийбатини қилди.
Пулимни ўтирлади, қули эгри, дейди.

Қаландар ота тўни билан салласини кампираига тутди. Ҳожар ая
уларни печканинг якинига илиб қўйди.

– Вактлирок келсангиз, ҳеч бўлмаса печкага ўт ёқардингиз.

– Ёқиссан-ку, келинга айтсанг ҳам ёкиб берарди.

– Келинни гапирманг, – Ҳожар ая қовоғини солди. – Фаҳм-
фаросати бўлса ёкали-да. Овсиним ишда, шу бугун чол-кампирнинг
дуосини олай, дейишни билмайди. Унга дуо эмас, пул керак.

– Келинингга очик-ойдин иш буюрмайсан-да, яна ундан хафа
бўлиб юрасан. Келин, печкани ёқинг, чой қайнатиб келинг, овқат пи-
ширинг, деб иш буюравермайсанми?

– Бир-икки буюрдим, ўзини эшитмаганга олди. Қовоғини солиб
юрганидан иш буюриш у ёқда турсин, гапиришга ҳайнқади киши.
Ҳар тугул бугун бир оз очиб олдим, –жилмайди Ҳожар ая.

– Нима қилдинг?

– Сандиқдаги бисотимни шунга бердим. Мепга уларнинг керакли-
ги йўқ, Зумраднинг қайноаси бор, Нурмат ҳали-бери тўй килмайди,
Голиб ўзига баҳаз. Аминнинг тўйига ҳарна ёрдам. Келин хурсанд
бўлди, мен билан очиккина гаплашди.

– Унда тез-тез унинг кўнглини олиб тур-да.

– Қани энди бунинг иложи бўлса, рости келинни хурсанд кўриб
ўзим ҳам севиндим.

Қаландар ота печканинг ёнида ўтириб олди.

– Светдан келишиди, – сухбат мавзунин ўзгартирди Ҳожар ая. –
170 минг сўм қарзимиз бор экан.

– Нега бунча кўп? – ажабланди Қаландар ота. – Ҳар ой пенсиям-
дан тўлайман-ку.

– Тўлаганингиздан ташқариси шунча. Менимча тўғри
ҳисоблашган. Ўйлаб кўрсам, ҳисоблагич битта бўлганининг касофа-
ти бу. Ҳар икки келин балонли газни иктисад қиласман, деб чойни
ҳам токка қайпратади, овқатини ҳам токка пиширади. Токки ишлатиш
бўйича басма-бас ўйнашади. Кераксиз чирокларни ўчириб қўйиш

хәёлларига ҳам келмайди. Гапирсам, қайнонам инжик, майда гап дейишиди. Энди шу хисоблагич зормандани ҳам алохида қилмасак бўлмайди чоғи.

– Мен ҳам зерикдим, – деди Қаландар ота. – Нурмат Россиядан келсин, рўзгорини топширамиз, ўз аравасини ўзи тортсин. Иккимизнинг пенсиямиз тишимизни тилладан килишга етади.

– Барибир унақа қилолмаймиз, дадаси, кўз кўргандан кейин қараб туриб бўлмайди. Яхшиям давлат одил, агар пенсия бермаса борми, айрим нокобил ўғиллар кекса ота-оналарини кўчага ҳайдаб юборишдан ҳам тойишмайди. Ўзи ҳамма нарсани хисоб-китоб қилиб кала-ванинг учини тополмай ўтиргандим, светнинг пули ортиқча бўлди.

– Амин келсин, иложимиз йўқ, биргалашиб тўлаймиз, бу зарур. Келинларингга тайинлаб қўй, овқати билан чойини газида килаверсин.

– Улар гапга киармиди, кўзингизни шамғалат қилиб иш битирганини сезмай қоласиз.

– Қайнона бўлсанг қайноналигингни қил, бунака ишларга мени аралаштирма, –аччиқланиб гапирди Қаландар ота. –Келинларингни тарбияла. билмаганини ўргат, бу сенинг вазифанг. Мен аралашсам охири баҳайр бўлмайди.

– Келинларни кўя туринг, ёмгирида деворлар ўйилиб кетганини кўрдингизми? – Ҳожар ая яна мавзуши ўзгартирди. –Кўча томон ҳам нурайман, деб қолган. Инсон бор – ўлим бор. Ўлиб-нетиб қолсан таъзияга келганлар: “Ҳожаройнинг оғзи катта эди, Ғолибдай пулдор ўғли бўла туриб шу харобада яшарканми?”, – дейишидан уяламан.

– Нафасингни иссиқ қил, – койиб берди Қаландар ота. – Яхши гапга ҳам, ёмон гапга ҳам фаришта омин, дейди. Ундан кўра Даминнинг суннат тўйига келганлар кулади, десанг бўлади-ку.

– Тўтри, аммо тўйга қариндошлар, дўст-биродарлар, бизни билганлар келади, уларга ҳолимиз аён. Аммо таъзияга кўпчилик – умрида ҳовли-жойимизни кўрмаганлар ҳам келади, ана шулардан уяламан.

Ҳожар ая пешайвоннинг тўрида осиглик турган соатга кўзи тушди-да ўрнидан турди.

– Кун тушга яқинлашибди, мен овқатга карай.

У келини тайёрлаб кетган овқатни иситиб сузаётганди қўлида нон, қанд-курс кўтариб Ғолиб кириб келди. У жингалак соchlари-

ни орқага тараб, эгнида жинси шим билан костюм кийиб олган, ихчам кийим уни жуда ёш кўрсатганди. “Киши тинч ва хотиржам бўлса яшаради-да, ишқилиб умри узок бўлсин, укаларига ҳам унинг йўлини берсин”, деб ичида дуо килди Ҳожар ая.

– Ҳа, ая, ассалому алайкум. Яхшимисиз? Нега ўзингиз ташвиш килиб юрибсиз?

– Келин дежурга кетган, – деди у.

– У келин-чи?

– Унинг рўзгори бўлаклигини биласан-ку, уйга кир, отанг шу ердалар. Ёки бирор ёкка боряпсанми?

– Йўқ, сизларни кўргани келдим, нима эди?

– Башанг кийингган экансан.

– Шу кийим ҳам кийимми, соддасиз-да, ая.

Ҳожар ая Ғолибни кўриши билан яна пул сўраш ҳақида ўйлади, бир ёқда қизининг, иккинчи ёқда ўғлининг тўйи, деворни суваш, йўқ жойдан светнинг пулини тўлаш – Ҳожар аянинг боши котганди. “Ўғлим ўз оёғи билан кириб келган пайтда гап очсаммикин? – ўйлади у. – Чолимнинг ҳам гурури баланд, онда-сонда байрамларда ўғли чўнтагига пул тиқиб кўяди, бошқа пайт у ҳам сўрамайди, бу ҳам бермайди”.

Ҳожар ая овқатни сузди-да, ҳаммани емакхонага чорлади.

– Синглинг ҳам ўғлини суннат тўйи қилмоқчи, – гарчи бундан Ғолиб хабардор бўлса-да гап бошлади талмовсираб. – Оиласидаги ҳар бир кишига бош-оёқ сарпо қилиш керак экан, кўрпаликларини олдимку-я, сарпосини қандай қилсам, деб ўйлаб қолдим.

– Ҳолингизга қаранг, – бепарволик билан гапирди Ғолиб. – Кўпам дабдабанинг нима кераги бор?

– Ҳамма қилгандан кейин киласан-да, уканг ҳали бир сўм пул юборгани йўқ, отанг билан мен рўзғорни эплаймиз, деб эсимиз кетяпти.

– Келин ишлаганини нима қиляпти?

– Ҳафтада бир марта дежурга борса, келиннинг маоши нима бўлади? Бир ёқда светдан 170 минг сўм карздор қилиб қўйибди, икки кунда тўламасак, симёғочдан узиб кетаркан. Ҳовли ҳам вайронча очган, укангни уйлантирганда сал-пал у ёк-бу ёғини тўғрилаганимиз, қараб туриб сикилиб кетаман.

– Ўйламанг, Нурмат тўрт-беш сўм ишлаб келса ҳовлини эпақага солади, шу уй-жой уничи-ку, ахир.

– Ундан кўра ўлма эшагим, арпа ейсан, дегин. Нурмат қачон пул ишлайди-ю, қачон юборади, унгача нима гап, нима сўз? Боз устига кузда Амин тўй қилиши керак.

Онасининг гапни нимага олиб бораётганини Ғолиб аллақачон сезган бўлса-да сезмасликка олди. Ҳожар ая давом этди.

– Унга ҳам қийин, сартарошлиқ, билан топгани нима бўлади?

– Кимга осон, ая, – Ғолиб нолишга тушди. – Яшаш кундан кун оғирлашяпти, бир мен бўладиган бўлсам дўконимнинг баракаси кочган, савдо йўқ хисоби, ҳамма дўкончи бўлиб кетди.

Ўғли оғриқнинг олдини олаётганидан Ҳожар аянинг жаҳли чикиб, тилини тишлаб туролмади.

– Эрсизлар йигларкан, унга қўшилиб эрлилар ҳам йигларкан, пулдан гапирсам сенси варажга тутади. Ҳамма нарсанг жой-жойида бўлса, нега нолийсан, ёғмасанг ҳам калдирашиб тур.

– Сиз шунака дейсиз-да, ая. Кандай машаққат билан пул топаётганим ўзимга аён. Дўконимдаги етти-саккизта йигит кўлимга қараб ўтириби, берсанг ейман, урсанг ўламан, деб.

Минг чигириқдан ўтиб мол олиб келишининг ўзи бўлмайди. Тўйхона қураётганимни биласиз, банкдан юз миллион сўм кредит олганман, ҳар ой неча сўмдан фоиз тўлашимни айтсам юрагингиз ёрилиб кетади.

– Кредит дейсанми? Нима у?

– Қарз, қарз олганман.

Қарз сўзини эшитган Ҳожар аяпигиг ичига ғулғула тушди. Ёши етмишга кириб на чоли ва на ўзи бирордан қарз олмаган, борини эплашган, йўғига сабр қилишган.

– Бекор қарз олисан, – ўғлинин койиди у. – Қарз кишининг бирини икки қилмайди, баракасини учиради.

Ғолибга жон кирди.

– Шунинг учун зорланаман-да, она. Пул топиб кредитни тўламасам банк дўконимни тортиб олиб кўяди.

Кун бўйи Ҳожар аяга тинчлик бермаган ўйловлар тумандай тарқади, ўзининг ташвишларини унуди, хаёлини Ғолибининг қарзи банд қилди-кўиди, “Ўглим бунча пулни қаердан тўлайди? Дўконини

тортиб олишса, қандай күн кечиради, уч боласини қандай бокади?", деган саволлар билан сониялар ичиде хаёлан минг күчага кириб чиқди. Аксига олиб Голибшинг телефони жириングлаб, ким биландир узок гаплашди, Ҳожар аянинг тоқати ток бўлди. Орадан 20 дакиқа ўтдими, 30 дақиқами, ниҳоят Ғолиб кўлини кулоғидан олди.

– Учириб қўй, шу зормандангни, – аччикланиб гапирди Ҳожар ая.
– Ҳар доим шу, отига онангни кўргани келаса!, вактинг телефонда гаплашиш билан ўтади.

– Нима қилай, ая, ишимнинг саксон фоизини телефонда битка заман, яхшиям, телефон бор, бўлмаса нима қиларканман, ўзим ҳам билмайман.

Ҳожар ая юрагини ғашинқратган ганини айтди:

– Битта ўйламаганим сен эдинг, энди сени ҳам ўйлайманми? Ўғлим баҳаз яшайди, деб юрсам юз миллион сўм қарзинг бор экан, нега бундай килдинг? Қандай тўлайсан энди?

– Ўзимдан ўтганини ўзим биламан, ҳамма гапни сизга айтавермайман-да, ая.

Ҳожар аянинг кўз ўнгига келиши намоён бўлди, икки кўлида тилла билакузук, бармоклари тўла узук, сирғанинг хилма-хили, кийинишини ҳам, безанишини ҳам, тақинишни ҳам месъеридан ошириб юборади, ниманки янги мато чиқса биринчи бўлиб тикириб, эгнига илади, боз устига кўз-кўз қилгани овсинглари олдига келади. Гаплари калтакдай, кўнгилга келиб тегиши билан иши йўқ.

Ҳатто бир гал Ҳожар ая унга: “Бунча нарса тақиб олибсиз, сизни кўриб уялиб кетяпман. Сал камтаррок бўлинг”, деганида келини: “Бор бўлгандаш кейин тақаманда”, деб жавоб кайтарди. Ҳожар аянинг баттар жаҳли чиқди. “Бор бўлмай ўлсин, яхшиям бармокларингиз ўнта экан, йигирмата бўлса йигирматасигаям узук тақармидингиз”, деди киноя билан. Келини эса: “Худога шукур, тақаман десам йигирмата бармокқа узук тақишига ҳам курбим етади”, деди.

Ҳожар ая унинг юзига айтишга истиҳола қилди-ю, ичиде: “Кўрмаганинг кўргани курсин, онанг балинсанни полини юварди, отангнинг умри ер тинталаб ўтди, ўғлимнинг орқасидан бунча керилмасанг, ҳатто тукқан онасини ҳам назарга илмай борајпсан, яхшини жаннанинг ичиде танийдилар, минг керилганинг билан асли Нафас калнинг қизисан-да. Жуда ғашимга тегаяпсан, ёнимдаги ке-

линларимга ҳам ёмон таъсир қиляпсан, аммо қарғамайман, чунки оркангда ўғлим турибди, келинингдан топ”, деб кўйди.

– Келин ҳам топганингиз эпласин-да, қачон карасам, тиллага ботиб юради, бир гал шу нарсаларни бизникига тақиб келманг, дегандим, қайда, баттар килди. Ёнимдаги келинларга бу ёқмайди, хотининг келиб кетганидан кейин бир неча кун тумтайиб юришади. “Нима гап”, деб сўрагудек бўлсам, жавоб ҳам қайтаргилари келмайди. Булар ҳам ёш, яхши кийингиси, яхши егиси келади, тушунаман.

– Замон ҳам ҳаракат қилганники, йўлини топганники, ая. Ўғилларингиз ҳам чопсин, югурсин. Қўлдан берганга күш тўймайди, упарга тўрт-баш сўм бсрганим билан ўзида ҳаракат бўлмаса барчаси бекор. Шундай бўлгач, хотинларига алам киласи-да, менинг хотинимни кўролмайди улар. “Дўст-душманнинг ичида ўзингга қараб юр, газни бос”, деб айтиб кўйибман унга. Аммо энди келинингизга олдингидай тилла олишлар йўқ, тўйхонани қуриб бўлмагунимча мендан пул сўрама, деганман.

– Яхши қилибсан, сени ҳам ўйласин-да.

Ҳожар ая шундай деди-ю, ўғлига тикилиб, сўзларини мушоҳада кила бошлади. “Бу ўша менинг Ғолибимми? Айтган гаплари эркакнинг гапига ўхшамайди-ку. “Дўст-душман”, деб кимни назарда тутти? Келинларими?.. Укалариними?.. Ё... онасиними?..”

Ҳожар аянинг аъзойи баданига титроқ кирди, ўзини ёмон ҳис килди. “Бу маккор келинчак ўғлимнинг миясини заҳарлабди, жонжигарларига қарши кўйибди. Йўқса, ачомлаб катта қилган кенжя укаси, эркатой укаси Россияга кетганига ҳеч бўлмаса бир мўйи кимиirlарди-да. Бунчалар осон, бунчалар бепарво қабул килмасдида. Яна қарз олдириб, унинг баракасини ҳам учирибди”.

– Ая, нимани ўйлаб қолдингиз?

Ғолибининг саволи Ҳожар аяни ўзига келтирди, ўғлига раҳми келди, назарида у жодугарнинг кўлига асир тушгандай туюлди.

– Сал озиб қолибсанми, болам?

– Ҳали айтдим-ку, ташвишим кўп-да, она, ташвишим

Ҳожар ая овқат едими, емадими, билмайди, қорни тўйдими, тўймадими, уни ҳам билмайди, фақат бир нарсани – Ғолиб ёрдамга муҳтоjлигини билди. У фаромуш ҳолда идиш-товоқларни ювишга кетди, ота-бола пича гурунглашиб ўтиридилар.

– Энди мен борай, – ўрнидан қўзғалди Ғолиб. – Усталарга цемент олиб боришим керак. Тўйхонанинг ҳам ҳеч кам-кўсти битмай кетди, дам арматура деб кўнғироқ қилишади, дам қум билан цемент деб, баъзан шу ишни бошлаганимга пушаймон бўламан.

– Бир жонингга бунча ташвиш нимага керак ўзи? Бопинингга кўтариб юрганинг билан хотининг-у болаларинг ҳайкал кўйишармиди сенга? Гўрингга киришармиди? Битта дўконингни ўзи етиб-ортарди.

Хожар ая бу гапларни жаҳл билан, аччиқ билан баланд овозда, карийб бакириб айтдики, ҳеч қачон уни бундай холатда кўрмаган Ғолиб ҳам, Қаландар ота ҳам ажабланиб қолишиди.

– Ая, энди бошлаб кўйдим, орқага қайтиб бўлмайди. Бир гап қиласман, сиз ўйламанг.

Хожар ая паришонхотир ҳолда ўғлини кузатди, хомушлиги тарқамади.

– Энди Ғолиб нима қиласди, қарзини қандай тўлайди? – у савол на-зари билан чолига қаради.

– Сен уни асло ўйлама, – деб жавоб берди Қаландар ота. – Ўғлинг ўйлини топиб олган, ишлари зўр.

– Мен хафа бўлсам сиз мийиғингизда кулиб ўтирдингиз, ота ҳам шунака бепарво бўладими? Ишини зўр, дейсиз, зўр бўлса қарз олармиди?

– Қарзи унга туғиб беради, кампир, ўғлинг сени чилёсин қилиб кетди.

Қаландар ота пешин намозини ўкиш учун масжидга кетгач, Хожар ая икки набирасини уйга олиб кириб ухлатди. Уларнинг ёнида чўзилиб ўзининг ҳам кўзи илинибди, кимдир чақиргандай чўчиб уйғонди. Бир-пас қулоқ солиб турди, ҳеч қапақа овоз эшитилмади. “Тушим эканда”, деб кўйди-ю, яна ўйга толди: “Овоз жуда таниш, жуда кадрдон, онамнинг овозими ё қайнонамникими?”. У буни эслолмади.

Хожар аянинг ёдига келинининг, доғланган ёғ қолмаган, деган гали тушди ва ташқарига чикди. Олов олдириб кўйишмасин деб ҳар икки келинига пахта ёғини Хожар аянинг ўзи доғлаб беради. У ошихонадан ёғ идишни олиб, қозонга ёғ солди ҳамки, кўнгил ғашлиги тарқамади. Чоли далда берган бўлса-да, хаёлидан Ғолибининг қарзи кетмади, болагинам бунча пулни қандок тўлайди, деган фикр бутун вужудини эгаллаб олди.

“Қарзини юз миллион сўм, дедими? – яна ўйлади у. – Бу пул канча

ўзи? Бир ойда 220 минг сўм пенсия олсан бир йилда қанча бўлади?
Юз миллион сўмга етиши учун қанча вақт керак?”

Ҳожар ая кара-кара қилди-ю, ҳеч ҳисобини тополмади, поилож келинини чақирди.

– Келин, хей келин, бу ёқка қаранг.

– Ҳа, ойи.

– Ҳар ойда 220 минг сўмдан пенсия олсан неча йилда 100 миллион сўм бўлади?

Келин қайнонасининг кутилмаган саволидан ажабланди.

– Тинчликми? Нима учун керак бу сизга?

– Ўзим, шунчаки қизикяпман. 100 миллион сўм қанчалигини билмоқчиман.

Ҳожар ая келинига Ғолибнинг ахволини айтмади, айтмасди ҳам, биладики, келини бундан хурсанд бўлади. Гарчи Ғолибга хусумати бўлмаса ҳам хотинини ёмон кўрганидан уларнинг омадсизлигидан кувониши аник.

– Ҳозир, калкуляторни олиб чикай, анигини ҳисоблаб бераман.

Ҳожар ая кутиб турди, Саодат калкулятор билан аввал 220 минг ракамини 12 ойга кўпайтириди.

– Бир йилда пенсиянгиз 2 миллион 640 минг сўм бўлар экан. Юз миллионни бу ракамга бўлсак тахминан 37 йилдан зиёдроқ вақт керак.

– 37 йил дедингизми? Бу қарийб кирк йил дегани-да, шундайми?

– Шундай, лекин пенсиянгиз ҳар йили ошиб боради, тахминан 30 йил десак тўғри бўлади. Эҳтимол, 25 йилdir.

– Ўтгиз йил? – беихтиёр ух тортиб юборди Ҳожар ая. – Унгача ким бор-у, ким йўқ.

У сувга тушган нондай бўшашди. Саодат қайноаси нега бунақа ҳисоб-китоб қилганини тушунмай елкасини кисиб уйига кириб кетди.

Ҳожар ая ўчок бошига борди-да, козоннинг тагига ўтин калади ва олов ёқди. Қалаштирилган гўзапоя аввал тутаб, сўнг туриллаб ёнди. “Қаттикроқ ўтин олиб келай, ёғ оби-тобида доғлансан”, деган фикрда ўтinxона томон юрди.

Ҳожар ая хаёл-бехаёл ўтinxонага кирди ва оёғи остида турган ойболтага қоқилиб йиқилиб тушди. У қокилганини, йиқилганини сезди, бир зумда ср билан осмон чирпирак бўлиб айланди, срда ётибдими, осмондами, билмади, билолмади, ўрнидан турмокчи эди,

нимадир кўқрагини қаттиқ босди, у зўр бериб босимни енгишга, ўзини ўнглашга уринди, кўлидан келмади. Сўнг кичқирмоқчи, келинини ёрдамга чақирмоқчи бўлди, овози чиқмади. Кейин... Кейин нима бўлганини билмайди...

Масжидан қайтган Қаландар ота у ёқ, бу ёқка алантлаб хотинини кўрмади, ўчоқ ичидаги ғўзапоя кип-қизил чўкқа айланган, ёнмаган кисми осилиб тутаб ётарди.

Қаландар ота хотинини уйда деб ўйлади, ичкарида икки набираси пишиллаб ухлар, кампири кўринмасди. “Қаёқда бўлса?”. Унинг юрагига ғулгула тушди ва келинини чақирди.

– Келин, кайнанғизни кўрмадингизми?

– Ҳозиргина шу ерда эдилар. Мендан пенсиям неча йилда юз миллион сўм бўлади, деб сўрадилар, нега сўраганларини айтмадилар ҳам.

Қаландар отанинг кўнгли бир ноҳушликни сезгандай атрофга олазарак қаради, кампири кўринмас эди.

– Кўшнининг уйига ўтгандирлар, лада.

– Йўқ, у ишини чала ташлаб қўшниникига ўтадиган аёл эмас, ҳали ёғи ҳам доғ бўлмаган.

Қайнота-келин ҳовлида зир югуриб Ҳожар аяни излашди ва...

Бир зумда стиб келган “Тез ёрдам” машинаси уни касалхонага олиб кетди. “Миясига қон қўйилган, геморогик инсульт”, деб ташхис қўйишиди дуҳтирлар.

Кўп ўтмай касалхонага болалари, келин ва қуёвлари стиб келишиди. Ғолиб дуҳтир нима дори буюрса бир зумда хозир қилди, аммо нафи тегмади – эртаси тушдан кейин Ҳожар ая бандаликни бажо келтирид..

Ғолиб отасининг эътирозига қарамай марҳумани касалхонадан тўппа-тўғри ҳовлисига олиб кетиб, уйидан чиқарди, еттиси, кирқи кунлари кўй сўйиб, элга ош берди.

Ҳожар аяннинг ҳолини билганлар, ўғил шу ҳимматини онаси тириклик пайтида қисса бўларди, дейишиди.

Билмаганлар, оқибатли ўғил экан, уйидан чиқарди, иззатини жойига қўйди, дейишиди.

Онасининг йил оши берилган куни Ғолиб унинг қабрига копкора мартарош қўйди, атрофини темир занжирлар билан ўради. Кўримсизгина кулбада умргузаронлик қилган Ҳожар ая ётган жой кабристондаги энг ҳашаматли қабрга айланди...

Салоҳиддин ИСОМИДДИНОВ



Салоҳиддин ИСОМИДДИНОВ 1958 йилда Китоб туманидаги Ҳўжсаимликони қишилогида туғилган. Тошкент Давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг журналистика факултетини битирган. “Янги газета” газетаси Бош муҳаррири вазифасида ишилайди. Ўзбекистон Журналистлар ижодий ўюймаси аъзоси.

Унинг “Ҳазрати Ҳожагий Имканагий”, “Яхшилар чироги учмагай”, “Барҳаёт устозлар”, “Ер ости бойтикларини излаб”, “Тоғ ичинда бир кишвар”, «Таъзим сизга, устозлар» номли китоблари нацир этилган.

МОМОЖОН

Ҳикоялар

Телефон кўнғироғи Мохирани уйготиб юборди. Телефон ўлгур трюмонинг устида колган экан. Тонг сахар, айни ширин уйқуни бузган кўнғирок унини ўчириш учун ҳам ўриндан туриш керак. Дастрраб оғринди, тургиси келмади. Озрок жимликдан сўнг яна кўнғироқ овози янгради. Кўнғироқ ҳам беўхшов туюлди. Бунинг устига унинг ўчиб ёниши, ойнада акс этиб ўчиб-ёнаётган нурнинг таъсири Мохирани ўзига келтирди.

– Ким экан-а, каллаи сахарлаб.

Тезгина ўрнидан туриб, телефон экранига қаради. “Онам” деган ёзувни ўқиди-ю, бирдан яшил тугмачани босди.

– Қизим, яхшимисизлар. Барвакт безовта килдим.

– Нима гап, онажон? – Мохиранинг ёдига уни жуда яхши

кўрадиган юз ёшни қоралаб қолган момоси тушди. – Момомга бир гап бўлдими?

– Момонг яхши, лекин сени кўришни истаяптилар...

Такси Шахрисабзга қараб йўлга чиққанда қуёш тоғ ортидан кўтарилиб келаётган, оламга ўзининг олтин нурларини сочиб ўзгача бир тароват бағишларди.

Моҳира машина деразасидан қараб кетар, лекин ҳеч нарсани илғамасди. Унинг фикри ҳаёли момосида эди: “Момомга бир гап бўлдимикан?”.

Ҳисоблаб чиқди: момоси энди тўқсон саккиз ёшга қадам кўйди, демак, ҳали-бери ўлмайди, чунки ҳаммага юз ёшга кираман деб ваъда қилган.

Бир куни маҳалла шифокори момонинг холидан хабар олгани келди. Моҳира момосининг олдида эди. Бу воқеага ҳам ўн йилдан ошди.

– Қани моможон, бир соглигингизни текшириб кўрайликчи. Бош оғрияптими, “Давления-павления йўқми? – Духтирлар қалпогини бошига бостириб олган Мамасоли сўмкасидан қон босимини ўлчайдиган асблоларини олиб, момога яқин келди. Момо кулимсираб билагини тутди. Мамасоли қўлидаги аппаратнинг кўрсатишига қараб ранги-кути учди.

– Моможон, давлениянгиз жуда баланд. Қимирламанг. Моҳирахон, мен дори ёзиб бераман. Тезда олиб келиш керак.

Момо духтирни ҳам лол қолдириб, билагини ўраб турган тасмани ечиб, иргитиб юборди.

– Мен касал эмасман, болам. Дори-порингни кераги йўқ. Менга жин ҳам урмаган. Мамасоли болам, мен юз ёшга кирмокчиман. Бунга эса ҳали ўн икки йил бор...

Моҳира момоси билан доимо ҳазил-хузул қиласди. Ўзи момоси ҳам шўх-шодонгина-да.

– Моможон, сизни у ёкка чакирмаяптими? – дейди кулиб ҳар замон ҳабар олгани келганида.

– Ҳали бунга анча вакт бор. Барвакт жўнашга бало борми?

– Менга қара, неварагинам, – дейди момо ҳазилни давом этириб, – бирорта тўқсондан ошган “бойвачча” бевадан топ. уни жўнатиб юборсак, бойлиги бизга қолади.

Момо узоқ йиллик ҳаёти давомида турмуш деб аталган қийинчилик-синовларни босиб ўтди. Ўттизинчи йиллардаги очарчи-

ликлар, кирқинчىйиллардаги лаънати урушнинг барча даҳшатларини бошидан кечирди. У ҳар қандай кийинчилик, азоб-укубатни кулиб енгишга харакат қилди. Ўзини доим тетик кўрсатишга уриниб олға интилди. Руҳан бардамлик унинг соғлигини бир маромда саклади. Ҳар қандай шароитда ҳам ўзига қарашибга вакт топди, пардоз-андоз килишни унутмади. Ўсма-сурма кўйишни ҳеч канда қилмасди.

Келинлари, айникса, невараси Мохира га ҳам доим панд-насиҳат киласди.

— Сизлар кандай аёлсизлар,—лерди келинларига. — Элликка кирмасдан юзларингга ажин оралабди. Ўсма-сурма кўйсангизлар, ўрни келса ўйнаб-кулсангизлар ёпарасизлар. Эрларингизга пардоз-андозсиз кўринманглар. Сизлар хурматни жойига кўйсангизлар эрларингиз ҳам эркалайди сизларни.

Момо ўша пайтда саксон ёшда эди. Кўзи бирдан хиралашиб қолди. Шифокорлар кўз пардасини олиб ташлашини тавсия этдилар. Момо анча абжир, соғлом кўрингани билан ёши ўтган эди.

Бир куни уч ўғил ҳам онанинг олдига чакирилди. Момо ўғилларига караб дадил гапирди.

— Мен энди саксонга кирдим. Юз ёшгача яшамоқчиман. Иккала кўзим ҳам кўрмай қолса, ким мени шунча йил етаклаб юради. Етаклаб эмас, кўтариб ҳам юрасизлар, буни мен биламан. Аммо мен шунча йил қоронғиликда юришни истамайман.

— Сиз нима десангиз биз учун қонун, — деди катта ўғил оппок соқолини силаб. Қолганлари ҳам акаларини тасдиқлаб бош эгдилар.

— Биламан, — деди момо катта ўғлига қараб. — Якинда набирангга келин қилмоқчисан. Мен тўйда тўйиди ўйнасан дейман.

Хуллас, уч ўғил бор жамғармаларини ўртага тўқдилар. Катта ўғил онани Оренбургдаги кўз духтирига олиб кетди. Барака топсин духтирлар. Уларга момонинг кўришни астойдил истагани ҳам кўл келди. Кўзи кўра бошлади. Набира келиннинг тўйида ўйнаб, ҳаммага кайфият бағишилди.

— Шунга ҳам ўн саккиз йил бўлибди-я, — дейди Мохира ўзига ўзи. — Момом ўшанда тўғри айтган эканлар. Агар кўзни даволатмасалар шунча йил бирорвга муҳтож бўлиб юришнинг ўзи бўлармиди.

Момо учун болалари ҳали ҳам ёш. Уларни худди ёш болани уришгандай уришади. Панд-насиҳат қиласди. Саксонга яқинлашган катта

ўғли оппок соколли нуроний отахонга айланган. Онанинг олдида эса ёш боладек ўтиради. Онажон деб эркаланади.

Момо эса ёнида ўтирган невараси Моҳираға қараб, унинг отасини уришади:

– Ҳеч аклинг кирмади сен болани. Қачон одам бўласан?

Моҳира эса момосини кучоқлаб, бу гапни ҳазилга буради. Келини – яши Моҳиралинг онасига ҳам момоси баъзан ташбек бериб туради. Онаси кексаликданми, у ёқ-бу ёғи оғриётганини айтиб, ахволидан нолиб қўяди. Момо эса уни боғлаб уришиб беради. Лекин онаси қайнонасидан хафа бўлмайди. Узок йиллар биргага яшаб унга ўрганиб қолган.

– Ўзингизга қарасангиз бўлмайдими, келин, – дейди момо жеркиб.

– Саксонга кирмай кариб колибсиз. Пардоз-андозни унутдингизми-а? Агар мен эркак бўлсан, сизни бундай холда қўймасдим.

Кейинги пайтлар севимли набираси Моҳирани ҳам тергаб туради.

– Нечага кирдинг, – сўрайди ундан момо.

– Мен ҳам қаридим, элликдан ошдим, – дейди кулиб Моҳира.

Момо эса қулимсираб давом этади:

– Сени энди оқиинг оқка, қизилинг қизилга айланган пайтинг, ўзингга қара доим, юзингга ажин кўрмай сени. Мен доим ўйнаб-кулиб юрганингни кўрай...

– Эҳ моможон, қани энди ҳаёт факат ўйин-кулгидан иборат бўлса...

Ёш бўлишига қарамасдан эрининг оламдан ўтганига анча йил бўлди. Икки боласи билан бўзлаб қолаверди. Рўзғор тебратиш осонми? Айниқса ҳам ота, ҳам она ўрнини босиш кийин-да...

Балоғатга етган ўғлининг ташвишини қилсинми, бўйи етган қизини ўйласинми? Иккисини ҳам ўлаш унинг гарданида...

... Таксист тормозни қаттиқроқ босди, шекилли, машина асфалтда овоз чиқариб тўхтади. Моҳира етиб келганларини биљди-да, машинадан тушди.

Ойнаванд дўкон ёнидан болалиги ўтган қадрдон кўчасига бурилди-ю, тилига бирдан “Хайрият”, деган сўз келди. Дарвоза олдида ҳеч ким кўринмади.

Остона ҳатлаб, ўзини илхақ кутаётган моможониси бағрига ташлади. Момонинг дўгир-бўғир бўлиб колган юзидан эҳтиёт бўлиб, меҳр билан ўпар экан, лаблари беихтиёр пичирлади:

– Моможон, сиз ҳали ўлмайсиз, сиз албатта юздан ошасиз. Ҳали икки йил бор-а...

АНЗИРАТ

Анзират бугун биринчи марта эридан рухсатсиз бозорга отланди. Қўлига рўзгор сўмкаси ва яқиндагина сотилган гунажинининг пулидан бир дастасини олди-да, гузарга келиб тўхтаган автобусга чиқди...

Аслида бундай қарорга бугун келган эмас. Узоқ вақтдан бери нимадир қилиш кераклиги хақида кўп ўйлади. Бир неча марта қандайдир қарорларга келган, лекин амалга оширишга келганда кўлидан келмади.

Кеча кечда эри ҳар доимгидек вактида келди. Дарвозадан кирибок:

— Анзират, — деб овоз берди. Олма дарахти остидан, ярми чирий бошилаган олмаларни тўғраб, молга беришга ҳозирлик кўраётган Анзират, пичок, тоғорани ўша ерда қолдириб, эрига пешвуз чиқди.

— Ассалому алайкум, чарчамадингизми? — деб дархол эрининг кўлидан кетмонини олди.

Ҳар куни ширин сўз айтиб, эркалаб, сўнг сўрига ўтадиган Эралининг бугун анча шапти пастдай кўринди. 20 йилдан бери эрини дарвоза олдида кутиб оладиган аёл, бугун эрига жиддийроқ назар солди.

Қирққа чиққан эркак кирчиллама бўлади, дейишади. Юзларида ажин пайдо бўла бошлабдими? Дўпписининг остидан, қулоғининг орқасидан чикиб турган сочига бир-иккита оқ оралабди. Оддий колхозчи бўлишига қарамасдан, ҳар куни эрта тонгда соқолини қиртишлар, атир сепар, сўнг ойдек кулиб турган Анзиратнинг юзидан оҳистагина ўпарди-да, кетмонини елкасига ташлаб, далага йўл оларди. Яқин-яқинларгача ўзгармаган бу одат, сўнгги бир йилми, икки йил ичida бироз ўзгарди. Ҳозир соқолини ҳафтада бир марта олишга ўтди.

Аслида Анзират ҳам кўпгина ёнилек одатларини йўқотди. Эрали яхши ният билан олиб берган ойнага ҳам кам қарайдиган бўлиб қолган. Баъзан икки, уч кунлаб ойна юзини артмаганлиги учун, чанг қоплаб олади. Эрали қандайдир байрамларда ёки туғилган кунида қошига ўсмани мажбурлаб кўйдиради. Сўнг эркалаб кўнглини овутади.

Бундан 20 йил бурун тўйлари бўлганда, Лайли ва Мажнун

бир-бирларини топишиди, деб қишлоқдошлари ҳазиллашардилар. Агар тўйгача бўлган севги саргузаштларини Ҳазрат Навоий эшитганларида эди, “Фарход ва Ширин”га ўхшаш яна бир достон ёзган бўлармиди?

Дастлабки беён йил жуда баҳтли ҳаёт кечиришиди. Бироқ тақдир буларни жуда қийин синовга рўбарў килди. Анзиратнинг бўйида бўлмади. Уларнинг севгиси ва бир-бираига муҳаббати эса ошиб борди. Бу синов вақтингчалик, албатта, баҳтли кунлар келади, деб ишонишарди.

Олдинига ҳамма ипонди. Кейин ҳафсалалари пир бўла бошлиди. Ҳамма, ҳатто ҳамсоя ҳаққача буларнинг баҳтини ўйларди.

– Анзират, баҳтингни ўйласанг-чи? – дейишиди улар. – Ёшинг ҳам 30 дан опди.

– Факат ўзингни эмас, уни ҳам ўйла, – дейишиди баъзилар.

Анзират ўзига яқинларига ҳеч нарса дёёлмади. Факат аламини кўз ёшидан олди. Бир неча марта ҳадеб эрининг баҳтини ўртага кўйғанлари учун, мен розиман, ўйлансинлар, деб уйдан чиқиб кетди. Хар сафар орадан бир кун ўтар ўтмас Эрали бориб олиб келарди.

Қайнона-қайнота ҳам олдинма-кетин боқий дунёга кетгач, кундуз кунлари Анзиратга ёлғизлик азоби баттар билинадиган бўлди. Ўзи билан ўзи гаплашар, қиласиган ишларини баъзан англамай ҳам коларди.

Бир куни пешинга яқин Анзиратнинг кўшниси Нури хола учининг эшигини такиллатди. Ҳеч ким овоз бермади. Дарвоза тавақасини итариб, ҳовлига кирди. Ҳовлида ҳеч ким йўқ. Ичкаридан эса овоз эшитиларди.

Нури хола, бу хонадонга яқин бўлғанлиги учун пешайвонга чиқди-ю, бир зум тұхтаб колди. Анзиратнинг чиройли овози энди барадла эшитиларди:

– Аллаё, алла, болам,
Кўзимнинг нури болам,
Мени шунча куттирган,
Захар-заккум юттирган,
Келганинг чин бўлсин болам,
Аллаё алла, болам.

Нури хола дастлаб бу холдан сесканди, бироқ ёпи улуғроқ эмасми, ҳеч иккиланмай, дадил юриб уйга кирди. Эшикни очди-ю, ичка-

рига қараб, оғзи ланг очилди. Ўйнинг ўртасида бешик. Бешикнинг остига атлас кўрпача тўшалган. Устига атласдан қилинган қуроқли кўрпача. Анизират ўзининг остига ҳам атлас кўрпача тўшашни унумаган. Марғилон хонатласи ўзига жуда ярашган Анизират ястаниб ўтириб олиб, ўнг кўли билан бир маромда бешикни тебратар ва унинг гичирлашига мос равишда бир хил овозда алла хиргойи қиласади.

Эшикнинг беҳосдан очилгани Анизиратни бирдан ўзига келтирди. Тура солиб, уввос ийғлаганча ўзини Нури холанинг кучоғига отди...

Бозорга бориб келгач, ўзининг дадиллигидан ўзи ҳам ҳайрон колди. Бозорлигини – костюм-шим, чуст дўппи, оқ кўйлакни яна бир кўздан кечирди. Бозорликдан кўнгли тўлдими, уларни целофайн пакетга солди-да, токчага олиб кўйди.

Эрали ҳам ҳар доимгидан анча барвакт ишдан келди. Анизиратнинг бугун эртачирок келинг, деганини тушунмаган эди.

– Яхши келдингизми? – ҳар кунги одатини канда қилмади Анизират.

– Нима гап? – деди эри.

– Ўзингизга карасангиз бўлмайдими? – Анизират эркаланиб эрининг неча кундан бери устара кўрмаган соколини силади. – Соқолингизни олинг, мен сизни қирчиллама йигит холида кўргим келди.

– Майли, азизим, сокол ёқмаса ҳозир олиб ташлаймиз.

Эри соколини олиб, юз-кўлини артиб, ичкари кирса Анизират ҳалиги бозорликни – костюм-шимни қўлига олиб, мунглироқ холатда тикилиб туарди.

– Тез бўлинг, мана буни кийиб олинг, ҳозир месъмон келади.

– Қандай меҳмон, нима гап, тинчликми?

– Илтимос, тезроқ кияқолинг, ҳозир келиб қолишади.

Эрали костюм-шимни кийиб, бошига ола дўппини қўндириб, энди ойнага қарайман, деганда дарвоза тақиллади, сўнг овоз келди:

– Эрали полвон, Эрали полвон.

Қишлоқ оқсоқоли Аминжон бобо кириб келгач, Эрали аёлининг тараддудини англагандек бўлди. Бу хусусда хотини бир неча бор айтган бўлса-да, Эрали унамаган эди. Бугун эса икки киши олдида, айниқса, хотинининг дангал-дангал гапиришидан нима дейишини билмай колди.

– Сизнинг ўйланишингизни мен истайман, тушунсангизчи, – деди Анизират. – Мен ўзим совчиликка бориб келдим. Келин томон ҳам кўнди. Агар ҳайдамасангиз мен бу уйдан ҳеч қаёққа кетмайман. Ке-

линпоишшога ҳам кундош, ҳам қайноналик қилавераман,—деди—ю, уввос солиб йиглаб юборди...

Уч кундан сўнг тўй бўлди. Дабдабали, шовқинли эмас, тинчгина, бирор билиб, бирор билмади. Эри ўлиб биргина боласи билан ёлғиз қолган жувон бу ҳовлига келин бўлиб келди. Тўй бошида бутун қишлоқ аҳлини лол қолдириб Анзиратнинг ўзи турди. Ҳамма маросим тугаб, меҳмонлар ҳам кетиб бўлгач, Анзират эрини кундошининг олдига киритиб юборди.

Сўнг ўзи ажратган кўндаланг уйга кирди—ю, бўй-басти билан ўзини кўрпачага ташлади. Анзиратнинг эрталабгача йиглаб-йиглаб чарчагаи кўзларига бу оқшом бир зумга ҳам уйку қўнимади...

МЕНИ КЕЧИР, ҚИЗГИНАМ

Салим шанғиллаган овоздан уйғониб кетди. Бугун ухлаб колибди ҷоғи, аллақачон қўшп кўкка қараб бир терак бўйи кўтарилиган, унинг заррин нурлари ўётган чорпояга тараалаётган эди.

Дарвозахонада хотини кимгadir бакириб, асабийлашаётган эди.

— Кимсан, қанақа отаиг, мен танимайман уни.

У эринибгина ўрнидан туриб, кўйлагини кийди. Хотини дарвозани тарақлатиб ёпиб, қовок-тумшуғини осилтириб, чорпоя олдидан ўтиб кетди.

— Ҳа, ким экан? Бунча шовқин солмасанг, кўни-кўшни нима дейди? Ўн йилдан бери ақл кирмади санга.

Зеби унинг гапини эшитмаганга олди, хатто унга қайрилиб ҳам қарамади, тўғри ошхонага кириб кетди.

Салимга дарвозахонадан қиз боланинг овози эшитилгандек бўлган эди. Келган қизиммикин, ўйлади у. Оқшом яхши ухламади ўзи, алаҳсиради шекилли, қандайдир тушунарсиз ҳолатларни тушкўрди. Факат бир нарса эсида қолди, узоқдан келинилк либосидағи қизининг: “Отажон, сизни соғиндим”, деган овози эшитилгандек бўлди. Бу не сир-синоат экан, деб ўйлай бошлади.

У ўз оиласи, қизи, ўғлини ташлаб, хозирги аёлига илакишиб келганда, яшаш бошқачарок эди. Енгил-елпи ҳаёт кечириб ўргалган Зеби ўттизга кириб қолган бўлиб, ўтган давр ичиди уч марта эрга чиқиб, ажралишга ҳам ултурган.

Бир куни Салим бозорга ховлисида етиштирган анорни олиб чиқди. Кун бўйи пашша кўриб ўтириди. Бирорта ҳам харидор сўрамади. Ёнгинасида олма сотаёттап Зеби эса унга ҳар замон гап отиб кўярди. Харидор сийраклашгач яна унга нигоҳ ташлади.

– Анерингизни сотасизми?

– Агар сиз оламан десангиз, албатта.

– Кўриб турибман. Сиз бечорага қийин бўлди. Ҳозир бозорда анор аранг икки юз сўм бўлса-да олув йўқ. Юз сўмдан берсангиз мен олиб қоламан.

– Йўқ, кун ботишига ҳали икки соат бор. Сабр қиласиликчи.

Алкисса кечгача ҳеч ким унинг анорини сўрамади. Кун ботиб бормоқда. Бозор тугаяпти. Нима қилса бўлади. Энди мана шу аёлга ялиниши керакми? Буни уйига қайтиб олиб кетишнинг ўзи кийин.

– Синглим, шуни олиб қолинг, – деди Салим.

– Боя юз сўмдан бермадингиз, энди эллик сўмдан оламан.

Салим нима қилишини билмай, бироз ўйламсираб кутиб қолди. Бозорда харидор аллақачон сийраклашганди.

– Майли олинг, – деди охири. Зеби яшикдаги анорларни у ёқ, бүсфига қаради, қўлига олди, қўйди. Кейин деди:

– Исмингиз нима?

– Салим.

– Салим ака, ана шу анорни икки сесткага соламиз. Кейин менга ёрдамлашиб уйимга олиб борасиз. Уйим бозор ёнгинасида. Хохласангиз меҳмон бўлишингиз мумкин. Қўрқманг. Ҳеч кимим йўқ. Шу каталакдек уйим ҳам биринчи эримдан мерос менга.

Шу оқшом Салим Зебиникида тунаб қолди. Лаънатлар ёғилган ана шу оқшом туфайли у оиласи, кизи ва ўғлини ташлаб, шу ерда Зеби билан бирга яшаб, бирга бозор кила бошлади.

Ана пунга ҳам ўн йил бўлибди. Демак, кизи йигирмага кириб қолган. Шунча вақтдан бери на қизи, на ўғли, на хотинини кўрди, соғинмади ҳам. Қишлоқ оқсоколи билан бир марта кекса тоғаси келиб, бу йўлдан қайтаришга уринишиди. Лекин уларни эшиттиси ҳам келмади.

Нима эксанг, шуни ўрасан дейилгани, бежиз эмасга ўхшайди. Унинг қилмиши Аллоҳга ҳам ёқмади шекилли, Зеби билан ўн йилдан бери бирга яшаса ҳам фарзанд кўрмади. Энди ёш кетган сайин, Салим кўп ўйлайдиган, афсус киладиган, агар кучдан қолса, булар-

га, аникроғи, менга ким қарайди деб ўйлайдиган бўлиб колди. Зеби аллақачон унга каттик гапириб, зуғумини ўтказадиган бўлган.

Хотини ошхонадан чиқиб келиши билан унинг йўлинни тўсди.

– Ким экан деб сўрадим сендан.

– Бир киз экан, менинг отам Салимни айтиб қўйинг деганига уришиб бердим. Ўн йилдан бери бирор сизни сўраб келгани йўқ–ку.

Салим шу куни Зеби билан ионуштага ҳам ўтирамади, бозорга борипни ҳам ўйламади, кийиниб кўчага чиқиб кетди.

– Демак, қизим келган, – ўйга толди у. – Бу ерни қандай топган бўлса. Уларга пул керакмикин. Йўғе. Ўн йилдан бери пул сўрагани йўқ–ку. Ҳатто қонуний ажрашиб алимент ҳам талаб қилмади, хотини.

У ҳаёл билан бозор олдиаги бекатга келди. Максади, қишлоқдан бирорта якинрок одамни кўrsa сўраш эди. Аксига олиб танишни ҳам учрата олмади. Бирор соат серрайиб кутди. Қўшни қишлоқдан таниш бир одам келиб, у билан ҳол-аҳвол сўрашиб, ўзи уйингда тўй бўляпти-ку, сен бу ерда ўтирибсан, деди. Бунинг ҳаётидан у бехабар эди.

Бекатдан аста-секин бозор томон юрди. Бозорнинг катта дарвозаси олдида одам гавжум. Бунча ҳам одам кўп бўлмаса. Агар бирор дақиқа оёқ остига қараб юрсангиз, пешонангиз кимнингдир пешонаси тегиб кетиши турган гап. Салим ўзи англаб етмаган ҳолда, тутикунликка тушиб, турли ҳаёллар гирдобига шўнғий бошлади. Бозор дарнозаси олдида бироз ўзига келиб, бир ҳаёли ичкарига кирсамми, Зеби келгандир, деб ўлади. Сўнг бирдан “эй” деб қўл силтади. Беихтиёр “Болалар дўкони” олдидан ўтиб, зинапоялардан эҳтиёткорлик билан тушиб, икки томонидаги гуллар қийғос очилиб турган ҳайкал олдиаги майдончага келиб колди. Йўл ёқасидаги бетон тўсиқ устига ўтириб, атрофга тикилди.

– Демак, қизим турмушга чиқяпти. Мен каттик адашдим.–деди ўзига ўзи, – Эй Аллоҳ, мени кечир. Мен аҳмоқ икки боламни ташлаб, шу аёлнинг орқасидан келаманми? Ҳеч жойда ишламаган онаси қандай қилиб икки гўдакни едириб, ичириб катта килди? Бир марта хабар олиш ҳаёлимга келмади-я мен номардни. Энди Зебидан воз кечиб уйга қайтишим керак. Э, нима деяпсан ўзи? Қандай уйга қайтасан? Ўн йилдан бери бир бурда нон бермаган болаларингга қандай отангман дейсан? Болаларинг ҳам, хотининг ҳам кечирмаслиги аник. Лекин улар менинг болам. Уларни яхши кўраман. Ахир

кизим түй бўлаяпти. Уйдан чиқаётганда ота бўлиб, “Бахтли бўл кизим”, деб оқ фотиҳа бермасам қандай отаман. Ҳадемай қизимни куёвникига олиб кетишади. Ҳозир бормасам кеч қолишим аниқ. Мени қабул қилмаса ҳам, кечиришмаса ҳам бораман, қизимга баҳт тилаб қайтаман.

Эрталаб нонушта ҳам қилмаган, уй-хаёллар гирдобига Салимнинг боши лўқиллаб оғрий бошлади. “Эй, бор-еий”, деди ўзига ўзи ва шарт ўрнидан туриб бекат томонга юрди.

Кишлоқка борадиган “Дамас” бекатда тўхтаб турибди. Ҳали одам тўлмаган. Салим улар томон юргиси келмади. Караса бир-иккита ўзидан сал катта ва кичик одамлар ўтирган экан “Дамас” ичида. Уларнинг олдига боришига юзи чидамади. Сал берироқда тўхтаб турган “Жигули” автомашинаси томон юрди. Олд томон эшигини очиб шоффёрнинг ёнига ўтирди. Сўнг мақсадини айтди. Автоулов тезгина жойидан кўзгалди.

Кўчасига бурилса машиналар тирбанд. Уйи олдида болалар, каттапар, хотин-калаж тўла. Келинни куёвникига кузатишга ҳозирлик кўрилаётган экан. Дарвоза олдида тўхтаган оқ “Нексия”нинг икки эшиги ҳам очиб қўйилган. Ичкаридан келинни чиқишига интизор.

Салимга ғойибдан қандайдир бир куч келди. Одамларни у-ёқ, буёққа суринб, олдинга караб юриб эмас, югуриб интилди. Ҳовлидан чикмасданоқ қизи олдига боришини, кечирим сўрашни, унга баҳт тиляшни истади. У отилиб дарвазадан ичкари кириши билан дарвожаҳонанинг бошида кеслин либосидаги қизи оёқ тирагандек тўхтаб колди.

Салимга узокдан кўзи тушган қишлоқ кайвониси бор овозда ҳайқирди.

– Эй, одамлар. Отасига йўл беринг.

Ғала-ғовур бирдан тўхтаб колди. Қизи томон келаётган Салимни кўриб ҳамма ҳазар қилгандек ўзини четга олди.

– Отажон, – қизи бирдан эгилиб йиғлаб юборди. Сўнг ўзини отасининг кучогига отди.

– Мен ахмокни кечир, қизгинам. Сенга баҳт тилайман, – дея олди Салим аранг ўзини ушлаб.

У қизига қўшилиб беихтиёр йиғлаб юборди.

Эргаш ИБРОХИМОВ



Эргаш ИБРОХИМОВ 1960 йил Мусобозор қишигюсигда туғылган. Ўзбекистон Миллий Университетининг журналистика факултетини билирған. Иш фаолиятини “Кишлоқ ҳақиқати” (хозирги “Қишлоқ ҳаёти”) газетасида мухбирликдан бөшлаб, китапта мухбир, бўлим мудири бўлган. Кейинчалик “Шарқ бизнес-хабарномаси”, “Шарқ-Пресс ТИЖ” газеталарини ташкил этиб, уларга мұхаррарлик қылган.

Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси.

КУРАНТ ЁНИДАГИ УЧРАШУВ Ҳикоя

Йигит ваъда бўйича белгиланган жойга етиб келганида курант соғти икки бўлишига ўн дақиқа борлигини кўрсатиб турарди. Ҳар холда эртарок келгани яхши бўлди, аммо киз нима учун чучвара киладиган шу нақшинкор кафе-ошхонани танлади экан?! Учрашув учун шаҳарда чиройли хиёбону боғлар, ёшлар учун кафе-барлар тўлиб ётибди-ку. Тўғри, бу жой ҳам марказ, гўзал хиёбонлардан бири: ана, ёнгинада осмонўпар месмонхона, ксийин ҳашаматли сарой, эгизак курантлар, соҳибкирон бобонинг от мингандан салобатли ҳайкали, сал нарида куббали айланана музей... Киз унинг курант соатига караб, вақтни билиб туришини истаганмискан ё бошқа нияти борми?

Бу ерга тамадди қилгани катталар кўпроқ келишаркан. Киз телефонда кафе эшигига етмай, ўнг тарафда кўйилган учинчи столни айтганди. Йигит ўшта томонга қаради, у стол атрофидаги оқ пласт-

масс стуллардан бирида сочларини чиройли турмаклаб, бўйнига кичикроқ гулли оқ ҳарир рўмол ташлаб олган; устида гуллари оқ, оч яшимтирик кўйлак; чесхрасидан ёшлигида гўзал бўлғанлигинилг пушси кетмаган олтмиш ёшлардаги истарали бир буви ўтирас, аёлларга хос каттароқ чарм сумка ёнидаги стулда туради.

Қиз йигитга айнан шу столни айтганди. Қизик бўлди-ку!?

У курантга қаради: соат икки бўлишига етти дақиқа бор. Шу пайт йигит тўсатдан хаёлига келган фикрдан хафа бўлиб кетди. Ахир биринчи учрашувга ҳам куруқ кўл билан келадими?! Эҳ, ҳомкалла! Энди бирон нарса қылса бўлармикан?! Етти дақика ичидаги нимага ҳам улгуради! Ўзига қолса, кизнинг пуштиранг лабларидек чиройли атиргул олган бўларди. Атиргулни, унинг хуш исини ниҳоятда яхши кўради. Кейин гул киз учун яхши совга. Лекин хозир уни қаердан топиб бўлади? Энг яқин гул дўкони хув театр ёнида, бориб келишга ярим соат кетади. Кафеда совғага арзигулик нарса бўлиши амри маҳол. Гулми, совғами бўлгандага гап гапга тезрок қовушармиди...

Анави, столда ўтирган буви негадир унга тез-тез караб кўяяпти. Худди кузатаётганга ўхшайди. Ё унга шундай туюлаётганмикан? Барибир, унинг шу жойда ўтиргани, кузатишлари қандайдир кизик, шубҳали. Ахир канча столлар турганда, келиб-келиб шу ерга ўтирадими?..

Соат икки бўлишига беш дақика қолди! Энди у кизга бирон совға топишдан умидини узган ҳам эдики, метро томондан келаётган кирқ ёшлардаги хушбичим жувонни ва унинг кўлида ўзи орзу килган кизил атиргулни кўриб қолди! “Эй, бор Худо-ё, шу гул менгамикан, менга берармикан!?” Ҳамма нарсани унтиб, шартта аёлнинг йўлига чиқди.

– Опа, шу гулингизни менга сотинг, – деди дабдурустдан жувонга. – Илтимос. Учрашувга чиққандим, ҳеч нарса олмабман. Жон опа, ахволимни тушунинг, яхшилигиниз Худодан қайтсин. У қиз ҳар лахзада келиб қолипши мумкин.

Жувон йигитнинг ялинганинамо гапларига қулимсиради:

– Гулни бажонидил сизга берардиму... Ўттиз метрча нарида, метро бекатида бир киши бундан ҳам чиройли атиргуллар сотаяпти. Борсангиз, хоҳлаганингизни танлаб оласиз.

Йигит аёлга “раҳмат” деди-ю, ўша томонга ўқдек учиб кетди.

“Метро бекатига бориб, атиргуллар сотиб олганим ва яна қайтиб келганимга бир дақиқа кетмагандир”, деб ўйлади у. Курантта каради: сүнгги дақиқа ўтиб борарди!

Стол ёнида ўтирган буви қайсидир журнални вараклар, ҳаливери кетадиганга ўхшамасди. Бир-бирини илк бора кўрмокчи бўлган йигит билан қизга тақдир йўл бермаётгандек эди, гўё. Йигитниг қўлида гулдаста, мияси автоматдек тўхтовсиз ишлар, лекин тузукрок фикр келмасди. Бир хаёли, шартта бувининг олдига бориб, ҳамма гапни айтмоқчи бўлди, журъати етмади. Шу пайт метро томондан чап қўлида сумка, кора кўзойнак тақсан, келишган қиз кўринди. Унинг елкасидан пастрок тушган соchlари куёш нурида чўғдек товланар, ўнг қўлида, олдиндан келишганидек, қалингина китоб бор эди. Факат бу қиз телефонда ўзи айтган оч яшил гулли кўйлакда эмасди.

Йигитниг юраги бирдан тез-тез уриб кетди. “Балки кўйлагини алмаштиришга улгурмагандир”, деб ўйлади у ва беихтиёр буви ўтирган стол ёнига борди.

– Кечирасиз, мана шу бўш жойга ўтирсам бўладими? – деб сўради шоша-ниша.

– Бемалол, ўғлим, – деди буви очик чехра билан. Унинг овози кексаларга хос босиқ, мулоим эди.

Йигит бўш стулга ўтириб, иккинчисига атиргулларни авайлаб қўиди. Лескин китоб ушлаган қиз бопиқа бўлиб чиқди, уларга парво қилмай, ёнларидан ўтиб кетди. Худди шу пайт курант соати иккига бонг урди. Айтилган вакт бўлди. Йигит нима қилишини билмас, ҳайрон эди.

– Ҳафа бўлмасангиз, дилимдаги бир гапни айтай. Кўпдан бери сизни кузатаяпман, кимнидир кутаётганга ўхшайсиз, ўғлим, – деди буви очиқкўнгиллик билан. – Севган қизингизними? Ўзи қизлар кечикиб келишни, куттиришни яхши кўришади. Ноумид бўлманг, ҳализамон келиб қолади ё кўнғироқ қилиб, нима гаплигини айтади. Келса, номинга “узр” сўрайди-ю, битта ёқимли кулиб, ё бир қизиқ воқеани сўзлаб, сиқилганларингизни эсдан чиқартириб юборади.

– Ҳа, учрашувга, биринчи учрашувга чиққандим, – деди йигит бувига дардининг бир учини чиқариб. – Қизни бирон марта ҳам кўрмаганман. Телефонда “келаман” деганди, келиб колар. Келмаса,

сиз билан яхшилаб танишиб оламан. Жудаям шириңсүз, меҳрибон бувижон экансиз.

— Киз бола келиб қолса, бўш столлар кўп, биронтасига ўтиб гаплашарсизлар. “Йўқ” демасангиз, ҳозир бирга овқатлансан, — буви ўз максадига кўчди. — Бу ерда жуда мазали чучвара қилишади. Баъзан кўнгил курғур кўчанинг овқатини тусаб колади. Чучвара менга ўхшаш кексаларга юмшоққина таом-да. Кўчанинг чучварасини соғинсам, шу жойга келиб тураман. Хўш, ўғлим, овқат еймизми ё...

— Еймиз, еймиз, бувижон. Мен ҳозир... — Йигит ўрнидан турмоқчи эди, буви елкасидан ушлаб жойига ўтиргизди.

— Овқатни ўзлари олиб келишади, хув қизлардан бирини чақириб, айтсанк бўлди. Ҳай, қизим, икки кишига сувли чучвара, каймок, нон, чой олиб келинг.

Ҳаял ўтмай официант киз айтилганларни стол устига келтириб кўйди.

Йигит бир коса овқат билан пластмасс стакандаги қаймоқни бувининг олдига кўйиб, иккинчи коса билан стаканни, чойнак-пиёлаларни ўзига яқинроқ сурди.

Буви овқатдан тортиниб ўтирмас экан, “қани, овқатга қаранг”, деди-ю, бир бурда нон олиб, сувли чучварани қошиқда иштаҳа билан ейишга тушди.

— Исмингиз нима, қаерликсиз, нима иш қиласиз, ўғлим? — деб сўради буви овқатдан тўхтаб. — Дарвоке, келишиб олайлик. Бугун сиз меҳмонимсиз. Йигит кишига ярапмайди, деб рад этманг. Агар чучвара матькул бўлса, бошқа яна келамиз. Ўшандада мени меҳмон қиласиз.

— Шу шарт билан бўлса, майли, розиман. Телефон рақамимни бераман, ўзингиз ўша кунни белгилайсиз, буви. Исмим Сухайл, бувим ойимларга болалигида “Мехр ва Сухайл” достонини кўп айтиб берарканлар, шу исм у кишига ёқиб қолган экан. Иктисад университетини битираяпман, тадбиркорми, бизнесменми бўлмоқчиман. Ўзим қишлоқдан, иложи бўлса, шаҳарда ишга қоламан.

— Илоҳим, ниятингизга етинг, ўғлим. Бўлажак келин бола ҳам қишлоқданми ё шаҳарликми? Ҳайронман, қандай қиз эканки, ваъда бериб, шу пайтгача келмаса-я. Телефон қилса бўларди...

Сухайл бувининг кейинги гапларига нима дейишни билмади.

Овқатни секин-секин чайнар экан, қишлоққа борганида онаси айт-ған гапларни эслади. "Үғлим, ўқиши битираяпсан, энди ёшлигинг қолмади. Ҳамма нарса вактида бўлгани маъкул. Даданг билан маслаҳатлашиб, кўшни қишлоқдан бир яхши қизнинг телефон ракамини топиб келдим. Ота-онаси асли шу қишлоқлик, кизи беш-олти яшарлигида оиласи билан шаҳарга кўчиб кетишган. Қиз тиббиёт институтида ўқиркан. Билгандар "жуда яхши оила, қиз ҳам эслихушли, одобли, келишган", дейиши. Балки пешонангдаги қиз шудир, балки бизларни тенг кўришмас. Шундок бўлса ҳам шаҳарга борганда бир қўнғироқ килиб кўргин", деб телефон ракамини берганди.

Йигит шаҳарга қайтгач, ўн кунча ўқиш-ёзувлари билан бўлиб, қизга қўнғироқ қиломади. Бир куни ёндафттарчасида унинг ракамини кўриб қолиб, таваккалига терган эди, қизнинг "эшитаман..." деган майин овози эшитилди. Суҳайл шошиб қолиб, "яхши қиз, мен отангизга қўшни қишлоқданман", деса бўладими?! Унинг тушунарсиз гапларидан киз шараклаб кулди. "Ахири отам шаҳарда яшасалар, қандай қилиб қўшнилари қишлоқлик бўлади, – деди у кулгидан ўзини тийгач. – Телефон рақамимни кимдан олдингиз? Менимча, адашиб тушдингиз. Уйга борганда адамдан сўраб кўрай-чи, қайси қишлоқдан эканлар?"

Орадан икки ё уч кун ўтиб, қизнинг ўзи қўнғироқ қилди. Ўша куни ростдан ҳеч нарсани тушунмаганини, уйга борганда адаси ҳаммасини гапириб берганини айтиб, йигитнинг гапларига билмасдан кулгани учун узр сўради. Сўнгра негадир исм сўрашини ёмон кўришини, лекин энди у ўзига тез-тез қўнғироқ қилиб туриши мумкинлигини қўшиб кўйди. Улар бир ойча телефонда гаплашиб юришиди, бир куни қиз кутилмаганда мана шу жойда учрашишни таклиф қилиб қолди...

Буви билан йигит косадаги овқатга қаймоқ аралаштириб, нон билан охиригача паккос туширишгач, бир-бир пиёладан бостириб чой ичишиди.

– Чучвара чиндан ҳам мазали экан, буви, – деди Суҳайл. – Айтсангиз, кейинги сафар, албатта, келаман.

– Үғлим, бояги саволимга жавоб бермадингиз, – деди буви стулга ўрнашиб ўтиаркан. – Кутганингиз, яъни бўлажак келин бола қишлоқданми ё шаҳарликми? Энди биргалашиб излаймиз уни.

– Илгари ота-онаси күшни қишлоқда яшашган экан, кейин шаҳарга күчіб келишибди. Киз тиббиёт институтида ўқиркан, ота-онаси, бувиси, иккита укаси билан ҳовлида яшашаркан. На келмаганидан, на күнғироқ килмаганидан мени лақыллатган күринади. Ойим ҳам айтгандилар: “Ўзларига түқ оила, биз уларнинг тенги эмасмиз-ов”, деб.

– Сұхайлжон ўғлим, бўлмаса ўша қизни қидирамиз, – деди буви, сўнгра ёнидаги стулдан сумкасини олиб, ичидан ниманидир излашга тушди. – Ойингиз шуни келин қилмокчи бўлибдими, албатта, орзу-сига етиши керак. Бошқаси бекор.

– Қизиқ экансиз, буви, ойимнинг айтганилари бўлаверадими? Шундоқ катта шаҳарнинг қаеридан излаймиз? Яхвиси, энди уни эсламаймиз, келинликка бошка бирор қиз топилиб қолар.

Шу пайт йигитнинг кўл телефонига “SMS”-хат келиб тушди. Унда шундай сўзлар ёзилганди: “Бувимга хизмат қилиб чарчамадингизми?”

Йигит нималар бўлаётганини дабдурустдан тушумади. Буви сумкасидан кўл телефонини олиб, кимгadir кўнғироқ қилди.

– Шаъбона, – деди нариги ёқдан овоз эшитилгач. – Кел энди. Овқатланиб бўлдик, уйга қайтамиз, қизим.

Курант томондан оч яшил гулли кўйлак кийган, чиройли қоматли, юзининг аллақаерлари бувисиникига ўхшаб кетадиган, бир қўлида сумка, иккинчисида қалин китобни ушлаганча бир қиз келди. Сұхайл унга маҳлиё бўлиб қолди: ой деса ойдан, кун деса кундан гўзал турарди олдидা!

– Зерикмасдан ўтирдингларми? – деди у. – Бу киши азиз бувижоним бўладилар. Менинг исмим Шаъбона, сизники-чи?

– Сұхайл, – деди йигит. У ҳамон бўлган воқеа-ю, қизнинг чиройидан ҳайратда эди. – Бундай “томоша”нинг нима кераги борииди?

– Бу мендан чиқкан фикр, ўғлим. Хафа бўлдингизми? – деди буви. – Мен эса танишув қизикроқ бўлар, деб ўйлабман. Сизнинг ота-онангизни мен ҳам, ўғлим билан келиним ҳам яхши эслашади. Қишлоқдаги қариндошларимиздан бири ўқишини битираётганингизни айтганди. Шунинг учун Шаъбонанинг гапларидан унга сиз кўнғироқ қилганингизни сездик. Кейин шу кафеда учрашув тайинлаб, мени олиб боришига кўндиридим. Сизни кўриб, синаб, кандай

йигитлигингизни билиб бераман, дедим. Сүнгра неварам билан шу ҳангомани ўйлаб топдик. Бу ғалати фикримизга ўғлим билан келиним ҳам қўшилниши. Назаримда йигит-қизлар учрашувидан кўра бошқачароқ, эсда коларли бўлди. Ё ҳалиям биздан хафамисиз?

– Буви, Сухайл ака синовдан қандай ўтдилар? Сизга маъкулмилар ё... бироз кизариб, секин сўради Шаъбона.

– Суҳайлжонни невара ўғлим, десам ҳам бўлади. Ҳатто шу кафега яна келиб, бирга овқатланишга ҳам келишдик. У имтиҳонни “аъло”та топширди.

Нима гаплигини тушуниб, ўзига келиб улгурган Сухайл “мен хозир” деся тез-тез юриб бориб, мстро бескатидан оппок гуллар дастасини олиб келди, қизил атиргулларни Шаъбонага, оқ гулларни бувисига тутқазди.

– Неварам шаъбон ойида туғилган, унга Шаъбона деб мен исм кўйганман, – деди буви йигитга.

Шаъбона! Бу исмни илгари Сухайл эшитмаган экан, лекин энди умренинг охиригача тилидан тушмаслигига, діклидан ўчмаслигига ишончи комил эди!..

Турсунмурод ЭРМАТОВ



Турсунмурод ЭРМАТОВ Китоб туманида туғилган. Олий ўқув юртими туғатғач, күп ишлар шылдырылған. Агросаноат касб-хунар колледжиде шилдайды. Ҳикоялари республиканинг турли национальдада чоп этилган.

ПОДАЧИ Ҳикоя

Эсимда, ҳаммаси эсимда. Сенинг ҳам эсингдами, Холмурод? Чи даёлмагандим, нимадир, қандайдир ногахоний бир куч мажбур этганди үшанда. Отам тенги бўлмаса ҳам ўн ёшлар чамаси катта бир кизини... Ўзидан ўтдиёв. Дўкондор бўлса, пулдор бўлса ўзига! Нима ҳаққи бор? Магазин давлатники. Ҳамма кириши мумкин бўлган жой. Шунинг учун ҳам у кирди, Қаноат бобо. Қишлоғимизнинг подачиси. Эгнидаги чопони йиртиқ-ямоқ эди. Кирза этигини чанг қоплагани ҳам тўғри. У пештахтагача келиб ултурмади. Магазинчи Беккул аканинг кўзи қинидан чиққудек бўлди. Қўлини сермади:

— Чиқинг, ифлосингизни бу ерга олиб кирманг! Молга аралашиб мол бўлиб кетибди бу тоға!

Мен ўзимни тутиб туролмадим. Оғзимдан бир ёмон сўз чиқиб кетди, шекилли. Кейин... Ўртага кимлардир тушди. Шунда ҳам барабири унинг қовоғи кўкарди, менинг оғзи-бурним конга беланди.

Қаноатбобо, кишлоғимиз подачиси. Одамлар назаридан йирок, аммо одамларга керак бир одам...

Эсингдами, Холмурод, күнглими тарвуз емоқни тусаб, Күргонтовга туташ Үркачли қирга полизга кирганимиз. Эсингдами, ўша ғайритабий томоша? Июлнинг жазирамаси. Иссиқдан лоҳас моллар хорғин кавш кайтаришади. Чакиб, дам ўтмай безовта қилаётган чивинларни ҳайдашга ҳам ҳоллари йўқдек кўзларини юмиб олишган. Биз яйдок тупроқни чангитиб борарадик. Подаррасида ивиристиётган одамни кўрдигу, бенхтиёр тўхтадик. Кейин шошиб эшакларимизнинг бошини ўша томонга бурдик. Ҳали етмасимиздан сен туйкус: “Ўлиб копти-я, бечора”, деб юбординг. Дарҳакиқат шунга ўхшарди. Ҳа, Анварларнинг тарғили туғибди. Туғибди-ю, бузоги...

Шўрлик бузоқча. Эндиғина туғилган оларанг бузоқ кўкимтири туёқчаларини бир ёнга ташлаб, узала тушганича ётарди. Сигирнинг кўзлари олайган, зўр-базур маъраб кўяр, тинимсиз бузофини ялар эди. Ўша ивирисиб юрган одам Қаноатбобо эди. Унинг ажинли қўлларида Қонталаш бир нарса котиб қолган, кўзларида ташвиш, тахлика. Дам кўллари билан бузоқчанинг оғзини очишга тиришар, дам унинг кулокларига худди дам солаётгандай пуфлар эди. Қаноатбобонинг харакатлари чаккон, йигитларникига хос эди. Гарчи биз унинг шундок ёнгипасида бўлишимизга қарамай, у бизни пайқамас, ишни эҳтиёткорлик билан, чаккон бажаради.

Бир маҳал бузоқча билинар-билинмас қимиirlагандай бўлди. Бирдан бобонинг харакати тўхтади. “Кўзимга шундай кўринидими?”, дегандек синчковлик билан тикилди. Бузоқча қимиirlаб кўйди. Буни энди биз аниқ пайқадик. Қичқириб юбораёздим очиги ўшанда. Кейин дармонсизгина қимиirlаб ердан бошини кўтарипга уринди. Қаноатбобо чаккон харакат билан бузоқчанинг бошини кафтларига олди ва авайлабгина сигирга томон яқинроқ сурис кўйди. Шундан сўнггина у ўрнидан турди. Кейин ёдига илкис бир нарса тушгандек биз томон юзланди. Унинг кўзлари энди бутунлай бошқача, самимий алфозда кулиб турарди.

Мартнинг бошлари бўлса керак, кирларда ола-чалпоқ қорлар ариб, бойчечак ниш урган пайтлар. Кун ора ёмғир ёғади. Бир куни ёмғир туни билан эзиб ёғди. Эрталаб Ҳисор ортидан чарапқлаб

куёш чикди. Одамларнинг бакир-чақирларини эшитиб молларни хайдаб чиқдим. Узокда Қаноатбобога кўзим тушди. Бугун моллар яна Кўргонтовга боришини, ўтлаб, емга тўйиб келишини ўйлаб хурсанд бўлдим.

Пешингача осмонда ғубор йўқ эди. Пешиндан кейин ҳаво айниди. Кунботар томондан қуюқ қора булат кўринди. Узокда чақин чақиб, ер-у кўкини ларзага согланича момақалдироқ гумбирлади. Кўп ўтмай булат куёш юзини тўсиб, заминга ёқимсиз кўлка ташлади. Олдинга ёмғир томчилаб қуиди, сўнг шириллаб ёға бошлиди. Бир зумда кишдан бери қуріб ётган арикларда лойка сув тошиб колди. Жамики жонзот ўзини панага урди.

Ҳар куни бир нағма кўрсатувчи буқамиздан ҳавотирланиб, пода олдига илгарироқ чикиб турмоқчи бўлдим. Ёмғир шашти бир оз босилгач, тут тагида ёмғирдан паналаниб пода кута бошладим. Вақтида чиққан эканман, кўп ўтмай молларнинг қораси кўринди. Шу қадар тез, худди бирор от билан қуваётгандай чопиб келарди пода. Бояқишилар худди дарёдан шўнгигиб ўтгандек шалаббо. Ҳар куни нағма кўрсатадиган буқамиз бор-у, боласи уйда қолган сигиримиз... Ҳеч хаёлга келмаган иш-а! Ўйдагилар ҳам таажжубда. Кечгача теварак-атрофни ахтардик. Ҳеч қаерда йўқ. Отам ўйлаб-ўйлаб менга деди:

– Эшакни тўқимла!

Отамнинг орқасига мингалиб олганман. Тоғ томонга кетаяпмиз “Ҳадемай қош кораяди. Коронғи зулматда нимани ҳам топа олардик?”, деб норозилан::б боряпман. Отам ҳам миқ этмайди. Лой, тойроқ йўлдан эшагимиз қийналиб қадам ташлар, гоҳ сирпаниб, гоҳ ийқилгудай мункиб кетарди. Мен отамнинг елкасига маҳкам ёпишиб олганман. Отам дам ўтмай атрофга алантгайди, синчков назар ташлайди.

Бир-икки қир ошиб кетдик ҳамки, сигирдан ном-нишон кўринмайди. Отамнинг ҳафсаласи пир бўлди, шекилли:

– Ишш! – деди. Тўхтадик. – Бу оқшом даштда қолган молнинг жони тирик қолмасов. Қара-я, шошилиб хаёлимизга ҳам келмабди. Подачи молларни қайси қирда бокдийкин. Шуни сўрамабмиз, –деди отам.

— Подачи моллар билан келмади, — дедим шошиб. — Қаноатбобо уйида ҳам йўк!

— Балки подадан олдишроқ келгандир? — деди отам ташвишли овозда.

— Мен пода келишидан анча олдин чиқкан эдим, келгани йўк.

Отам бу гапидан мени энди кўриб тургандек бир зум юзимга тикилиб турди-да, кескин ўгирилиб, эшакни тоқка томон қичаб ҳайдади. Энди отам атрофни аввалгидан ҳам синчиклаб кузатарди.

Баландликка бир амаллаб чиқиб олдик. Энди пастлаш кепрак. Тушиш чиқишдан ҳам кийин. Отам эшакни эҳтиётлик билан ҳайдай бошлади. Шу пайт дафъатан эшакнинг юриши сустлашди. Кулоклари динг бўлди. Отам эшакни тўхтаганини ҳам унубиб қоронғиликка кўз тикди.

— Мамат, илғаяпсанми, анати ёқда бир нарса қорайиб қўрингандек?

Отам кўрсатган томонга синчиклаб қарадим. Ҳакиқатдан ҳам қандайдир шарпани илғагандай бўлдим. Шу дам отам:

— Қаноат ака! — деб ҳайқириб қолди. Бир зум сукутдан сўнг:

— Ҳов! — деган кисқа жавоб келди. Отам сабри чидамай эшакдан сакраб тушди ва ўша томонга чопиб кетди. Мен ҳам орқама-орқа этиб келдим.

— Ие, Давронқул, сизмисиз? Сигирларинигни ахтариб юрибсизларми? — деди Қаноатбобо отам билан кўл бериб кўришгач. — Тойиб кетибди жонивор. Туролмаяпти.

— Оббо Қаноат ака-ей, шунга ўтирибсизми-я. Уст-бошингиз жиққа ҳўл-ку, ака! Қолса-қоларди шу. Бориб айтсангиз ҳам бўлардику. Ўзингизни ўйламадингизми, жонингиз кўринмадими?

— Менда, мана, курол бор! — Қаноатбобо киссасидаги гугуртни чақирлатганча жилмайиб кўйди. Отам ҳам кулиб кўйди.

— Ҳўп, бўлган иш бўлибди. Бу ёғига энди нима қилдик, Қаноат ака?!

— Бирорта мошин ё трактор топмаса бўлмас. Давронкул.

— Мошин бу ёкларга киромасов, бирорта трактор топиш кепрак, — деди отам ўйлаб.

— Мен яна ўтира тураман, сизлар бориб трактор топиб келинглар.

— Бўлмасам бундай қиласиз, ака. Маматвой сиз билан қолади.

Бир кишидан кўра яхши-да. Мен бир амаллаб трактор топиб, бир-иккита одам билан келаман.

Қаноатбобо иккимиз қолдик. У дам-бадам сигирнинг оёгини ушлаб кўяр, оёғи оғрирди чоғи, сигир вазмин қимиrlаб қўяди. Етти ёт бегона чол менга шу кез месхрибон, ҳаммадан эъзозлироқ туюлиб кетди. Ўзимча унга дунёда ёнг яхши бир гапни топиб айтгим, у билан жуда-жуда гаплашгим келди. Бирок болалигимми, табиатан тортинчоқлигимми, бунга тўсик бўлди, иймандим. Бирок қачондир, албатта, айтажагимни диллимга тутиб қўйдим. Қаноат бобо мол бошка биронники, ҳатто, ўша магазинчи Бекқулники бўлганда ҳам ўша кечак ёмғирда ивиб ўтирган бўларди. Менга ишон, Холмурод.

Эҳ-хе бунга қанча, бўлди! Қанча сувлар оқиб кетди. Ана, Холмурод, кўргандингми, ўшанда жаҳлим бежизга чиқмаган. Қаноатбобо боякиш қаердайкин? Бормикин ўзи бу ёруғ дунёда? Ёлғиз қизини Сурхондарёга турмушга берган эди. Кампирি қазо қилгач, куёви олиб кетган. Шу кетгани...

Тунов куни ишдан келсанам, уйнимизниkilарнинг кайфияти суст. Товба, тасодифни қарангки, яна боласи уйда колган сигиримиз подадан келмай қолибди. Эртаси азонлаб укамлар тоғ томонига кидиргани чиқиб кетишди. Кун пешиндан окканда қайтиб келишибди. Тарвузлари қўлтиқларидан тушиб. Олтинчидаги ўқиётганининг кўзлари йигидан кизариб кетган. Ерга қараб тумшайиб ўтирибди. Худди айбдорлардек. Арча остидан топишибди. Бўри ёриб кетганимиш. Ҳайҳотдай Кўргонтовда қолиб кетувди-я туни билан... Дилем каттиқ оғриди. Кейин бир нарсага имон келтирдим. Буни сенга ҳам айтаман, Холмурод. Нима десанг дегип-у, Қаноатбобо бўлганида бундай бўлмасди.

Дилфузә ЗАРИПОВА



Дилфузә ЗАРИПОВА 1967 йылда Кипоб туманида туғилди. Алишер Навоий номли улумтаълим мактабида, Ўзбекистон Миллий университети журналистика факултетида таҳсил олган. Сурхондарё вилоят телерадиокомпаниясида, "Сурхон тонги" газетасида ишлаган. Айни пайтда "Бекажон" газетаси муҳаррири. Ёзганилари "Халқ сўзи", "Туркестон", "Бекажон" газеталарида чоп этилган.

ЛАФЗ Ҳикоя

Машина елдек учиб борарди. Рулда ўтирган Илҳом радиодан ян-граётган кўшиқка мос хиргойи қилар, аҳён-аҳёнда ёнида ўтирган отасига кўз қирини ташлаб қўярди. Ўтган йиллар отасининг юз-кўзи, коматига ўзининг бешафкат муҳрини бостган. Хиёл букчайган гавдаси, ич-ичига ботган, бироз нур кочган кўзлари унинг ҳаёти факат байрамлардан иборат бўлмаганидан дарак. Абдуҳамид ота кўзларини узок-узокларга тикканча ўз хаёллари билан банд эди. Йўлга чикқанларига тўрт соатдан ошса ҳамки, ота-боналар-дек келишапти. Доим хуш查қчақ юрадиган, давраларда гурунгни авж олдириб, ҳаммани оғзига қаратиб ўтирадиган Абдуҳамид ота бутун негадир жим. Ўғлининг битта-яримта саволига "ҳа" ёки "йўқ"дан нарига ўтмаяпти. Илҳом отасининг феълини яхши билади. Кимдандир аразласа ёки тоби қочиб қолгандагина отаси ана шундай камгап бўлиб қолади. Уйда отасини хафа қиласидиган ҳеч гап бўлгани

йўқ. Унда нега бу қадар хомуш тортиб колди экан? Кечакчурун бирданига “Тошкентга, акангниги бормоқчиман. Эртага йўлга чиқаман,” деб қолди. Кейинги пайтларда отасининг тез-тез тоби қочиб қолаётгани учун Илҳом ўз машинасида олиб бормоқчи бўлди. Ҳозир шуларни эсларкан, йўлдан кўз узмай келаётган отасини гапга тутди.

– Дада, нега бирданига Тошкентга бормоқчи бўлдингиз? Ҷақирилсангиз, акам ўзлари келардилар-ку?

– Неварааларимни соғинидим, – енгил хурсинди ота. – Уларни бир йилдан бўён кўрганим йўқ. Ўтган йили ёзда келганларида кўрганим.

– Йўлда узликиб қолманг, дейманда, – ўзини оқламоқчидек деди Илҳом. – Жиянларни ҳам опкелардилар.

– Қариб, кучдан қоляпман, – Абдуҳамид отанинг овози узоқдан келаётгандек туюлди. – Қувватим борида Тошкентга бориб, неварааларим билан тўйгунимча сұхбатлашай. Ёшлигим ўтган жойларни зинрат киласи. Бундан кейин яна бориш насиб қиласими – йўқми...

Илҳом отаси нима демокчилигини англади. Ўтган йили онаси вафот этганида бўён отаси шундай гапларни гапирадиган бўлиб қолган. Бунинг сабаби ҳам бор. Абдуҳамид отанинг юраги тез-тез бeszовта киласи. Бир марта инфаркт ҳам ўтказган. Шунинг учун ҳам болалари уни аяшади.

Йўл узоқ. Бундай пайтда, айниқса, рулда ўтирган кишига қийин. Бутун дикқат-эътиборини йўлга каратган кипи тез чарчаб қолади. Кўзлари толиқкан Илҳом “дадам чарчаб қолмадилармикан”, деган ўйда отасига қаради-ю, бирданига машинани йўл чеккасига олиб тўхтатди. Абдуҳамид отанинг рашиги бўздек оқариб кетган, ҳансирағанча нафас оларди.

– Дада, сизга нима бўлди?

Отаси жавоб бера олмади. Кўксини чангллаганча кўзларини юмди. Кўзини очганида билагига резина ичак уланган, боши тепасида маҳсус мосламага ўрнатилган шишадан томчилаетган суюклик томирларига сингаётганди. Касалхонада ётганини тушунди. Каравоти ёнидаги стулда мудраб ўтирган ҳамшира унинг қимирлаганини сезиб, кўзини очди.

– Уйғондингизми? – сўради у хорғинлик билан. – Ҳозир врачни чақираман.

Абдуҳамид ота дераза оша ташқарига каради. Қоронғи тушиб қолипди. Бу пайтда Тошкентда бўлишлари керак эди. Юраги санчиб, ҳолсизланиб қолмаганида ҳозир неварадарини қучоғига олиб ўтирган бўларди.

– Мехмонимиз уйғондиларми? – истараликкина, ўттиз беш-қирқ ёшлардаги врач кулганча эшикдан кириб келди.

– Қани, бир моторингизни текшириб кўрайликчи, – врач энгашганича фонендоскопни Абдуҳамид отанинг юраги устига кўйди.

– Ўглим... У қаерда? – сўради бемор кўзлари билан Илхомни қидираркан.

– Ўғлингиз шу ерда, сизнинг кўз очишингизни кутиб ўтирипти, – деди врач. – Эҳ, ўғлингизга ҳавасим келади. Ўзингиз тўшакда ётипсизу, яна ўғлингизни ўйлайсиз-а?! – фонендоскопни оларкан, врач кўшиб кўйди: – Уч-тўрт кун даволанишингиз керак.

– Лекин мен... – Абдуҳамид ота гапини тугатолмади. Врач унинг гапини бўлиб кўйди.

– Кетиш ҳакида ўйлаб ҳам ўтиранг. Барибир жавоб бермайман, – кетаётib яна деди: – Ҳа, айтганча, мен сизнинг даволовчи врачингиз Фарруҳ Собиров бўламан.

Врач чиқиши билан палатага Илҳом кирди. Унинг юзи ташвишли эди.

– Дада, тузукмисиз? – сўради овози қалтираб, гүё отасининг дардига ўзи айбдордек.

– Тинчлан, ўглим, – Абдуҳамид ота ўғлининг титраётган қўлидан узлади.

– Акамга қўнғирок қилдим, эрталаб йўлга чикарканлар. Мазангиз кочганини эшишиб хафа бўлдилар.

– Акангти бекорга хавотирга туширипсан, ўғлим, – нимадир эси-га тушгандек ўғлига қаради: – Ўзи қаерда, қайси шифохонадаман?

– Қашқадарёдамиз, дада. Китоб туманидаги касалхонада ётибсиз.

– Нима, Китоб дедингми? – отанинг кўзларида нур шуълалангандек бўлди, юзига билинар – билинмас қизиллик югурди.

– Бу ерда бирор танишингиз борми? - сўради ўғли отасидаги ўзгаришни сезиб.

– Йўқ, ҳеч қандай танишим йўқ, – Абдуҳамид ота кўзларини яширди. – Чарчадим, ухламоқчиман.

— Ха, албатта, сиз дам олишингиз керак, — Илҳом ўрнидан кўзгалди. — Мен яқин орадаги меҳмонхонада жойлашдим. Эрталаб келаман.

— Ўғлим, акангга қўнғироқ қилиб қўй, овора бўлиб йўлга чиқмасин, — ота шундай деганча кўзларини юмди. Хаёл уни узокларга олиб кетди. Кўзи кандай илинганини билмай қолди.

Эрталаб Илҳом шифокор билан кириб келди.

— Мен ўғлингизга ҳаммасини тушунтиридим, — деди Фаррух Собиров. — Сизни касалхонамида бироз “меҳмон” қиласиз. Илҳомжонга жавоб берамиз. Яхшилаб даволанганингиздан кейин ўзимиз сизни кузатиб қўямиз.

Врач сўзида турди. У Абдуҳамид отанинг тезроқ тузалиб оёққа туриши учун жон куидирарди. Хушчакчак, истараси иссиқ Фаррух Собиров Абдуҳамид отага кимнидир эслатарди. Кунинга икки-уч мартадан кириб хабарлашадиган Фаррух бир куни кечки пайт кўлида тугун кўтариб кириб келди. Уни доим оқ ҳалатда кўриб кўзи ўрганиб колган Абдуҳамид ота эшик олдида жилмайиб турган, костюм-шым кийиб олган кишини дастлаб таний олмади. Кўзларига карабгина унинг Фаррух эканини билди.

— И-и, Фаррухжон, сиз? Навбатчимидингиз бугун? — Абдуҳамид ота ўрнидан кўзгалди.

— Ётаверинг, тоға, — Фаррух шошилиб келиб унинг елкасидан тутди. Сўнг ўзи ҳам каравот чеккасига ўтирди. Қўлидаги тугунни тумбочка устига куяркан, Абдуҳамид отага караб жилмайди:

— Келинингизга сиз хақингизда айтгандим, “мусоғир эканлар, ҳабар оладиган ҳеч кимларни бўлмаса тузалиб кетмагунларича ҳар куни ўзингиз хабарлашиб турасиз,” деб мана бу қайноккина шўрвани бериб юборди.

— Овора бўлипсиз, ўғлим, — хижолат чекди Абдуҳамид ота. — Келинни ҳам ташвишга қўйипмиз.

— Ҳеч ҳам хижолат бўлманг, — деди Фаррух. — Ахир, бир кўрган таниш, икки кўрган билиш деган гап бор.

Икковлари у ёк-бу ёқдан гаплашиб ўтирилар. Нарх-наводан тортиб об-ҳавогача ҳаммаси муҳокама қилинди. Сухбат орасида Фаррух ниманидир сўрамоқчи бўлар, аммо ботина олмаётгани сезилиб турарди. Ахир, барибир сўрашга жазм қилди, шекилли, ҳамсухбатининг

кўнглига озор беришдан чўчигандек секин сўз бошлиди:

– Абдуҳамид ота, мана, шифохонамизга ётганингизга ҳам бир хафтадан ошиб колди. Сизни биринчи кўрганимдан бўён бир нарсанни сўрамоқчи бўламану, “адашиб қолсам-чи”, деган ўйда сўрай олмаяпман.

– Бемалол сўрайверинг, ўғлим, – деди Абдуҳамид ота. – Мен сизнинг беморингизман, ҳамма саволингизга жавоб беришим керак.

– Тўғрику-я... – айбдордек илжайди Фарруҳ Собиров. – Лекин саволим шахсий масалада.

– Бемалол ўғлим...

– Сизни биринчи олиб келишган куниёқ кўзимга иссиқ кўрингандингиз. Исм-шарифингиз ҳам таниш. Ўсмирлик даврларимизда Абдуҳамид Холбоев деган кўшиқчининг кўшикларини радиодан эшитар эдик. Аҳён-аҳёнда телевизорда ҳам кўриниб коларди. Қайсиdir бир фольклор ансамблини ҳам ташкил этганди. Номиям нима эдия... – Фарруҳ эслашга уриниб бироз тарафдудланаб қолди.

– “Шабада”, – деди Абдуҳамид ота.

– Ха, тўғри топдингиз, “Шабада” эди. Мен сизни ўша кўшиқчига ўхшатдим.

Абдуҳамид ота синиқкина жилмайди. Уни эслайдиганлар халиям бор экан. Кўшиқ айтмай кўйганига, радио-телевидениеда чиқмаганига анча йиллар бўлди. Лекин мана бу йигит танипти.

– Адашмадингиз, ўғлим. Ўша одам мен бўламан.

Фарруҳ Собировнинг юзи ёришиб кетди. Кўпдан буён кидираётган одамини топгандек курсанд эди. Абдуҳамид отани қучоқлаб олди. Бундай бўлишини кутмаган Абдуҳамид ота довдираганча “и-и” дейишдан нарига ўтмасди.

– Абдуҳамид ота, мен сизни болалигимдан танийман, – деди Фарруҳ қувончини яшиrolмай. – Амманинг уйларида катта портретингиз туради. Уйга кирган одамнинг кўзи ўша портретга тушарди.

– Шунақами? – жилмайди ота. – Аммангиз муҳлисим бўлган эканларда.

– Муҳлис ҳам гапми, – кулди Фарруҳ қувлик билан, сўнг бирдан жиддий тортди. – Сиз ҳам аммамни танийсиз. У кишининг исмлари Ясмин.

— Ясмин? — Абдуҳамид ота бир қалқиб кетди. Бу исм унга бир вақтлар азиз бўлган кишисига тегишли эди.

— Сиз Ясминнинг...

— Жиянлари бўламан, — деди Фаррух унинг гапини бўлиб. — Аммам суратингизга соатлаб караб ўтирадилар. Мени кучокларига олиб, “Фаррух, сен ҳам катта бўлганингда қўшиқчи бўлгин. Мана шу суратдаги кишига шогирд тушсан. Ўзим сени олдига олиб бораман,” дердилар. Лекин кўриб турганингиздек мен қўшиқчи эмас, врач бўлдим.

Абдуҳамид ота ҳамон ўзига келолмас, кўзларини Фаррухдан узолмасди. Фаррух Собиров яна нималарнидир гапирди. Аммо бу гапларнинг бирортаси унинг қулоғига кирмас, кирганда ҳам уларнинг маъносини илғашга ожиз эди шу дамда. Даволовчи врачи хайрлашиб кетганини элас-элас эслайди. Фаррух тилга олган Ясмин деган исм унинг хаёлларини алғов-далғов килиб юборган, олис ўтмишига кайтарган эди.

* * *

Ясмин унинг ҳаётида қирқ беш йил олдин пайдо бўлган бир нур эди. Нурки, унинг шуъласи қалбини бир умр ёритишга етди. Нима-ики қилмасин, “Ясмин кузатиб турипти”, деган ўй уни тарк этмас, қалбида бу исмни авайлаб-асрарди. Ҳатто тухмат билан қамалган пайтларида ҳам ўзининг бегуноҳлигини исботлай олмай дили вайрон бўлган кезларда тўклидаётган кўз ёшларини кафтлари билан тўсиб яширас. “Агар Ясмин мени шу ахволда кўрса намунча йиглоқисиз деб устимдан куларди”, деган ўй унинг хаёлидан “йилт” этиб ўтарди.

Улар Тошкентда танишган эдилар. Баланд бўйли, қош-кўзлари коп-қора, сочи чиройли тараалган, келишган йигит — Абдуҳамид ўшанда эндингина армиядан қайтган, ўқишига кириш илинжида Тошкентга келган эди. Болалигиданоқ куй-кўшиққа айрича муҳаббат кўйган Абдуҳамид хонанда бўлишни орзу қилиб, Маданият институтига хужжат топширди. Хужжатларни топшириб, ўзини салкам студент санаган йигит атрофга хурсанд назар солар экан, чеккароқда йиғлаб турган қизга кўзи тушди. Қизнинг юз-кўзини ювиб тушаётган томчилар қўлидаги қоғозлар устига чакиллаб томар, чамаси бу қоғозлар ўқишига кириш учун топшириладиган хужжатлар эди. Йи-

гит кизнинг олдидан бепарво ўтиб кета олмади.

– Сизга нима бўлди, синглим, бирор киши хафа қилдими? – сўради у қизнинг ёнига бориб.

Боядан буён овоз чиқармай йиглаётган киз онасини кўриб қолиб, эркаланган гўдак сингари ўкраб юборди. Ўтиб-қайтаётганлар уларга ажабсиниб қарашарди. Бу қарашларда таъна, хайрат мужассам эди. Кимдир “кўринишидан туппа-тузук йигитга ўҳшайди-ю. киз болани йиғлатганини-чи”, деди. Абдуҳамил нокулай ахволда қолди.

– Қаранг, сизни деб емаган сомсага пул тўляяпман, – деди зўрма-зўраки илжайиб. – Одамлар менга ёмон қарашяпти.

Киз бармоқлари учи билан кўз ёшлигини сидирди. Ўксик нигоҳини йигиттга қадади:

– Ҳужжатларимни олишмаяпти.

– Нега олишмайди? Қайси факультетга топширмоқчи эдингиз?

Киз факультет номини айтди. Бу ҳозиргина Абдуҳамил ҳужжат топширган факультет эди.

– Нега олишмайди, бирор камчиллик бордирда ҳужжатларингизда?

– Йўқ, – бош чайқади киз. – Ўқишга кирганинг билан барibir уч-тўрт ойдан кейин ташлаб кетасан, дейишиди. Ундан кўра, ўқийдиганлар кирсин эмиш.

– Ким айтди сизга бу гапни? – негадир жаҳли чиқди Абдуҳамидининг.

– Ҳув авави киши, – қиз боши билан имо қилиб, ҳужжат қабул килаётганлар орасида ўтирган кўнғизмуйлов олифтагина йигитни кўрсатди.

– Қани юринг-чи, – Абдуҳамил қизни эргаштириб ҳужжат олаётганлар томон юрди. Қиздан ҳужжат олмаган олифта йигит билан тортишиди. Йигитча шу факультетда таҳсил оладиган талабалардан экан. Қабул комиссиясида ёрдамчи бўлиб ишләётган экан.

– Нима қиласи бирорвонинг ўрнини олиб, – деди у норози оҳангда.

– Ўтган или бизнинг курсда ўқийдиган қиз ҳам ўқишини ташлаб кетди. Биринчидан, ота-оналари норози. Кейин, эрга тегиб олишади ю ўқишини ҳам унугиб қўйишади.

– Бу сизга ҳужжат олмаслик учун сабаб бўла олмайди, – деди Абдуҳамил. – Кейин, бу синглимиз охиригача ўқийдилар, шундайми? – у қизга юзланди. Боядан буён иккисининг тортишувига қараб

турган киз шошганча жавоб берди:

— Ха, ўқийман, бу ерга ўқиши учун келганиман.

Хужжатларни топшириб бўлгач олдинма кейин институт ҳовлисига чиқишиди.

— Раҳмат сизга, — деди киз миннатдор бўлиб. — Ўқишига киролмай қайтиб кетаманми, деб қўркқандим.

— Бу йил кирмасангиз келаси йил яна топширасиз, — деди Абдуҳамид

— Йўқ, бу йил ўқишига кириш имкони керак, албаттa, — деди киз кўзларини пирпиратиб. — Ўқишига киролмасам эрга бериб юборишади.

— Күёв ҳам тайёр денг, — кулди Абдуҳамид. Шундай деди-ю кўнглида қизғанишга ўхшаш бир туйғу “йилт” этди. Қизнинг юзлари лоларанг бўлиб кетди.

— Майли, мен борақолай. Сизга яна бир бор раҳмат, — деганча тез-тез юриб кетди.

Абдуҳамид унинг оғиз жуфтлаганча қараб колаверди. Қиз узоқлашиб, кўзга кўринмай қолгандагина унинг исмини сўраб олмагани ёдига тушди. Бир неча кун қизнинг маъсум чехраси, бегубор нитоҳи кўз олдидан кетмади. Кейин имтиҳонларга тайёргарлик билан бўлиб, уни унутиб ҳам юборди.

Улар иккинчи марта ўқиши бошланганида кўришдилар. Яқиндагина бир—бирига рақиб деб қараган, энди бир аудиторияда ўқиши муқаррар бўлган биринчи курс талабалари бир—бирига бегона, ҳеч ким биринчи бўлиб сўз бошлилапга ботинолмасди. Ётсираб кўз кирини ташлаб кузатаётган йигит—қизлар аудиторияга ўқитувчининг кириб келишини кутишаётганди. Шу пайт эшик очилди-ю, сочи йигиб турмакланган, эндигина урф бўлган кофта кийган қиз кириб, эшик олдida турганча талабаларга назар ташлади. Унинг қарашлари жиддий эди.

— Домламиш шу эканми? — сўради кимдир пичирлаб.

— Ёшгина экан, — деди иккинчиси.

Қиз аудитория ўртасида бир муддат туриб қолди-да, охирги партада ўтирган Абдуҳамидга кўзи тушиб жилмайди. Бир—бир қадам босиб келганича унинг ёнидаги бўш стулга келиб ўтирди.

— Салом, яхшимисиз? Ўқишига кирипсизда, — деди Абдуҳамид кулиб. Қиз тасдик маъносида бош иргади.

– Бечора күёвга қийин бўлипти, – деди Абдуҳамид. Кулишдилар. Бир-бирига буткул бегона талабалар орасида фақат иккисигина бироз таниш эди. Қизлар “халитдан бошлиди”, дегандек қош учиршиди, кимдир кулги қилиб ҳуштак чалиб юборди. “Гурр” этиб кулги кўтарилилди-ю, ўртадаги бетоналик йўколгандай бўлди.

Улар ўқийдиган гурухда кизлар бор-йўти уч киши эди. Уларнинг иккитаси тошкентлик, фақат Ясмингина вилоятдан келганди. Топкентлик кизлар бирга юришар, негадир Ясминни ўзларига қўпигилари келмасди. Шу сабаб ҳам қизнинг яқин ҳамроҳи ўз-ўзидан Абдуҳамид бўлиб қолди. Улар бирга дарс тайёрлашар, бирга туплилар килиб, дарсдан ҳам бирга қайтишарди. Қизнинг ўзига ҳам ҳамроҳи Абдуҳамид экани маъкул эди. Негаки, уларни бирга кўрган йигитлар Ясминга ортиқча гап айтишга ботинолмас, уни Абдуҳамидга тегишли қиз деб ўйлашарди. Бу йигитнинг ўзига ҳам ёқар, ёнида шундай чиройли қиз борлигидан пинхона фурурланарди. Аслида, уларнинг ўртасида дўстликдан бошқа туйғу йўқ эди. Ҳархолда, Абдуҳамид шундай деб ўйлади.

– Нега исмийигизни Ясмин қўйишган? – сўради у бир куни киздан.
– Ўзбек қизлари орасида бу исм жуда кам.
– Бувам раҳматли шу исмни яхши кўрган эканлар, – деди киз.
– Айтишларича, бу арабча исм экан. Хушбўй бир ғулнинг номи эмиш.

– Бобонгиз кўп китоб ўқийдиган киши бўлган эканларда?
– Йўқ, бобом эмас, онам қўйганлар бу исмни, – кулди Ясмин. – Бизнинг китобликлар онасини бува деб чақиришади. Фаргоналиклар буви, бухороликлар нана деб чақиргани сингари.
– Бува? Ўз тукқан онасини шундай деб чақиришадими? – масхаралагандек хандон отди Абдуҳамид.

– Нега куласиз? – аразлаб, қошларини чимириб олди киз. – Сиз эна деб чақиришга уяласизми?

Абдуҳамил мулзам тортди. Бу томонини сира ўйламаган экан. Кимдир унинг устидан кулса ўзининг ҳам жаҳли чикқан бўларди.

Улар ўртасидаги ришталар борган сайин мустаҳкамланиб борарди. Ческадан қараганлар уларни севишганлар деб ўйлашарди. Абдуҳамид бу гапларга кулиб кўяр, бу гаплар одамларнинг мишиши деб ўйлади. Қиз ҳам шу фикрда эди, токи... Токи уларни ўн

кунга ажратган вокеа содир бўлмаганида, балки кейинчалик ҳам шундай ўйлашда давом этишарди.

Иккинчи курсда ўқиши авжига чиқсан кезлар. Пахта мавсумидан кейин дарсга қайтган талабалар ўқишига муккасидан кетишган. Негаки, қиши семестр яқин, талабаларнинг фикру ёди имтиҳонлардан ўтиб олишда. Шундай тигиз бир пайтда келган телеграмма Абдуҳамидинг хаёлларини тўзғитиб юборди. Телеграмма отасидан келган, унда отасининг аҳволи оғир экани, тезда етиб бориши лозимлиги ёзилганди. Абдуҳамид телеграммани олган заҳоти вокзалга отланди. Кутубхонада китоб титкилаб ўтирган ҳамхонасига айтиб кетишга ҳам улгуролмади.

Поездда ўтган вақт унга узундан—узок туюлди. Ҳаёлида онаси у етиб боргунича бандаликни бажо келтирадигандай бўлаверар, охирги марта онаизорини кўрмай қолишдан чўчирди. Қишлоққа кириб келганида ҳам шу ўйда эди. Уйлари ёнида бош эгиб турган уч—тўрт қариндошларини кўриб, дод солиб юборди. “Вой, энам”лаганча ўзини ховлига урди. Кимдир елкасидан ушлаб, “жим бўл, энанг ўйгониб қолади”, дегандагина ўзига келди. Қаршисида отаси турарди.

– Нега ваҳима қиласан? – деди отаси.

– Ахир ўзингиз энамни...

– Ҳа, энангни аҳволи чиндан ҳам оғир, – деди отаси ҳомуш.

– Нима бўлди энамга?

– Сариги ўтиб кетипти. Духтирлар уйга қайтариб юборишиди, – отасининг кўзида ёш кўринди. – Тоғанг тоғда яшайдиган бир табиби олиб келди. Оғир аҳволдаги касалларни ўлим оғзидан олиб қайтган экан. Чиқмаган жондан умид. Зора, худонинг раҳми келиб... – унинг бўғзига ёш кўйилиб, гапиролмай колди.

Абдуҳамид уйга кирди. Онаси тўшакда ётар, юзи хурмо меваси сингари сарғайиб кетганди. Тепасида аёл қариндошлар ўтиришилти.

– Эна, мен келдим, – деди йигит йиглаб юбормаслик учун лабини тишилаб.

Онаси кўзларини хиёл очди. Кўзининг оқи ҳам сал—сарик тусга кирган. Мажолисиз кўлини ўғли томон чўзди, рангизланиб, куруқшаган лаблари пичирлади:

– Овора бўлиб шунча йўл босиб келдингми, болам?

Табибининг муолажалари кор кила бошлади. Тўрт—беш кун-

дан кейин онасининг ранги тиниқлаша бошлади. Тұшакдан бош күтәролмаёттан бемор әнди сүяниб үтира оладиган бўлди. Қариндошлар ҳам кўнгиллари жойига тушиб, уй— уйларига тарқалишиди. Отаси ишга, укалари мактабга катнай бошлади. Энди Абдуҳамил ўзи онасининг олдида уззукун ўтирарди. Онасининг меҳр тўла нигоҳи, дардчил овози унга кимнидир эслатарди. Муштипарининг қўлларини кафтлари орасида олиб ўтираркан, ўша “кимнидир” жуда соғинганини ҳис қилиб кетди. “Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас. Ахир у синглимдек...” ўлади у. Ҳар қанча инкор қилишга уринмасин, қалбини забт этган янги ҳис—туйғу унинг шури, вужудига ҳукмронлик қилмокда эди. “Наҳотқт Ясминни севиб қолган бўлсан? Ўртамиздаги соф туйғулар нима бўлади? Ўзи билиб колса нима бўлади?”

Унинг фикрларини уккандек онаси сўради:

- Ёқтирган қизинг борми, болам?
- Нега бундай деяпсиз, она? – қизариб кетди йигит.
- Сени уйлантирсам, тўйингни кўрсам дейман, улим. Уйимизга келип келиб, мана бу уй-жойларга эгалик қилса, – у уй ичиға, дера-за ортига тўймаётгандай бокди. – Укаларингни бошини силайдиган бир меҳрибон бўлса, кейин мен ҳам омонатимни...
- Ёмон ниyat қилманг, эна, – йиғлаб юборди йигит. – Хали тузалиб кетасиз, ҳаммамизни тўйимизни ўзигиз ўтказасиз.
- Шундайми? – синиққина жилмайди онаси. – Севган қизинг бўлса айт, совчи юборайлик.

Абдуҳамид “севганим бор”, дея олмади. Негаки, қалбида кечётган хиссиятларга ўзи ҳам ишонмаётганди. Аммо ўтаётган вақт Ясмин деган исмни унинг юрагига ўчмас ҳарфлар билан муҳрлаётган эди.

Яна тўрт—беш кундан кейин онаси ўрнидан туриб, бир—икки қадам ташлайдиган бўлди. Ўлим тўшагида ётган одамни ҳаётта қайтарган табибдан миннатдор бўлган отаси суюнганидан ўзини қаерга кўйишни билмасди. Табибнинг елкасига тўн ёпиб, қўрадаги энг олди қўйини берди. Табибнинг “олмайман, мен бу ишни савоб учун қилдим”, деганига қарамай, “болаларимнинг онасини бошкўзидан садака”, деб туриб олди.

– Энди сен ҳам Тошкентга қайт, улим, – деди отаси табибни кузасиди.

тиб қайтишпаркан. – Ўқишдан қолиб кетмагин.

Абдуҳамиднинг ўзи ҳам шуни истаётганди. Юраги Тошкентда қолган бир кишини деб урар, тезроқ уни кўришга ошикаётганди. Поезддан тушибоқ Ясмин яшайдиган ётоқхона томон шоши. У кутганидек эпикни Ясмин эмас, у билан бирга яшайдиган, икки курс олдин ўқийдиган қиз очди.

– Сиз кетгаидан буён Ясмин негадир йиглоқи бўлиб қолган, – деди у Абдуҳамидга синовчан назар соларкан.

– Ўзи қаерда?

– Уззукун кутубхонада ўтиради. Аслида бу бир баҳона. Совуқ кутубхонада хеч ким бўлмагани учун ҳам боради. Китоб ўқиш қаёқда. Қайтиб келганида кўзлари йигидан кизарип кетган бўлади.

Абдуҳамид раҳмат айтиб ортига бурилаётганда қиз унинг ортидан чақирди.

– Илтимос, Ясминни хафа қилманг. Назаримда, у севиб қолганга ўхшайди.

– Севиб қолган? Кимни? – йигит бу саволни берди-ю, кизнинг кўзларида “наҳотки шу оддий нарсани ҳам билмасанг?”, деган ифодани кўрди. Берган саволининг жавоби қандай бўлишини юраги сезиб турар, шундай бўлса-да буни ўз қулоклари билан эшитишни истарди:

– Ясмин сизни севиб қолган, – деди қиз.

Йигит ётоқхонанинг биринчи каватида жойлашган кутубхона томон югуриб келдими ёки учиб келдими, ўзи ҳам билмайди. “Ясмин сизни севиб қолган”, деган сўз унинг қалбига ғалаён солган, бу сўзлар исботини қизнинг кўзларида кўришни истаб юраги “гуп–гуп” уради. Кутубхона эшигини шахт билан очди. Нимкоронғи хонага ўрганолмаган кўзлари бесаранжомлик билан Ясминни кидирарди. Ниҳоят, совуқ хона бурчагидаги стол устига бош қўйганча ётган қиз ортига бурилиб қаради. Кўзлар тўқнашдилар. Бу кўзларди соғинч ва ҳижрон, мұхаббат ва араз мужассам эди. Ясмин ўрнидан туриб йигит томон югурди. Югурди-ю, бирдан хона ўртасида такқа тўхтаб қолди. Ҳозиргина йигит томон қандай шошилган бўлса, худди шундай шитоб билан ортига бурилди.

– Кетинг, нега келдингиз? – деди алам билан.

Йигит бир-бир қадам босганча қиз томон юрди. Назарида қиз то-

мон боргунича асрлар ўтиб кетгандек бўлди. Қизнинг қўлларидан ушлади.

– Кетинг, – деди қиз ҳамон кўзини ойнадан олмай.

– Ҳеч қаерга кетмайман. Энди доим ёнингизда бўламан, – йигит шундай деганча қизнинг иягидан ушлаб, юзини ўзига қаратди. Ясминнинг кўзлар жиққа ёшта тўлган, уларда араз ва ўқинч бор эди.

– Нега ҳеч нарса демай кетиб қолдингиз? Ахир, хавотирдан ўлиб қолай дедим... – шундай деганча қиз йиғлаб юборди, жажжи муштчалари билан йигитнинг кўксига ура бошлади. Абдуҳамид шахт билан қизни бағрига босди. Ясмин ҳиқиллаганча унинг кучогига сингиб кетди. Йигит қизнинг соchlарини силаркан, нуқул “Тентаккинам, наҳот шу пайтгача ҳеч нарсани англамадик. Онам касал бўлмаса шундай ўтиб кетаверармидик”, дерди...

* * *

Уларнинг севгиси ҳамманинг оғзида достон бўлди. Севгисидан масрур қиз ва энг гўзал қизнинг кўнглини забт этган йигит. Ҳамма уларга ҳавас билан боқар, “иккиси узукка кўз қўйгандек бир-бирига мос”, дейишарди. Кимdir уларни Тоҳир-Зухрага ўхшатса, бошқа бирор Лайли-Мажнунга киёсларди. Ясминга бундай ўхшатишлар сира ёқмасди. “Тоҳир-Зухра, Лайли-Мажнунлар бир-бирига етиша олмаган. Уларга ўхшашни истамайман. Мен сизсиз бирор кун ҳам яшай олмасам керак”, дерди. Шундай пайтда кўзларининг туб-тубида ғамга ўхшаш бир нима “йилт” этиб кетар, гўё севган киписидан бир умрга айрилиб қоладигандек йигитнинг кўзларига тикиларди. Абдуҳамид қизнинг гуссали нигоҳларига дош беролмас, ич-ичидан келаётган тўлқинни зўрга босиб турарди.

Ёзги таътилда қишлоғига келган Абдуҳамидни ота-онаси ўртага олишиди.

– Болажоним, энди мен рўзғорга ярамай қолдим. Отанг иккимиз сени уйлантириб қўймоқчимиз. Рўзғорни келинга топширсам-у, бошқаларга ўхшаб мен ҳам келинимнинг кўлидан чой ичиб ўтирсам, – деди онаси.

– Энанг тўғри айтяпти, улим, – деди отаси иягини силаганча. – Энди уни асрашимиз керак. Тик оёқда юргани билан ишга ярамай колган. Гаплашиб юрган бирор киминг бўлса айт.

Абдуҳамид қизариб кетди. “Ҳали ўқишим бор-ку”, деб ғудраниб қўйди.

– Ўқишинг ҳам бир гап бўлар, – деди отаси. – Ваъдалашганинг бўлса айт, совчиликка борайлик. Бўлмаса, ўзимизнинг қишлоқда ҳам яхши қизлар кўп. Аммангни қизи ҳам мактабни битирди. Ҳарҳолда, ўзимизники...

Абдуҳамид “севганим бор, ўшанга уйланаман”, деб айттолмади. Ота-онасидан уялди. Қолаверса, Ясминга ҳам тўй килиш хақида бирор марта гапириб кўрмаган. Отаси унинг кўнглидагини укқандек:

– Шу кузда пахта тугаши билан тўй бошлаймиз, – деди.

Ўша тунда Абдуҳамид ухлай олмади. Тўй хакидаги гап унинг хаяжонларини қўзғаб кўйган эди. Ўзини кусв, Ясминни келин либо-сида тасавур килар, бу тасаввурларидан ўзи завқланарди. Бошига оқ рўмол ташлаб олганча онасига уялибгина чой узатаетган Ясминни кўз олдига келтиаркан, ширин орзулар оғушида ухлаб қолганини ҳам билмай қолди. Ғалати туш кўрди. Тушида оқ ҳарир либос кийган Ясминнинг бармоғига никоҳ узуги такаётганида тўсатдан узук кўлидан тушиб кетиб, йўқолганимиш. “Узукни нега йўқотдингиз, энди уни ҳеч қачон топа олмайсиз. Бармоғим узуксиз қолди”, деганча киз ундан олислаб кетганмиш.

...Дарслар бошланиб кетган бўлса-да Ясмин кўринмасди. Бундан Абдуҳамид ташвишга тушди. Негаки, улар ўқиши бошланмасидан олдин учрашишга ваъдалашгандилар. Ҳазилкап дўстларининг “Эй, ошик Тохир, Зухра кайдадир?” деган саволларига кулибгина қўяр, лекин ич-ичидан хавотири ошиб бораётганди.

Ясмин бир хафтадан сўнг келди. Унинг раиглари сўлғин, негадир ўзини Абдуҳамиддан олиб қочаётганга ўхшарди.

– Ясмин, сизга нима бўлди? – сўради йигит ёлғиз қолишганда.

– Мени узатишмоқчи, – йигламсиради қиз.

– Кимга? – йигитнинг рашки келди. Ҳали ўзи кимлигини билмайдиган рақибидан Ясминни кизғанаётганди.

– Амакимнинг ўғлига, – пиқиллади қиз.

– Сизчи, сиз рози бўлдингизми?

Киз жавоб ўрнига “йўқ” дегандек бош чайқади.

– Севган йигитим бор, деб айтмадингизми? – йигит ҳамон жаҳлидан тушмаётганди.

– Қандай айтаман? – зорланди Ясмин. – Қиз бошим билан бу гапни дадамга айтишга тилим бормайды. Онам вафот этгандаридан кейин дадам бор меҳрларини менга берганлар. Киприкларининг устида катта қилдилар мени. Мен бўлсам... дадамни алдадим. Улар менинг артистликка ўқиётганимни билмайдилар. Дадамга дўхтириликка ўқиятман, деганман. Энди қандай килиб “севганим бор”, дейман?

– Ўзингиз айтмасаңгиз опангиз ёки синглишгиз орқали айттирасангиз бўлардику?

– Қанийди опа-синглум бўлганида, – хўрсинди қиз. – Икки акам ўзларидан ортишмайди. Агар сиз хақингизда билишса, мени тириклиайн кўмишади. Лекин аммамга секингина шипшитиб қўйдим. Улар дадамга айтиптилар.

– Хўш, нима бўлди? – кизиқди йигит.

– Дадам “йигитни бир кўрай, кейин бир гап бўлар,” дебдилар.

– Дадангиз мени кўрмокчиларми? – йигит ҳайратланиб сўради.

Қиз тасдиқ маъносида бош иргади. Абдуҳамид танг ахволда қолганди. У бўлажак қайнотаси билан бўладиган учрашувни тасаввур қилиб кўтар, хаёлан қамчисидан қоп томадиган, қовоқларидан қор ёғаётган одамни тасаввур қилар, у билан қандай гаплашиш ҳакида минг бор ўйларди.

Бир неча кундан сўнг уч йигит ва Ясминнинг хонадоши у туғилиб ўсган қишлоққа жўнаб кетишиди. Аслида, мақсадлари халқ кўшикларини йигиши бўлса-да, Ясминнинг илтимоси билан унинг якинларига “бир курсдошимизнинг тўйинга келдик”, деб айтишлари керак эди. Ёши олтмишдан ошиб қолган, юзларидан нур ёғилиб турган қария қўй сўйиб уларни сийлади. Ясминнинг акалари ва янгаларини ҳисобга олмаса, уйда бошқа киши кўринмасди. Бояги қария сўрида китоб ўқиб ўтирас, ахён-ахёнда бошини хиёл кўтариб, чакчаклашиб ўтирган йигит-кизларга қараб кўярди.

– Дадангиз қасрдалар, кўринмайдилар? – сўради Абдуҳамид Ясминдан пайт топиб. – Мен билан қачон гаплашмокчилар?

Қиз кулди. Сўридаги қария томон имо қилиб “дадам шу киши” деди. Абдуҳамид кўзларига ишонмади. Ясминнинг дадаси унинг тасаввуридаги киши эмасди. Унинг ўзини оғир-вазмин тутиши, салмоқланиб гапиришидан кишини алланечук суст босарди. У кишини Эшон бобо деб чакиришаркан.

Талабалар Ясминларницида уч кун қолиб кетишиди. Дадаси “ўзбекчиликда меҳмондорчилик уч кун”, деб кетишга рухсат бермади. Талабалар шу кунлар давомида қишлоғин томоша қилишди, йигитлар кун салқин бўлишига қарамай дарёда маза қилиб чўмилишди.

Учинчи куни ҳовлида бир йигит пайдо бўлди. Уни кўриб Ясминнинг қовок-тумшуғи осилиб кетди. Йигит кўз остидан кизга қараб-караб кўяр, нималарнидир сўраб уни гапга солмоқчи бўларди. Бунга жавобан қиздан қош чимиришу жаҳл қилишдан бошқа нарса ололмасди. Бу пайтда талабалар токка, дўлана теришига отланастган эдилар. Дарвозадан чиқиб, бир неча қадам юрган эдилар ҳамки, ортила-ридан бояги йигит стиб келди.

— Сизни амаким сўраяптилар. Гаплари бор экан, — деди Абдуҳамидга.

Абдуҳамид “ялт” этиб Ясминга қаради. Унинг кўзларида кўркувва илинж ифодасини кўрди. Индамай йигитга эргашди.

Ясминнинг дадаси сўрида, безатиғлик дастурхон атрофида ўтиради. Абдуҳамидни кўриб ўрнидан кўзгалди.

— Келинг, ўғлим. Узр, сизни безовта қилдим.

Абдуҳамид қария кўрсатган жойга — унинг ёнига ўтиреди. Чой ичib у ёк-бу ёқдан гаплашиб ўтиришди. Аммо ҳар иккиси ҳам буларнинг бариси мажбурият юзасидан эканини билар, бўлажак суҳбат юки уларнинг елкаларидан босиб турарди.

— Ўғлим, сизни нима мақсадда чақиртирганимни билсангиз керак, — нихоят салмоқланиб гап бошлади Эшон бобо. Иккиси ҳам бир муддат жим қолишиди. Уртага нокулай сукунат чўкди. Абдуҳамид юрак ҳовучлаб нима бўлишини кутарди.

— Ясмин менинг ягона қизим,— гапни давом эттиреди Эшон бобо.

— Худо раҳматли онасининг ўзгинаси. Кўриниши ҳам, феъл-атвори ҳам. Онаси бечорага қизининг катта бўлганини кўриш насиб қилмади, — деди у оғир хўрсиниб. — Онаси Ясминнинг тўйинни кўришни жудаям орзу киларди. Лекин умри қисқа экан бечоранинг.

Яна жимлик.

— Ясминни ҳеч кимдан кам қилмай ўстирдим. Лекин она меҳрини ҳеч ким, ҳеч нарса беролмас экан. Онасига тўймаган қизимнинг кўзларига қарай олмасдим. Шунинг учун ҳам унинг ҳамма инжикликларига чидадим, истаган нарсасини муҳайё қилдим. Ар-

тистлика ўқиётганини билсам ҳам ўзимни билмагандек тутдим.

Гап шу ерга келганда Абдуҳамид “ялт” этиб қаради. Унинг нигоҳида “наҳотки билса?”, деган савол бор эди.

– Ҳа, ўғлим, Ясминнинг қўшиқчиликка ўқиётганини биламан. Унинг сизда кўнгли борлигидан ҳам хабардорман. Сизни уч кундан бўён кузатаман. Тарбия кўрган йигит экансиз. Ҳар бир ота сиздек йигитни куёв қилишни истайди. Сиз менга ёқдингиз. Лекин... – Эшон бобо бир муддат жим қолди. У ниманидир айтишга қийиналаётганди. Нихоят, яна сўзида давом этди: – Ўртада бир нозик масала бўлмаганида... Ўглим, сиз лафз деган гапни тушунасизми?

Боядан бўён Эшон бобонинг гапларини индамай эшитиб турган йигит илкис боп кўтариб қаради. У бундай савонни кутмаганди.

– Лафз... айтган сўзида туриш, берилган ваъдан бажарип.

– Тўғри айтдингиз, – бош ирғади қария. – Мен ҳам лафз қилганиман. Сиз анави йигитни кўрянисизми? – у ҳовлида куймаланиб юрган йигитни кўрсатди. У Абдуҳамидни чақириб келган йигит эди.

– Бу йигит акамнинг ўғли. У ҳам Ясмин сингари ярим кўнгил билан ўсди. Акам ўлимидан олдин менга “қизингни ўғлимга бер. Мен ўтиб кетганимдан кейин қариндошлик ришталари узилиб кетмасин”, деди. Оғир ахволда ётган акамга “ўғлингиз бегона кўлда колмайди, қизимни унга бераман”, деб лафз қилдим. Ўша лафз бўлмаганида... Агар яна бир қизим бўлганида сизни албатта куёв қилган бўлардим. Лекин лафзимни бузсам қандай одам бўламан?

Ўртага чўйкан сукунат қанча давом этгани номаълум. Гапириш навбати энди Абдуҳамидники эди.

– Мен тушундим, – деди у нихоят. – Кўнглингиз тўқ бўлсин, мен лафзингиз бузилишига йўл кўймайман, – деди.

– Раҳмат, Абдуҳамиджон, – енгил тин олди Эшон бобо. У биринчи марта йигитни ўз исми билан атаётганди. Сиздан илтимос, бу гапларни Ясминга айтманг.

Курслаш йигит–қизлар тушдан кейин қайтиши. Ясминнинг кўзлари Абдуҳамидинг кўзларини қидирар, йигит буни сезмагандек нигоҳини ундан олиб қочарди. Бундан Ясминнинг сабри тугаёзи ди. Мавридини топиб йигитга яқинлашди.

– Дадам нима дедилар? – шивирлаб сўради у.

– Деярли ҳеч нарса, – ўзини беларво тутди Абдуҳамид. – Бойсун-

да армияда бирга хизмат килган дүстлари бор экан. Ўшани таништанимаслигимни сўрадилар.

– Бошка ҳеч нарса демадиларми? – ишонқирамай сўради киз.

– Йўқ. Нима ҳам дердилар...

Эртаси куни талабалар Тошкентга қайтиши. Хайрлашиш пайтида Эшон бобо Абдуҳамидни кучогига босаркан, ўзларидан бошка ҳеч ким эшитмайдиган килиб “раҳмат сизга”, деди. Ён чўнтағидан занжирли соат чиқариб унга узатди:

– Бу сизга, ўғлим. Мени ёмон сўзлар билан эсламанг

Тошкентга қайтишлари билан Абдуҳамид уйига хат ёзди: “Энажон, аммамниш қизига совчиликка бораверинглар...”

Абдуҳамидинг уйланиши ҳақида гап ҳаммани лол колдирди. Аслида, унинг бошка қизга уйланаштгани ажабланарли эди. Бу гапни эшитган Ясмин гангиб қолди. Уззукун хонасидан чиқмайди. На гапирап, на кулар, на ийғлай олар, тош ҳайкалдек бир нуқтага тикилганча ўтирадарди. Хонадош қизнинг “бу аҳволда касал бўлиб коласан”, деган сўзлари ҳам қулоғига кирмас, кўзи бошка ёқда-ю қоғозга тинмай нималарнидир ёзарди. Хонадоши қоғозга кўз ташлаб, фақат битта сўзни ўқиди: “Нега, нега, нега?”

Ясминга чин дилдан ачинган қиз бу саволни Абдуҳамидга берди:

– Нега уни алдадингиз? Ахир, у сизга жуда ишонарди.

Абдуҳамид кўзини номаълум томонга тикди:

– Онамга меҳнаткаш, рўзгорим дейдиган келиш керак. Ясминни кслин килиб эртадан кечгача қўшиқ эшитиб ўтирадиларми?

Кизнинг газаби келди. “Номард экансиз”, деди.

Отаси истаганидек кеч кузда Абдуҳамидинг тўйи бўлди. Курсдошларидан ҳеч ким унинг тўйига бормади. Кимdir пули йўқлигини баҳона килди, бошқаси дарсларни ташлаб кетмаслигини айтди. Қолганлар ҳам турли важлар кўрсатишди. Аслида, бу Ясмин туфайли эканини у яхши биларди. Ясминнинг севгисини увол килгани учун ҳамма ундан нафратланар, лескин ҳеч ким юрак ютиб буни ўзига айттолмасди.

Тўйдан сўнг бир ҳафталик келинчакни гўшангода колдириб, янги куёв Абдуҳамид Тошкентга, ўқишга қайтди. Курсдошларининг номигагина айтилган табрикларини эшитаркан, кўзлари ўғринча Ясминни кидирарди. Аммо қиз ҳеч қасрда кўринмасди. Дарс туга-

гүнича зўрга чидаб ўтирди. Дарслар тугаши билан бир– бирига гап бермай кетаётган тошкентлик кизларга етиб олиб, улардан Ясминни сўради.

– Билмагандек сўрайсиз-а? – деди улардан бири қош кериб. – Киз бечоранинг жа-а юрагидан урган экансиз. Касал бўлиб қолди. Кишлогоига кетди. Ўша ерда даволаниб қайтаркан.

– Ўзи-ку, шу қизни кўпам хушламасдим, – гапга қўшилди иккинчиси. – Лскин севги дардида адо бўлганини кўриб, бечора кизга раҳмим келди. Севги дегани одамни шунчалар телба қилса, умуман ҳеч кимни севмаганим бўлсин.

Улар чуғурлаганча яна нималардир дейишди. Аммо у кизларнинг бирорта сўзини эшиитмас, қулоклари шангиллаб, устига осмон кулаётгандек эди.

Ясмин ўқишига қайтмади. Институт маъмурияти бир неча марта унинг ортидан хат юборди, аммо бирортасига жавоб келмади. Абдуҳамид орқаворотдан “Ясмин қайсиdir қариндошига зрга тегаётганимип. Яқинда тўйи бўларкан. Энди ўқимасмим”, деган гапни эшиитди. Бу гапдан унинг кўнгли тинчлангандек бўлди. “Эрга тегиб, бола-чакали бўлса бор меҳрини эрига, фарзандларига беради. Мени унутади”, деган ўй унга таскин берарди. Аслида, бу виждонини тинчлантириш учун бир баҳона эди, холос.

Абдуҳамидинг ўзи ҳам Ясминни унутмади. Унупотмади. Ясминдан бир умр ажралганига ақли стсада, юраги бунга кўнмасди. Хотинининг юриш-туриши, гап-сўзларидан уни излар, бирор ўхашалик топишга интиларди. Буларнинг ҳаммаси телбаларча ҳаракат эканини англаб туради, аммо нима қилсин, юракка буйруқ бериб бўлмас экан. Кимдир акл билан, ким эса юрак билан севади. Юракдаги мухаббатни ўчириб бўлмас экан. Йиллар ўтсада унинг тафти юракни куйдириб тураверар экан. Юзга ажин, сочга киров оралаганда ҳам кўнгил ёшариб туравераркан. Абдуҳамид Ясминни ана шуидай севганди. Кизнинг кичкинагина фотосуратини паспортининг жилди остида сақлар, аҳён-аҳёнда ўгринча каарарди. Бир куни “шаҳарга тушиб келай, ишим бор эди”, деб кетган хотини кечга яқин кириб келди. Кун бўйи болаларнинг чуғур-чугуридан чарчаган Абдуҳамид кеч кайтгани учун хотинини уришмоқчи бўлиб унинг ортидан кирди-ю, дераза токчасидаги катта суратни кўриб тахта бўлиб қолди. Бу ўша-у

паспортининг жилди остида саклайдиган сурат-Ясминнинг катта-лаштирилган портрети эди. Кийимларини алмаштириб чиқаётган хотини синиққина кулиб қаради:

– Энди бу расм шу ерда туради.

– Сен... сен билармидинг? – Абдухамид ўз-ўзидан уялиб кетди.

– Сиз доим уни севгансиз. Лекин тақдирларингиз кўшилмаган экан. Севиш айб эмас. Ахир, ҳаммаям ҳаётида бир марта севади-ку...

Аёли шундай деб унинг ёнидан сирғалиб ўтиб кетмокчи бўлди. Абдухамид унинг кўлларидан тутиб, бағрига босди. Иккиси ҳам унсиз йигларди. Айни дамда Абдухамид ўзини ич-ичидан янир, бор дардинни йиллар давомида ичига ютиб яшаган хотини ҳам қачонлардир кимнидир севган бўлиши мумкинлигини хаёлига келтирмаганини ўйларди.

Йиллар ўтди. Фарзандлари улғайиб, ўйланишди. Армон бўлган севгисини юрагидан ўчиролмаган Абдухамид биринчи қыз невара-сининг исмини Ясмин деб кўйди. Бу билан у гёё йиллар давомида қалбини кўйдириб келган чўкка кул ташлаб, унинг тафтини пасайтиргандек эди.

Хозир шуларни эсларкан, Абдухамид ота яна ўтмишга, ёшлик йилларига қайтгандек бўлди. “Кўнгил қаримас экан”, деди пи chirlab.

* * *

Даволовчи врачи Фарруҳ эрталабдан унинг хонасига кирди. Хурсанд кўринарди.

– Абдухамид ота, сизга айтадиган иккита яхши хабарим бор, – деди жилмайиб. – Эртага сизга жавоб берамиз. Анализларингиз яхши чиқди. Даволашимиз бекор кетмапти, тезда тузалдингиз.

– И-и, шундайми? – ўн кундан ортиқ касалхонада ётиб зерикиб кетган Абдухамид отанинг юзи ёришиб кетди. – Унда мен ўғилларимга кўнтирок килиб кўяй, келиб опкетишсан.

– Йўқ, бундай қилмайсиз, – унинг гапини бўлди Фарруҳ. – Сиз хали иккинчи хабаримни эшитмадингизку? – у сирли кулимсиради. – Сиз меҳмонсиз. Бизда меҳмонни кўчадан кузатмайдилар. Иккинчи хабарим эса... Кеча олдингиздан чикиб тўғри аммамниуга бордим. Сизнинг шу ерда эканингизни айтдим. Ишонасизми, аммам анча вактгача ўзларига келолмадилар. Кўзлари ёшланиб, “Фаррухжон, ка-

салхонадан чиққанларидан кейин у кишини уйга олиб кел", дедилар.

Кечадан бүён Ясминнинг дарагини эшитиб ҳаловати йўқолган Абдуҳамид ота ҳаяжопланиб кетди. Фарруҳ хонали тарк этди ҳамки, у ҳамон Ясмин билан бўлажак учрашувни тасаввур қилар, юраги "гуп-гуп" уради. Бир неча кундан бўён соколи олинмагани эсига тушиб, ҳамширага устара ва яхши атири учун пул берди. Фаррош аёлнинг чўитагига пул солиб, ҳали тахи бузилмаган костюм-шимиғига дазмол бостирди. Эртанги кунга тайёргарлик кўтаринки даражада эди.

Мана, ўша кун келди. Азонлаб туриб олган Абдуҳамид ота қасалхонадан кетиш тадоригини кўра бошлади. Яна бироздан сўнг Фарруҳ келади, унгача тайёр бўлиб туриши керак. Ойнага қараб ҳафсала билан сокол қиртишлай бошлади. Юзи узра бориб келаётган устара бирдан тўхтади. Фарруҳнинг "аммам сизнинг суратингизга тикилиб ўтирадилар", деган гапини эслади. Қошлари қоп-кора, кўзлари чакнаб турган, келишган йигит эди ўшанда. Ойнадан эса унга кўзлари ич-ичига ботиб кетган, кош-киприклари сийрак, юз-кўлларига ажин тушган, қарилек зинапоясидан юкорилаб бораётган қария қараб турарди.

"Нима киляпсан, Абдуҳамид? – деди ўзига ўзи. – Ўзингни нега ёш йигитлардек тутяпсан? Ясминга мана шу ҳолингда кўринмокчимисан? Ахир у сени ёшлигингда севган, унинг тасаввурда ўша суратдаги йигит бўлиб қолиб кетгансан. Фикрингдан воз кеч, унинг олдига борма. Унинг хотирасида ўша ёш йигит бўлиб сакланиб қол."

Телефонини олиб, уйига кўнғироқ қилди: – Менга жавоб беришиди, йўлга чиқяпман.

– Бироздан сўнг келган Фарруҳ нарсаларини жойлаштириб, кетишга тайёр бўлиб турган Абдуҳамид отани кўриб юзи ёришди:

– Тайёрмисиз, кетдик бўлмаса. Ташқарида машина кутиб турипти.

– Фарруҳжон, мен сиз билан боролмайдиган бўлиб қолдим. Неварамни тоби қочипти, тезда етиб боришим керак, – у ёлғони билиниб қолишидан чўчиб кўзларини олиб кочди.

– Мен аммамга сизни олиб боришини ваъда бергандим. Энди бу ёғи нима бўлади? – кайфияти тушиб кетди йигитнинг.

– Вазият шунака бўлиб қолипти, деб айтинг. Кейин... – Абдуҳамид ота бир муддат жим колди. – Аммангизга бир гапимни етказсангиз.

Энди бу гапни айтсам ҳам бўлади. Бобонгиз Ясминнинг амакисининг ўғлига беришга лафз қилган эканлар. Мендан “бу гапни ҳеч ким билмасин”, деб илтимос қилгандилар. Мен ҳам ҳеч кимга айтмайман, деб йигитчасига лафз қилгандим. Тақдиримиз кўшилмагани ана шу сабабдан, бошка ҳеч нарса эмас. Мана бу бобонгиздан қолган эсадалик. Бу мендан кўра сизга керак, – у қўйнидан занжирли соат чиқариб, Фаррухга узатди. Бу ўша – Ясминнинг отаси берган соат эди. Соат ҳамон янгидек ишлаб турар, ўтаётган вақтни писанд килмагандек бир маромда чиқилларди.

– Яна бир гапни аммангизга етказсангиз, – хижолатли кулимсиради Абдуҳамид ота. – Киз неварамга у кишининг исмларини кўйганман.

– Шундайми? – оғир хўрсинди Фаррух. – Бахтли одам экансиз, фарзандларингиз, невараларингиз бор экан.

– Аммангиз ҳам бир уй неваралар билан зерикмасалар керак? – ўртадаги нокулай вазиятни кўтариш учун сўз қотди Абдуҳамид ота.

– Йўқ, бош чайқади Фаррух. – Аммам фарзанд кўрмаганлар.

Бу Абдуҳамид ота учун кутилмаган гап эди.

– Эрлари билан ораларида фарзанд бўлмадими? – ачиниб, энтикиб сўради у.

– Аммам турмушга чиқмадилар, – лаблари қимтилди Фаррухнинг. – Бир умр ёлғиз ўтдилар.

– Нега, қанакасига? – титраб кетди Абдуҳамид ота. – Ахир амакисининг ўғли билан...

– Аммам у кишига турмушга чиқмадилар. “Мен бир кишини севганман. Севгимга хиёнат қилмайман”, деб лафз қилган эканлар.

Абдуҳамид ота бу гапдан беҳол ўтириб қолди.

Абдулла ЙЎЛДОШЕВ



Абдулла ЙЎЛДОШЕВ 1954 йил Китоб шаҳрида туғилган. Тошкент Давлат университети (ҳозирги ЎзМУ) нинг журналистика факултетида таҳсил кўрган. Шаҳрисабз туман "Кеш" газетасида меҳнат қилиб келмоқда. Унинг ижод намуналари "Ўзбекистон адабиёти ва санъати", "Халқ сўзи" газеталарида, "Муштум", "Гулистон" журналларида эълон қилинганд.

ГУМРОҲЛИК Ҳикоя

— Ота, Худо зўрми. ё Сталин зўрми?

“Хаҳ, нодон бола-я! Шу топда берасанми шу саволни?” У нима дейишини билмай, бирпас тарааддулланиб қолди. Ўғлига билинтирмай орқасига ўгирилиб, изма-из келаётган қора чарм шапкали одамни кидирди. У уч-тўрт қадам нарида турарди. Ўша! Ихлосбоевнинг одами. Ихлосбоевга рўпара келишдан ўзи асрасин.

— Иккалари ҳам тенг, — деди у бир ютиниб олиб, — балки ўртоқ Сталин кучлироқдир.

Ҳалиги одам эшигдими, йўқми, буниси номаълум. Лекин шундан кейин кўздан йўколди. Мулла Лутфулла оёқлари қалтираб узок турди ўша ерда. Бозорнинг энди татимаслиги аён. 10 ёшли Низомжон кўзига жуда ёмон кўринди шу топда. Ўғлига қайнатилган лавлаги олиб берди-ю, уйга қайтдилар.

Эрининг авзойини кўриб Нисо хола ҳам кўркиб кетди. “Бир тап бўйлан, — ўйлади у. Кимдир чақдимикан-а, минг марта айтдим бу кишига, ўша қолган учта китобни ҳам кўмиб ташланг деб. Ҳеч

күнмади. Қамоқдан келганды-ку, болаларидан олдин китобларни сурыштириди. Болаларимга мендан қоладигани шу китоблар. Агар уларни ҳам чиритсам, нобакор бўлмайманми?,” деб туриб олди-я.

Мулла Лутфулла ўша куни қовоғини очмади. Ўйдагилар у ўрнатган тартибга ўрганиб қолишган. Дастирхон атрофида ҳеч ким бошяланг ўтирамайди. Дастирхонда ҳатто бирорта ион ушоги ҳам қолмаслиги шарт. Фотиҳа ўқилмасдан ҳеч ким ўрнидан турмайди. Яна бир ғалати нарса шуки, болалари шолғомни ёмон кўришса-да, оталарига бир қараб қўйиб, ноилож ейишади. Факат бир марта муғомбир Одилжон шолғомни емай, чўнтағига солиб олган, бу сир ошкор бўлгач, ота уни “ҳаҳ нодон”, деб уришиди. Лекин биргина сўз ҳам шундай таъсир килдики, Одил анча вақт йиғлаб ётди. Ҳа, оиласда ота чинакам ҳоким эди. Лекин болаларини бирор марта урган эмас.

Мулла Лутфулланинг маҳаллада обрўси жуда баланд. Эскичасига ҳам, янгичасига ҳам бирдай билимли бу одамни танимайдиган киши йўқ шаҳарда. Мўйлови ўзига ярашган, кўзлари мулойим бокувчи бу кишини мулла Лутфулла деб аташса-да, лекин унинг бирор марта муллалик килганини ҳеч ким кўрмаган. Аммо кўпчилик агар у тиловат қилса, ҳар қандай мулладан ўтказишини эшитган...

Фотиҳа ўқилгандан кейин болалар жимгина чиқиб кетишиди. Шундагина Нисо хола:”Айтинг, нима бўлди?” дегандай эрига қаради.

– Бугун умримда, килмаган гуноҳни килдим, хотин, – деди у ёлғиз қолишгач “уф” тортиби.

– Яратганга шак келтирдим. Йўлда кетаётиб, ўзимни ўзим роса лаънатладим: “Ахир бундан ҳам даҳшатли пайтларда эътиқодингдан қайтмаган эдинг-ку, нодон”, – дедим.

– Аллоҳлинг қарами кенг, отаси, астойдил тавба қилсангиз, ке-чиради. Мана, Зикрилло эшонни қаранг, яна ҳеч нарса бўлмагандай мурид “овлаг” юрибди.

Хотинининг бу гапи кўнглидаги ғашликни янада кучайтириди. 1938 йилда Зикрилло эшон билан уни бир кунда сўроққа олиб боришган. Зикрилло эшоннинг бир-иккита оқ тушган соқоли кўз ёшлиридан ҳўл бўлиб кетган, негадир “тавба қилдим, таксир, тавба қилдим”, – деб тақрорлади. Ҳатто китобларини ҳам “Бировнинг омонати”, деб тан олмади. Кейинчалик эшитса, эшон ўз кўли билан гуттурт чакиб, ўша китобларни ёндирган экан....

Уларни яккама-якка сўроқ қилишиди. Имомбоевни (у кейинчалик фамилиясини ўзгартириб Ихлосбоевга айланди) у ўша ерда кўрди. Имомбоев оғзидан арок ва саримсоқ ҳиди анқиб турган

терговчининг таржимони экан. Мулла Лутфулла таржимонсиз ҳам саволларни англласа-да, негадир буни билдиримади.

– Ўртоқ Сергачев бу китобларнинг ҳаммаси ўзингникими? – деб сўрайтилар.

– Ҳа, ўзимники, баъзилари отамдан колган, баъзиларини ўзим олганман.

Бу гапни эшишиб терговчининг юzlари тундлашди, энди унинг саволлари бутунлай бошкacha тус олди.

– Демак, отангиз ҳам сиз каби халқнинг онгини заҳарлаган экан-да. Қайси мачитда имомлик қилган отангиз?

– Отам косиб эди. Умрида муллалик қилмаган. Мени ҳам муллалик қиласди, деб ким айтди сизга?

– Хўш, муллалик қилмасангиз, бунча арабча китоб нимага кепрак? Так, что гражданин Мухторов, тан олаверинг.

У жавобга оғиз жуфтлаганда терговчи яна нималардир деди:

– Мана ўртоқ Сергачёв айтяптилар, ҳатто буюк Энгельс ҳам араб тилидаги китоблар ис-исе ҳалқларнинг онгини заҳарлаганини билган холда “Лаънати араб ёзуви” деб, уни ўрганишдан воз кечиб юборган эканлар.

– Йўғ-э, Энгельс ҳамма миллатта бир кўз билан қараган. Инсонпарварликни шу кишидан ўрганиш керак, деб ҳатто ўртоқ Сталин ҳам айтгандар-ку.

– Ўртоқ Сталинни тилга олманг, – жеркиди терговчи, – Маркс, Энгельсни ўқиганингизда бунчалик жаҳолатга ботмаган бўлардингиз. Мана, ўша араб ёзувининг таъсири.

– Ахир менинг китобларим орасида динийлари уч-тўртта, холос. Қолганлари Навоий, Лутфий, Муқимий, Қодирий...

“Эҳ, суяксиз тил Қодирийни нега айтди-я”.

– Нима, ҳалқ душмани Қодирийнинг китобини асраб юрган экансиз-да. Мана, кимлигингиз билинди-қўйди. Сизнинг ўрнингиз турмада.

Камерада у бир ажойиб киши билан танишди. Тўғриси, ҳадиксираб турганида ўша кичкина юзи коп-корайиб, кўзлари шишиб кетган кишининг ўзи гапириб колди. У Бештол кишлоқ Советининг раиси бўлиб, Мулла Лутфулла ҳакида эшигтан экан.

– Кабинетимда гафлат босиб “Ўтган кунлар”ни колдирган эканман. Ўрибосарим дарров етказибди. Мана энди ётибмиз “ҳалқ душмани”нинг думи бўлиб. Махмадаминов асли фарғоналиқ бўлиб, колхозлаштириш даврида бу ерда ишга юборишибди. Хотини, болаларини яқинда Фарғонага жўнатган, ўзим ҳам бу алғов-

далғов күнларда қариндошларим ёнида бўлай, деб кетмокчи бўлиб турган эдим. Гап айланиб терговчининг саволларига тақалди.

– Вой, номард-эй, – деди у терговчининг Маркс ҳақида айтганларини эшитиб, – қаранг, Энгельс номини ҳам булғамоқчи булар.

Энгельс ҳеч шундай бўлмаган. У араб алфавитининг зеру забарларини тушунолмай қийналган. Қаранг-а бўхтонни. Энгельс арабча китоблар халқлар онгини заҳарлаганини билиб шундай деганимиши? Вой номардлар-эй. Бизни эмас, мана буларни халқ душмани, мафкура душмани, деса бўлади. Майли, қамоқдан бир иложини топиб ўртоқ Сталинга хат ёзаман. Сизнинг номингиз билан жиноат қилишяпти, марксизмни булғашяпти, дейман...

Маҳмадаминовни эртаси куни олиб кетишди. Уни эса яна ўша Сергачёв сўроқ килди.

– Гап бундай Мухторов, – деди у Ихлосбоев орқали, – айбингиз оғир. Лекин ўзингизни оқлаб олишга имкон берамиз. Индинга қўрғонда катта мажлис бўлади. Сиз кўпчиликнинг олдида китобларингизни ёқасиз. Кейин диндорликдан воз кечганилигингиризни айтиб, ҳаммани шунга даъват этасиз, вассалом. Уйланганизга бир ой бўлган экан, ана шундан кейин беналол уйга кайтиб, медовой месяцни (тилмоч буни таржима қила олмади) давом эттиравесрасиз. Так, что, ўйлаб кўринг. Эртага жавобини айтасиз. Таклифимизга кўнаверинг. Номи улуғ, сурпаси куруқ муаллимликни ташлайсиз.

Туни билан кўзига уйқу келмади. Зор йиғлаб колган онасиини, эндиғина бу хонадонга ўрганаётган Нисоойни кўз олдига келтирди. Агар қамалиб кетса, улар ҳам нариги кўчадаги Ботиронвинг хотини, болаларига ўхшаб якка мохов бўлиб қолишса-я! Аммс... Китобларига ўзи ўт қўйипшини, кейин кўпчилик олдида имонидан воз кечишини ҳатто тасаввур килиб, титраб кетди. Сўнг Маҳмадаминовнинг “Ўртоқ Сталинга хат ёзсан, сизнинг ҳам ноҳак қамалганингизни айтаман”, дегани эсига тушди. Майли, қамалса қамалар. Маҳмадаминовнинг хати ҳали стиб борса кўп ётмайди. Ўртоқ Стalin оқни окка, қорани қорага ажратади.

Маҳмадаминовнинг изсиз кетишини билмаганди ўшанда. Қамоқда роса тўрт йил ётди. Озодликка чиқиб, бир ойгина уйда бўлди, холос. Сўнг фронтга жўнади. Энди ҳовлида факат тўрт ёшли ўғли-ю, хотили қолди. У онасини қабрига урушдан келибоқ сағана қурдиришни дилига туғиб қўйди.

Ўпса азоблар-у уруш даҳшатларини энди унутай деганида бу кўргулик қаердан чиқди ўзи?!

Урушдан түртта орден, саккизта медал билан қайтганида Китоб станциясида Мулла Лутфулланинг кўзи Ихлосбоевга тушди. У энди прокурор ёрдамчиси экан. Уруш пайтида бир жувонга кўз олайтиргани учун НКВ дан кетибди. Лекин ҳозир ҳам ошиғи олчи эмиш...

У хотиралар оғушидан бирорта таскин тополмай китобларни яшириб кўйган жойидан олди. Ҳазрат Навоийнинг “Ҳамса”си, “Мехробдан чаён”, “Бобурнома” Нисоойга ошиқ бўлиб юрган йигитлик пайтларини эслатди. У ҳам мирзо Анварга ўхшаб севгилисига ғазал бағишлаган, аммо онаси ўқиб қолишидан уялиб, йиртиб ташлаган. Лекин кечаси алғов-далғов тушлар кўриб ётолмади. Ҳуллас, у тинчини йўкотди...

...Мартнинг ўша булутли кунида у ҳам бошқаларга кўшилиб тўйиб-тўйиб йиғлади. Кўлига кора латта боғлаган, ҳадеб рўмолчаси билан кўзини артаётган Ихлосбоев ҳам кўзига унчалик даҳшатли кўринмади. Ҳамма энди нима бўлишини билмай ҳайрон. Ўртоқ Сталиннинг ўрнини босадиган одам топилармикан?

1953 йилнинг охирига бориб “фалончини олиб кетишибди”, деган гаплар эшитилмай қолди. Фақат харидордан 2 тийин уриб қолган кўшиниси Сафаров 8 йилга кесилиб кетди. Ихлосбоев ҳам уни негадир одам кўйиб кузатишни бас қилди. Энди у одамлар кўзига кам кўринарди. Мулло Лутфулла эса институтларни битириб келган муаллимлар кўпайгач, мактаб кутубхонасига ишга ўтди. Бу орада не-не сувлар оқиб ўтиб, не-не гаплар бўлмади, дейсиз. Ҳар йили 9 майда чакириб, бирорта кўйлакми, сочиқми топлиширишларини айтмаганда, хеч ким безовта килмади хисоб. Фақат бир гал Зикрилла эшоннинг уйида асосан савдо ҳодимларининг болаларини тўплаб, мактаб очгани фош бўлганида уникига ҳам келишди. “Сиз тушунган одам экансиз, мана подпольний мактаб очмабсиз, лекин бу ёғига ҳам хушёр бўлинг”, деб кетишли.

Ихлосбоевни ҳам деярли унугтиб юборган экан. Лекин кутилмаганда яна дуч келиб қолди. Пенсияга чиқиб, болаларни ҳаммасини уйли-жойли килиб, хотиржам юрган пайтлари эди. Бир мўътабар идорага чакириб қолишибди. Ихлосбоевни ўша ерда кўрди. У мункиллаб қолганига қарамай, ҳамон ишлар, ўша ерда маданият масалалари билан шуғулланаркан. Ихлобоев мулла Лутфулла билан куюқ сўрашиб, ичкарига бошлади. Кабинетда анча одам бор экан.

– Шахсга сигинишининг азоб-у укубатларини тортганлардан бири шу киши бўладилар, – деб бундан хангуда манг бўлиб қолган Лутфуллани раистга таниптириди.

– Да-да, бунга мен ўзим гувохман, – деди Ихлосбоев ҳам, – ўша ёвуз Сергачёвга переводчиклик қилганимда бу киши ўзларини молодцовский туттганлар. Айрим кескин гагларини юмшатиброк таржима қиласам-да, Сергачёвнинг ёвузлиги туфайли қамалиб кеттаилар.

Мулла Лутфулланинг бу гаплардан ғазаби қайнади. “Хўш, унда нега урушдан кейин кетимдан одам кўярдинг, абраҳ?” деб очикчасига сўрамоқчи бўлди-ю, барibir тан олмайди бу номард, деб фикридан қайтди. Мулла Лутфулла исга бу ерга чақиришганини билолмай хайрон эди.

– Ўрток Мухторов, мана Ихлосбоев айтганларидақ, шахсга сифиниш даврида беайб азоб тортган экансиз. Шу якин орада ёшлилар билан атеистик тадбир ўтказмоқчимиз, Сиз ҳам сўзга чиқасиз. Баъзилар, айниқса, уруш ветеранлари “Сталин наҳотки шунча ишни қилган бўлса”, деб ишонишмаяпти. “Қабристондаги эскича ёзувларни исга суваб ташладинглар?, деб гина қилишяпти. Мана, халқ ишонади. Шартта-шартта айтасиз. Фош килиб ташлайсиз, Сталинча тартибининг давомчиларини, Ихлосбоев сизни тавсия қилганда, ҳаммамиз энг муносиб номзод, деб топдик.

Мулла Лутфулла Ихлосбоевга қаради. У кўзларини олиб қочди. Сўнг негадир галстугуни бироз бўшатди. Мулла Лутфулланинг эсига яна ўша бозорда айтган гапи келди.

– Кўзимга тик қара, Ихлосбоев, – деди у товуши хиркираб, – мен сенга ўхшаб замон бироз ўзгарипши билан эътиқодимни ўзгартирадиган номард эмасман. Менда битта эътиқод бор. Сен туфайли бир марта гумроҳ бўлганим етар. Stalin ҳам мана сенга ўхшаш, ўша Сергачёвнингта ўхшаш эътиқодсизлар таъсисига тушмаганида, бугун бунчалик кораланмасди. Мард бўлсанг, ўзинг гапир ёшлар олдида. Барча қилмишларингни айт. Халқдан узр сўра!

Ихлосбоевнинг кўзлари олайиб кетди. Бошқалар ҳам қотиб қолишиди. Мулла Лутфулла эшикни шартта ёпди-ю, чиқиб кетди.

У энди роса гап кўпайишини яхши биларди. Майли, билгандарини килишсин. У бу гал кўркмади, яна гумроҳлик килмади. Шунинг ўзи кифоя.

Бахтиёр МУРОДОВ



Бахтиёр МУРОДОВ — 1979 йылда Қарши шаҳрида таваллуд топган. 2005 йылда Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтини тамомлаган. Шеърлари, бадиҳалари ва публицистик мақолалари тўман ҳамда вилоят газеталарида чон этилган.

НОТАНИШ СУРАТ

У бир четда, оёқ остида ётарди. Гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга шошиб либ ўтаётган йўловчилар ҳали тиниб улгурмаган ёмғир ҳосил қилган кўлмакни шалоплатиб босиб ўтиб, унинг юзига лойқа сувларни сачратиб ўтар эдилар. Бирор таниш бўлса керакми ёки шунчаки кизикибми билмадим, сурат томон яқинлашиб уни ердан кўтариб олдим. Шалоббода ивиб қолган суратни кафтимга кўйиб синчковлик билан қарадим. Кўхликкина жувон экан. Мен танигандарга ўхшатгандай бўлдим. Йўқ. Танимадим. Соchlари майда ўрнилган, кўзларига оро бериб турган сурмаси ярашган, маюс кўзларida алланечку маъни бор эди. Эски суратмикан, деб худди изтопарлардек суратнинг орқасини ўгирдим. К... О... Н... ИКА... Демак, сурат эски эмас. Елкамдан ўтган ёмғир этимни жўнжиктириб, ҳаёлимни қамраб олган. Сурат исканжасидан чиқдим. Беихтиёр уни чўнтағимга солиб уйга томон юрдим.

— Нима бало, — деди хотиним енгилгина салом алиқдан сўнг.

— Ҳаво эрталабдан айниганини била туриб соябонсиз чиқиб кетибсиз. Ҳали шамоллашдан қутулганингизга кўп бўлмади. Доим шунақа, хотин шўрлик жавраб қолаверади, бу эркак зоти билганидан қолмас эканда.

Унинг жаврашнома гал оҳангидан билдимки, рўзгор ишлари толикитирган, кайфияти яхши эмас. Хонамга кириб намиқкан уст бошларимни алмаштирудим. Негадир яна ўша жувон сурати хаёлимни банд этди. Суратини эски эмаслиги аниқ. Орка фонидаги кўриниши ҳам Адҳам сураткашнинг “Камалак” фотостудиясидаги пейзажлардан. Майда сочли... Сурма кўзли... Эгнидаги атлас кўйлаги ҳам одмигина. Тавба... Ҳозир кўча-куйда бунақаларни учратиши... оиласи, бола-чақаси бўлса керак. Қайси бир баҳтли инсоннинг оиласи экан...

Намиқкан баданимга иссиқ ўтиб чопонга ўралганча пинакка кетибман. Туш кўрибман. Аёлим қўлида офтоба, елкасида сочик билан истиқболимда турарди. Жилмайиб турсада унга томон юришга ошикмасдим. Ҳовлимиз шекишли?! Нега ёмғир йўқ. Сочинг қани, қанақа эди ранги... Ҳалиги, сурма кўзнинг губорини олар эмиш. Шуни билдармидинг?. Унда нега...

– Ҳозир, шошилманг, – дейди аёлим кайсиdir томонни кўрсатиб. У кўрсатган томонга қарайман. Тол хивичга чучмомо гулини арапаштириб баргак тўкиётган майда ўрилган сочли жувонга кўзим тушади. Ие, топиб олдим. Ҳозир олиб чиқаман.

– Ҳай дадаси, туринг, овқат ичинг.

Ширин уйқумни бузган аёлимнинг товушидан сергакланиб кўзларимни очдим. Кечки овқатни ҳам негадир иштаҳасиз тановвул қилдим.

Эрталаб ҳар галгидай ишга шошилиб кийина бошладим. Илгакда ювилиб дазмолланган бошқа уст-бошларим илиниб турарди. Аёлимдан кечаги костюмимни сўраганимда уни ювиш учун чиқарганини айтди. Ишга кечикаётган бўлсамда негадир аёлимни кўзидан ҳолироқ пайтни пойлаб ювиш учун тўплаб қўйилган кийимлар орасидан костюмимни топиб чўнтагидан суратни олдиму кўчага отилдим. Бу хавотирли ҳаракатим боисини тушунмай чалкаш фикрлар оғушида иш курсимга ўтирдиму суратни энг пастки ғаладонда турган хужжатларимнинг орасига “беркитдим”.

Тавба, нега хаёлим паришон? Суратни топиб олмаганим яхшимиди...

АРИ БИЛАН СУХБАТ

Эрта баҳор. Келбатли тоғ тизмасига чирмашган күөш чүккү оша заминга мұралайди. Ҳовлимыздаги олма дарахтининг оч бинафшарнги офтоб нурида ял-ял төвланади. Табнат мүжиза касб этган олма гулини бенуқсон жозибаси күзни қувонтиради. Мафтуңорлыги бенисбат. Бемисл хайрат. Бу қандай ҳилқат, ҳатто құл тегирмокқа етмайды журъат. Тымсоли үйғоқ мұхаббат. Шууриңгга бергувчи роҳат. Поклик рамзи, рамзи фарогат. Бирдан қаердандир визиллаган овоз чикариб күримсиз, хира рангда бир ари олма гули узра айланиб сайдини таъкиб этган овчидек ажиб манзарага раҳна солади. Қайдан келди бу түркі совуқ. Үнсиз афғон, дилда уради туғён. У эса визиллаб беармон гул марказидан топади макон. Тұхта! Сеникимас бу аркон. Тұхта, шундай гүзәлликни айлама пайхон. Ахир сен на бол йигитувчи, на чанглаттувчисан. Ана, заараркунандалар пастда ғужғон. Ҳатто улар ҳам гүзәлликка яқин келмокқа топмайдилар күч. Бир, иккі... уч. Күпайдинглар-ку. Ана бор, терак томон уч. Үнда ҳам әндигина куртагини әриб чиққан мирғайгина барглари ширага эниб турибди. Балки ҳеч нарса бүлмагандир. Бирок, сен келдингі түл раниңдан тиниклик, фусунқорлик йүқолғандай бўлди. Латофатли нағисликни, гүзәлликни хис қилувчи туйғулар балки сенга ётдир. Бирок бу сенга беаёв жоҳиллик қилиш мумкин бўлгани эмас. Сен нафақат бу гүзәлликни барбод этдинг, балки кеч кузгача нозиккина натига осилиб турли машаққатини зиммасига олаётган бўлғуси меванинг бағрига қора доғини колдириб кетяпсан. Шўрлик мева улуш давомидаги меҳнатига куйгани етмагандек лаззатдан фориғ бир пўчокқа айланажак қисматга хукм этмоқдасан. Эй дийдаси қаттол, сендан кутулмоққа нечун имкон йўқ. Сени ўлдирсам гул ҳам үлади. Үндан энг сўнгги нажотидан ҳам мосуво қилган бўламан. Үнда сендан нима фарқим қолади. Эҳ... Тақдирга тан бермок дегани шу экан. Эссиз!

De Matisse



Соли ПҮЛАТОВ



Соли ПҮЛАТОВ 1949 йыл Сүфи қишилогида туғылған. Тошкент театр ва рассомчылык санъати институтининг санъатшунослик факултетини тамомлаган.

Шаҳрисабз ва Китоб тұмани газеталарыда адабий ходим бўлган. Кўп йиллар вилоят ўлкани ўрганини музейи директори вазифасида ишлаган. Асосан драматургия соҳасида қалам тебратган. Унинг “Оқсанарой”, “Улуебек васияти”, “Озод қул”, “Новқат ибодатхонаси сири” каби тарихий пъесалари, “Қарши – қадимий шаҳар”, “Обидалар халқ мулки”, “Қашқадарё халқ ижодиётси сирлари” номли тарихий-илмий рисолалари чоп этилган.

НОВҚАТ ИБОДАТХОНАСИ СИРИ

Икки парда, олти кўринишни драмадан парча

Иштирок этувчилар:

Александр Македонский – (Искандар Зулқарнайн) буюк фотиҳ, 20-33 ёшларда

Новқат шаҳри ҳокими – 50 ёшларда

Новқат шаҳри ибодатхонаси коҳини – 70 ёшларда

Даракчи – 40 ёшларда

Кавсар – Новқат шаҳри ҳокимишининг ўғли, 30 ёшларда

Бош сардор – 60 ёшларда

Зарина – Сүгд қабилаларидан бирининг бошлиги. Спитаменниң хотини, 40 ёшларда

Спитаменниң ўғли – 18 ёшларда

Александр Македонскийнинг хизматкори – 40-50 ёшларда

Кўриқчилар, аъёнлар ва бошқалар

Воқеа милоддан аввалги 329 йилда Новқат худудида, 13 йил ўтиб Александря шаҳрида содир бўлади.

I ПАРДА

1-КҮРИНИШ

Парда очилади. Тун. Саҳнанинг орқа томонида Новқат шахри тасвири. Кучли шамол эсмоқда, тохида чақмок чақади. Ёргулик шуъласи Новқат ҳокими ва шаҳар ибодатхонаси коҳини қиёфасини ёритади.

Хоҳин – Бунақа кучли шамол бўлганини эслолмайман. Самода юлдузлар хам кўринмаяпти. Эй ёргулик ва адолат тангриси Ахурамазда, гуноҳи азимга юз тутган бандаларингни ўзинг кечиргайсан.

Ҳоким – Кўрнамаклик ридосига ўралган аслзодалар, тақдирнинг мусибат тоши бошингизга урилганини хис этмаётисизлар. Сийму-зар баҳт бўлолмаслигини ҳамон хаёлингиздан фаромуш қилмоқдасиз. Бу эса шаробингизга заҳар бўлиб қуйилмоғи аниқдир.

Хоҳин – Туш кўрдим, севимли отингиз чўлда эгасиз, танҳо кетаётир, бу яхшилик аломати эмас, хукмдорим. Фалокат юз бермасин, деб кўрқаман.

(Ҳоким даракчиси киради)

Даракчи – Ноҳуш хабар келтирдим, хукмдорим.

Ҳоким – Сўзла.

Даракчи – Форслар шоҳи, улуғ Доро ўлдирилган. Салтанат Македониянинг марҳум подшоҳи Филиппинг ўғли ёш фотих Искандар кўлига ўтган. Қурдатли форс салтанати хоки-туроб бўлган, олампаноҳ!

Ҳоким – (ўйланиб қолади, чақмоқ чақади ва сустлашади). Наҳот ёш Искандар синалган улуғ Доро жангчиларини енгтан бўлса, акл бовар қилмайди. Мен ҳайрат уммонига гарк бўлдим. Қойил колмоқлиқдан бошка иложим йўқдир.

Хоҳин – Ҳукмдорим, бу зафариятга ёш Искандарнинг нима алоқаси бор?

Ҳоким – Очиқроқ сўзланг.

Хоҳин – Доро улуғ ва тадбиркор подшо эди. Аммо сафдошлиари унга хоинлик мақомида турдилар, ҳарбийлар ўртасида ҳам ҳамжиҳатлик, типоғлик бўлмади, шу касофат туфайли форслар мағлубият шаробини ичдилар.

Даракчи – Олампаноҳ, хозир Марга шахрида, кўрганларнинг айтишича, ўзи жуда ёш, чиройли, аммо қаҳри қаттиқ, иззат талаб

хукмдор. Тарбият қилган эмиш комусий олим, юнонлик Аристотель.

Хоким – (ўйланганча) Улуғ одамнинг тарбиясини олган ёш хукмдор! Подшо Доро қандай ҳолатда шаҳид бўлган?

Даракчи – Хукмдорим, Доро ҳарбий қасамни бузмаган, жанг майдонида ҳалокат топмиш. Искандар уни хурмат билан дафи этиб, оиласи номусини сақлаб қолган. Уларга омонлик берган.

Коҳин – Бу тантилик ва олийжанобликнинг белгисидир, аммо жанг майдонида ўлганларнинг волидаю падарлари, қавми-қариндошлари оху-ноласи, изтиробларига таскин берувчи малҳам борми, дил ярасин даволаб бўлурмикан, хукмдорим?

Хоким – Бу не кўргулик, эй ёруглик ва адолат тангриси Ахурамзада! (Шамолнинг гувиллаши кучаяди, чакмок чақади). Наҳот муқаддас тупрок яна ўзгалар оёғи остида топталса, қонга бўялса?

Коҳин – Хукмдорим! (Ғамгин ҳолатда) Мен узок яшадим бу кухна, сирли ёлғончи дунёда. Кучлилар доим кучсизларга зуғум қилурлар, бу гуноҳи азимдур. Форслар киндик қонимиз тўкилган ерларни эгаллаб олдилар, йигитларимиз улар қўлида жангчи, по-киза қизларимиз чўри, буни сўзламоқ накадар оғир. Ёш жаҳонгир ҳам форсларни енгган бўлса, яна бир хукмдор еrimiz эгаси бўлиш орзусида.

Даракчи – Наҳот Суғд ерида яна кўз ёш, ғам, алам тантана қилса? Аммо улуғ сардор, Суғд пахлавони Спитамен уларнинг додини бергай. Ёш Искандарга зафарият шаробини ичиш осон бўлмайди, ха, осон бўлмайди.

Коҳин – Мен яратганга ишонаман. Ҳар бир гуноҳсиз азоб чеккан Суғд фуқароси учун Искандарга жавоб бордур.

Эй фалак, бунчалар ғам-алам билан юрагимни зардобга тўлдирмасант, куч-кувватдан маҳрум қилмасант, умрим шами тезда ўчиб, зимистонга айланаштагандек ҳис эттаётиман ўзимни, аммо бардам бўлинг, гуноҳсиз Новқат элинин золимлар зулмига ташламанг. Аллоҳ ҳимоячи бўлсин сизларга.

Даракчи – Новқат гулу-гулзорлар, қўли гул дехкон-хунармандлар, обод бозорлар, пурвиқор иморатлар маскани зур. Эй дариг, муқаддас ибодатхона, Донишмандлар уйи, олтин санам тақдири не бўлур?

Хоким – Бас, даракчи, бас! Сен ғамгин сўзларинг билан бу дунёга бўлган ишончдан марҳум қилаётиссан.

Даракчи – Тилига эрк берган ожиз кулингизни авф эттайсиз, хукмдорим. (Тиз чўқади).

Коҳин – Ўғлим (даракчига қарат), бор, халқни тинчлантири, ёш

жаҳонгир учун Новқатда жой йўқ. Шаҳарга, ҳалқа зиён етмайди.

Ҳоким – Ҳукмимни кутинглар, хеч кимга бир сўз айтма, тилингни тийиб юр.

Даракчи – Бош устига, олампаноҳ. (Чиқиб кетади).

Коҳин – Вақти-соати келди. Тангрим Ахурамазда томонидан юз берадиган мўъжиза сирин ошкор киламан, ҳукмдорим.

Ҳоким – Мўъжиза, қанақа мўъжиза ҳақида сўзлаяпсиз?

Коҳин – Ҳукмдорим, сизга мўъжиза аён бўлгач, умрингиз шами сўнади, яхшилаб ўйлаб кўринг.

Ҳоким – Тангрим Ахурамазда номи билан қасам ичиб айтаманки, агарки мўъжиза ҳалқим, шаҳримга хизмат қилса, жонимни қурбон килишга тайёрман.

Коҳин – Мўъжиза Новқат ибодатхонасида содир бўлғай. Ёш Искандар шаҳарга даҳл қилингга журъат этолмайди, ха, этолмайди.

Ҳоким – Хурматли донишманд зот, мен нодон ёким ақлимни йўқотган эмасман. Наҳотки айёр тулки бир айланаб ювош туяга айланаб қолса, ўйлаб гапирайпсизми?

Коҳин – Олампаноҳ, сўзим ҳақ. Мўъжиза тангрим Ахурамазда томонидан содир бўлғай, буни ёш Искандар билан ибодатхонада кўргайсизлар, сўнг яшин уриб кулга айланурсиз, мен эса тўсатдан жон таслим килурман. Бизларни улуғ Ахурамазда ул дунёда ўз марҳаматига олгайдур.

Ҳоким – Тангрига қасамки, шаҳри азим Новқат, ҳалқим омон колса, ўлимни хурсандлик дақиқаси деб билурман.

Коҳин – Унда кутинг, ҳукмдорим, ҳозир қайтаман. (Шамол ку чаяди, чақмок чақади, ҳоким ҳайратда, коҳин пайдо бўлади, кўлида терига туширилган ёзув, тўсатдан атроф ёришади, юлдузлар кўринади, чақмок чақиши тиниб, шамол тўхтайди, ҳоким самога боқиб тиз чўқади).

Коҳин – (ҳокимга қарата) Туринг, ҳукмдорим. (Кўлидаги ёзувни беради). Яхшилаб ўкинг, шу сизга йўл кўрсатгай. Агар кўзим бу фоний дунёдан юмилса, сукунат минорасига хурматимни жойига кўйиб дағн қилгайсиз, боринг ўғлим, Аллоҳ мададкорингиз бўлсин. (Ҳоким коҳин кўлини ўпади, одат бўйича икк韶лари тиз чўкиб ерни тавоб этадилар, туриб ғамгин хайрлашадилар, ҳоким чиқиб кетади, шамол эсиши авжига олади, чақмоқ чақади).

Коҳин – (самога боқиб) Қудратли ва марҳаматли тангрим Ахурамазда! Ижозатсиз илоҳий, сирли китоб тугунин Новқат ҳукмдорига ошкор килдим.

Самодан садо – Бу сен томондан қилинган хайрли пешалик-

дур, менинг панохимдасиз. Эзгулик, яхшилик йўлида жон фидолик килганларга доимо марҳаматимни дариғ тутмагаймен.

Коҳин – Улуғ тангрим, Суғд тупроғининг, эзлатларнинг кейингги тақдири не бўлур?

Самодан садо – Якин кунларда бепоён Суғд заминида қопли урушлар содир бўлғусидир, Искандар Мароқандада Суғд пахлавони Спитамен зарбасига йўлиқгай, аммо гуноҳга ботган сафдошлари Спитамен ўлимига сабаб бўлур. Улуғ миноралар йиқилгай, “минг шаҳар” калхатлар маконига айланур, беваю-бечораларнинг охуналаси самони тутгайдур. Лекин у ҳеч қачон Суғд заминидаги Новқат шаҳрининг муқаддас ибодатхонасига зиён- заҳмат етка-зишга журъат қилолмайди.

Коҳин – Демак, Искандар буюклик шоҳсупасига чиқур, унга ҳеч қачон зиён-захмат етмайдур, шундайми, улуғ тангрим?

Самодан садо – Йўқ! У одил жазодан қутулиб қололмайди, айни кучга тўлганда, орзуси ушалган дакиқаларда бегуноҳ ўлдирилган, оху-ноласига тош ҳам бардош беролмаган волидаю-падарлар ҳаққи дунёдан эрта кўзи юмилгай. Бизнинг одил қароримиз шу. Аммо Новқат ибодатхонасида кўрган синоатни Искандар кўзи фоний дунёдан юмилгунча эсида саклагайдур. (Овоз йўқолади).

Коҳин – Ёруғлик тангриси Ахурамазда улуг, адолатли, кудратлидир. Энди дунёдан кетсан армоним йўқ, Аллоҳ марҳаматлидир.

(Шу пайт гумбурлаш овози эшитилади, чақмоқ чақади, коҳин ерга йиқилади, Новқат ҳокими икки киши билан киради ва коҳинни оҳиста кўтариб чиқиб кетадилар. Саҳна чироғи учади, парда тушади).

2- КЎРИНИШ

Парда очилади. Олтин таҳтда Александр Македонский хаёлга чўмганича ўтирибди. Саҳнанинг орқа кўринишида кенг чўл тасвири. Ўртада юононча кўринишдаги стол, стуллар, шоҳи дастурхон устида турли нозу-нельматлар қуйилган. Гоҳида хизматкор кириб олтин қадаҳга май кўйиб чиқиб кетади.

Александр – (Ёзув тасмаси орқали) Кўплаб юртлар менга тобе бўлди. Суғдни азим, шаҳри Марга ҳам измимда. Наҳот Новқат ахли менинг зафариятимдан огоҳ эмасдур, дарвозалари ёпик, бунда не сирлар вожиб? (хаёлга толади).

Содик жангчиларим узок йўл босдилар, майли, дам олиб, хордик

чиқаришсін. Эрта тонг Новқат шаҳри мендан омонлік күрмагай. (Хизматкор кириб Александр Македонский қулоғига нимадир дейді).

Александр – (тахтдан тушиб) Новқат ҳокими ёлғыз ташриф буюрган, айғындарсиз, күриқчиларсиз, жуда кизик, жуда сирли.

Хизматкор – Ҳукмдорим, айни мұддаони сүзладингиз.

Александр – Майли, олиб кир.

Хизматкор – Бош устига, ҳарбий сардорларингиз ҳам ташриф буюрсынмі?

Александр – Йўқ. (Хизматкор чикиб, Новқат ҳокимини бошлаб киради).

Ҳоким – (таъзим қилиб) Ҳукмдор, Новқат шаҳри ҳалқи саломи-ни қабул эт, юртимизга хуш келибсан.

Александр – (жиддий) Марҳамат. (Жой күрсатади, ҳоким бориб ўтиради). Олдин оқшом таомини еймиз, сүңг мақсадингни баён этурсан.

Ҳоким – Бош устига.

(Улар ўтириб таом ейдилар, гохіда бир-бирларини синагандик күз уриширадилар, таом тановул килингач, бириңчи бўлиб Александр Македонский сўз бошлади).

Александр – Кудратимни, омад доимо менга ёрлигини эшитмаганмисан? Биз енгилмас деб тан олинган форс салтанати қалқошини синдиридик. Суғдларнинг гуллаган обод Марға шаҳри энди йўқ.

Ҳоким – Марға буюк шаҳар эди, матонатли Суғд ўғлонларининг кўпини ўша ерда кўзи юмилди, сен ғолибсан, аччик бўлсада тан олмасдан иложим йўқдур.

Александр – Аммо бу жангда менинг ҳам матонатли суворийларим шаҳид бўлди. Энди Суғд тупроғида шафқат, омонлік бўлмайди. Айтчи ҳоким, Суғдлар мәжмонавозликни жойига кўюр, одат бўйича меҳмонга тухфа берурлар, қуруқ кўл билан келмоқ, бунинг устига ҳокимлик либоси ўрнига оддий чўпон қиёфасида ташриф буюрмоқ... Улуғворлигинг, шижаотинг қани, эй, Новқат ҳукмдори?

Ҳоким – Сен ҳақсан ҳукмдор, бўш кўл билан ҳузурингга келдим. Лекин Новқат шаҳри, ҳалқига омонлік берилса, буюк сир, мўъжизадан воғиқ бўлғайсан.

Александр – Қанака сир, қанака мўъжиза ҳақида сўзлаяпсан? Тонг саҳар шаҳарнинг дарвозалари очилмоғи, биз ғолиблик нашъасини сурмоғимиз лозим.

Ҳоким – Сенда кучу-кудрат етарли, шаҳарни олишинг қийин эмас, аммо сирдан ғоғил қолсанг умрбод пушаймон бўлиб ўтурсан, ўйлаб кўр, сўзим ростдур.

Александр – Сўзингта ишонмайман, шер айёр тулкига, төг эчкиси бургутга айланиб қолиши мумкини?

Ҳоким – Тангрига қасамким, сен мўъжизани кўурсан.

Александр – (ўйланади) Сен қайсар зот экансан, майли мен сенинг сўзингга ишондим. Улуғ мураббийим устоз Аристотель ҳам ҳар нарсани кўзинг билан кўр, сўнг ишон, деб уқтирганлар.

Ҳоким – Сен ҳақсан, жаҳонгир, улуғ Аристотель сўзи рост. Дунё тилсимотларга тўладур, энди шахарга йўл олурмиз, ҳамма уйкуда, ҳеч ким ҳалал бермайди.

Александр – Майли, йўл бошла.

(Александр Македонский икки кўрикчиси, хизматкори, Новкат ҳокими сахнадан чиқиб кетдилар, сахна чироқлари ўчади, чақмоқ чақиши, кучли шамолнинг шовуллаши эшитилиб туради, охиста сахна ёришади, чиройли безатилган зал, гумбазсимон ибодатхона, ҳайратомуз тасвирлар. Гўзал қизлар енгил ракс тушмокдалар, дилтортар мусика оҳанглари янграмоқда, улар сахнага кириб келадилар. Ушбу мўъжизали ҳолат уларни ҳайратга солмоқда).

Александр – Муаттар гулларнинг хиди димоғимга урилмоқда, мўъжизалар қасрига кирганим ростга ўхшайди. Бу не синоат?

Хизматкор – Олампаноҳ, мўъжиза бундан ортиқ бўлмас.

Ҳоким – Ҳукмдор, марҳамат қилинг.

(Уни ибодатхона эшиги ёнига бошлаб келади, тўсатдан эшик очилади ва тим қора соchlари латиф қоматини ёпиб турган бениҳоя гўзал қизга кўзи тушади).

Александр – (хайрат ва ҳаяжон билан) Тангримга имон келтираман, бу малаксиймо гўзаллик, поклик маъбудаси Афродитадан ҳам куҳли экан.

(Шу дакиқада ногаҳсон ул малакнинг нозик оёқлари остидан олов чақиб, бир зумда қизнинг борлигини эгаллайди, аммо олов латиф сиймони кўйдирмас, табассум ила бокиб турарди. Шу пайт малакнинг кўзидан нигоҳли олов учкуни чиқади ва Александр Македонский чақмоқ ургандай ерга йиқиласди. Ибодатхона эшиги ёпилиб, жаҳонгир ўзига келиб караҳт ҳолатда ўрнидан туради.

Александр – Бу синоат одамизот кўлидан келмайди, сен ҳақчикдинг, ҳоким. Тангрига қасамким, бу мўъжизадир.

Ҳоким – Мени авф эт, ҳукмдор. Бу мўъжиза тангри томонидин нозил бўлди. Кимки бу шахарни, муқаддас ибодатхонани бузишга журъат қиласа, гўзалликка путур етказса, оқибати яхши бўлмайди, улуғ тангрим Ахурамазда унинг жазосини бергай, ул малак нафақат

гўзаллик тимсоли, оналар мөхри-муҳаббатининг белгиси, ҳаётнинг абадийлигидир. Биз унга тоабад сажда қилиб ўткумиздир.

Александр – Сен ҳақлисан, ҳоким. Сўз бераман ҳеч ким Новқатдай шахри азимга, мўъжиза ибодатхонага дахл қилмоқка журъат этолмайди. Қарорим қатъийдур.

(Шунда ҳоким олтиндан ясалиб, усти ақиқ тошлар билан безатилган типратикон, бақа, қиматбаҳо узук кўйилган патнисни келтириб кўяди)

Александр – Бу нима?

Ҳоким – Ушбуни яратганга Аллоҳ ўз марҳаматини дариг тутмагай. Бу Новқат ахлининг тухфасидир. Олтин ва ложуварддан ясалган ушбу типратикон, бақага назар солсанг кўзинг равшан, тортади рўҳинг тетиклашади, узукни панжангга тақсанг умрбод, навқирон ёш йигит бўлиб қолаверасан. (Александр Македонский узукни кўлига тақмокчи бўлади, ҳоким уни тўхтатади).

Ҳоким – Аммо узук сенга баҳт-саодат келтирмаслигини хам билишинг лозимдор, хукмдор.

Александр – Очик сўзла.

Ҳоким – (узукни кўлга олиб) Узукни панжангга тақсанг, тўғри, умрбод навқирон, ср юзида ягона энг гўзал, ёш йигит бўлиб қолаверасан. Аммо йиллар ўтиб, кўз ўнгингда севимли ёринг, ўғилларинг, невараларинг, сени жондан севгувчи қавми-кариндошларинг қазо қиласидилар, буюк салтанатинг емирилиб, поёнинга етади. Сафдошларинг эса сенга ҳасад ва алам билан боқиб кўз юмадилар. Шунда абадий ғам-андух сени тарк этмайди. Танла хукмдор, ҳаммаси сенини. Аммо аччик ҳақиқатни сўзлаганим учун айб қилма.

Хизматкор – Олампаноҳ, узукни олинг, наҳотки абадий ёшлиқ, навқиронлик, ҳаётнинг хузур-халоватидан воз кечсангиз (тиз чўқади), олинг, салтанатингиз абадий давру-даврон сургай. Сиз уларнинг абадий ҳукмдори бўлиб қолурсиз, тақдирингиз, толе күёши умрбод порлашига ишонаман. Пешонада нелар ёзилганлиги ҳозирча тилсимотдур.

Александр – (хизматкорни тургизади, ҳокимга қараб) Ушбу тухфанг учун Аллоҳ сени ёрлакасин. Айтчи, ҳоким, ушбу узукни бирон зот бармоғига тақишига журъат қилганми?

Ҳоким – Йўқ, ҳукмдор! Ҳалигача ҳеч ким журъат этолмагандур.

Александр – Новқатликлар ақлли, буюк зотлар экан. (Ўйланади). Сен аччик бўлса-да, ҳақиқатни сўзладинг. Менга абадий ёшликининг нима кераги бор? Такдиримда нелар ёзилган, қанча умр кўрмоқлигим

факат Аллоҳга аёндур. Абадий ёшлиқдан воз кечаман, бебаҳо тұхғанғи ҳам қабул қилолмайман.

Хоким – Сен буюксан, имон келтиromoқ жоиздур. (Хоким қуллук қилиб тұхғани олиб кетади).

Хизматкор – Мен ҳайратдаман, хукмдорим. Наҳот Сүғд юрти мұйъжизалар масканы эзур. Кишига хузур берувчи боғлар, ой қозли гүзіллар чехрасидек тиник булоқлар, тотли нозу-неъматлар, буларнинг ҳаммаси мұйъжиза эмасми?

Александр – Бу ерда күп силсилотлар мавжуд. Сүғдликлар ушбу гүзәл масканни менга осонликча берур деб ҳаёл қилурсанми, йўқ! Қалқонлар ва қиличлар жаранги, отларнинг самони тутувчи дупури кўзингни тинитгай, кураш ва ғалаба энди осонликча кўлга кирмагай, Аллоҳга қасамки, шундай бўлур.

Хизматкор – Олампаноҳ! (Кулогига шивирлайди).

Александр – Йўқ! Энди кеч.

Хизматкор – Одамнинг бўйи баланд қуйма олтин санам, ақл бовар қилмайди. (Хоким киради).

Александр – (хизматкорига ва қўрикчиларга қараб) Бизни холи қолдиринглар. (Улар чиқиб кетади).

Александр – Эй ҳоким, айтчи, кудратли шаҳар Маргада, Нисода нечун мұйъжиза содир бўлмади, ахир ул шаҳарлар ҳам гўзаликда, ободликда шахринг Новқатдан ҳам зиёда эди-ку.

Ҳоким – Заковатли хукмдор, ҳар жойнинг ўз тошу-тарозиси бордур, Аллоҳнинг қарами кенг, кимга шафқату-илтифот қилмоқлик факат унга аёндур!

Александр – Доно гап! Барибир бу дунёи хилқатнинг тубига стмоқ, тугунин ечмокка инсонлар қодир эмас. Улуғ мураббийим Аристотель шахрингдаги мұйъжизанинг шоҳиди бўлса эди қойил колган бўларди. Устозим ҳам илм аҳлига қоронғи экан.

Ҳоким – Надоматлар бўлсинки, илм йўлида жафо чекканларнинг кўпи ул дунёға риҳлат қилғонлар, уларнинг хикматли сўзлари ёзилган куллиётлари Донишмандлар уйида муқим сақланадур.

Александр – Донишмандлар уйи, мұйъжиза ибодатхона (Ўйланиб колди). Демак, ҳар жойда илм-урфонга ошуфталарап яшайди, бу йўлда излангайлар. Энди шахрингни тарқ этурман.

Ҳоким – Бош устига, хукмдор! (Чиқиб кетадилар, сахна чироги охиста учади, парда тушади).

3-КҮРИНИШ

Биринчи саҳна кўриниши Коронғулик. Ибодатхона туйнугидан ёруғлик шуъласи акс этган. Ёғду ибодатхона ёнидаги ҳоким қиёфасини ёритади, ҳорғини, тушкун кайфиятда ҳокимнинг ўғли Кавсар киради.

Кавсар – Падари бузруквор, зим-зиё тунда нечун бу ердасиз?

Ҳоким – Ўғлим. (бағрига босади) Одамзодни икки марта бу дунёга келмоғи мумкин эмас, умрим шами сўниб, фалак мендан юз ўғирса ўрнимга ўзинг қолиб элни бошқарурсан. Эсингдан чиқарма, юртбoshi хушфсыл, хуштаб, матонатли, тўғрисўз бўлмоғи керак, фукарога яхшилик қилишни ҳам қарз, ҳам фарз деб билгайсан, онангни кўнглига малҳам бўл, сингилларингни поклик пардасида сақла, оталиг фарзини тўлиқ бажармаган бўлсан маъзур тутгайсан, ўғлим.

Кавсар – Нечун мусибатли сўзлар айтурсиз, қалъамиз мустаҳкам, имонимиз, бутун, ёгий билан ўлгунимизча жанг қилурмиз, улуғ тантримиз Ахурамазда паноҳ бўлур, падари бузруквор.

Ҳоким – (аламли қулади, кўзи ёшланади). Қалъа, шаҳар. У ғолиб эмас, биз уни енгдик. Улуғ Тангрим, (самога боқиб) марҳаматингни дариг тутмадиг, у сел эди тўхтатдик, чақмок эди сўндиридик, темир эди, эрита олдик. Олий насад коҳин, сизга абадий фароғат, шараф ул дунёда нозил бўлсин. (Осмон яна коронгулашади, шамол эса бошлайди, момақалдирок гумбурлаши эшитилади. Кавсар бундан безовтала-нади, кўнгли ниманидир сезгандек, тиз чўкиб самога нидо килади).

Кавсар – Эй, рўйи-замин ҳукмдори, юзини нурга тўлдирувчи күёш, тунда сарбонга йўл кўрсатувчи ой, айтинг, наҳот падари бузрукворимни мендан...

Ҳоким – Йўқ, йўқ, бундай мусибатли сўзи тилга олма, тангрига қасамки, мен сизлар билан биргаман, паноҳларингиз бўлиб абадий қолурман. (Чақмоқ ҷакиши кучаяди, шамолнинг эсиши зўрайади). Бор ўғлим, ҳамма ўз юмуши билан машғул бўлсин, дарвозалар очилсин, эрта тонг Александр бу ердан жўнаб кетади. Ёш ҳукмдор новқатликларни ўз химоясига олади.

Кавсар – Падари бузруквор, наҳотки...

Ҳоким – Ҳа, шундай ўғлим, ҳалқ билан бирга бўл, фахм-фаросатли зотлар, қоҳинларнинг доно маслаҳатидан чиқма. (Кавсар чиқиб кетади. Ҳоким чарчаган, уйку босиб ёнбошлайди, кўзи юми-лади баногоҳ қоронғуликдан ҳокимнинг марҳум падари бузрукво-ри киёфаси намоён бўлади).

Марҳум ота сўзи – (Ёзилган тасма орқали) Азиз фарзандим, сен

хатолиг йўлиға кирдинг, наҳот жисмингни бир ҳовуч кулга мужда қилсанг? Ҳали ҳам кеч эмас, улуг тангрига ёлворурмен, жонинг омон қолғай. Умр йўлдошинг сенга меҳр кўйган, қизинг, ўғлингни етимлик, забунлик дунёсига наҳот ташласанг. Мардлик қилиб ўзни ажал ҷоҳига отмоқлик не керакдур, фарзандим. (Ҳоким уйқусираб).

Ҳоким – Йўқ, падари бузруквор, эл-юрт, учун жондан кечмокқа қасам шаробин ичканман, Аллоҳга қасамки, онтимни бузмагайман.

Марҳум ота сўзи – Аллоҳ ёрлакасин сени, фарзандим, олий насаб ўғлонлигингга имон келтирдим. (Шу пайт юргурганча Кавсар кириб, отасининг бошини кўтариб, тиззасига кўяди, ҳоким кўзини очиб ўрнидан туради).

Кавсар – Падари бузруквор, энди қасрга қайтсангиз, ибодатхона олдидা зим-зийё тунда кўп турмоқликнинг хосияти йўқдур, бобомни тилга олдингиз, юринг кетайлик! Шу дақиқада вахимали момақалдироқ овози, эшитилади, яшин чақнайди, кучли шамол эса бошлайди.

Самодан садо – Новкат ҳукмдори, ўғлинг бу ерни тарк этиши лозимдур, Аллоҳ сени ўз марҳаматига оладиган дақиқалар келди.

Ҳоким – Азиз фарзандим! (бағрига босади). Бор энди, ёш эмассан, юрт таянчи бўлиб колгин.

Кавсар – Сизчи, падари бузруквор?

Ҳоким – Мендан ҳавотир олмагин, қасрга қайт, ибодатхонада бу кеч колурмен. (Яшин чақнайди, Кавсар ҳайрат ва кўркув остида кета бошлайди, баногоҳ гумбурлашдан орқасига қарайди, шу дақиқада ҳокимга яшин тегади. Кавсар югуриб келади, бир ҳовуч кулни кўлига олганча нидо қиласди).

Кавсар – Падари бузруквор, падари бузруквор, улуг тангрим, бу не синоат? (Самога боққанча қолади, саҳна чироғи ўчиб, парда тушиди).

(Саҳна чироги ўчади. Парда тушади).

ПАДКИКОН,
ПАРИХ,
ПУБЛИЦИСТИКА



Махмуд САТТОРОВ



Махмуд САТТОРОВ 1948 йилда Офтоборўя қишилогида таваллуд топган. Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг филология факултетида таҳсил кўрган. Иш фаолиятини Алишер Навоий номли ўрта мактабда ўқитувчиликдан бошлаган.

Тошкентдаги “Ўқитувчи” национальтида муҳаррир, катта муҳаррир, редакция мудири вазифаларида хизмат қилган. “Ўзбек болалар адабиётида тарихийлик ва замонавийлик” мавзусида номзодлик шимий ишини ҳимоя қилган.

Махмуд Сатторов 1986 йилдан бўён А. Қодирий номидаги Тошкент Давлат Маданият институтининг ўзбек тили ва адабиёти кафедрасида катта ўқитувчи лавозимида ишламоқда. “Ватан осмони”, “Ўзбек удумлари”, “Ўзбекнинг гапи қизиқ” ва бошқа китоблар муаллифи.

ЎЗБЕКНИНГ ГАПИ ҚИЗИҚ

ОТАНГ – БОЗОР, ОНАНГ – БОЗОР

Бунинг маъноси бозор сени ўз ҳукмига етаклайди, баҳосини ўтказади, бозор қонунларига риоя қилиш жоиз. Ота-онага бўйсуниш шарт бўлганидек, бозорга, нарх-навога бўйин эгишга мажбурсан. Ҳатто ота-онанг пешонангга битказолмаган мол-дунёни омон бўлсанг, омадинг юришса, кўлинг узуналашса, бозордан оласан. Кўшини, ҳамкасб, қариндош-уругингга, дўст-оғайнингга, шогирдларингга сарғайиб нима қилдинг?! Беминнат бозор бор. Турмуш, тирикчилик, ҳаётингни бозор белгилайди. Отанг – бозор, онанг – бозор. Муқобили: “Пул бўлса, чангала пўрва”.

БОЗОР КҮРГАН ЭЧКИ

Күчма маънода: кўпни кўрган одам, чапдаст, уддабурон, тажрибали шахс. Эчки бозор кўрса, хўжайин, даллол, харидор танийди. Эчки-кўй, мол-ҳолнинг ахволидан огоҳ бўлади. “Мусофир” бўлади. Бозор кўриш, турмуш сабоғини олиш дегани. Муқобили: “бозор кўрган йигит”, “бозор кўрган одам”.

БОЗОР ЯҚИН – БОЙИМАС

Бозори якиннинг майдага харажати қўп бўлади. Ҳа деганда, бозорга тушаверади. Харидни майдага-майдага, бот-бот қилиш, тежамкорликка зид, аслида бозорни дўржи: копи-қанори, араваси, тойи, суви билан қилинса, қўп бора арzon тушади. Шунинг учун ота-боболар бозор яқин бойимас, десган ҳикматомуз иборани бизга мерос колдириб кетишган. Маколнинг шахсини аниқлашни унутманг: агар “бозори яқин бойимас” десак, мантиқан бошқа гап қиласиз. Ишибилармон, уддабурро, хунарманд одамнинг бозори яқин бўлса, аксинча, у тезда бойиб кетади.

БОЗОРГА КЕЧ БОР, ЭРТА ҚАЙТ

Сабаби бозор эрта тонгда киммат бўлади. Чоштоҳга бориб қизийди. Тобора арzonлашиб боради. Ҳаридингиз унумли, тежамли бўлади. Эрта кайтишнинг муҳимлиги сабаби, ҳар хил киссанвуру ҳангома талаб қаланғи-қасанғиларнинг хуружидан ҳоли бўласиз. Қоронғида келишингиз ўзингиз, жонингиз, молингиз учун хатарлидир. Шунинг учун ҳам бозорга кеч бор, эрта қайт, дейишган бобокалонларимиз.

БУ ҲАМ ЙЎҚ ЭДИ, ОТАМ БОЗОРДАН КЕЛТИРДИ.

Бу ибора жанубий вилоятларда фаол ишлатилади. Болалар бирор таом, кийим-бош, буюм, ўкув куролидан норози бўлиб, хархаша қилиб, инжиқлик билдирганда, шундай дейилади.

Борига, топилганига шукур қил, шу ҳам аслида йўқ эди, даданг бозордан келтирди, дея мазкур буюмнинг нархи оширилади, баҳоси – қадри кўтарилади. Нах урма, ношукур бўлма. Нафсингни тий, қабилида ёшлиқдан қаноат одоби тарбияланиб борилади.

ҲИСОБНИИ БИЛМАГАН ҲАМЁНИДАН АЙРИЛАР

Ҳамма нарсада режа, ҳисоб-китоб, тежамкорлик керак. Ҳисоб-китоблилик, режалилик кичик ҳиссадан катта давлат, бисот, бойлик келтиради. Оғзи очик, ландовур киши каби кўчма маънода ҳам ҳисобини билмаган ҳамёнидан жудо бўлиши тайин. Режасизлик, исрофгарчилик, тежамсизлик мулкнинг заволидир.

ЁТИБ ЕГАНГА ТОҒ ЧИДАМАЙДИ

Бу ибора юқоридагисининг мантиқий давоми бўлиб, давлатинг ҳар қанча мўл бўлмасин, уни сарф қиласкансан, албатта ўрнини тўлдириб бор. Магар шундай қилмас экансан, тоғ бўлса ҳам емирилиб, адо бўлади. Оқибат, оч-наҳор қоласан. Турмуш-тирикчилигинг мушкуллашади, дея огохлантиради аждодлар.

ЁМФИРДА ОТ ТАНЛАМА, ҲАЙИТДА ҚИЗ

Бунинг маъноси шуки, ёмғир ёғиб турганда ҳар қандай кари, тўриқ от ҳам сийна-сарғиси товланиб, учкур аргумок бўлиб кўриниши мумкин. Бу пайтда отнинг зотини, тулпорнинг ёшини аниқлаб олиш қийин. Ҳайитда қиз танлаш ҳам кишини (айниқса, ёш ийигитни) чалғитади.

Ҳайит (байрам) куни кизларнинг ҳаммаси ҳам ясануб-тусангандан, упа-элик суртган, ўсма-сурма килган, хина қўйган, гўзал либосларга бурканган бўлади. Байрамдан ўзга кунларда барча одам зоти каби қизлар ҳам табиий гўзаллик ила қўринадилар. Мана шу сабаб, алҳол, машойихлар ушбу мақолни қолдириб кетганлар.

ХАФТАДА БИР БОЗОР, УНИ ҲАМ ЁМҒИР БУЗАР

Бу қоғияли жумла бечора, камбағал дехконнинг кўнгил изхори бўлиб ҳафтасига бир келадиган бозордан чамасидагидай наф кўролмаган одамнинг пушаймон-армонидир. Кўчма маъноси ҳам бўлиб, узок режалаштириб юрилган ишнинг фавқулодда тўсиқлар билан амалга ошмай қолганидан ранжиш ҳолатидир. Муқобил: “Ойда-йилда бир бозор, уни ҳам ёмғир бузар”. “Мен ўғирликка тушдиму ой ойдин бўлди” ва ҳоказо.

БОР ЖОЙДА-БОЛ АРЗОН, ЙЎҚ ЖОЙДА – ТУЗ ҚИММАТ

Бол асаларининг узок захматли, оқилона меҳнати, асалчининг шижоати мевасидир. У қимматбаҳо маҳсулот, бол-асал қадимдан кадри-қиммати баланд таом саналган. Бирок у бор, айникса кўп бўлган жойда, албатта, арzon юрган. Туз эса дарё, сахро, тог тузи бўлишидан қатъий назар, кўплиги табиий мавжуд неъматлиги, оз ишлатилиши жиҳатларидан арzon бўлган. Аммо йўқ жойда, шу оддий туз ҳам қимматлиги таъкидланиши билан бозор молдан ташқари жой, мавсум, маҳсулотга боғлиқлиги кўзда тутиляпти.

БОЗОРГА БОРЯПТИ, БОЗОРДАН ҚАЙТАПТИ

Хабар кўринишидаги бу содда ибораларнинг маъноси чукур: одам бозорга боряпти. Олдинда бозор, харид, саргузаштлар омад, толе, интилиш, баҳт ва ёинки бўларнинг акси... Одам бозордан қайтапти. Харид килинди. Ютдингми ютказдингми, тутдингми, тутқаздингми, толеинг ўнг келдими, терсми, нима бўлганда ҳам бугунги бозоринг ўтди. Сафардан қайтдинг.

Кўчма маъноси: бозорга бориш вакти, икболи, омади, демакки, истиқболи келажаги олдинда бўлган ёш йигит рамзий тимсоли кўзда тутиляпти. Бозордан қайтишда эса, энди мавсуми ўтган кексалик, ижтимоий-сиёсий мавқеи тугаган, фаол умри поёнига етадётган инсон образи гавдаланади. Тушкун руҳдагиси. Одам, мол бозорга боряпти. Умид сўнди илинж узилди...

ГАДОЙ НАРСА ТОПСА, ХАЛТА ТОПОЛМАС

Мири кам дунё. Бирини топсанг, бирини тополмайсан. Юкоридаги иборага мазмун жиҳатидан якин. Гадой омади чопиб, қўлига садака тушиб, чангали ҳам тўлди. Бироқ уни қаерга жойлайди? Халта, тўрва, идиши бўлмаса.

Бу ўринда киноя ҳам, танқид ҳам, ачиниш ҳам, ушбу ҳолатни табий ҳодиса сифатида қабул қилиш ҳам бор. Одатда, қўли кисқалик қилиб, чорасиз қолиб, ўксинганда инсон оиласига, бола-чақасига, ҳатто ўзига-ўзи ҳам бу қадимий иборани ишлатади.

ГАПНИ ГАПИР УҚҶАНГА

Гап бор. Кишини сергаклаштирувчи, дикқатини тортувчи ибора. Жиддий фикр, маслаҳат, ўғит, сир-синоат ҳақида гап борганда бу бирикма қўлланилади. “Гап бор”, ибораси муҳим маълумот ҳақида сени огоҳ этмоқчиман, деган маънони беради.

Гап ташиди. Гап юк эмас, уни ташисанг. Бироқ, орамизда шундай одамлар борки, бироннинг гапини биронга етказади, “таппийди”. Ибора асосан салбий оҳангта эга. Чақма-чақарлик, ўзидан қўшиб гапириш, иғво, тухмат, ғаламислик, писмиқлик меваси. Одамлар орасида муносабатнинг бузилиши, кескинлашиши, йирик ихтилофга боришини таъминлайди.

Гап эшитди. Маълумот, ахборот олиш. Ўзидан катта ё тенгдошидан танбех олиш, эшитиш. Кишидан ўзгаларнинг ранжиши. “Гап эшитди” ибораси танбех олди, ҳижолат бўлди, уялиб қолди, изза бўлди, кайфияти бузилди, руҳи тушди маъноларини беради. Бу ўринда гап эшитиш адолатли, ўринли ё мутлақо адолатсиз, ўринсиз бўлиши мумкин. Ибора ҳолатни қайд этиш, бу ҳақда маълумот беришга қаратилган.

Гап ўтди. Гап таъсир килди, худо инсофини берди маъноси бор. Бироқ асосий кўчма маъноси орадан гап ўтди, муносабатларга дарз кетди. Муомаласи бузилди маъноларида. Муқобили, “гали қочди”, “ораларидан кора мушук ўтди”, “пўм чикишди”, “бир-бирининг мушгини пишт дейишли” кабилар.

Гапида жон бор. Айтилган фикрни кўллаб-кувватлаш, уни эътироф этиш, тан олиш. “Гапида жон бор” деганда образли қилиб, бу фикр ҳаётий, яшовчан, беиз кстмайдиган, амал қилса арзийдиган гап каби маънолар жамланган.

Гап кўп, кўмир оз. Маза-матрасиз, таъсирсиз, ҳеч қандай самарасиз гап бўлиб турганда мана шу ибора қўлланади. Афтидан, темирчи-косиблар дастгоҳи ёнида яратилган ибора бўлса керак Кўмир йўклиги, босқоннинг ишламаслиги, демакки, фойдали меҳнатнинг тўхтаб, темирчининг қўли бўш қолишига сабаб бўлади. Тағин бир маъноси: бу гапларда ўт, олов, тафт йўқ, кам деган мазмун ташиди. Фойдасиз гаплардан энса қотганда, ишончсизлик тутгилганда одамлар одатда шундай дейишади. Муқобили: “кўп гап, эшакка юк”.

Гап тегди. Бир неча маъноси бор: гап навбати тегди, гап олинди, гапга киришилди. Асосий маъноси кўчмадир. Талбех эшитилди, шу гап орқали ёмон фикр билдирилди, мазмунида. Муқобили: “гап эшитди”.

Гап чиқди. Бирор шахс ҳакида кутилмаган фикр, хулоса, баҳонинг пайдо бўлиши. Шахсий ё ижтимоий ҳаётда, битим-шартномаларда бирор номуккаммалликнинг пайдо бўлиши. Гап чиқиши асосан салбий маънода ишлатилади. Шунинг учун ҳам ҳалқимиз ҳар ишда ҳам ҳалол, пишиқ-пухталикни талааб қилиб, орқасидан гапи чиқмасин, дейди.

Гап отиши. Гап тош, кесак, ўқ бўлмаса-да у ҳам отилади. Ибора салбий оҳангда қўлланилади. Йигитлар кизларга гап ташлашади, отишади. Қитмир, ҳазил, жиддий гап отилиши мумкин. Аксинча, кизлар йигитларга ҳам шундай муомалада бўлишлари, гап отишлари кузатилади. Гап отиш факат ишқибозлик маъносида бўлмасдан, душманлик, дўстлик, қитмирилик, иғвогарлик, масалага аниқлик киритиш, луқма маъноларида ҳам бўлиши мумкин. Муқобили: “гап ташлаш”, “гап олиш”, “гап котиш”, “гап қўшиш”, “гап очиш”.

Гап сотиб олиш. Гап ҳам сотиладими? Одатда бир одам бошлиги, ҳамкасби, оиласи олдида, кўча-кўйда йўқ ердан гап чиқариб, бир нарсани дафъатан эсга солади-ю, ўзи балога қолади. Унга хужум бошланади., танбех берилади, айблашади. Мана шундай ҳолатларда бундай одам ҳакида “ҳаҳ, ўзига ўзи гап сотиб олди-я, ўтирмайдими тилини тийиб, балога қолди энди”, - дейишади.

Гапни ичига ютди. Юқоридаги иборага қарама-кариши ўларок гап кўтармайдиганлар каби гапни “ичига ютадиганлар” ҳам бўлади.

Бундай одамлар оғир, вазмин, мұлоқазакорлиги, узокни күриши билан шундай қилишлари мумкин. Иккінчи тоифалари мутелиги, тобелиги, күрқоқлиги ожизлиги, лаганбардор-у хушомадгүйлиги сабабидан шу ишни қилишлари мумкин.

Одатда ғапни ичига ютадиган, индамас одамларни бирор кулфат, оғир ҳасталик, ўлимга йўликса, “ҳамма ғапни ўзига олар, ичига ютаверар эди, ахир ўзининг бошига ўзи етди,” дегунга ачинишиди. Инсонни кенг феъл, бағри кенг, далли-гулли бўлишга ҳамма нарсани ўзига олавермасликка чақирилади.

Гап айланди. Бу бирикманинг маънолари: бирор масала бўйича ғап бўлди, очилди, юритилди, кўзгалди дегани. Иккінчи асосий маъноси салбий мазмунда бўлиб, бирор иш, шахс, воқеа, масала ҳакида ғапнинг айлангани, шубҳали, гумонли, ёқимсиз, кўнгилни хижил қилувчи сўз бўлганилигидан хабар берилади.

Гапнинг айлангани яхшиликка олиб келмаслиги огоҳлантирилади. Халқда “ғапни айлантирма” деган бирикма ҳам бор. Бу ўринда асосий масала қолиб, атайин иккинчи даражали ғап атрофида айланадиган шахс тартибга чақирилади. Муқобили: “Гапни у ёк-бу ёкка бурма”.

Гапнинг тагига етди. Гап тагида ғап бор, дейди халқ. Заковатли, донишманд одамлар ҳамиша ғапни ўйлаб, етти ўлчаб, бир кессиб гапиришади.

Гапнинг тагига етиш бир неча маънода кўпланилади. Пала- partiш, ўйламай нетмай гапирилганда киши кутмаган маънодаги сўзи, иборалар оғиздан чиқиб кетиши мумкин. Бундай пайтда туппа-тузук инок дўстларнинг оралари бузилиб қолади.

Гапни тагига етаман деб ҳатто судлашишгача боришади. Шунинг учун ҳам ўйнаб гапирсанг ҳам ўйлаб гапир, дейишади доноларимиз. Машойихлар колдирган сермазмун, кўп маъноли, хикматомуз гаплар ўз мағзини чақиши, тагига етишини талаб қиласади. Бунинг учун инсонда илми мантиқ, фалсафа, тил саводи-ю маданияти, турмуш тажрибасидан чукур хабардорлик, муайян илмий тайёргарлик талаб қилинади. “Гапни ғапир уққанга, жонни жонга суққанга”, деган мақолни бежиз қолдирмаган донишмандлар. Гапнинг тагига етиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди.

Гапга тўн кийгизади. Одатда ғапни лоф уриб гапирадиган, маҳмадона, сўзамол ошириб-тоширадиган кимсаларга нисбатан бу

ибора ишлатилади. “Гапга тун кийгизиш” образли қилиб айтганда, гапни жонлантириб, уни одамга айлантириб, ҳатто чопон ҳам кийгизишдир. Икки хил маънода ишлатилади: ижобий, салбий. Ижобийсида совчилик вакииллик, элчилик ишларида шундай гапга чечан, тўн кийгизадиган одамлар танланиб, юборилади. Салбийси ўзингизга маълум.

Гапи калтақдай. Бу бирикма кўпинча ана кетди, мана кетди бўлиб ётган кекса, bemor эмин-эркин сўзлашиб ўтирганда ёки ёш бола катталарнинг гапини қилиб, салмоқ билан сўзлаганда ишлатилади. Яна бир маъноси андишасиз одамнинг гапи совуқлиги, одамга ботиши, калтақдайлиги кўзга тутилиб айтилади.

Калтақдай, деган сўзга салбий оҳанг кучли бўлиб, ўзига муносиб бўлмаган шахснинг гапи ўткирлигига киноя сифатига қўлланилади. Бу иборада танқидий майлдан ташқари ҳайриҳоҳлик, мутойиба, истеҳзо, беғубор кулги маънолари ҳам мавжуддир.

Гап қочди. “Гап қочди”, “гапи қочди”, деганда икки киши ўртасида муносабатнинг бузилишига, ораларидан қора мушук ўтиб колишига айтилади. Гап қочганда гап ковланаверса, кувилаверса у болалаб, урчиб. янада хавфли душманга айлана боради.

Гап қочиб қолди, иборасида бу воқсадан афсусланиш, муносабатни имкон қадар тезроқ тиклаш истак-оҳанг мавжуд. Гап қочишини орани бузишгача олиб бормаслик керак. Бундай пайтда шайтонга ҳай бериш, халк айтмоқчи “бир гапдан қолиш”, “тилни тийиш” қўл кслади.

Гап ўғирлаш. Гап пойлаш, гап ўғирлаш, гап сотиш, гапни олиб қочиши, гапничувалаштириш, гапни кўпайтириш, қадимги хуфяликтининг асосий усулларидандир. Пошшолик хуфялари эл орасида: тўйларда, бозор-у чойхоналарда, гапу гаптакларда бўлишиб, гап пойлаш, ўғирлаш, тарқатиш, чувалатиш каби ғаламислик ишлари билан шугулланишган. Кейин бу муҳим маълумотларни саройга, пошшоликка сотишган.

Шундан халқ: “Тилингга эрк берма, огоҳ бўл, деворнинг ҳам кулоги бор”, дея бир-бирини огоҳлантирган, хушёрикка чакирган. “Ўғирланган” гап пошшолик сиёсатига, ҳоким синфга қарши қаратилган бўлса, нархи баланд турган. Гап ўғирлаш ҳамма замонларда, оддий турмушда ҳам кенг тарқалиб, қайнона-келин, куда-

анда, кўни-кўшни ўргаларида гап ўғирланӣ, гап ташиш, гап сотиш шаклларида ҳали-ҳамон мавжуд. Гап ўғирлаш ёмон хусусият бўлиб, одамлар, оиласалар, ҳатто давлатлар ораларининг бузилиб кетишига олиб келади.

Гап топмоқ. Ибора кўчма маънода ишлатилади. “Гап (топиш) топмоқ” ибораси одатда, бирор ишни битказиш, ҳал килишда турли баҳоналар топиб, отангга бор, онангга бор қиласерилса, айтилади. Кўпинча, таниш-билишларингиздан, ҳамма қоғозу ҳужжатларини тўғрилаб бердим-у, барибир гап топди, ишимни битказиб бермади, деган фикрни эшитиб қоласиз. Бу совет давридан қолган ижтимоий иллат бўлиб, таъмагирлик, порахўрлик, тўрачилик ақидалари мевасидир. Мукообили: “баҳона қилди”, “кўйнимни пуч ёнғокқа тўлдирди”, “калавамнинг учиничуввалатди”, “эрта келинг, индин келинг, қилди” ва бошқалар.

Юнус УЗОҚОВ



Юнус УЗОҚОВ 1954 йилда Олакүйлиқ қишилогигида туғилган. 1971 йилда ўрта мактабни олтин медал билан битирган. Тошкент дәвлат университети (хозирги ЎзМУ) журналистика факультетида таҳсил кўрган. 15 йил "Қашқадарё" газетасида ишлаган. 1994 йилдан "Ўзбекистон овози" газетасининг Қашқадарё вилояти мухбари бўлиб ишлайди.

У Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист фаҳрий унвонига сазовор бўлган.

ГҮЛ ТУТГАН АЁЛ

ёҳуд эрк ва нажот излаган инсонлар тақдиди ҳақида

ТАНИШУВ

Дилбар Муродованинг бўш вақти кам бўлади. Хайрият, бу гал хонасида экан. "Бирпас кутасиз энди", дея узр сўраганча, олдидаги қоғозга нималарнидир ёзишда давом этди. Хонага кўз югуртираман. Иш столининг бир чеккасида ҳужжатлар солинган жузгирлар, иккинчи чеккасида эса ўзбек ва рус тилидаги қонун тўпламлари. Хонанинг сариншалигидан аёл кишининг диди сезилиб турибди.

Дилбар Муродова – Қашқадарёning энг малакали хукуқшуносларидан бири. Кўп бўлди, маслаҳат сўраб бир неча бор мурожаат қилганман ҳам. Ўшандан бери анча ўзгарибди, сочларида оқ толалар кўпайибди. Опа кўп машақкатларни бошидан кечирди. Мактабни битиргач, хукуқшунослик факултетида таҳсил олди. Воҳада аёллардан биринчي прокурор бўлди, Республикада хизмат

кўрсатган юрист унвони билан тақдирланди. Аммо фаолиятининг асосий йиллари суд тизими билан боғлиқ

Дилбар опа ишини тугатгач, илтимосимга кўра, суд тизимидағи ислоҳотлар, айниқса, бу йилдан қамоққа олиш хуқукини судларга ўтказилганинг тарихий аҳамияти ҳакида ўз мuloҳазаларини билдириди. Гап орасида:

– Бир нимагизни йўқотдигизни, укажон? – деб сўраб қолди ва кулиб юборди. – Э, ҳа, бармоқларимга қараб ҳайрон бўляпсизми? Бор, поччангиз тўй куни совға килгани ҳам, ўзим ёқтирадиган узулар ҳам бор. Аёл борки, тақинчоқ юрагига чўғ ташлайди. Менга келсак, иш пайти тақмайман.

Шу гап баҳона бўлди. Охири сўрадим:

– Ишонасизми ҳаёлимдан ўтиб турувди. Ардокли шоиризиз Абдулла аканинг хотираларини ўқидим, Юртбошимиз билан Қашқадарёда ишлаган кезларида учрашганини тилга олган экан. Ўшанда раҳбаримиз ҳузурига келган бир аёлнинг каварган кўлларида узук изини кўрганлари, суриштириб билсалар, терговчилар тақинчоқларини тортиб олишгани, бу бедодликларга қарши курашмаса бўлмаслиги ҳакида гапирган эканлар. Ахир, сиз ҳам ўша йилларда бирга ишлагансиз-ку, лекин ҳеч хотираларингизни достон қилмагансиз.

Бир зум оғир ўйга ботганча Дилбар опа сўз бошлайди:

– Бугунги суд-хуқук тизимидағи ислоҳотларнинг илдизи аслида ўша йилларга бориб тақалади, десам янгишмайман. Дарҳакиқат, ўша йиллари мен Қашқадарё вилоят адлия бошқармаси бошлиги эдим, бироқ амалда ҳеч қандай хуқукий ваколатга эга эмасдик. “Пахта иши”нинг режасини собиқ марказ пишишиб берган, тизгин у ёқдан келган терговчилар кўлида, судлар ҳам улар истаган хукмларни чиқариб ётган ўта мураккаб давр эди. Воҳадан 3000 дан зиёд киши жиноий жавобгарликка тортилганди. Ислом Абдуғаниевич вилоятга раҳбар бўлган кунданоқ аҳвол бутунлай ўзгарди. Одамларда ишонч уйғонди. Энди одамлар у кишидан нажот кута бошлади. Арз қилиб келаётганларнинг кўпчилиги аёллар эди. Натижада у кишининг тавсияси билан мен вилоят хотин-қизлар қўмитаси раислигига ҳам сайландим. Рус тилида ўқиганим кўл келди, раҳбаримизнинг топшириқлари билан ноҳақ жабр чекаёт-

ганларни оқлаш учун Москва, Олий Совет ва юкори суд идоралари-га талабномалар тайёрлардим. Ҳуқуқшунос сифатида бир нарсани айтишим керак: бунга ҳар кимнинг юраги дов беролмас, чунки бу беомон кураш аслида шўро ҳуқуқ тизимиғагина эмас, балки давлат тузумига ҳам карши эди. Бопқаларни билмадим-у, мен чўчирдим, албатта, бирок раҳбаримизнинг жасоратидан рух олар эдик. Ана шу тарзда ноҳак қамалган ўнлаб ҳўжалик раҳбарлари, дехқонлар озодликка чиқиб, оилалари бағрига кайтди.

Букилган қадлар кўтарилиди, одамларнинг қалбида ҳаётга, бўлаётгани ишларга нисбатан умид-ишонч пайдо бўлди. Бу гапларим эртакка ўхшайди. Бугун мамлакатимизда инсон ҳуқуки, манфаати ҳимояси бош вазифа даражасига кўтарилиди. Одамларнинг ҳуқукий маданияти ҳам юксалиб боряпти. Сиз сўраган судлов-ҳуқуқ тизимидағи ислоҳотларнинг моҳияти ҳақидаги тарихий бир мисол менинг гапларим...

— Бугунги куннинг қадрига етиш учун ҳам ўтмишни, ҳалқимиз бошидан ўтган қатагонларни унтишга ҳаққимиз йўқ. Чунки истиқлол осмондан тушган эмас-да. Биласизми, кўпдан бери ўша мушкулкушод кунларда аёлларимиз, оналаримизнинг сабр-бардоши ҳақида ўйлаб юраман. Улар орасида фаол курашчилар бўлган.

Бир воқеа халиям эсимда, яккабоғлик бир аёл бўларди. Қамалганларнинг хотинига бош бўлиб юрар, шаддод, гапга чечан эди. Ўша аёл раҳбаримиз билан шахсан учрашган, эри озодликка чиқмагунча тиним билмаганди. Бунча ирода ва матонатни қаердан олганига ҳозир ҳам лолман. Ҳатто иккаламиз тортишиб ҳам қолганимиз.

— Нега тортишгансизлар? — дея сўрайман қизиқиб.

У киши бўлса жилмайиб: “Айттолмайман, учраиссангиз, ўзидан сўрайсиз”, — дея у аёлнииг манзилини ҳам айтди.

Қизиқиб қолдим. Яккабоғ туманидаги собиқ “Шарқ юлдузи” ҳўжалиги ҳозирги Дархон кишлоқ фукаролар йигини худудида экан. Суриптирган эдим, одамлар Уват қишлоғи чеккасидаги каттакон тепани кўрсатиб қўйишиди. Ҳайрон бўлсамда, машинани тўхтатмай, тепалик устига чиқиб бордим. Номи тепа-ю, аслида боғ экан, айниқса ёнғоқ кўп. Тепанинг куйисида янги иморат солинаётган экан. Тўғри бориб, пахса уйнинг олдидан чиқдим. Бир ёнда кичик иссиқхона. Қиши пайти бўлса-да, плёнка ортидан мева туккан лимонлар, қип-қизил гуллар кўзга ташланарди. Шу пайт эшик очилиб, тўнга ўралган, оппок соқолли, жуда бўйчан бобо ва орти-

дан котма, кўзлари тийрак момо чикиб келишди. Улар излаганим—Холик бобо Равшанов ва умр йўлдоши Муктарам момо Каримова экан. “Бобонгизнинг қулоқлари оғиррок, каттиқ-каттиқ гапираверинг”, деди момо.

- Почтаданмисиз, пенсияни олиб келдингизми? — сўраб қолди бобо.
- Газстадан келдим, деяпти, ўйлаб-ўйлаб сўйланг-да, — деди момо.
Мен ниятимни айтдим.
- Эй, гап буёқда денг, — дейди бобо, — у кунларни гапириш тутул, эслаш ҳам азоб...

Холик бобо ҳикояси: Уват кишлоғида туғилганман. Тўққиз-ўн ёшимдан кўрганим ер, тупроқ бўлган. Мактабда завод чиқарганимиз. Кейин Шахрисабздаги техникумда агрономликка сиртдан ўқидим. Аммо даладан айрилмадим. Кучим кўп, полвон йигит эдим, мен чопган кетмонни бирор ишлатса, хансираф қоларди-ёв.

Мукаррам момо ҳикояси: Пешонамнинг ёришгани — бобонгиз билан тақдиримиз қўшилгани, худо берган ўғил-кизлар. Бобонгизни афанди феъли бор, уй қурамиз, ер сўранг десам, шу тепани сўраб олибдилар. Ўшанда сув чиқмай уй битгунча бўларимиз бўлган.

Холик бобо: Ўйни олтмишинчи йил қурибмидик? Ўша даврда пахта, бир қарич ер нима эканлигини билмасмидинг? Томорқа сўрасам, раис: “Шўр тепани олинг, чавандоз, улоқ чопишга бопда”, деганди эрмак қилиб. Ҳап саними, дедим, бир кўрсатай дедим. Ёмон орим келди. Кетмонимни кўтариб тепалик устини чопа кетдим. Ҳаял ўтмай, анча жойни текислаб сув тортиб келдик. Чавандоз жўраларим ҳашарга келишди. Сал орада пахсадан тўрт хона уйни тиклаб, томини ёпдик. Кўчиб ҳам олдик, кўп ёнғоқ экдик. Ҳавас қиласиган жой, бօғ бўлди. Мана, ўша уй, мана, ўша бօғ, насиба экан, болаларимиз шу жойда туғилди. Кўкариб унди...

Эллик иккинчи йилда бригадирликка тайинлашди. То саксон биринчи йилгача ишладим. Бир куни раҳбарлар ҷақириб: “Раис бўласиз”, дейди. “Эплолмайман, илмим кам”, деб унамадим. “Одамлар сизни талаб килишяпти”, деб охири кўндиришди...

Кейин бошланди “ўйинлар”. План катта эди. Уни бажариш ўлим билан тенг замонлар эди. Одамлар тизза бўйи қор кечиб кўрак тेरарди. Ҳалқ қийналиб кетди. Охири нима бўлди?.. Кейин эса... 1985 йили бошланғи тўполон, қама-қама, бирор бирорни танимайди десангиз. Москвадан келган терговчиларнинг ёнида ўзимиздан чиқканлар бирлашиб бошимизга ёнғоқ чака бошлади. Уз ёғимизга

ўзимиз қоврулиб қолавердик. Саксон олтинчи йилнинг ўн бешинчи майи куни қўлимга кишан солиб, қамоққа олди кетди.

Мард келдинг, мард кет, дейман ўзимга. 33 кун қийналиб ҳибсхонада ётдим. 10 кипилик камерада 30-40 маҳбус тоза ҳавога ҳам зормиз. Суд ҳам ўтди. Мени ўн йилга кесишиди. Осмон узок, ер каттиқ эди. Дардимизни хеч ким эшитмас эди.

Муктарам момо: – Бу кицимни олиб кетишгач, ҳаммаёқ ҳувиллаб колди. Уйимизга тинтувга келганлар бор ҳастимизни кўриб бурунларини жийиришганини сездим. Ахир, 8 фарзанд, уларнинг уст-боши, ош-нони... Бу киши хеч вақт уйга бир нима ташиб келмаганлар. Эрим бошимда, уним супрамда, ноним тандирда эди. Энди чиркираган болаларим билан ёлғиз колдим. Эл биздан юз ўгирмади. Шунда юрагим орқамга тортиб кетди. “Наҳотки болаларим бир умр отаси қамалгани учун ўқсимиб юришса”, дея жонимга ўт тушди. Чидолмай қишлоғимиздаги ёши улуғ бир кайвони момомиз бўларди, маслаҳат сўраб бордим. У киши: “Қизим, эр бошига иш тушса, хотинлар ҳам оёғига этик кияди, белингни бойла. Холик бегуноҳ, буни эл билади. Аммо эрингни озодликка чиқарса вилоятимизнинг янги раҳбари чиқаради. Эшитишимча, у киши гуноҳсизларни оқлайман, элни хўрлатиб қўймайман, дебди. Ҳузурига кир”, дедилар.

Қоним жўшди. Белимни ичимдан боғладим. Ёнимга ўқитувчи кизим Дилбарни олиб, яна бошқа қамалганларнинг хотинлариниям эргаштириб, Қаршига бордик. Ўша куни Ислом ака қабул килдилар. Дадил туриб, дардимни айтдим. У киши қўлларидағи қофозга қараб “Холик Равшанов ҳакида яхши гаплар айтиляпти, гуноҳи бўлмаса. окланади, ёрдам киласиз”, дедилар-да аризамни адлияни бошлиғи Дилбар Муродовага топширишни, бу иш билан шу аёл шуғулланишини айтдилар. Бир оғиз илиқ гапни эшитиб, кўзларимга ўш келди. “Бор эканку мениям эшитадиган инсон”, дея тўйиб йиғладим.

Ўша куни ишонасизми, ёмон туш кўриб чиқдим. Тушимда, болаларимнинг отаси жарга тушиб кетаётган эмиш. Лекин кулармиш. Чўчиб уйғондим. Юрагим сезди ахволлари чаток, рухлари синган. Зудлик билан яна Қаршига отландим. Нажот ўша жойда эди-да. Январнинг совуғини писанд қилмай, эрта тонгда обком биносиға етиб борибман. Муюлишда кутиб турдим, машина кўриниб, раҳбаримиз тушдилар. Ёнларига чопиб бориб, бағримда яшириб келган бир даста

гулни тутқаздим. “Түғилган кунингиз құттұт бўлсин, укажон”, дедим, Гулни олиб жилмайдилар-да, менга караб: “Түғилган кунимни қаердан биласиз?”, дедилар. “Бутун эл билади-ку!” дебман. У киши яна кулдилар ва мени кузатиб қўйишга кўрсатма бердилар. Сал ўтмай юқори қаватга кўтарилиб, хоналарига кирдим. Раҳбаримиз мулойимлик билан соғлигим, оиласми, кейин хўжайним ҳакида сўрадилар. Йиғлаб юбордим. “Дилбар Муродова Тошкентга ўзининг иши билан бориб келаяпти. У кишининг ошқозонлари касал, қамоқда ўлиб қоладилар. Етим ўсганман, ўн тўрт ёшимдан меҳнат қилдим. Агар у киши озодликка чиқсалар, болаларим билан чўлда меҳнат қиласиз”, дебман. Шундай гапни кўнглимга худо солдими ёки ўзимни дадил тутдимми, билмадим. Гапларимни эшишиб, жиддий охангда телефонда кимнидир сўрадилар. “Дилбар Муродова хужжатларни тўғри аэропортга олиб чиқсан”, дедилар. Менга тасалли бериб, кузатиб қўйдилар. Қанот пайдо бўлди. Дилбар Муродова билан учрашдик. “Сиз давлат иши билан Москвага учайтган раҳбаримизга мени ёмонлабсиз”, – деди у аччикланиб, – мен ҳам ўйнаб юрганим йўқ. Мана, эрингизнинг иши қайта кўрилиши тўғрисидаги талабномага шахсан раҳбаримиз имзо қўйдилар. Олий Совет ва Олий судга олиб бора-ман. Ишонмасангиз қизингизни қўшинг”.

Қизим Муродова билан бирга шу куни Тошкентга учнб кетди. Мен Муродовани ноҳақ айблаганимдан хижолатда қолдим. “Эсли аёл, ту-шунар, кечирар”, деб ўйладим. Раҳбаримиз шунча давлат иши туриб эримни оқлаш ишига шахсан бош кўпиганларини эшишиб, бошим кўкка етди. Уйга яна яхшилик, яхши кунлар қайтиб келишига ишондим...

Холиқ бобо: – Умид – тирикликкинг тиргаги, дейдилар. Уйда-гилар хушхабарни етказгач, менга ҳам жон кириб қолди. Аммо раҳбаримизнинг савобли ишлари ҳакидағи гаплар турма леворлари-дан ўтиб, бизга ҳам етиб келган эди. Турма эшиги очилишига интиқ эдик. Бирок ростини айтсам, ўзлари менинг ишимни қайта кўриш ҳақида талабнома юборадилар, аёлимни шахсан қабул қиладилар, деб хаёлимга ҳам келтирмаган эдим. Энди ўйласам, ўшанда ҳалкни ўйлаган улуғ зотлар ҳақида хеч нарса билмас эканман. Энди эши-тинг, Наврўз – янги кунинг бошланиши. менинг янги куним 1988 йилнинг 22 марта эди.

Шу куни бутунлай оқланиб, турма дарвозасидан озодликка чиқдим. Аввалги ҳолим йўқ, озиб-тўзиб кетган эдим. Аммо букилган қаддим

тикланди, одамларнинг кўзига тик бокардим. Уйда ўтиrolмадим, менга чексиз яхшилик қилган инсонни кўришга ошиқдим. Момонгиз иккаламизни раҳбаримиз 30 апрел куни қабул килдилар. Кучоқ очиб кўришдик. “Мана, Холиқ ака, энди бирга ишлаймиз”, дедилар у киши. Ўпкам тўлиб йиғлаб юбордим. Қамоқ, ноҳақ хўрликлар юрагимни котириб юборган экан. Бу улуғ зотнинг меҳри эритди. “Мен иш сўраб келмадим, Ислом ака. Сиз менга ҳаётимни кайтариб бердингиз, эл-юрг олдида қадимни кўтардингиз. Ўла-ўлгунча миннатдорман, сизни дуо қиласман. Қарзларимни узолмасам, болаларимдан кайтсин. Сиздай улуғ инсон халқимизнинг баҳти”, дедим.

Кўп гапларим дилимда колди. Ҳолатимга разм солиб турган эканларми, телефон орқали соғлиқни сақлаш идорасининг каттасига телефон килиб: “Холиқ Равшанов деган оқсоколни яхшилаб даволаб беринг”, дедилар. Шунда бу кишининг қалби дарё инсон эканлигига имон келтирдим. Юрагим сув бўлиб оқди, ха, сув бўлиб оқди...

Муктарам момо: – Кейин раҳбаримиз менга юzlаниб: “Ана, опа, қайгуларингиз ариди. Сиз эса адолат борлигига ишонмаган эдингиз. Сиздай оналаримизни ўкситиб кўймаймиз”, дедилар...

Холиқ бобо: – Орадан сал ўтмай раҳбаримиз Яккабокқа келиб, мени йўқладилар. Зудлик билан етиб бордим. Қандай иш билан шуғулланишимни сўрадилар. Ўшанда хўжаликка участка агрономи бўлиб ишлаётган эдим. “Энди ёшлар, илми борлар раҳбарликка кўтарилсин, мен яна ер билан тиллашиб, армон қолмагунча ишлайин”, дедим. “Ниятингизга еting”, дедилар. Ниятларим ушалди. Ўтил-кизларим ёнимга кирди, ишлаб, пенсияга чиқдим. Юртимизнинг истиқтолини ўз кўзларим билан кўрдим. Бу улуғ ишларнинг бошида юртбошимиз турибдилар.

Ҳа-я, Шахрисабз шаҳрининг 2700 йиллик тўйи куни яна учрашиб, кучоқ очиб кўришдик. Дарров танидилар, момонгизни болаларни сўрадилар. “Шукур”, дедим. Ҳа, яратганга шукур, икки ўғил, олти кизни улғайтириб, элга кўшдик.

Холиқ бобо сўзлайвериб анча ҳоригани сезилди. Чой ҳўплаб бир оз тин олди. Рости, сухбатимиз тугагунча у кишининг салобатли овози қулоғим остида жаранглаб турди.

Мен тепаликдаги бу оддий уйдан улкан бир ҳазина топдим. Бу вақтни, ёш-кариликни писанд қилмайдиган, нурдай соф – икки дил достони эди...

Рашид БОЙТУЛЛАЕВ



Рашид БОЙТУЛЛАЕВ 1938 йилда тугшиган. Бештерак қишлоғидаги 16-умумтағым мектебиде, Саратов шаҳридаги Ҳарбий ҳаво күчлари билім юртіда, кейинчалик Самарқанд Дағлат университеті тарих факультетінде, Ўзбекистон ФА қошидаги Тарих институты аспирантурасыда таҳсил қурған.

Нодира номлы мектебда үқитувчи, Республика ВМ ҳузуридаги Марказий Дағлат тарих архивінде катта шлмий ходим, "Тошкент бинокори" газетасыда бүтін мудири, Тошкент политехника техникимінде ижтимоий фанлар бүлтіми бошлиғи вазифаларыда иштеган.

У халқ тағылыми ағылочиси, Ўзбекистон Журналистлар ижодий үюшмасы ағзоси. Республиканың газета ва журналларыда үлкемиз тарихи ва маданий мероси ҳақидаги қатпор мақолалари чөп этилған.

ДАВР ФАРЗАНДИ

Қадимий Шахрисабз ва Китоб воҳасидан юрт озодлиги, Ватан мустақиллиги учун кураш олиб борган мард ва жасур ўғлонлар, буюк сиймолар, фан ва маданият арбоблари, санъаткорлар етишиб чиққанлар. Ана шундай тарихий шахслардан бири Жўрабек Қаландар кори ўглидир. У 1840 йили Китоб тумани яқинидаги Тароқли қишлоғининг кенагас уруғига мансуб оиласда дунёга келди. Жисмонан бақувват, ҳар ишга улдабурон ёш Жўрабек дастлаб Жевачхон бойницида хизмат қилади. Кейинроқ Шахрисабз ҳокими Искандар Дониёр Оталик ихтиёрида бўлди.

1852 йилда Амир Насрулло кўшинлари Шахрисабз ва Китоб бекликларига бостириб кириб, бойликларини талон-тарож килиб, бой-

лик ва асиrlари билан Бухорбга қайтади. Асиrlар орасида Жўрабек ҳам бўлади. У бир неча йил амир хизматида бўлиб, Тўқсабо увонинг сазовор бўлади. Бироз муддатдан сўнг Жўрабек Китоб беги Олло-ёр девонбеги хизматига юборилади. Бу даврда Китоб ва Шахрисабз беклари Бухоро амирлигининг зўравонлигига қарши бир неча бор кураш олиб бордилар. Айниқса, 1860 йилда Амир Музаффар томонидан Зокирбекнинг Китоб беги қилиб тайинланганлигига қарши ҳалкнинг норозилик ҳаракати кучайди. Натижада, ҳалк Зокирбекни ҳайдаб, ўрнига Жўрабекни сайдади. Жўрабек Китоб беги бўлгач, ўз юртини мустакил бошқаришга, унинг обод ва осойишта бўлишини таъминлашга эътиборини каратди. У арик-каналлар қаздириб, чўлга сув чиқариб, боғ барпо эттириди, дехқончиликни ривожлантириди.

Аҳолининг турмуш тарзини яхшилаш мақсадида оғир соликлардан озод этди. Китоб қальъасини мустаҳкамлади: деворларни таъмирлади, масжид-мадрасалар курдирди. Ҳунармандчилликни ривожлантириб, савдо-сотик ишларига катта эътибор берди, янги бозорлар ташкил этиб, дўконлар сонини кўпайтириди ва уларнинг устидан назоратни кучайтириди.

Айни бир вактда Жўрабек амир Музаффар зўравонлигига қарши мустакиллик курашини давом эттириди. 1868 йил 1 майда чоризм кўшинлари Самарқандни ишғол қилганларида Шахрисабз беги Бобобек билан бирга Жўрабек Самарқанд шаҳри ичидаги қальъада жойлашиб олган рус гарнizonига ўз кўшинлари билан ҳужум қилиб, шаҳарни руслардан озод килишда кўзғолончилар томонида турдилар. 1870 йилнинг 11-14 август кунлари генерал Абрамов бошлиқ кўзғолончилар Китоб ва Шахрисабз бекликларига қарши ҳарбий юриш қиласди. Босқинчилар Китоб шаҳрини ўқка тутиб, ҳалқнинг каттиқ қаршилик кўрсатишига қарамай, қальъага кириб боради ва уни вайрон киласди. Минглаб бегуноҳ кишиларнинг қони тўкиласди. Шаҳар бутунлай эталланиб, бойликлари талон-тарож қилинади. 1870 йилнинг 28 августида мустакил Китоб, Шахрисабз бекликларини генерал фон Кауфман амир Музаффар ихтиёрига топширади.

Китоб ва Шахрисабзнинг собиқ беклари Бобобек Ҳакимбеков ва Жўрабек Қаландар Қори ўғли Генерал Кауфманнинг қарори билан рус хизматига ўтказилади. Айниқса, Жўрабек бақувватлиги, мохир чавандоз ва мерғанлиги, ҳар қандай мураккаб ишларни бажаришга

кодирлиги каби фазилатлари билан Туркистон генерал губернатори Генерал Кауфман назарига тушади. Жўрабекнинг мана шу муҳим томонларини хисобга олган Кауфман уни ўз хизматига олади. Жўрабек Кауфманнинг таржимони бўлиб узок вакт Генерал губернаторлик маҳкамасида бўлади. Генерал Жўрабекнинг хизматлари эвазига рус ҳукумати йилига 3500 рубл, Бухоро амири эса 2 800 сўм маош тўлаб турган.

Жўрабек ўқимишли, маданиятли ва истеъоддли лашкарбоши эди. Ўлкамиз тарихи ва кўлёзмаларини мукаммал билган Жўрабек 1876 йили Петербургда чақирилган шарқшуносларнинг конгрессида Туркистондан вакил бўлиб катнашади ва шарқ кўлёзмалари бўйича маъруза кишиб, Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”, Давлатшоҳнинг “Тазкираи Муҳимхоний”, Мирхонднинг “Равзатуссафо” каби асарларидан фойдаланиб, рус шарқшуносларига муҳим ва кизикарли далиллар келтириб, уларни лол қолдиради. Рус олимлари шунда Жўрабекнинг шарқ кўлёзмаларининг йирик билимдони эканлигига тан берадилар.

Жўрабек кенг дунёкарашли, илмга чанқоқ инсон эди, унинг Тошкентда Қорасув боғидаги ҳовлисида катта кутубхонаси бўлган. Ҳатто унинг кутубхонасидаги асарлар тўғрисидаги хабар Петербург ва Император академиясига бориб етган. Улар бу ноёб хазина билан қизикиб, ундаги айрим қўлёзмаларни қўлга киритишга ҳаракат килганлар. Генерал Жўрабекнинг кутубхонасида Рашидиддиннинг “Жомий ат Таворих”, (“Солномалар мажмуаси”), Шамсиддин Муҳаммад Шахрузудиннинг “Тарихи ҳукамо”, (“Донишмандларнинг таржимаи холи”), XVII асрда яшаб ўтган Ўрта осиёлик комусий олим Маҳмуд ибн Валийнинг «Бахрул-асрор», (“Сирлар дентзи”) ва бошқа асарлари жамланган эди.

Академик В.В. Бартольд генерал Жўрабекнинг уйида 1902 йили бўлганида унинг шахсий кутубхонасидаги умумий тарихга оид “Жомеъ-ат таворих” (XV асрда кўчирилган) асарини “Ўрта асрларда на Осиёдаги, на Европадаги бирор халқда учрамайдиган улкан тарих энциклопедияси”, деб баҳолаган эди.

Жўрабекнинг ўлимидан кейин унинг тил, адабиёт, тарих, дин, география, ҳарбий санъатга доир ноёб қўлёзмалари, китоблари ва бошқа ўтмиш таржимизга тааллуқли ҳужжатлари профессор А.А. Семёнов

томонидан Туркистон Шарқ институтига, Тошкент давлат университетининг асосий кутубхонасига топширилган.

Генерал Жўрабек ўз даврининг моҳир чавандози, эпчил полвони, мергани, боғбони ҳам эди. Жўрабек Китоб вилоятининг беги эканлигида у билан учрашган инглиз сайёхи Скайлер унинг мерганлик маҳоратига койил қолганлигини айтган. Ю.Рассел эса 1878 йилда Петербургда босилиб чиқкан “Ўрта Осиё маданияти ва бизнинг Шарқдаги сиёсатимиз” китобида шундай ёзади: “Ўрта Осиё халқлари яхши мерганлардир. Бироқ, афсуски, уларнинг барча куроллари эскича бўлиб, қадим замонлардан қолган. Милтикларининг кўпчилиги пилта билан отиласди.

Ўзи ниҳоятда оғир бўлган милтикларнинг стволи узун ва ингичка, уни жуда узок муддат ўт олдириш керак бўлади. Бекларнинг бири Жўрабек ана шу милтиқдан ажойиб равишда фойдалана билган. Бир сафар у худди пилта милтиқни олиб, устунга суюнганича баланд дараҳтнинг энг учидаги турган чумчукнинг бўйинини узиб ташлади. Жўрабек пуфлама милтиқдан ҳам айло даражада ота билган. Скайлер бу куролнинг Ўрта Осиё оксуякларининг энг яхшиларидан, энг покизаларидан бўлмиш Жўрабек хукмронлик қилган Шаҳрисабздек кичик тоғли водийда бунчалар оддий буюм ҳисобланишини илк бор билиб, ҳайрон қолган.” Қаранг (“Вестник Европы” журнали, СПБ 1878 й 6-7 сон).

Машхур швед олимни ва сайёхи Свен-Гадин 1895 йилда Петербургда чоп этилган “Осиё юраги” номли II жилдли китобнинг бир неча саҳифасини генерал Жўрабек фаолиятига бағишлиб ёзган ва унда кизиқарли маълумотлар келтиради.

Жумладан, Жўрабек билан сухбатда бўлган Свен-Гадин унинг билим доираси кенглиги, ҳар бир соҳага қизиқишилари беҳисоб, ҳар бир сўзи маъноли ва аниқ эканлигига қойил қолганлигини ёзади.

Жўрабекнинг замондошларидан бири – ўзбек демократ шоири Зокиржон Фуркат Тошкентда бўлган вақтларида Жўрабек билан кўп учрашган, унинг рус тилини мукаммал билишинга, рус классик ёзувчилари асарлари ҳақида чукур фикр юритишига тан берган эди. Бундан ташқари, довюраклиги, ҳамиша ҳақиқат юзига тик боқиши, подшо амалдорлари ҳақида танқидий, айни пайтда ҳаққоний фикрларини билдириши Фуркатда Жўрабекка нисбатан кучли меҳрмуҳаббат, ихлос ўйғотган.

Ўтган асрнинг йирик маърифатпарвари, жадидлар отаси Исмоилбек Гаспирали Тошкентга келганида генерал Жўрабек билан учрашиб, дўстона сухбатлашарди, унинг маърифатли, ҳарбий соҳани яхши ўзлаштиргани, мусулмон динига содик эканлигини сухбатларидан билиб олади.

Россия ҳарбий вазири Генерал Куропаткин ҳам Жўрабекнинг талантли ҳарбий саркарда, аклли, довюрак, жасурлигини тан олиб, бу ҳақда рус императорига йўллаган докладида ҳам ёзган эди ва Жўрабекнинг шу жиҳатларини хисобга олиб, уни бир неча бор олий нишонлар билан тақдирлаган эди. Рус манбаларида ёзилишича, Жўрабек ҳар томонлама йирик шахс. Табиий акл, ҳаётни севувчи, кучли матонатли характерга эга, тўғри сўз, ўзини ҳар кандай шароитда қўлга ола билиши билан ажралиб, ана шу сифатлари туфайли ерли аҳоли орасида катта обрў-эътибор козонган, яқинларига ғамхўр ва меҳрибон ҳамда ўз маслакдошларига доимо ёрдам кўлинин чўзган инсон эди, – деб қайд этилган.

Жўрабекнинг мусулмончиликни устун кўйган ҳолда майда-чўйда урф-одатлар билан чекланиб қолмай, яхши ва фойдали томонларга эга бўлган бошқа ҳалклар маданиятини ҳам хурмат киларди. У ҳеч качон ўзининг динига, удумига хиёнат қилмаган. Жўрабек доимо ўз эътиқодига содик қолган.

Китоб беклиги руслар томонидан истило қилинганига қадар (1870 йил 14 август) ўн бир йил шу вилоятни бошкарган. Доимо ўз ҳалқининг манфаати учун жон кўйдирган. Уларнинг турмуш дарражасини кўтаришга ҳаракат қилган, ўзи бевосита арзномаларни кўздан кечириб, ҳақконий, тўғри қарорлар чиқарган. Жўрабек уйининг эшиги ҳар ким учун доимо очиқ бўлган ва иш билан келган ҳар кандай одамнинг илтимосини қондиришга ҳаракат қилиб, ёрдам берган. Унинг ана шу хислатлари учун ҳалқи севган, хурматини ўрнига кўйган ва ҳадсиз ундан миннатдор бўлган.

Тошкентда яшаган (1870-1906) вактида ҳам атрофида элликдан ортиқ камбағал уруг-аймоклари бўлиб, уларнинг ҳар бирига моддий ёрдам кўрсатган. Жўрабек ўзига тегишли бўлган Кўйлиқ ва Тўйтепадаги ерларида боғдорчилик ва деҳқончиликни ривожлантирган. 1974 йилнинг 14 июл куни Жўрабекнинг ҳовлисида хизматда бўлган Убайдулла ота Исламутлаев (1882 йилда туғилган) билан

бўлган сухбатимизда “Жўрабек боғдорчилик ва дехқончиликни яхши билганлиги, боғларида турли нав мевалар мўл-кўллиги ва бу ишларга айнан унинг ўзи бош-қош бўлганлиги маълум бўлди”.

Жўрабек рус армиясининг генерал-майори бўлса-да, у чоризм ҳарбийларининг Туркистонда олиб бораётган мустамлакачилик сиёсатининг асл моҳиятти ва максадини кейинчалик тушуниб етди ва рус босқинчиларига нисбатан қалбида норозилик уйғонди. Чоризм амалдорларининг ўлкани бошқаришдаги айрим сиёсати ва ишларига ўз норозилигини билдири.

Жўрабек ўлка генерал-губернатори М.Г.Черняевни жорий йилда ихтиёридаги барча пулларни сарфлаб бўлганини, яна хазинадан пул олиш учун эса Амударёдан Каспий денгизигача сув йўли очиш каби амалга ошмайдиган режалар тузатётганини танқид қилган эди. Черняев Бухоро ҳудуди орқали телеграф симларини ўтказмокчи бўлганида аламзада амирнинг “Агар сизга Бухоро керак бўлса олинг-у, эгалик қилинг, мен эса яшаш учун сизнинг ҳукмдорингиз олдига кетаман”, — деган гаплари унинг қарамликни ҳазм килаолмаётганлигини, Черняевнинг ҳар бир ҳаракати унинг нафсониятига тегаётганлигини кўрсатади. Жўрабек ҳатто генерал Черняевга қаҳрамонлик нишонининг берилиши ҳам катта катто бўлган деб ҳисоблаган, деб ёзади тарихчи олим Нуриддин Мусаев.

Тошкент эрлар гимназиясининг директори миссионер Н.П. Остромов 1903 йил 1 феврал куни Жўрабек билан навбатдаги учрашув таас-суротларини куйидагича баён этади: У рус бошликлари хусусидаги ўз фикр-мулоҳазаларини тўппа-тўғри, ҳатто кескин килиб айтади. Бирок шахсий ҳаётига онд тафсилотларни айтишдан ўзини тияди. Ишончим комилки, у қизиқарли ва ўз обрў-эътибори учун нафли деб ҳисоблаган нарсаларнинг ҳаммасини ён дафтариға қайд килиб боради. Умуман Жўрабек ўткир шахс ва унинг ён дафтаридаги қайдлари Туркистоннинг келгусидаги тарихчиси учун аҳамият қасб этажак”. (Қаранг: Ўзбекистон марказий Архиви, фонд 1009 қайд № 1, дело 103).

Рус мустамлакачи маъмурларининг Туркистонда юргизаётган бебошлик оғир сиёсатидан Жўрабекнинг норозилиги асримизнинг бошларида, айникса, 1905 йил 9 январ вокеаларидан кейин кучайди. Таникли манбашунос олим, ТошДУ профессори Шариф Юсовининг ёзишича, генерал Жўрабек бошчилигига Тошкентда 1905

Йилнинг ноябр-декабр ойларида йигинлар ўтказилиб, унда ўлкани чидаб бўлмас даражадаги оғир аҳволдан қутулиш чора-тадбирлари кун тартибига қўйилган. Жўрабек бошчилик қилган бу ишга Туркистон генерал-губернаторлиги амалдорлари қўрқинч билан қараганликлари ўша кунларда Петербургга жўнатилган бир маҳфий хужжатда қўйидагича ифодаланган эди:

“Ерлилар орасида ўзларининг турмушини яхшилаш мақсадида ҳукуматга ариза бериш учун ҳаракатлар бўлиб турибди. Шу сабабли ерли ҳалқ ўзининг мақсадига эришиш учун Россия ҳукуматининг ҳозирги кийин аҳволдан фойдаланмайди, деб бўлмайди”.

Жўрабекнинг мустакиллик, озодлик учун бошлаган дадиyl ҳаракатлари Бухоро амири Саид Олимхонни ҳам, мустамлакачи рус амалдорларини ҳам чўчитиб қўйган эди. Шу сабабли улар Жўрабекни қандай бўлмасин йўқотиш пайига тушдилар. Кўп ўтмай Жўрабекка нисбатан уюштирилган қотиллик амалга оширилди.

1906 йилнинг 24 январ кечаси генерал Жўрабек Қаландар Қори ўғли ўзининг Қорасувдаги боғ-ҳовлисида номаълум шахслар томонидан “сири” равишда ваҳшиёна ўлдирилди. Демак, у кимгadir ёки кимларгадир тўғанок бўлиши мумкин бўлган. Чунки унинг бойлиги ва мол-мулки эмас, балки ўзи кимларнидир ховотирга солган. Генералнинг “сири ўлими” тўғрисида “Туркестанские ведомости”, ҳамда “Туркистон вилоятининг газети”да турли фикрларни баён этдилар. Жумладан, “Туркистон вилоятининг газети”нинг 1906 йил 6 феврал сонида қўйидаги маълумот босилган: “Мархум генерал-майор Жўрабекни ўлдурғон босмачилар ичида уч нафари топилиб, маҳбус бўлинибдур. Чунончи бир армани Нерсес Осипов иккинчиси Бухорога тобе Жўрабой Ортиқбой ўғли, учинчиси Самарқанд шаҳрининг фуқароси Қодир Худойберди ўғлидир”. Генерал вафотидан кейин бу мудхиш қотилликка доир маълумотлар газеталарда берилиб борилган бўлса-да, лекин улардан аниқ бир натижа чиқмади. Ҳатто мархум Жўрабекнинг оила аъзолари томонидан ўлка генерал губернаторлигига, маъмурий органларга ёзилган кўплаб расмий аризалар жавобсиз колди. Генерал Жўрабек вафоти хакидаги хабар уни билган ва таниган барча илғор кишиларни қайгуга солди.

“Туркестанские ведомости” газетасининг 1906 йил 29 январ сонида “Генерал-майор Жўрабек” номли таъзияномада генерал

Жўрабекнинг маънавий сифатлари унинг жисмоний бақувват қадди коматига тўлиқ ҳамоҳанг эди. У ҳар томонлама етук шахс эди. Та-биатан акл эгаси, ҳаётин бой тажрибага эга, иродаси кучли, адолатли ва ўз кадр-кимматини тўла саклай оладиган инсон бўлиб, ҳамманинг, жумладан, ўрислар хурматига ҳам сазовор бўлган эди. Маҳаллий халқ ўз юртдошлари билан фахрланар, кўпинча унинг маслаҳатларидан фойдаланар эдилар. Уни дин соҳасида ҳам тор до-ирадаги мутаассиб деб бўлмайди. Шарнат ихлосманди бўлишига қарамай, у ҳеч кийинчиликларсиз рус урф-одатларини ўрганди, кўп нарсаларни гарбона қабул қила олди. Сиёsat соҳасидаги ғанимларин борлигига қарамай, ҳеч кимга нисбатан шахсий душманлик қилишини талқин этмади, аксинча, умрининг охиригача ўз дини, халкига содик колди”.

Жўрабек вафотидан кейин унинг оила аъзолари қуидаги кишилардан иборат бўлган: аёли, Иклизмбиби Раҳим Девонбегиева, ўғли Родмистр Оллоқулибек, кизи Зиннатбека (Йўлдош Мироҳурга турмушга чикқан), кизи Тўрачучук Ойбека (Кўкон хонининг ўғли Понсурулло Худоёрхоновга турмушга чикқан), асраб олган ўғли Тошпўлатбек Йўлдошмироҳурров.

Гарчи Жўрабекнинг ҳаёти фожеали якунланган бўлса-да, аммо ёркин сиймоси унинг ишларини давом эттириш учун бел боғлаган жасур ўзбек эркесварларига, зўравонлик, ноҳаклик ва босқинчиликка карши кураш сиймоси бўлиб, у бошлаб берган йўл Ватан ўғлонларига эркинлик озодлик ва мустакиллик учун кураш рамзи бўлиб колди.



Аҳад БЕРДИЕВ



Аҳад БЕРДИЕВ 1953 йилда Китоб туманида туғилған. Самарқанд Давлат Архитектура институтини туғатиб, турли вазифаларда шылғаган. Айни пайтда "Китоб саиёҳ" фирмиаси ҳамда "Олтин мерос" ҳалқаро жамғармаси туман бўлими бошлиги вазифаларида ишлаб келмоқда.

«Китоб тумани», «Авлодлар кўтриги» «Ҳақиқатга садқа боши», «Мен англаган ҳадди ҳақиқат», «Осмон буржлари ва унинг ҳаётда тутған ўрни», «Мавлоно Абулбоқи Ҳожаги Имканагий» китоблари муаллифи.

ХУШМАТБОЙ ҚИССАСИ

Тонг отди. Атроф гузал бўлса-да, Хушматбойнинг кайфияти йўқ эди. Бомдод намозини ўқигач, пастни кузатиш учун Шахрисабз туманидаги Нондак қишлоғи устидаги горнинг оғзига келди. Ҳамроҳи Йўлдош оқсанол ҳам у билан изма-из юрди. Қарасалар пастдан тўрт киши кўлида тугун кўтариб кела бошлади.

Ҳар иккаласи ҳам кўксини горнинг оғзига қўйиб кузата бошлади. Хушматбой ҳар эҳтимолга қарши вазинадан ўқни бешотарнинг затворига жойлаб, кўндоғини олдинга тўғрилаб одамларнинг якин келишини кутиб турди.

Узоқдан нотаниш бўлиб кўринган кишилар якинлаша бошлагач, кўзларига танишдек кўринди. Ҳа, ростдан ҳам улар Хушматбойнинг чўпонлари эди. Олдинда келаётган нондаклик Бойкелди, яна бириси хос хизматкори Қўчкорбой, гавдалиси қизилтўрикли Мир-

зарайим эканлигини дарров таниди. Қўлларида дастурхон, афтидан, кўрмокчи бўлиб келишяпти.

Хушматбойнинг дили хира тортди: улар нега келишаяпти? Менинг турган жойимни қандай билишди экан? Булар хиёнат йўлига ўтганга ўхшайди. У қандайдир кўнгилсизликни сезди. Мирзарайим бу ерда нима килади? Ахир Нондак қаерда. Қизилтўрик қаерда? Йўлбошловчи дўсти ғилонлик Абдуллабойга ваъда бериб, агар одамларимни эсон-омон довондан ўтқазиб қўйсанг мана шу олтин сеники, деб қолдирган тугунчани арча тагидан топишолмаган эди. Бу Бойкелдининг иши эканлигини энди тушуна бошлади.

Шунда Хушматбой, Йўлдош оқсоколга караб: “Сен ҳам шундай йўл тутармидинг”, – деб сўради.

Йўлдош оқсоқол: “Бой ота, нега унақа деяпсиз? Кўнглингизга бирор ёмон фикр келдими?», – деди.

Хушматбой: “Ҳа. Мана шу кишилар менинг дастурхонимдан тузеб, унга тупурмокчилар. Улар хиёнат йўлига киришибди”, – деди.

Йўлдош оқсоколнинг фаҳми буни тезликда илгамади. Ўйлашга ҳам вакт қолмаган эди. Чакирилмаган меҳмонлар форга яқин келиб колишганди.

Шунда Хушматбой даст туриб, милтигини чўпонларга тўғрилаб, “Тўхтанглар, сизларни бу ерга ким юборди? Жойингизда тўхтанг, йўқса отиб ташлайман”, – деди.

Чўпонлар бирданига сергак тортиб тўхташди. Уларнинг кўлида дастурхондан бўлак нарса йўқ. Устиларида тўн. Белларини башанг килиб боғлаб олган эдилар.

Шунда Бойкелди тилга кириб: “Бой ота, сизга нима бўлди? Ахир сизни кўргани келаяпмиз. Қизилтўрикли биродарингиз Мирзамахмат хавотир олиб укаси Мирзарайимни хабар олиш учун жўнатибди. Анчадан бўён кўрганимиз йўқ. Сиз билан дардлашиб, пастдаги гап-сўзлардан хабардор қилиб қўяйлик, деб келяпмиз”, – деди.

Хушматбой: “Йўқ, сизлар хиёнат йўлига кириб, беш юз танга учун мени ўлдиргани келяпсизлар”, – деди.

Йўлдош оқсоқол боя Хушматбой айтган сўзнинг магзини энди тушунди.

Шунда Бойкелди: “Ахир бой ота, кўзингизга бало кўриндими? Нега бунча асабийлашасиз? Биз сизнинг содик кишиларингиз

бўлганимиз учун ҳам оила аҳлингиздан хабар олиб келаяпмиз. Чувчук опамларни ҳукумат олиб кетибди. Минжирлик хотинларингиз Норжон ва Ойимгул аямларнинг уйларини ҳам ҳукумат тинтув килибди. Ўғлингиз Сафарали қочиб кутулибди”, – деб Хушматбой эшитмаган гапларни айта бошлади.

Шундан сўнг Хушматбойнинг кўллари шалвираб тушди. Милтик тепкисини ҳам туширди. Эҳ аттанг, бир фарзандимни отиб ташлашувди. Қолган фарзандларим омонмикан деб уларга: “Майли, келинглар”, – деди.

Чўпонларга шу керак эди. Уларга Хушматбойни маҳв этиш йўлларини, ким нима иш қилишини келишиб олишган эди.

Бойкелди: “Бой ота, кўрмаганимизга ҳам анча бўлди. Бир отамлашиб кўяйлик”, – деб куличини ёзиб келаверди.

Бойкелди баланд бўйли, корачадан келган йигит эди.

Хушматбой ҳам истар-истамас, одоб юзасидан қулоч ёзди. Ҳар иковлари бир-бирларига якинлашгач, Бойкелди чакконлик билан билан бойнинг қўшлари устидан кўлларини ўтказиб маҳкам кучоқлаб олди.

Хушматбой кутилмаганда Бойкелдининг қучоғига кириб гўё тушовлангандай икки кўлини қимирлатолмай қолди.

Шунда Бойкелди ҳамроҳларига. “Тез бўлинглар!”, деб бакирди.

Хушматбой воқеани энди тушуниб, бор кучи билан Бойкелдининг кўлтиғидан чикишга ҳаракат қиласди.

Хушматбой кўз кири билан дастурхонда пичоқ ва лаган устида арқон борлигини кўриб воқеани тушуниб етди. У бор кучини ишга солиб, чўпонларнинг кўлидан чиқишга уринди. Улар шерга ташланган қашқирдек Хушматбойга ташланар, Хушматбой эса уларни тепар, суриб юборар, қоятошларга олиб бориб қисар эди. Лекин икки қўли Бойкелдининг кўлтиқларига ёпишиб колган, ундан ажралишнинг иложи йўқ эди.

Тўртовон бўлиб Хушматбойни йиқитолмагач, Бойкелди Кўчкорбойга ўшқириб: “Нондаклик, бормисан, бой тирик колса баримизни хароб қиласди? Пичоқ урмайсанми?”, – деди. Кўчкорбой кўзини чирт юмиб бойнинг бикининг пичоқ санчди. Бой бир энти-киб ҳаракати сусайди. Улар курашиб горнинг оғзига бориб қолишиди. Мирзарайим эса горнинг бир бурчагида хайрон, бутун вужуди музлаб қолган Йўлдош оқсоколга ташланди. Йўлдош оқсокол бир

нарсани тушуниб етди. Агар хозир Хушматбойнинг оёқ-кўлларини боғлаб ўлдиришса, сўнг гувоҳ сифатида мени ҳам ўлдиришиади, деб ўйлади, ва бор кучи билан қўлдан чикиб кочишга ҳаракат қилди. Йўлдош оқсоқол ёш, бакувват одам эди. Мирзарайим ҳам полвон йингит эди. Иккиси бир-бирини кучоклаб гордан пастга юмалаб кетишиди. Хушматбойнинг биқинига пичоқ тикиб олгандан сўнг улар бойни галалашиб йиқитиб, оёқ-кўлини боғлашди.

Хушматбой энди тақдирга тан берди. У энди ҳеч нарса кила олмас эди. Қашкирларга ўлжа бўлган эди. У ёлвориб омонлик ҳам сўрамади. Фақат оғзидан портлаб бир сўз чиқди. “Бойкелди, мен сенга нима ёмонлик килган эдим, тузимни еб, тузлиғимга тупурдинг. Худо бир, иншооллоҳ, баринг бузиласан”, – деди.

Бойкелди важоҳат билан Хушматбойнинг оёқ-кўлини боғлатди, сўнг Кўчкорбойга, ишни бажар, деди. Кўчкорбой Хушматбойнинг устига энгашди. Ҳамроҳлари эса устига чикиб босиб турди.

Хушматбой: “Ла илаҳа иллалоҳу Мухаммадун Расулуллоҳ...х...х” деб юборди. Унинг бўғзига кўйилган пичоқ бўйини кесиб кетган эди. Бу вактда Мирзарайим ҳам Йўлдош оқсоқолни ўлдириб етиб келганди.

Хушматбойнинг кесилган бўғзидан қон тиркираб оқар, гавдаси эса тебраниб турарди. Бир оз вактдан кейин унинг оёқ-кўлини ҳам ечиб кўйишиди. У энди қимириламасди. Энди олам ҳаракатдан тўхтади, салобат билан турган тоглар доңг котди. Осмонда учиб юрган бир жуфт кирғий ҳам кўксини шамолга тутиб котиб турди. Кишлокда савлат тўкиб турган тераклар ҳам бир томонга ёнбошлиб колди. Атрофни безатиб турган ранго-ранг чечаклар, ям-яшил ўт-ўланлар чайқалиб кетди. Осмон ҳам бўзариб кетди. Узокдан корайиб булуут ҳам мотам тутгандек эди. Хушматбойни ўз нафслари учун кўйдек сўйдилар. Шу билан бу мунофиқлар миллатни бўғизладилар, унинг келажагини булғадилар, тақдирини нимталадилар, тарихига ўт кўйдилар, ғурурини синдиридилар. Келгиндиларга таъзим қилиб, Хушматбойнинг кони билан ўз қасрларини курмокчи бўлдилар.

Жўрабоши Бойкелди Хушматбойнинг бисотлари (олтинлари) солинган хўржунга караб юрди. Хўржунни очиб кўриб, юзига ажабтовор илжайиш югуrdи. Ҳа, у Хушматбойнинг бир умр йиқкан ҳазинасини кўлга олган эди. Улар хозиргина одам ўлдирганини ҳам

унутдилар. Бойкелди хўржунга қўлини тикиб, тилло тангаларни фижимлаб совурган бўлиб ўйнади. Сўнг салдан кейин Кўчкорбойга ўгирилиб каради-да: “Сени ҳаққинг мана бу олтин баркаш”, деб кичикрок бир баркашни Кўчкорбойга берди. Хўржундаги бойликдан колган бошқа кишиларга ҳам бериб, колганини ўзига олди. Чунки ҳали унинг киладиган ишлари бор эди. Бошни кесиб ҳукуматга топшириши лозим эди.

Осмон ёрилгудек момақалдирок гумбурлаб, ёмғир ёға бошлади. Шариллаб ёға бошлаган ёмғир Хушматбойнинг жасадини ҳўл қилди. Аллоҳнинг раҳмати унинг устига ёғилаётган эди. Бойкелди ўринидан туриб, Хушматбойнинг бошини кўйникидек кесиб, танасидан жудо қилди, сўнг боя олиб келган баркаш устига қўйиб дастурхон билан ўраб қўйди.

* * *

Шаҳрисабзлик бойнинг қамоқхонага айланган ҳовлисига эрталабданоқ ҳамма ҳаракат қилиб қолди. Узокда Оксаройнинг кошиндор устунлари эрталабки куёш нурида товланиб турибди. Унинг гўзаллиги бетакрор, сержило. Бўғиқ хонанинг шўъла тушаётган ойнасидан Чучук опа термулиб турибди. Қизиқ, ташкарида ёргулек, инсон қалбida эса ғурбат-у зимистонлик. У бу гўзалликдан баҳраманд эмасдек, унинг қалбини, юрагини ҳафта бурун заҳарлаб ўлдирилган фарзанди – дилбандининг ғами эзмоқда. Кўз ўнгидаги темир панжара, ташкаридаги гўзаллик билан инсон ўртасида кора парда бўлиб, қуёшни, қалбни, заррин нурларни ҳам тилка-пора қилмоқда.

Бир вакт эшик очилиб, иккита сокчи кириб келди. Улар хотинларни бир-бир ташкарига олиб чиқиб, салдан кейин орқага қайтариб киргизиб қўйишарди. Қайтиб келган аёлларнинг рангида қони колмаган, bemажол аҳволда эдилар. Улар гўёки тирик мурдага ўҳшашарди. Гапиришга ҳоллари ҳам йўқ эди. Кимдир кўли билан оғзини беркитиб йиғлаб юборди. Чучук опанинг ҳам наубати келганда ташкарига олиб чиқишиди. Чучук опанинг юраги негадир эрталабданоқ қоп-кора. Тонг сахарда қўзи уйқуга кетиб туш кўрибди. Туши ниҳоятда кўркинчли эди. Синглисининг эри Санакул кўлида дастурхонга ўралган бир идиш кўтариб келиб: “Чучук, эринг мана бу олтинларни бериб юборди, олиб қўй”, – деди. У истар-истамас

қўлини дастурхонга узатиб уни очди. Не кўз билан кўрсинки, баркашда эрининг боши турар эди. Санакул эса осмонга караб кулар, башараси шу даражада бадбашара эдик, кўркиб, уйғониб кетди.

Чучук опа тушини эслаб, ҳовлининг ўртасига бориб қолганини ҳам билмай қолди.

Пешайвонда узун тахтадан ясалган ўтиргич. Ўтиргичнинг ҳар жой-ҳар жойида биттадан баркаш устига тарвуздек нарса кўйилиб усти латта билан ёпиб кўйилган эди. Стол олдида ҳамиша сўроқ олиб бораётган кенг ягринали, совуқ чехрали,mall соч ўрис сёкларини елка кенгликда кериб, кўлларини кўксига қовуштириб олган. Ёнбосида бир қадам оркада таржимон қўл қовуштириб, топширик кутгандек турарди.

Чучук опанинг кўнгли бир нохушликни сезиб, бу нима сир экан, деб кўнглида қизикиш ҳам пайдо бўлди.

Ўрис олдидағи таржимонга имо қилгач, у олдинга юриб стол олдига келиб бирин-кетин рўмолчаларини кўтариб, “Буни танийсанми, бунисиничи?”, – деб кўтарилганинг устини ёпиб кўярди.

Чучук опанинг юраги оғзига тиқилиб қолган. Қорачиқлари кенгайиб, кўзлари даҳшатли равишда чақчайиб қолган эди. Унинг кўз ўнгидаги баркашлардаги қонга беланиб кесилган бошлар турарди. Қатор турган баркашнинг еттинчисини очганда Чучук опанинг сёғида жон қолмади, чунки баркашдаги қонга беланганди Хушматбойнинг боши эди.

Терговчининг “Эрингиз мана шуми?” деганинй эшиитмади ҳам. Ҳовли чирпирак бўлиб айланди. Кўз ўнги қол-кора бўлиб қолди. Нафаси ичига тушиб кетди. Чучук опа қолганини эсламади. Ўзига келганида, панжарали хонанинг зах бурчагида чўзилиб ётарди. Атрофидаги хотинлар опани рўмолчалари билан елпиб: “Чучукхон, ўзингизни тутинг”, дейишарди.

* * *

Хушматбойнинг ўлдирилгани ҳаммага маълум бўлди. Бу шум хабарни биринчилардан бўлиб ғелонлик Абдулла ака эшиитди. У ёнига тўрт-беш кишини олиб чиқиб, Хушматбойнинг жасадини ғордан пастга олиб тушди. Унинг ахволини кўриб жуда қайғурдилар. Нондакликлар ҳам, Хушматбойни таниган-билган ҳам даҳшатга тушди.

Хушматбой ва Оқсоколнинг жасадларини келтириб Нондак кабристонининг четгинасига, тарма остига дафн этишди. Хушматбой ўлдирилган горда икки ой атрофида чироқ ёниб турганини нондакликлар ҳалигача эслашади.

Хушматбой ўлдирилгач, эл осойиш топмади, қайтага бир химоячисини йўқотди. Элнинг осойиши бузилган, рўзғорларини қон қақшатган қаҳрли кунлар ҳали олдинда эди.

Чучук опани ҳам ўн бир ой деганда кўйиб юбориши. У қишлоғига қайтиб келганда, фарзандлари қаровсиз қолиб, катта фарзанди Орзикул касалланган эди. Уни асраб қолишининг иложи бўлмади, Орзикул навқирон ёшида оламдан ўтди.

Синглисининг қилган бемеҳрлиги Чучук опанинг юрагида бир умр дод бўлиб қолди. Кўчаларда юрганида унинг бетига “ Сен қулоқ, босмачининг хотинисан”, деб маломат қилдилар. Унинг учун факат яшаб турган кулбаси тинч эди, холос.

Орадан йиллар ўтди. Хушматбой ва унинг хотиралари билан боғлик гап-сўзлар аста-секин чўғ устини босган кулдек унутилди. У ҳақдаги фикрлар ўша даврда яшаган кишиларнинг қалбига дафн этилди.

Ҳа, Хушматбой музaffer кунларга етиб кела олмади. Унинг умри завол топди. Хушматбой орзу қилган, тушуниб химоя қиладиган кунлар яна Хушматбойнинг умрига тенг йиллардан кейин келишини ҳали ҳеч ким билмас эди. Хушматбойни ғўла қилиб жамият ўчоғига ўтин ўрнида фойдаландилар, сўнгроқ жамият ўчоғига ўтин тайёрлаб ёққанларни навбат билан ўзларини ҳам ғўлага айлантириб ўтин ўрнида ёқдилар.

Дунё ўзи кизиқ экан, элимизыва, қайтар дунё, касос қиёматга колмайди, деган накллар бор. Хушматбойнинг орзулари амалга ошли. Замон ўзгарди, ҳалқдан қайтариб олинган мулк ҳалққа қайтариб берилди. Масжидлар элга очиб қўйилди, исломга йўл берилди. Омборхоналарга айлантирилган масжидлар қайта тозаланиб, таъмирланиб одамларнинг ибодат манзилига айлантирилди.

Юсуф ҲАМДАМОВ



Юсуф ҲАМДАМОВ 1954 йилда Ҳужаиспароз қишлоғида туғылған. Ломоносов номидаги Москва Давлат университети журналистика факультетида таҳсил күрган. Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетида шилайди. Филология фанлари номзоди, доцент. «Замон ва мезон» номли китоби ва бошқа кўплаб ўқув кўлланмалари чоп этилган.

ҚАЛБИ ДАРЁ ЭДИ

Москва дорилфунунини битириб, Тошкент дорилфунунида ишлайдиганимга 4 йилча бўлиб қолганди. Оиласиз билан дорилфунуннинг 9 каватли ётоқхонасида истикомат килимиз. Хонамиз битта бўлгани учун иккинчи фарзандимиз туғилиши арафасида яашаш анча қийинлашиб колди. Буининг устига ётоқхонадаги шароит ҳам ўзига яраша. Бетон уй эмасми, ёзда хонамиз кун бўйи иссикни тортиб, кечаси таркатади, кишида эса бор совукни чақириб, ҳамма ёкни захлатиб юборади.

Ётоқхонамизда бир кун чироқ учиб қолса, бир кун келмай қолади. Шу алфозда кунлар ўтаверди, уйдан эса дарак йўқ. Бир куни бирга ишлайдиган домлаларимиздан бири “Ректоримиз яхши одам, у кишига бир кириб ахволни тушунтиринг, зора ёрдам берса”, деб қолди.

Ариза ёзиб, домланинг ҳузурига кирдим. Саъди Ҳасанович мен ўйлаганчалик салобатли, жиддий, расмий одам эмас, балки ўрга бўйли, юзларидан ўта фаросатли, билимли, оддийлиги билиниб турадиган, жуссаларидан сергайратлик жўш уриб турган ёқимтой киши экан.

Домла аризамни диккат билан ўқиб чиқдилаар, баъзи сўзларнинг тагига чизиб кўйдилар. Сўнг қоғоздан бошларини кўтариб, маъноли кўзларини бир нуқтага тикканча шундай дедилар: “Ука, сиз жуда обрўли даргоҳни битириб, бизга ишга келибсиз. Биз сизга ўхшаган ёш мутахассисларни авайлаб, кадрлашимиз лозим. Кўнгилни тўк

килиб, ишларни давом эттираверинг. Мен депутат сифатида уй масаласини ҳал килишга ҳаракат киламан.

Домла мени қабулхоналарида кандай илик кутиб олган бўлсалар, яхши гаплар билан ҳудди шундай кузатиб қўйдилар.

Бундай хушмумалалик, юракка далда, таскин берувчи самимий гаплардан бошим кўкка етди. Домланинг ҳузурларидан кўнглим тоғдек кўтарилиб чиқди.

Ҳа, яхши гап қандай яхши. У кишига рух, қанот бағишлаб, уни унумли меҳнатга ва доимо бошқаларга ҳам яхшилик килишга ундайди.

Уй масаласида ҳурматли ректоримизнинг ҳузурларига киришдан уч кун олдин факултетимизнинг ўша пайтдаги раҳбарларидан биринга шу масала бўйича ёрдам беришларини илтимос қилгандим. У бўлса кўпоплик билан: “Мен сени ишга қабул қилганимда, уй ваъда бермаганман”. – деб қабулхонасидан кўнглимни вайрон килиб чиқариб юборган эди.

Баъзан ўша кунларни эслаб, ўйлаб қоламан: киши ўзининг қонуний ҳуқуқини талаб қилиб, бош эгиб раҳбар олдига кирганди, кап-катта одамнинг уялмасдан, ўғли тенги йигитга чираниб, бақириб бергани қаерда-ю, раҳматли домла Саъди Ҳасанович сингари юмшоклик билан тушунириб, тўрт оғиз яхши гап билан кўнгилларни тоғдек кўтариб, жўяли маслаҳатлар бергани қайда?!

ИЛМ ЖОНКУЯРИ

Домла илм аҳлининг кадрига етадиган жуда оқил киши эдилар. Кимки илмий иш юзасидан мурожаат қиласа, у киши қўлидан келганча ёрдам берар, кимлигидан қатъий назар, оғирини енгил қилиб, қўллаб юборар эдилар.

Илмий ишларимни ниҳоясига етказиши максадида бир йиллик кундузги аспирантура олмокчи бўлдим (шу йиллари ҳам ишлаб, ҳам сиртқи аспирантурада ўқирдим). Проректорлар билан ҳадеганда иш битавермади. Дорилфунун билан олий ва ўрга маҳсус таълим вазирлиги ўртасида қатнаб, анча вақт йўқотдим. Хуллас, ёрдам сўраб, домлага мурожаат килишга тўғри келди. Саъди Ҳасанович ректорлик номидан хат тайёрлаб, имзо қўйиб бердилар. Вазирликдаги бавзи кишиларни аспирантурага боришимга рўйхушлик бермаслигига қарамасдан, домла бу масалани қўздан қочирмай, назорат килиб турдилар. Ишлар юришиб, бир йиллик аспирантура ҳам ҳал бўлди. Ана шу муддат илмий ишларимни ниҳоясига етказиб, номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиб ҳам олдим. Ўзимда йўқ шод, айниқса

домлани менга ўхшаган оддий бир кишига кўрсатган беминнат ёрдамларига қандай миннатдорчилик билдиришни билмасдим.

Саъди Ҳасанович бу орада ректорликдан истеъро бериб, республика фанлар академиясига ишга ўтиб кетдилар. У ерда домла кўп вакт ишлай олмадилар: бир муддат хасталикдан сўнг оламдан ўтдилар. Домланинг илм устида қаттиқ ишлашлари, дорилфунун, унинг кўп минг сонли жамоаси ҳукукини химоя қилиб, номини тилга олишга ҳам арзимайдиган баъзи бюрократлар билан асабни какшатиб юборадиган даражадаги тортишувлари ўз ишини килган эди. Ўша куни республика Фанлар академиясинининг зали Саъди Ҳасанович билан видолашиб учун келган одамлар билан тўлиб кетди. Бу ерда йирик олим, давлат арбоблари, домланинг шогирдлари, кейин ўзларига ўхшаган содда, самимий, оддий одамлар кўп эди. Уларнинг юз-кўзларида чукур изтироб, айриликнинг оғир лаҳзалари кўз ёшлиари билан бирга котиб қолган эди. Домланинг сўнгги йўлга кузатган, турли тоифадаги одамлар бўйинларини этганча гуррос-гуррос бўлиб уйларига тарқалишди. Йўл-йўлакай улар паст, мунгли овозда эл ҳурматини қозонган ҳакикий, пок инсон, забардаст олим, буюк алломанинг ажойиб хислатлари ҳакида галириб беришарди.

ҲАЛОЛЛИК

Домла ҳалол одам эдилар. Шунинг учун каерда камчилик бўлса, тап тортмасдан танқид қилиб, ўша камчиликни тузатишга ёрдам ҳам берардилар. Олий ўкува юрглари ҳаётида энг оғир, масъулияти давр одатда ёзги қабул пайтлари бўлади. Бизнинг дорилфунунда ҳам йилнинг июнъ, август ойлари одам гавжум, ғала-ғовур бўлади. Айниқса, имтиҳон кунлари атрофни турли маркадаги машиналар босиб кетади, ота-оналар, таниш-билишлар у ёқдан бу ёққа юришгани-юришган. Имтиҳон қабул қиласиган ўқитувчилар тушлик қилиш учун чиқиб қолишича ҳам, таниш-билишларнинг кўзларига чалиниб қолмаслик учун шоша-пиша ўзларини четга тортишади. Хуллас, ортиқча хижолатбозлик.

1984-1985 йилги ёзги қабул дорилфунун учун ҳар йилгидан ўзгача бўлди. Биринчидан дорилфунун атрофида бирорта енгил машина кўринмади. Кейин, одатда ёзги икки ойлик таътилга чиқса ҳам “мавсум” пайтлари дорилфунун атрофида танда қуриб оладиган баъзи ўқитувчиларнинг ҳам шу йиллари дорилфунун биносига яқинлашишга юраклари бетламади.

Қабул имтиҳонлари холис, ортиқча шов-шувсиз ўтди.

Бундай ажойиб ишларга бош-кош бўлган ҳам покдомон инсон-домла Саъди Сирохиддинов эдилар.

Дорилфунунда ҳозиргача домланинг ўша йилги тартиблари, ҳакикий жонкуярликларини тез-тез эслаб туришади. Ҳакикатан ҳам бу кайта-қайта эсласа, ўрганиб, кундалик ҳаётга тадбир килса арзийдиган ишлар эди. Ҳа, ҳалолликка нима етсин!

КЎНГИЛЛАР ЧАРОФОН...

Эрта тонг... Ўрнингиздан илкис туриб, ювинасиз. Қўшни деразаларда ҳам чироклар кетма-кет “лип-лип” ёниб, ҳамма ёк кундузгидек ёришиб кетади. Саҳарликдан сўнг эътиқод ила рўзага ният қиласиз. Руҳингиз тетиқ, кўнгил равшан.

Одатдагидек вактлирок ишга отланасиз. Кун салкин ва киска. Очлик ва чанқоқликни сезмайсиз, ҳам. Бугун ишингиз ҳам унумлидек. Каранг, ана-мана деб кеч ҳам кириб қолибди. Уйга кириб келганингизда азизрок меҳмон кутилганидек, хонтахта устига япянги дастурхон ёзиглик. Унда барча ноз-неъматлар кўйилган. Улар сиз рўзадорларга мунтазир. Ҳамма дастурхон атрофида жамулжам. Бир неча дақиқалардан сўнг, бирор сирли ҳодиса рўй берганидек, барчанинг нигоҳи девордаги осма соатга қадалган.

Шўх, ерга урса кўкка сапчийдиган ўғилчангиз ҳам одоб саклаб ўтирибди. У коп-кора кўзларини жовдиратиб, атрофдагиларга бир-бир назар ташлаб, ёнида ўтирган опасининг кулогига оҳиста пи-чиirlайди: “Ҳозий дадам йўзалайнин очади”.

Эътиқод... қанчалик муқаддас, улуг нарса у. Ёмонни яхши йўлга, нияти бузукни тўғри йўлга бошкаради. Шукроналар айтиш лозимики, мустақиллик туфайли муқаддас юртимизда иймон-эътиқод ҳам тикланяпти. Бир пайтлар минг йилликдан буён эътиқод қилиниб келинаётган ислом динини, унга эътиқод қилганларни таъкиб қилиш, рўзадорларни терграб, уларга зўрлаб овқат едириш каби зўравонликлар хайриятки, биз учун энди ўтмиш бўлиб колди, иншооллоҳ.

Эрта тонг... Бу тонг ўзгача шукухли бир тонг. Ўрнингиздан енгил туриб ювинасиз. Қўшниларингизнинг ҳовлилари ҳам ёруғ, чарофон.

Бу тонг табиат ҳам ўзгача, ҳаво мулойим, ёқимли.

Ҳа, шукурки, муборак рамазон ойининг ҳар бир тонги сехрли, фараҳбахш. Унинг ўзгача сехри бор: у табаррук, муқаддас ва иншооллоҳ моҳирамазон ҳар бир хонадонга кут-барака, яхшиликлар олиб келгусидир. Шу боисдан кўнгиллар ҳам чарофондир.

Қаршибой БЕРДИЕВ



Қаршибой БЕРДИЕВ 1942 тил Шаҳрисабз туманидаги Янги қишлоқ қишлоғида туғилған. Ўрта мактабни тугатғач, СандУнинг физиология факултетида таҳсил қўрган. Китоб туман партия қўмшитасида, «Қашқадарё», «Китоб тонги» ва Шаҳрисабз туман «Кеши» газеталарида шилаган. Ўзбекистон Журналистлар ижодий ўюшмаси аъзоси. Мақолалари республиканиздаги турли нашрларда чоп этилган.

ҲАМКАСБ ВА УСТОЗ

Китоб тумани ҳокимлиги нашри бўлмиш “Китоб тонги” (собиқ “Ғалаба”) газетасида қарийб чорак аср муҳаррирлик қилған Сухроб Рустамов газетани мазмунли ва сифатли чикариш учун чинакамига жонбозлик қилған устоз журналистdir. Ҳафтасига уч марта 10 мингга яқин нусхада чоп этилган мазкур газета туман ижтимоий-сиёсий ҳаётининг чинакам ойнасига айланган эди. Кўлига эндиғина қалам ушлаб, атак-чечак қилиб ижод майдонига кираётган ўнлаб ёш ижодкорлар учун “Ғалаба” чинакамига маҳорат мактабига айланди. Бу маҳорат мактаби тепасида Сухроб Рустамов билан бирга Юсуф Умиров, Иброҳим Азизов, Маматкиён Саломов, Ҳусан Раҳмоновдай тажрибали журналистлар бор эди. Бу мактаб Норқобил Жалил, Зебо Мирзо, Мусаллам Умирова, Инобат Нормуродова, Гулбаҳор Мусаева, Собир Маманов каби таниқли ижодкорлар учун бешик бўлди. Ҳар ойда ўтказиладиган жамоатчи мухбирлар ўқувлари газетанинг янада оммавий, ҳалқчил бўлишига кўмаклашди Тахририят пештоқида ёзиб қўйилған “Редакцияга келган ҳар бир киши мамнун бўлиб кетсин”, деган сўзлар мисоли шиорга айланди ва бу даргоҳга

келган киши ҳакиқатдан мамнун бўлиб кетадиган бўлди. Газетада ана шундай ижодий ва чиройли муҳитни яратишда Сухроб Рустамов бош-кош бўлди. Газетанинг обрў-эътибори ошди. Айрим муаллифларнинг мақолалари газетачилар ибораси билан айтганда ўнлаб “откликлар” келди.

Бу, албатта, менга ҳам устоз, ҳам ҳамкасб бўлган Сухроб Рустамов фаолиятидан бир шингил, холос. Аслида у воҳадаги биринчи олий маълумотли журналистлардан биридир. Журналистикага бўлган ўта кизиқиши уни Тошкент давлат университети (хозирги ЎзМУ)га етаклади. Кўп ва хўп ўкиши, ўз устида ишлаши, ижодий изланиши мақолалар ёзишга “кўли келиб қолган”лиги, колаверса, устозларидан олган сабоқларни Сухроб Рустамов учун кўл келди. Талабалик йиллари ҳафтанинг бир куни республиканинг турли нуфузли нашрлари таҳририятларида, республика радиосида амалиёт ўташи қаламини янада чархлади. Бўлажак журналист бўш пайтларида завод ва фабрикаларда бўлиб, вилоят ва республика газеталари ҳамда журналларга мақолалар ёзди.

Тўргинчи курсга ўтишгач, талабаларни турли вилоят газеталарига амалиётга жўнатишиди. Сухроб Рустамов Сурхондарё вилояти газетасига келди. У бу ерда киска вақт ичидаги кўп нарса ўрганди: бўлимлар, котибият иши билан яқиндан танишиди. Мехнат жабҳаларида бўлиб, катор долзарб мақолалар эълон қилди.

— 1962 йилнинг май ойи эди, — деб эслайди Сухроб ака, — барча битирувчилар ректоратда йигилганмиз. Ишга таксимлаш бўляяпти. Раҳматли ректоримиз Обид Содиков фамилиямизни ўқиб, яна ўзимиздан сўраб ишга йўлланма бераяптилар. Шунда у киши Сурхондарёга ким боради, деб сўраб қолдилар. Ҳамма жим. Шунда, мен бораман, дедим. “Раҳмат, ўғлим, сенга омад тилайман”, — деб карсак чалиб юбордилар. Узок Сурхондарёга бориб, ишга жойлашдим. Саноат бўлимида адабий ходим бўлдим. Ўша пайтлар шароит оғир, маош кам эди, лекин ҳаммасига чидадик. Ўн ойдан кейин масъул котиб қилиб тайинлашди. Қарийб икки йил бу вазифада ишлаб анча пишидим, тажриба орттирдим.

1964 йилда Қашқадарё Сурхондарёдан ажралиб, алоҳида вилоят бўлди. Ана шу йилнинг биринчи июлидан бошлаб “Қашқадарё ҳакиқати” вилоят газетаси чиқа бошлади. Мен ҳам университетни битириб, шу газетага ишга келдим ва дастлаб Сухроб Рустамов бошқарётган саноат, курилиш, транспорт бўлимида, сўнг қишлоқ хўжалиги бўлимида адабий ходим бўлиб ишладим. Кўп ўтмай Сухроб ака масъул котиб бўлдилар. Сўнг у киши билан Шахрисабз, Китоб ту-

манлари газеталарида бирга ишладик. Бир сўз билан айтганда, у киши устоз, биз шогирдмиз, биргаликда 30 йилдан ортиқ ижод қилдик.

“Қашқадарё ҳақиқати” газетаси ташкил этилган дастлабки йилларда Тошкентдан, Самарқанддан катта ижодий куч, иқтидорли ходимлар ишга келган эдилар. Нормурод Нарзуллаев, Исройл Мирзабеков, Ашурали Аҳмедов, Миркосим Тўлаганов, Ҳазрат Суннатов ва бошқаларни ҳали-ҳали хурмат билан эслаймиз. Ўша пайтлар ишлаш ва яшаш жуда оғир эди. Уй-жой йўқ, ҳаво иссик. Биз, ходимлар редакция бикинидаги кўримсизгина меҳмонхона ҳовлисида турардик. Газета чиқариш жараёни тонгача чўзилиб кетар лекин ҳеч нарсадан шикоят қылмай, кунни тунга улаб ишлардик.

Ана шу даврда Сухроб Рустамов вилоят ва республикамиз газеталарида ўзининг ўқимишли лавҳа, очерк, фельетон ва публицистик маколалари билан фаол иштиrok этди. Касб тақозоси билан бутун Сурхондарё ва Қашқадарё воҳасини, Қарши чўлинни, Амуударё бўйларини, қишлоқ ва шаҳарларни кезиб чиқди. Ана шулар натижаси ўлароқ газетхонлар хотирасидан ўчмайдиган маколалари юзага келди. Қарши ва Шахрисабздаги фабрикалар ишчилари хаётидан ёзилган “Ҳаётбахш ирмоқлар”, “Ип устида гул”, “Бешқўтон” массивини ўзлаштирувчилар хаётидан ёзилган “Кел, Бешқўтонга кел！”, Денов пахта тозалаши заводидан “Акл садоси” ва “Чаманзорлар оралаб” каби кўплаб лавҳа ва очерклари вилоят ва республика газеталарида чоп этилди.

Олтмишинчи йилларда чўлларни ўзлаштириш ҳаракати кенг кулоч ёди. Биргина Қарши чўлини ўзлаштириш умухалқ ҳашарига айланди. Ўшанда Сухроб Рустамов (1964-1966 йиллар) газетада Қарши чўлини ўзлаштириш ва капитал курилиш бўлимининг мудири эди. Кўп ўтмай газетада “Қарши чўли — Ватан гули” деган руҳн пайдо бўлди. Шу руҳн остида Сухроб aka Қарши Магистрал канали, Дўстлик, Таллимаржон посёлкалари курилишларидан, Муборак энергетиклари, геологлари ҳаётидан кўплаб материаллар эълон қилди. Ёзганлари ҳаётий чиқиши учун улар билан ҳафталаб бирга бўлди. Ўша пайтлар С. Рустамовнинг “Сафсатабозлик”, “Уйқудаги гўзал”, “Олимнинг тухмат халтаси” каби фельетонлари ҳам ўкувчилар орасида машҳур бўлган эди.

1969 йилда Шахрисабзга кўшилган Китоб тумани қайта ташкил этилди. 1 июндан туман “Ғалаба” газетаси чиқа бошлади. Ана шу кундан бошлаб Сухроб Рустамов газетада муҳаррир ва камина эса муҳаррир ўринбосари бўлиб ишлай бошладик. Газетани ташкил этиш, кадрлар тайёрлаш анча кийин кечди. Сухроб aka бор куч,

билим ва маҳоратини ишга солиб, ҳаммасининг уддасидан чиқди. Эски, кўримсиз бинодан янги бинога кўчиб ўтилди. Ижодий жамоа, жамоатчи мухбирлар тайёрланди. Газета ўзининг ижтимоий, сиёсий, маданий масалаларни кенг ёритиши билан эл оғзига тушди, вилоят ва республикага танилди. Ҳар доим туманлар газеталари ўртасида биринчи, иккинчи ўринларни эгаллаб келди. Шу тарика у “Фалаба” газетасига 23 йил мухаррирлик килди. 1992 йилдан “Шаҳрисабз тонги” газетасида мухаррир бўлиб ишга ўтди ва кўшни туман газетасига хам 10 йилдан зиёд раҳбарлик килди.

Мен ҳамиша Сухроб аканин иш устида, ҳаётда кузатганман. У ўзига ҳам, ишига ҳам, ходимларга ҳам ниҳоятда талабчан, таъби нозик, тозалик, озодаликни хуш кўрадиган, масъулиятни чукур хис этадиган инсондир. Ҳар бир топширикни ўз вактида тўла-тўкис бажармагунча, маколалардаги ҳар бир маълумотининг тўғри ва холислигига тўлиқ ишонч ҳосил қилмагунча кўнгли жойига тушмайди. Шу билан бирга одамларга, айнинса, ходимларга нисбатан ғамхўр ва меҳрибон, хушмуомала. Кўнглида кек сақламайди, қўлидан келганча ёрдам берсан, дейди.

Сухроб ака газетачиликни ипидан иғнасигача билади, десам муболага бўлмас. Корректура, адабий ходим, бўлим мудири, маъсул котиблиkkача бўлган лавозимларни босиб ўтди.

Мехнат фаолияти давомида Сухроб Рустамов кўплаб малакали шогирдлар ҳам етиштириди. Улар бугунги кунда вилоятимиз ва республикамизнинг турли газета ва журнallарида самаралин мехнат қилишмокда.

Камтар, камсукум, билимдон, ишchan ва етук журналист Сухроб Рустамовнинг меҳнатлари мунносиб тақдирланди. 1989 йилда унга “Республикада хизмат кўрсатган журналист” фахрий унвони берилди. Республика, вилоят, шаҳар ва туман миқёсида кўплаб фахрий ёрликлар олди. Депутат сифатида ҳам Китоб туманининг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этди.

Сухроб Рустамов тўрт фарзанднинг меҳрибон отаси. Турмуш ўртоғи Хосият Жабборова ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси. У мактабларда турли вазифаларда ишлаш билан бирга туман хотин-кизлар кўмитаси ранси, туман халқ таълими бўлими услубчиси лавозимларида ҳам самарали фаолият кўрсатди.

Бугун дўстим, устозим ва ҳамкасбим Сухроб Рустамов кексалик гаштини сурмоқда. Шуни мамнуният билан айтишим мумкинки, унинг ҳаётида эсласа, ибрат олса арзийдиган воқеалар жуда кўп бўлган. Мен ундан шинигил лавҳалар келтирдим, холос.

Бекзод БОТИРОВ



Бекзод БОТИРОВ 1984 йилда туғшыган. Ўзбекистон Миллий университети ижтимоий-сиёсий ғаннлар факультетини тұстапған. Түмандагы Ижтимоий-иктисодиёт колледжидә ишилдайди. Табиаттаға инсон ҳақидағы күплаб мақолалары вилюятта республика матбуотида чөн этилдеган.

ХАЙВОННИНГ БЕОЗОРИ БҮЛМАЙДИ Ёхуд айқыншылықтың ажабтовур килимдари

Жонзорлар ичида айық вазини катта, ўзи бесунақай бўлишига қарамай, негадир сода, бозор, асални хуш кўрувчи хайвон сифатида куз олдимизда гавдаланади. Ҳатто бу жиҳатни қора жигарранг ва оқ туздаги беғубор килиб тасвирланган, юмшок матолардан ишланган ёш болалар ўйинчоғи-айичаклар тимсолида ҳам кўриш мумкин. Ҳаётда инсон кўлига ўрганган кўча-куйда айық боласини етаклаб, унга турли “вазифа”ларни бериб, бажаришни талаб килган вазиятларда айқыншылық ҳам ҳар бир “топширик”ни аъло даражада удалаган воқеаларга кўп гувоҳ бўлганимз. Ташки кўринниши бироз инсонни сескантируса-да, аммо у ўзининг ҳатти-ҳаракатлари билан кишини умуман чўчитмайди. Том маънода айық инсоннинг ишончига кирган, бироқ бу жопиворнинг ғанда маълум бўлган турлари борки, бъязилари биз юкорида келтираётган фикрлардан мустасно. Айқларнинг айнан шундай турнга Китоб тумани ва Тоҷикистон Республикасини ажратиб турувчи чегара ҳудудида учрайдиган тоғ ола

айиги киради. Ушбу айқнинг ташки кўриниши одатдагилари билан бир хил, лекин рангидаги тафовут аниқ ажралади. Танасининг тим кора ранги ва оёкларидаги оқ ранг уни бошқаларидан фарқ киласди. Аксарият ҳолларда гўшт ейнишга одатланган бу ола айнқ камдан кам ҳолларда ўсимликларни емак қиласди. Қизик, бу хил айиклар инсонга кужум қиласдими?

Қашқадарё вилоятининг географик жойлашувида Китоб тумани муҳим ўрин тутади. Туманинг пурвикор тоғлари, мангу кор турувчи чўккилари табиат яратган мўъжизалар сирасиңга киради.

Мана шу ажойиб маконда яшаб, табиатнинг турли ажойиботларига кўп маротаба гувоҳ бўлган Раҳим бобо олис Шут қишлоғида истиқомат қиласди. Қишлоқ аҳолиси бу отахондан кўп соҳаларда маслаҳат олишади. Кўпни кўрган Раҳим бобо айни йигитлик чоғида айиклар билан бўлган бир қанча воеаларни эслайди. Дарвоке, Раҳим бобо маҳаллий овчилар орасида энг мергани ҳисобланади.

Айни ёзнинг тугал палласи. Ҳатто Ёрам Кўк ота чўккисидаги корлар ҳам эриб, Ботирбой дарасидаги жилғаларга кўйилган. Раҳим бобо ўшанда қирқ ёшларда эди. У дўсти Абдуназар билан тушлик тамаддисини қилиб, бироз уйкуга кетишди. Уйғонғандарида кўйлар суруви кўздан анча йироклашиб кетганди. Раҳим бобо ёткоғдан чиқаётсиб, дўсти Абуназарга шифтда осиглиқ турган ов милтиғини олиб чикишни буюрди. У милтиқни елкасига осиб, сочма ўқ тўла идишчани чап ён чўнтағига соганича Абдуназарга кетдик, деган маънода бош иргаб, йўлга тушди.

Икковлон сойдан юкорига кўтарилиб, сурув кетган томонга тахминан юра бошлашди. Сой ичи юкорига нисбатан анча илиқ эди. Гепага кўтарилганлари сари киши танасини жунжиктирувчи қандайдир шовқин бор, шабада эсар эди. Улар йўлда давом эта туриб, катта харсанг тошнинг ён томонида ўлжа пойлаб ётган айқнинг бош кўтарганини пайқамай ҳам қолишли. Чамаси ўн метрлар узокликда турган бўйнида оқ йўли бор қора айик кутилмаганда уларга ташланди. Довдираб қолган Раҳим ака милтиғини қўлига олиб айик томон тепкини босганидан сўнггина икковлон бироз сергак тортди. Ола айик беш-олти сония жойида тўхтаб, яна олдинга юра бошлади. Орқага бурилганича пала-партиш милтиқни ўқлаб, қўлидаги ўқдонни ерга ташлаб юборганини ҳам сезмаган Раҳим ака айик томон яна ўқ узди. Ерга тушган ўқдонни ўша заҳотиёқ қўлига олган Абдуназар ака навбатдаги отишга ўқларни тайёрлаб улгурди.

Танасидаги безовталыкдан айик ўкириб, бирозгина ўрнида тұхтаб олдингидан кўра тезроқ ҳаракатлана бошлади. Бир-икки қадам орқага жилиб, мерган нишонга такрор ўт очди.

Аммо айик олдга интилишдан тұхтамасди. Бу ҳол кўп маротаба давом этди. Факат овчи бироз орқага тисарилиб, унинг пешонасини нишонга олиб ўқ узганидан кейингина айик олд оёкларини кўзлари томонга олиб борганича кучли овозда ғингшиб ён тарафи билан йиқилди. Ҳансираф, барчаси тамом деган ҳаёлда бир-бирига тикилиб колган икки дўст воқеанинг кандай давом этишини хаёлига келтирмас эди. Ерда типирчилаб ётган ола айик ағдарилиб, бир-икки интилиши билан ўрнидан туриб, кутилмаганды уларга ташланди. Айикнинг кўзидан кон оқиб, тумшуги остидан кўкрагига билинрабилинмас сизиб борарди. Унинг бу сафарги ҳаракати анча суст, лекин аввалги важоҳатга нисбатан икки баробар ваҳший эди. Раҳим ака яқинлашиб колган чап кўзидан яраланиб юзи қонга беланганд айикнинг қок пешонасини мўлжалга олиб тепкини босди. Бу сафар айик худди олдингидек чап олд оёг (кўли)ни пешонасига олиб бориб олд тарафига қараб қулади. Овчи ва айик орасидаги масофа тўрт метрлар колганда милтиқдан отилган ўқ айикнинг кўлтиғи остига тегди. Шундан сўнг айикнинг ҳаракати тамомила тұхтади.

Бу пайтда Абдуназар ака кўлидаги ўқдон ичидә саноқли ўқ колган эди. Улар кўрқувларини босиб олиш учун бир муддат сукутда колишди. Жонсиз ётган айик ҳақиқатда жуда катта эди. Унинг олд оёкларини юкорига қилиб, узунасига ётқизиши. Қаричлаб кўришганида чамаси 3 метр келадиган бу айик сочма ўқлар тегиб ўтолмаган терисининг ўзи 102 кг тош босди. Раҳим ака шу пайтгача жуда кўп айикларга дуч келган эди, бирок бу сафарги айик умри давомида кўрганларининг энг каттаси, шу билан бирга у “айик инсонга ҳужум қиласидими?” деган саволга тўлиқ жавоб топган эди.

Раҳим аканинг ҳаётида айиқлар билан боғлиқ воқеалар кўп бўлган. Баҳорда қорлар зриб жилғалардан оқиб Қора Камар дарёсига куйилади. Ўша йили қор кўп ёқкани боис дарё суви анча кўп, ўзани ҳам кенгайган. Қўнғир айик дарё якинидаги андиз остини ўткир тирноклари ёрдамида ковлаб ўзига емак изламоқда. Малласифат калин кўнғир туклари ёмғирда хўл бўлиб хурпайиб колган. Узун андизни қўллар (олд оёклар)ига олиб катта ҳарсанг тошига ўтирганича томиридан чайнай бошлади. Дам ўтмай унинг атрофида бўри пайдо бўлди, лекин айикқа яқинлашмади. Айик ҳам бўрига қараб кўйдидা

эътиборсизларча кавшанишда давом этди. Бир пайт қарама-карши томондан яна бир бўри улар томон кела бошлади. Икки бўри ҳам бирданига дарё томон юрди. Айик дарё бўйига етганда тўхтади ва қўлларига ўртача коса катталигидек келадиган тошларни олиб, ўзига яқинлашиб келган “кутилмаган меҳмон”ларга навбатма-навбат қарай бошлади. Бўрининг бири айикнинг тескари тарафига ўтиш учун харакат килди. Аммо кўнғир айик бўрини кўймади. Орада қизик ҳолат рўй берди. Айик кўлидаги тошларни бир маромда бирини-иккинчисига ура бошлади, аста-секинлик билан зарб кучи ҳам орта борди, натижада айик кулоги остида қарс-қарс этган тош овози пайдо бўлди. Тошнинг бирини яқинроқ турган бўрига иргитди, тошга чап берган бўри айикка ваҳшиёна тикилишни давом эттириди. Дарҳол айик отилган тош ўрнига ердан бошқасини олиб одатдаги тош “мусиқа”сини янграта бошлади. Айик ёш, шу боис бўриларга нисбатан анча кучсиз эди. Лекин кучсизлигини уларга билдиришни ва “душман”ларига таслим бўлишни хоҳламасди, ўзини кутқариб қолиш учун тошларни пала-партиш улоқтириб, ўзини химоя қилишга уринарди. Бўрилардан бири тошларга чап бериб, чакконлик билан айикнинг ён томонига ўтиб олди. Айикнинг оғриқдан жонҳолатда инграши узоқдан воқеани кузатиб турган Раҳим акани сергак тортириди. Мерган елкасидаги қўшотар миљитини олиб, осмонга карата ўқ узди. Кулокни қоматга келтирувчи ўқ овозидан аввалига икки бўри, сўнгра жароҳатланган кўнғир айик дарё бўйини тарк этди.

Муталлага ёш бўлишига қарамасдан катта чорвани қора моллар подасини ишониб топширишган (воқеа бундан 9-10 йил илгари бўлиб ўтган). Тушдан сўнг у молларни йигиш учун кўтондан чиқаётib яқин атрофда тимискиланиб юрган айикқа кўзи тушди. Айик қора рангда бўлиб, бўйни ва баданининг баъзи жойлари ок тукли эди. Ола айик у ёк бу ёкка аланглаб келган изига қайта бошлади. Чўпон ҳам воқеанинг кай тарзда ривожланишига қизиқиб, унинг ортидан тушди. Айик йўлида давом этар, ортидан келаётган шарпага умуман эътибор килмасди. Айик анча йўл босди, ортдан келаётган Муталла чукур нафас олиб, нафас чиқариш асносида атайлаб у томон хуштак чалди. Айик жойида тўхтаб, ортига караганича бир дам чўпонга тикилиб қолди. Муталла ярим дакиқа ўтар-ўтмас яна хуштак чалди. Бир пайт жимгина туриб бепарволик билан ошно бўлган айик ҳудди инсон сингари чўпон томон хуштак чалди. Ҳайратда колган

Муталла айикнинг “санъат”ига ишонч ҳосил қилиш учун яна бир бор хуштак чалди. Ола айик томонидан навбатдаги уриниш ҳам аъло даражада уддаланди. Инсон ва ҳайвон ҳуштаги товушларида деярли тафовут йўқ эди. Чўпон ички бир ҳадисираш билан ортига қайтди. Айик ҳам у билан кетма-кет юрди, аммо қадамларини тезлатмади. Ортга тез-тез назар ташлаб келаётган Муталла қўтонга қандай етиб келганини ҳам сезмай қолди. Кулбасига кириб, эҳтиёт шарт катта пичоғини олиб, дарчадан ташқарига каради. Айик кулба яқинидаги ўтган йили кесилган дараҳт тўнкасига ўтириб, мўрига тикилиб яна бир бор хуштак чалди. Чўпон ташқарига чиқмас, айик эса тўнкадан пастга тушишни хаёлига ҳам келтирмасди. Бу ҳолат кариийиб 5 соат давом этди. Муталла коронгу тушганида амаллаб қўтондан чикиб, ўз уйига – Шут кишлоғига югуриб кетди.

Эртаси куни у 4-5 кишлоқдоши билан айик ўтирган томонни мўлжаллаб келди. Айик аллакачон кетиб бўлганди. Кишлоқдошларидан бири яқин орадан бошидан токи ярим танасигача тошлар билан кўмилган кари сигирни топди. Улар сигирни тошлар остидан олиш мақсадида ҳарсангларни четга суро бошлида. Тог арчасининг катта-кичик шохларини кетма-кет териб, устидан тошларни тартиб билан қалаб чиққан ола айик 100 метрлар узоқликдаги улкан арча тагидан воқеани кузатиб турарди. Нихоят бутун бошли сигирни қалама тош остидан суғуриб олишди. Куни кечак ўтлаб юрган сигирнинг боши мажоқланган эди. Олисда турган айик аламли ириллаганича дараҳтлар орасига кириб кетди. Шунда Муталла бобосининг: “Айик зоти гўштни саситиб, димиқтириб ейишни жуда хуш кўради”, деган сўзларини ёдига олди.

Алқисса, биз ўзимиз ҳам болалиқдан хўш кўриб ҳатто эркалаб, ардоклаб келган “Маймоқбой”дан болажонларни чўчитиш ниятидан йирокмиз. Шунчаки ҳайвоннинг беозори бўлмайди, демокчимиз, холос.

Аслида уларни қабиҳлик ва жирканч ишларни ақл билан режа асосида амалга ошираётган котил, одамфуруш, фирибгар инсонлардан йирокроқ бўлишга чакирсанк айни муддаодир. Зеро, ҳар қандай йиртқич ҳайвон ҳам бизнинг назаримизда ваҳшийлик ва ғайриоддий кўрининг ишларни аввало эҳтиёжга кўра ёки энг сўнгги ҳимоя во-ситасида кўллади. Ҳайвон ўз оти билан ҳайвон.

Ваҳший инсонлардан ўзи асрасин.

МУНДАРИЖА

<p>“Адабиётга эътибор — маънавиятга эътибор”. У.Худойкулов.....3</p> <p>НАЗМ</p> <p>Мулла Курбон Хиромий6 Жунайдулло Исломшайх ўғли Ҳозиқ.....9 Абдулла Шоир Нурали ўғли.....11 Исмоилхон Факирий.....13 Нажмиддинхон Ҳамидов.....15 Аббосхон Ҳамидов.....17 Муҳаммад Раҳмон.....19 ПўлодКурбон.....21 Иброҳим Азизов.....23 Тоҳир Бобоев.....25 Каҳҳор Расулов.....27 Акрам Аминов.....29 Зебо Мирзаева.....31 Норкобил Жалил.....33 Рустам Мусурмон.....35 Файрат Мажид.....37 ИмомҒуломов.....39 Жамшид Ҳақберди.....47 Зебо Раҳимова.....49 Мусаллам Умирова.....51 Инобат Нормуродова.....53 Бобокул Норкобил.....55 Маматкиём Саломов.....57 Махфират Ҳалилова.....59 Саъдулла Асрор.....61 Азамат Суюнов.....63 Муниса Ҳамидова.....65 АбдукаҳҳорҒаниев.....67 Эркин Ниёзали.....69 Нормурод Алиқулов.....71</p>	<p>ҲикматСамадов.....73 Ҳосният Жабборова.....75 МарямАхмедова.....77 Азамат Намозов.....79 Яшин Тўраев.....81 Ҳасан Курбонов.....83 Баҳодир Ҳалимов.....85 Матлуба Муқимова.....87 Дилдора Шодиева.....89 Гулнорай Ўлдошева.....91 Нажмиддин Исимиддинов.....93 Чучук Умарова.....95 Гулсара Самадова.....97 Замира Жавлиева.....99 Жасурбек Үсмонов.....101 Наргиза Муродова.....103 Аҳрорхон Ҳамидов.....105 Неъмат Баратов.....107 Бердимурод Очилов.....109 Ҳуршида Ҳамидова.....111 Ражаб Жабборов.....113 Нигора Махмудова.....115 Баҳодир Носиров.....117 Гулбахор Лукмонова.....119 Флора Илҳом кизи.....121 Бахтиёр Насриддинов.....123 Ӯлмас Нурматов.....125 Ўгилой Неъматова.....127 Зилола Жалолова.....129 Олима Тошматова.....131 ЗаҳроСайфиева.....133 Турсуной Ваҳобова.....135 Мафтуна Нурматова.....137 Собира Ҳумо.....139 Муштарий Пўлатова.....141 Ақбар Камолов.....143 Суннатилло Тошев.....145 Гулноза Курдатова.....147</p>
--	---

Мадина Нуруллаева.....	149
Сора Юсупова.....	151
Афрӯза (Кулмурадова).....	153

НАСР

МуродХидир.....	156
АбдугафурШукров.....	162
Маърифат Алиева.....	168
Лола Ўрокова.....	181
Салоҳиддин Исомиддинов.....	207
Эргаш Иброҳимов.....	218
Турсунмурод Эрматов.....	225
Дилғуз Зарипова.....	230
Абдулла Йўлдошев.....	252
Бахтиёр Муродов.....	258

ДРАМАТУРГИЯ	
Соли Пўлатов.....	262

ТАДДИКОТ, ТАРИХ, ПУБЛИЦИСТИКА

Махмуд Сагторов.....	274
Юнус Узоков.....	283
Рашид Бойтуллаев.....	290
Аҳад Бердисев.....	298
Юсуф Ҳамдамов.....	305
Каршибой Бердисев.....	309
Бекзод Ботиров.....	313

20000

Адаабий-бадиий нашр

КИФТИОБ ГУЛДАСТАСИ

Муҳаррир: Лукмон Бўрихон

Техник муҳаррир: Файзулло Азизов

Мусаҳҳих: Нодира Эгамқулова

Компьютерда терувчи: Садоқат Усмонова

«Муҳаррир» нашриёти

Лицензия: AI № 230. 2012 йил 16 ноябрь

Теришга 2013 йил 15 сентябрда берилди.

Босишга 2013 йил 18 октябрда рухсат этилди.

Бичими: 60x84  «Virtec Times» гарнитурасида
офсет босма усулида оғсет қозозида босилди.

20 шарт. б.т. 14,5 ҳисоб нашр. таб.

Адади 450 нусха. 135-сон буюртма.

«Муҳаррир» нашриёти матбаа бўлимида чоп этилди.

100060, Тошкент шахри, Элбек кўчаси, 8-уй

E-mail: muhartir@list.ru